

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Н.Н. ШОМУРОТОВА, И. МАХМУДОВ

**БОШҚАРУВ
ПСИХОЛОГИЯСИ**

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан иқтисодиёт
йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган.*

TOSHKENT- 2019

УЎК: 005.95(075.8)

КБК **67.404.1**

Ш 98 Yo-18

Бошқарув психологияси. Шомуротова Н.Н., Махмудов И. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 179 бет.

Мазкур ўқув қўлланмада бошқарув фаолиятини ташкиллаштиришнинг илмий, назарий-тариҳий ва замонавий асослари, психологияда бошқарув муаммоси ва унинг ижтимоий психологик табиати, бошқарувни самарали ташкил этиш шартлари, лидерлик феномени, турлари, раҳбар ва лидер тушунчалари тафовутлари ҳамда карьеранинг шаклланишига хизмат қилувчи бошқарувчиларга хос компетенциялар каби масалалар атрофлича илмий талқин қилинган.

Ўқув қўлланмада бошқарув психологиясининг асосий феноменлари, бошқарув жараёнларига хос билимлар ёритилган бўлиб, у 5111000 – Касб таълими (5230100 - Иқтисодиёт) ва барча иқтисодиёт соҳаси бакалавриат таълими йўналишининг “Бошқарув психологияси” фанидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.

В данной пособии подробно освещены научные и теоритико- исторические основы организации деятельности управления, проблема управления в психологии и ее социально-психологическая природа, условия благополучной организации управления также компетенции управляющих в формировании карьеры. В пособии описываются основные феномены психологии управления, знания о управлении процессах, и рекомендуется в качестве учебного пособия по предмету «Психология управления» бакалавриатам по направлению 5111000 - Профессиональное образование (5230100 - Экономика) и по всем другим областям экономики.

In given the grant scientific and teoritiko-historical bases of the organisation of activity of management, a management problem in psychology and its socially- psychological nature, conditions of the safe organisation of management also the competence of the managing director of career formation are in detail shined. Given educational grants it is calculated the big audience, in particular to psychologists, managers, economists also to experts of management working in sphere.

The manual covers knowledge of key phenomena of management psychology and managerial processes and is recommended as a manual on "Management psychology" for the becholar students in 5111000- Vocational education (5230100-Economics) and all fields of economics.

Масъул мухаррир иқтисод фанлари доктори

Тақризчилар:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий кенгаси томонидан чоп этишига тавсия қилинган

ISBN: 978-9943-05-691-6

УЎК: 005.95(075.8)

КБК **67.404.1**

© Шомуротова Н.Н., 2019
© «IQTISODIYOT», 2019

МУНДАРИЖА

Кириш	7
I. БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	11
1.1. Бошқарув психологияси фанининг бўлғуси раҳбар кадрлар тайёрлашдаги ўрни	11
1.2. Бошқарув фаолиятида инсон омилини билишнинг аҳамияти	15
1.3. Бошқарув назариялари ва Шарқ мутафаккирларининг бошқарув фаолиятига хос ижтимоий-психологик қарашлари	18
II. РАҲБАРЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ	26
2.1. Раҳбар шахси	26
2.2. Бошқарув услублари	40
2.3. Лидерлик ва бошқарув	48
2.4. Раҳбарлик мулоқоти ва унинг босқичлари	53
2.5. Бошқарув қарорларни қабул қилиш	59
2.6. Музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари	65
2.7. Раҳбар ва оила	76
III. ИЖТИМОЙ ЎРУХЛАРНИ БОШҚАРИШ	84
3.1. Гурухлар психологияси	84
3.2. Ташкилот катта гурух сифатида	86
3.3. Гурух бошқарув имконияти сифатида	94
3.4. Ташкилотда командалар	104
IV. ЖАМОАЛАР ВА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ	115
4.1. Ташкилот ижтимоий тузилма сифатида	115
4.2. Ташкилотдаги коммуникация	118
4.3. Ходимлар типологияси	124
4.4. Ходимлар мотивациясини бошқариш	133
4.5. Ташкилотда низоларни бошқариш	145
4.6. Кадрлар сиёсатини амалга оширишда психологик билимлар	154
4.7. Ташкилотда ходимлар адаптацияси	158
4.8. Ташкилотда ходимларни ўқитиш	163
V. БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	170
5.1. Шахсий мотивациялаш услублари	170
5.2. Мажлислар ўтказиш технологияси	172
5.3. Вақтни бошқариш	175
5.4. Бошқарувда назоратни такомиллаштириш	180
5.5. Инсоний муносабатлар бошқарув омили сифатида	183
Тавсия этиладиган адабиётлар	185

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	7
I. ПРЕДМЕТ, ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ ПСИХОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ	11
1.1. Роль психологии управления в обучении будущих менеджеров	11
1.2. Важность знания человеческого фактора в управленческой деятельности	15
1.3. Теории управления и социально-психологические взгляды востоковедов на управленческую деятельность	18
II. ПСИХОЛОГИЯ УПРАВЛЕНИЯ	26
2.1. Личность лидера	26
2.2. Стили управления	40
2.3. Лидерства и управления	48
2.4. Лидерский диалог и его этапы	53
2.5. Принятие управленческих решений	59
2.6. Психологические аспекты ведения переговоров	65
2.7. Лидер и семья	76
III. УПРАВЛЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ГРУППЫ	84
3.1. Психология групп	84
3.2. Организация как большая группа	86
3.3. Групповое управление как возможность	94
3.4. Команды в организации	104
IV. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СООБЩЕСТВА И УПРАВЛЕНИЯ КАДРОМ	115
4.1. Организация как социальная структура	115
4.2. Общение в организации	118
4.3. Типология персонала	124
4.4. Управление мотивацией персонала	133
4.5. Управление спорами в организации	145
4.6. Психологические знания при реализации кадровой политики	154
4.7. Адаптация персонала в организации	158
4.8. Обучение сотрудников в организации	163
V. ТЕХНОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ	170
5.1. Методы личной мотивации	170
5.2. Технология встреч	172
5.3. Управление временем	175
5.4. Улучшение контроля в управлении	180
5.5. Человеческие отношения как фактор управления	183
Рекомендуемая литература	185

CONTENT

Introduction	7
I. SUBJECT, GOAL AND OBJECTIVES OF MANAGEMENT	11
PSYCHOLOGY	
1.1. The role of management psychology in training future managers	11
1.2. The importance of knowledge of the human factor in management activities	15
1.3. Management theories and socio-psychological views of Orientalists on managerial activities	18
II. PSYCHOLOGY OF MANAGEMENT	26
2.1. Leader personality	26
2.2. Management method	40
2.3. Leadership and Management	48
2.4. Leadership dialogue and its stages	53
2.5. Managerial decision making	59
2.6. Psychological Aspects of Negotiating	65
2.7. Leader and family	76
III. SOCIAL GROUP MANAGEMENT	84
3.1. Group psychology	84
3.2. Organization as a large group	86
3.3. Group management as an opportunity	94
3.4. Team in organization	104
IV. PSYCHOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE COMMUNITY AND HUMAN RESOURCES	115
4.1. Organization as a social structure	115
4.2. Organization Communication	118
4.3. Staff typology	124
4.4. Personnel motivation management	133
4.5. Organization Dispute Management	145
4.6. Psychological knowledge in the implementation of personnel policy	154
4.7. Adaptation of staff in the organization	158
4.8. Employee training in the organization	163
V. MANAGEMENT TECHNOLOGIES	170
5.1. Methods of personal motivation	170
5.2. Meeting technology	172
5.3. Time management	175
5.4. Improving control in management	180
5.5. Human relations as a management factor	183
Recommended Reading	185

КИРИШ

Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши республикамизда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг долзарблигини янада оширмокда. Жамиятдаги тараққиёт, инсонлар ва техника муносабатлари такомиллашуви, мавжуд ижтимоий муносабатларни бошқариш ва меҳнатни ташкил қилиш мураккаб ижтимоий қонуниятларга асосланишини, замонавий бошқарув тажрибаси ва малакасини ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Фуқаролик жамиятини қуриш сари одимлаб бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар бошқарув масаласига тубдан янгича ёндашишини талаб қилмоқда, ҳамда бу соҳадаги масъулият ҳиссини ошириш вазифасини юкламоқда. Жамиятни фаоллашуви, меҳнат муносабатларини тартибли тизимга келтирилиши раҳбар салоҳияти ва фаоллиги билан белгиланади. Шу боис бошқарувчи раҳбарлар замонавий билим ва малакани пухта эгаллаган, бой тажриба ва мустақил фикр, хулосаларга таяниб иш кўра оладиган фазилатларни эгаси бўлиши лозим.

Бошқарув фаолиятида билим, тажриба, ақл, маҳорат, идрок ва кўникманинг роли катта. Бошқарув ижросини ҳар ким ҳам тўлақонли бажара олмайди. Бунда тугма имкониятлар, орттирилган ҳаётий тажриба, билим ва умуминсоний қадриятларга асосланиб фаолият юритилиши чин маънодаги “ижод”ни юзага келтиради. Бундай ўз устида тинмай ишлаш жамоа билан, халқ билан уйғунликни таъминлайди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ- 4947 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони¹ қабул қилинди. Мазкур Фармонда изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли, фидоий, ўз устида тинмай ишлайдиган, истиқболни кўзлаб фаолият юрита оладиган раҳбаргина бугунги тезкор ривожланиб бораётган жамият муҳитига мослаша олиши таъкидланади. Юқори ташкилотлардан буйруқ кутадиган, боқимандалик устуворлик қиласиган раҳбар бошқарувчилик қилиш фаолиятини уддасидан чиқолмаслиги туфайли жамиятдаги шиддатли тус олаётган ислоҳотларда ўз қарашлари, ғоялари ва раҳбарлик салоҳияти билан намоён бўла олмаслиги, бундан кейин шижаат ва ғайрат, билим-заковат билан фаолиятга киришадиган замонавий раҳбарлар тайёрлаш масалалари фармонда қайд этилган.

Маънавий юксалиш ва янгиланиш сари одимлаётган жамиятимизда шарқона бошқарувнинг ўзига хос тажрибаси шаклланди. Раҳбар шахси ўз фаолияти орқали кўплаб инсонларни тарбиялашга, турмуш тарзини ўзгартиришга, жамиятга ва ўзига бўлган масъуллигини оширишга таъсир қиласиди. Бу борада раҳбар чуқур фикрлай оладиган, чаққон, улдабурон,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ҳаракатчан ва шижаатли бўлиши, келажакка ҳар доим ишонч кўзи билан қарashi зарур.

Малакали раҳбар кадрлар тизимини мувваффақиятли шакллантириш учун ижтимоий психология, раҳбар психологияси ва бошқарув психологияси каби фанларни мукаммал ўзлаштиришларига эътибор қаратиш лозим. Бу борадаги муаммоларга Президент Ш.Мирзиёев қуйидагича тўхталганлар: “...ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди”².

Бошқарувга оид умумий қонуниятни яхши ўзлаштирган раҳбар маҳаллий халқ хусусиятлари ҳақидаги тажрибасига асосланган ҳолда ўз бошқарув малакасини мустақил такомиллаштириб бориши мумкин. Бундан ташқари, айни пайт республикамиз психологлари олдида бошқарув соҳасига оид барча масалаларни жамиятимиз ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганиш, ташкилотни янада мукаммал бошқариш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалага айланган. Бошқарув фаолиятида сусткашлик қиласидиган, фидойи бўлиб фаолият юритмайдиган раҳбарларни ҳали ҳамон мавжудлиги муаммолар ечими қийинлашишига сабаб бўлмоқда.

Халқ билан ёнма-ён бўлиш мавжуд муаммоларни объектив ҳал қилиш имкониятини яратади. “...айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда”, - дея Ш.Мирзиёев бошқарув соҳасидаги муаммоларга танқидий фикр билдириди³.

Кўриниб турибдик, фикри соғлом, тафаккури замонавий, Ватан, юрт деган туйғу билан яшайдиган, ўз юрти ва халқи манфаатлари учун жонини аямайдиган фидойи ёш кадрларни тайёрлаб бериш - бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу масаланинг ҳал этилишида фан, таълим, ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлиги, фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш илмий жараённи жадаллаштириш энг муҳим омиллардан биридир. Демак, бугунги тезкор ахборотлар аслида яшаётган бир замонда ҳар бир шахс бошқарувчи сифатида профессионал малакали, ўз фикри ва қарашларига эга бўлиши лозим. Бу эса бошқарувни мазмuni билан биргаликда, жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, бошқарув фаолиятини жиловини қўлида тутган раҳбар аввало инсон қадрини, унинг руҳий имкониятларини, феъл-атворини тушуниши зарур. Бу жиҳатлар раҳбарга бўлган ишонч, хурмат ва садоқатни шакллантиради. Қачонки, раҳбарлар ортидан келаётган халқни ҳис қила олсагина у чин маънодаги раҳбар деб тан олинади. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги билдирган фикрлари ўринлидир: “Дунёда қанча одам бўлса, ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша қадр-қиммати бор. Айни жиҳатни, аввало, раҳбарлар ҳисобга олса, ҳеч қачон кам

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 45 б.

³ Ўша асар, - 10 б.

бўлмайди. Одамни менсимаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Агар сен одамларни севмасанг, халқингни, сенга ишонч билдирган одамларни юрагингга яқин олмасанг, раҳбар бўлишга умуман ҳаққинг йўқ”⁴.

Ҳозирги бошқарув жараёнини такомиллаштириш масалаларида давлат аҳамиятида эътибор қаратилаётган бир пайтда мамлакатимизда турли хорижий давлатлар бошқарув-менежмент фаолиятини чуқур ўрганишга мўлжалланган мақсадли курслар ташкил этилган бўлиб, бу келажакда бошқарув соҳасида фаолият олиб борадиган мутахассис кадрлар салоҳиятини оширишни назарда тутади. Бошқарувчи раҳбарга хос этикет, маданият, нутқ ва ижобий муносабат кучли таъсир аҳамиятига эга бўлиб, кўл остидаги кишиларда руҳий кўтаринкилийк, иштиёқ ва ишонч ҳиссини юзага келтиради. Бу эса меҳнат самарадорлигига, ўз фаолиятидан қоникиш ҳисси таъминланишига, ўз фаолияти давомида ижодий ўсишга интилишни таъминлайди.

«Шунга аминманки, - деган эди Биринчи Президентимиз И.А. Каримов, - одам биргина ширин сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талқон қилиши мумкин. Афсуски, кейинги вактларда бизнинг баъзи раҳбарларимиз одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унутиб қўйганлар. Чунки одамга ишонч уни улуғлади, ўз кучига руҳий қувват бағишлади. Ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамларнинг ҳафсаласини пир қиласи ва шу туфайли биз қанчадан-қанча истеъдодли раҳбару ташаббускор ёшлиаримизни бой бермоқдамиз»⁵. Бу каби иллатлардан ҳоли бўлган раҳбар жамият ҳаётида янгича из қолдиришга, ўз тажриба мактабини яратишга муносиб бўлади. Ва ўз ўрнида жамият тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшиш, ишонч билдирилган лавозими вазифаларини ҳалол адо этиш, жамиятда эса эҳтиром ва хурматга сазовор бўлиш баҳтини топади.

Бунинг учун эса замонавий ҳар бир раҳбар республикамида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурига мувофиқ белгиланган янги талабларни бажара олишга тайёр бўлиши лозим. Жумладан, энг муҳимлари: ижтимоий психологик диагностика; гуруҳларда ўзаро шахсий муносабатлар; раҳбарлик муносабатларини таҳлил қилиш ва тартибга солиш; кадрларни бошқариш тизимини ахборот билан таъминлаш; раҳбарлик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва танлаш; кадрлар салоҳиятини ва ходимларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш; кадрлар маркетинги; раҳбарларнинг касбий ва ижтимоий психологик мослашуви (кўникиши); меҳнат жараёнидаги мотивлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, меҳнат психофизиологияси ва раҳбар профессиограммасини ўрганиш каби вазифалардир»⁶.

Демак, раҳбар бошқарувчи психологик билимларга асосланган ҳолда жамоадаги маънавий муҳитни самарали ташкилотчиси, юзага келган низоли вазиятларни оқилона ҳал этувчиси ва янгилик, ўзгаришларни тарғиботчиси сифатида ижтимоий компетенцияга эга бўлиши лозим.

⁴ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015.-209 б.

⁵ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 100-бет.

⁶ Фозиев Э. Психологиянинг методологик масалалари. –Т., 56-57-бетлар.

Мазкур ўқув қўлланма ёш, бўлгуси раҳбар ходимларни ва бошқарув соҳасида бевосита фаолият юритувчи раҳбарларни психологик жиҳатдан раҳбарлик фаолиятига тайёрлашда, бошқарув жараёнига хос компетенцияларини такомиллаштиришда амалий ёрдам беради, деган умиддамиз.

I боб. БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Бошқарув психологияси фанининг бўлғуси раҳбар кадрлар тайёрлашдаги ўрни

Жамиятдаги мавжуд белгиланган меъёр ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилишда, шахслараро муносабатларни бошқаришда бошқарув психологиясига хос бўлган билим ва тажрибаларнинг ўрни муҳим бўлиб, бу фан раҳбарлик фаолиятидаги юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда жамоалар ва шахсни бошқаришнинг самарали усулларини ўрганади. Бошқарув психологиясининг *предметини* бошқарув фаолияти ва жараёнлари ташкил этади. Раҳбар шахси, унинг фаолияти ва бошқарувга хос муаммоларни ўрганиш эса бошқарув психологияси объектини ташкил этади.

Бошқарув жараёнида раҳбар ўз фаолиятини ташкил этиши ва ўз-ўзини бошқариши уни нафақат бошқарув субъекти, балки объект сифатида ҳам назоратда тувиши лозимлигини кўрсатади. Раҳбарнинг касбий мукаммаллашуви, ўз-ўзини бошқариш малакаларини эгаллаши, ташкилот ва ходимлар бошқарувидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, бошқарув психологиясининг предмети сифатида, бошқарув жараёнидаги инсон фаолияти қабул қилинади. Ижтимоий психологиядан айнан шу жиҳатларига кўра бошқарув психологияси ажralиб туради. Фанинг объектини эса раҳбар шахси ва унинг фаолияти ташкил қиласди. Раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар катор фанлар доирасида ўрганилган бўлиб, фалсафада раҳбар-ходим ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, педагогикада эса бошқарувда тарбиявий ва таълимий жиҳатларга эътибор қаратиш ва педагогик тамойилларга амал қилиш, социологияда эса бошқарувга яхлит ижтимоий жараён сифатида қараш таъкидланади.

Бошқарув психологияси турли тоифадаги раҳбарлар фаолиятининг психологик муаммоларини ўрганади. Бошқарув фаолиятининг жамоалар объекти ҳисобланса, субъекти эса раҳбарлардир. Бошқарувнинг объекти алоҳида шахслар ёки гурӯҳлар бўлиб, уларга режалаштирилган, маҳсус усуллар орқали таъсир этилиб бошқарилади.

Жамият бошқарувини самарали амалга оширишда раҳбар кадрлар муҳим ўрин тутади. Давлатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг тақдири кўп жиҳатдан давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимларда ўтирган кишилар фаолияти, уларнинг ишга бўлган муносабати, инсоний сифатлари ва раҳбарлик маҳоратига боғлиқдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёк Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарув стратегияси илғор ғояларга асосланган бўлиб, миллий раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ўзагини ташкил этди.

Бошқарув психологияси фанининг *мақсади* муомала анъаналари, миллий қадриятларимиз, менталитетимизнинг ўзига хос нодир қирраларини йўқотмаган ҳолда жаҳон цивилизациясининг таъсирларидан, умуминсоний

қадриятлардан ҳоли бўлмаган бошқарувчилар қатламини шакллантириш, уларнинг фаолияти орқали адолат, инсонийлик ва демократиянинг асосларини инсонлар онги ва шуурига сингдиришdir. Раҳбар шахсини ўрганиш муаммоси кишилик жамиятининг барча даврларида муҳим масала бўлиб келган. Бунинг асосий сабаби, *биринчидан*, ҳар бир даврдаги ижтимоий муносабатлар ўзига хос равишда ижтимоий мавқе жиҳатидан кимнингдир юқори даражада туришини тақозо этган бўлса, *иккинчидан*, инсонларнинг ҳаёт кечириш тарзи, равнақи, даражаси, фаровонлиги, баҳтли турмуш кечириши шу юқори мавқедаги шахсга, унинг турли фазилатлари ва хислатларига боғлиқ бўлганлигидир.

Бошқарув ижтимоий психология билан бевосита боғлиқ бўлиб, энг аввало шахс ва унинг фаолиятини бошқариш демакдир. Бошқарувнинг асосини ижтимоий, хуқуқий, психологик ва бошқа билимлар ташкил этади.

Бошқариш – санъат, санъат эса қобилиятдир. Бошқарувчи раҳбар қонун, буйруқ ва кўрсатмаларга асосланиб фаолият юритса, психологик билимлар эса бошқарувнинг энг таъсирчан қуроли ҳисобланади. Шу боис бошқарув психологияси билан ижтимоий психология узвий алоқадорликка эга. Бошқарув фаолиятида раҳбар ўзининг ижтимоий хатти-ҳаракатини назорат қилиб, тартибга солиб боради. Бошқарув фаолияти тўғри йўлга қўйилмаса, ҳеч бир қарор ёки кўрсатма аниқ ва тўлиқ бажарилмайди.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳал этиладиган муаммоларни эмпирик асослаш назарий билимларни қанчалик чуқур ўзлаштирганлик билан ўлчанади. Бошқарув фаолиятини назарий фан сифатида ўрганилиши XX асрда юзага келган бўлиб, унинг асосини меҳнат психологияси ташкил этади. Меҳнатни самарали ташкил этиш инсонни мантиқий фикрлашга мажбур этади. Мантиқий фикрлаш бошқарувнинг самарадорлигини таъминловчи олий даражадаги талабидир. Жамият тараққиётининг барча босқичларида, жамиятни, жамоани қобилиятли, билимли кишилар бошқаришига эҳтиёж бўлган. Бошқарув фаолиятининг такомиллашиб бориши натижасида барча соҳани бошқариш усули юзага келади.

Бошқарув психологияси фанининг асосий *вазифаларига* қўйидагилар киради:

- бошқарув фаолиятига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш;
- бошқарувда гурухлар фаолияти ва уларни бошқариш қонуниятларини ўрганиш;
- бошқарувда касбий фаолиятнинг ўрнини эътироф этиш;
- бошқарувга шахслараро муносабатларнинг таъсири ва уларни бошқариш усувларини тарғиб қилиш;
- бошқарув тизимида раҳбарлик услубининг жамоадаги психологик иқлим шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш;
- бошқарувда психологик таъсир этиш усувларини тарғиб қилиш;
- бошқарувда лидерлик фаолиятининг ўрнини таҳлил қилиш;
- бошқарув самарадорлиги ортишида таъсирчан нутқ малакасига эга бўлиш шартларини эътироф этиш;
- омма олдида мазмунли нутқ сўзлаш, ўз қарашларини ёрқин ифода эта олиш раҳбарлик фаолиятида талаб этиладиган муҳим жиҳат эканлигини

ёритиш.

Бошқарув назарияси ва фаолияти хусусида сўз боргандা, бошқариш маданияти энг кучли омиллардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Бошқариш маданияти хуқуқий, ахлоқий нормаларни, миллий анъаналар ва инсоннинг маънавий бойлиги, профессионал компетенцияси қай даражада эканлигини қўрсатади. Бошқарув маданияти раҳбарнинг ички маданияти, дунёқараши, психологияси ва педагогик билимларининг даражаси билан ўлчанади. Бошқарув маданиятида меҳнат самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Самарадорликни доимий таъминлаш қийин, чунки раҳбар фаолиятида иш вактининг ўзи тартибга солинмаган, яъни унинг фаолияти узлуксиз давом этиши мумкин. Жамиятдаги ўзгаришлар ва талабларга монанд тарзда бошқарувни ташкиллаштириш ва унда инсон омилини, иш самарадорлиги таъминланишида бошқарувга хос мукаммал билим ва психологик ёндашувлар талаб этилади. Бу эса мамлакатимиздаги психолог мутахассисларга бу соҳа доирасида кенг қамровли эмпирик тадқиқотлар олиб боришни, амалий тавсияларини таклиф этишни тақозо этади.

Бошқарув психологияси фанининг асосий вазифаларидан бири жамоадаги расмий ва норасмий муносабатларни назорат қилиш ҳамда янада мукаммаллаштиришдан иборат. Расмий муносабатлар хизмат мажбуриятларига асосланади, норасмий муносабатлар эса жамоадаги хизмат қилувчи ходимлар ўртасидаги ихтиёрийлик ва ўзаро хоҳишга таянади. Бошқарув психологияси фанининг яна бир вазифаси бошқарув усусларини шакллантириш бўлиб, бу жамоанинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида таъсир этиш имкониятларини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Ташкилот ходимига таъсир этиш услубларини уч гуруҳга бўламиз: маъмурий, моддий ва маънавий шаклларда таъсир этиш. Буларнинг ҳар бирида маълум психологик мазмун намоён бўлади ва бошқарув психологияси фани доирасида бу чораларнинг ходимга таъсирчанлик имкониятини тадқиқ этади.

Бундай таъсир этиш тадбирлари орасида ходимларни мотивациялаш, яъни бажарадиган меҳнатга иштиёқ уйғотиш масаласига катта эътибор қаратилади. Мотивациянинг асосий мазмун-моҳияти ташкилот мақсади ва ходим манфаатларини уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, айнан шу масъулиятли вазифа, одатда раҳбар зиммасига юкланади. Бунда раҳбардан оқилона фикрлаш, ҳар бир ходим фаолиятини тўғри баҳолай олиш, ходимларни индивидуал хусусиятлари ва ички имкониятларини эътиборда тутган ҳолда вазифаларни тақсимлаш ва уни тўғри баҳолаш назарда тутилади.

Бошқарув объектига таъсир этиш услубларига кўра, унинг бевосита ва билвосита таъсир шакллари ажратилади.

Бошқарув фаолиятидаги жамоа ичida амал қилувчи итоат тамойили **субординация** деб аталади ва бу ибора орқали жамоанинг марказлашганлиги, ундаги мавжуд психологик иқлимининг ижобий шаклланганлиги тушунилади. Субординациядан келиб чиқувчи муносабатлар ташкилот ходимлари хулқида итоат ва ижро этиш шаклларини амал қилишини ифодалайди. Бироқ, бошқарув жараёнидаги муносабатлар нафақат раҳбарият ва итоатдаги ходимлар муносабатини, балки тоифаси жиҳатидан баробар ва бир даражада турувчи

ташкilot аъзолари ўртасидаги муносабатларни ҳам ўрганади.

Жамоанинг бундай қисмлари ўртасидаги муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик шаклларини янада мукаммаллаштириш **координация** тадбирларида амалга оширилади.

Бошқарувдаги субординация ва кординация муносабатлари ташкilot миқёсидаги вертикал ва горизонтал муносабат алоқаларини ажратиш заруратини туғдиради. Демак, вертикал алоқалар ўзаро итоатдаги ходимлар ўртасида юзага келувчи муносабатлардан иборат бўлса, горизонтал алоқалар ўзаро координацияни, яъни ташкилотнинг teng ва мустақил бўлимлари ўртасидаги муносабатларни назарда тутади.

Раҳбарнинг иш услуби жамоанинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Раҳбарнинг маълумоти, ёши, тажрибаси каби хислатлар унинг раҳбар бўлиб ишлашига таъсир кўрсатади, шу билан бирга раҳбарни раҳбар сифатидаги асосий таъсири унинг ўз олдига қўйган мақсадидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда раҳбарликка номзодларни танлаш борасида етарли тажриба тўпланган. Ҳар бир раҳбарликка номзод этилаётган кадр билан турлича тартибдаги сухбатлар ва синовлар олиб борилади. Масалан, унинг шахсий ҳужжатлари ўрганилади, якка тартибда сухбат ўtkазилади ва ҳоказо. Бўлғуси раҳбарлар билан психологик тест ўтказиб, психологик тренинг ташкил қилиш керак бўлади. Тренинг қўйидаги усусларни ўз ичига олиши мумкин: гурухда сухбат, муайян вазиятни таҳлил қилиш, психодрама, ролли ўйинлар ва ҳ.к.

Кучли раҳбарларга алоҳида психологик таъсир этиш усуслари зарур. Кучсизроқ раҳбарларга эса узоқ вақтга мўлжалланган тестлар, тренинглар ташкил этилиши лозим. Раҳбар психологик билимларга эга бўлиши зарурлигини инобатга олиб, психологик тайёргарликни қўйидагича ташкил қилиш мумкин:

- бўлғуси раҳбарнинг ўзигагина хос бўлган психологик хислатларни ўрганиш ва унинг психологик таъсир этиш имкониятларини аниқлаш;
- жамоада ижобий психологик мухитни сақлаб қолган ҳолда бошқарувни ташкил қилиш;
- жамоани бошқаришни раҳбарнинг ички психологик имкониятидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этиш.

Раҳбарнинг асосий мақсадларидан бири жамоани муваффақиятли бошқаришdir. Бошқариш фаолиятига психология аллақачон энг муҳим фан сифатида кириб келган. Раҳбарнинг ҳам ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бўлади, лекин бу камчилик ҳеч қачон жамоанинг фаолиятига таъсир қилмаслиги, тўғрироғи, у раҳбар билан қўл остидаги ходимнинг муносабати, иш фаолиятига таъсир қиласидиган даражада бўлмаслиги керак. Раҳбарнинг кайфияти, албатта, жамоага таъсир қиласиди, аммо ақлли раҳбар буни жамоага кўрсатмасликка ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун эса раҳбар психологик билимларга, саломатлик психологиясига оид тушунчаларга эга бўлиши, ўзини ҳар қандай вазиятда ҳам бошқара олиши, ҳиссиёт ва эҳтиросларини жиловлай олиши тақозо этилади.

1.2. Бошқарув фаолиятида инсон омилини билишнинг аҳамияти

Бошқарув фаолиятидаги амалга ошириладиган ҳар бир фаолият ва қарорлар инсон учун хизмат қилмоғи, унинг фаолияти мазмунидан келиб чиқмоғи лозим. Инсон омили жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларнинг инсон манфаатига хизмат қилишидир. Қарор қабул қилиш бошқарувдаги сўнгги босқич бўлиб, унинг натижаси инсон омили билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий жамиятдаги амалга ошириладиган бошқарув тизимида барча омиллар инсон манфаатларини химоя қилишга қаратилиб, манфаатлар эса шахснинг нима сабабдан бундай вазиятга тушиб қолгани, яъни бунинг сабаб ва оқибатларини аниқ таҳлил қилишга қаратилади. Шарқ халқларининг бошқариш санъатида ана шундай инсоний ёндошувларга асосланилган бошқарув тамойилини кузатамиз.

Бошқаришда қаттиқўллик ҳам ўз ўрнида қўлланилса, яхши самара беради. Аммо «Ўзгаларнинг хатосини тўғридан-тўғри эмас, балки ёрдамчи воситалар билан кўрсатинг», деган қоидага амал қилган ҳолда фаолиятни ташкил қилиниши ўзаро муносабатларга дарз кетишни олдини олади. Раҳбар ходим фаолияти давомида инсон омилини билиши муҳим. Ҳар доим касбий психология ва бошқарув психологиясининг уйғунлиги юзага келиши керак, чунки касбий психология касбнинг раҳбар фаолиятига таъсири ва касбий деформация ҳақида фикр юритишга мажбур қиласиди. Касбий деформация деганда, ҳар бир касбнинг шахс ижтимоий турмушкига таъсири тушунилади. Хўш, булар қайси хатти-ҳаракатларда кўзга ташланади. Масалан, жиноий жазони ижро этиш тизимида ишлаган ходимнинг дунёкараши ва психологиясида ўзгариш юз бергани учун ҳам касбий бузилиш вужудга келади. Бундан ташқари, раҳбар доимо кўл остидаги ходимнинг хатти- ҳаракатига эътибор бериши, ишидаги самарага, ишга, топшириққа муносабати қандайлигини инобатга олиши лозим. Раҳбар томонидан берилаётган эътибор ва мотивациялар ходимни оптимист кайфиятда, ишчанлик билан ишлашига ва саломатлигига, ўзаро муносабатларини ижобий мазмун касб этишига таъсир қиласиди. Бунинг учун раҳбар кўл остидаги ходимларини характеристи, темпераменти ва фикрлаш тарзини тушуниши ва ҳисобга одиши лозим.

Инсоният руҳиятининг қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг «дахли бўлмаган» соҳанинг ўзи йўқ. Инсоният тафаккурининг тараққиёти психология фани билан боғлиқ. Психология фанига бугун ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, кишиларнинг онгини, ҳаёт ва турмуш тарзини шакллантирадиган, ижтимоий психологик муносабатлар бугунги қунда бутунлай янгича маъно-мазмунга эга бўлиб бормоқда. Бугунги қунда янги тарих саҳифасини очиб дадил одимлаётган бизнинг давлатимизда раҳбар кадрлар тайёрлаш сиёсати биринчи ўринга чиқди. Мустақиллик ғоясини тарғиб қилинишида ишчан, шиҷоаткор ва янгича фикрлайдиган раҳбарларга эҳтиёж борлиги аниқ бўлди. Бу фикрлар кенг камровли бўлиб амалда раҳбар кадрлар тайёрлашга йўналтирилган таълим муассасалари билан жамият ва шахс манфаатлари мослигини ифода этади. Шунинг учун кучли демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат стратегик йўл давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида

фаолият кўрсатувчи, янгича фикрлайдиган малакали раҳбарларни тайёрлашни назарда тутади. Бу тезкор дунёда яшаётган ёшлар гуруҳи борки, уларнинг ҳар бирида ўзига хос иқтидор ва салоҳиятни кўриш мумкин. Бу хусусиятлар орқали инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи белгиланади. Лекин ҳамма ҳам жамиятда ўз иқтидорини намойиш этолмайди. Демак, ана шундай, шижаотли ёшларни топиб, уларни тўғри йўлга йўналтириш, ўз қобилиятларини намоён эта олишларига имконият яратиб бериш муҳим масалалар сирасига киради.

Бугун ҳайрихоҳликка, кўмакка муҳтож ёшларимиз эртага давлатимизнинг асосий суюнчи ва раҳбар сифатида таянчи бўлолади. Бунда раҳбарнинг вазифаси эса бошқарувнинг ижтимоий фаоли сифатида, жамиятнинг, умуманжаҳон цивилизацияси ютуқларини ўзлаштириш учун қулай шароит яратади. Бу шароитлар раҳбар бошқараётган барча таълим тизимида, уни ташкил этиш, бошқариш фаолиятига ва айникса таълимнинг давлат стандартлари, укув режалари ва дастурлари, дарсликлар, ўқув-услубий адабиётлар мазмунига уйғун равищда сингиб кетиши, узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида Миллий дастурда кўрсатилган натижаларга эришишни таъминлаши билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳам Олий ва ўрта маҳсус таълим, ўрта мактаб ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари учун раҳбарлик муаммоси азалдан долзарблиги билан бошқа инсоншунослик категорияларидан кескин ажралиб турган ва бундан кейин ҳам жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида худди шундай юксак нуфузга эга бўлиб қолаверади.

Жамият мавжуд экан, унинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи, моддий ва маънавий маҳсулот яратувчиси бўлмиш инсоннинг ахлоқи, ақл-идроқи, юксак ҳис-туйғуси, иродавий фазилати, қобилияти ва салоҳияти юзасидан янги маълумотларга эга бўлиш масаласи ўз мавқеини асло йўқотмайди. Худди шу боисдан инсон шахси, унинг камолоти, унга таъсирэтувчи ички ва ташқи психологик омиллар таъсири, тажриба ва интилишнинг роли масаласи XXI асрда ҳам тадқиқ этишга муҳтождир. Раҳбар шахсини ўрганиш масаласи билан нафақат психология, педагогика, социология, сиёсатшунослик, тарих каби ижтимоий гуманитар фанлар шуғулланади. Ҳозирги даврда раҳбар муаммоси аниқ, гуманитар ижтимоий фанларнинг умумий тадқиқод объектига айланиб бормоқда ва бу жараён кейинги асрда янада жадаллашади". Шунинг учун ҳам жаҳон психологияси, тўплаган назарий ва амалий маълумотларга кўра, ҳақиқий инсонийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, фуқаролик бурчини, Ватан туйғусини чуқур ҳис этадиган, юксак ахлоқий салоҳиятларга эга бўлган қобилиятли раҳбар шахсини тарбиялаш замон талабига айланмоқда. Миллий истиқлол мафкураси билан қуролланган, янги типдаги юқори малакали раҳбар ходимлар авлодини тарбиялашда психология фани масъулиятини ошириш, уларнинг руҳий оламида сиёсий, маънавий-маърифий ташкилотчилик, ташаббускорлик фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш, раҳбарликнинг мукаммал тизимини вужудга келтириш вазифалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Раҳбар маънавий етуклигининг ўзигина таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини белгилай олмайди. Бу ишлар раҳбарнинг шахсий

намунаси, ўзи раҳбарлик қилаётган турли таълим тизимини талаб даражасида йўлга қўя билиши, педагогик ходимлар меҳнатини қадрлаши ва чукур англаши, уларни ўз вақтида маънавий ва моддий рағбатлантириб бориши, бир сўз билан айтганда, инсоннинг руҳий психологияк оламига муттасил равишда эътибор бериши билан мустаҳкамланади. Мазкур омиллар нафақат таълимий самара беради, балки таълим муассасаларида соғлом маънавий, психологик муҳит ҳам яратади. Шу ўринда раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти, маънавий маданиятининг моҳияти ва психологик хусусиятлари ҳакида ҳам кенгрок фикр юритиш ўринли бўлади. “Раҳбарнинг маънавий маданияти -раҳбарда шаклланган (ички) руҳий қувватдир”⁷.

Раҳбарда шаклланган маънавий-психологияк маданият аждодлардан ўзлаштирилган, шунингдек катта авлод томонидан эришилган барча фазилатлар тўплами билан характерланади. Раҳбардаги маданият - унинг раҳбарлик фаолият усули ва ривожланиш мезонидир. Маънавий, психологик жиҳатдан шаклланган раҳбар бўлиш бу ҳар қандай ижтимоий психологик муҳитда ўзини тута билиш, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада ва кенг жамоатчиликда соғлом меҳнат муҳитини яратишдан ва инсонларга самимий муносабатда бўлишдан қоникиб яшашдир. Маънавияти шаклланган раҳбар ўзи яшаётган ижтимоий ҳаётда ёмонликка, адолатсизликка, қонун бузилишларига, ватан хоинларига қарши фаол курашишда ирода ва шижаот топа олади.

Раҳбарлик фаолиятини самарали ташкиллаштиришда раҳбар ўз қўл остидаги инсонларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини, қизиқишиларини, кўйикма, малака ва қобилиятларини билиши аҳамиятга эга. У кишиларнинг умумий ва хусусий қобилиятларини, темперамент типларини, характер хислатларини усталик билан ҳисобга олган ҳолда иш тутмоғи керак. Масалан, айрим кишилар тезкор ҳаракатларга таянсалар, бошқаларда эса мантиқий фикр юритиш устун бўлиши мумкин. Шу каби шахсий сифатларни ҳисобга олган ҳолда маълум вазифаларни тавсия қилиши ва бошқарув занжирида уни ўз ўрнига қўя билиши, психологик имкониятларидан келиб чиқиб ижрочилик вазифасини унумли тарзда кўра билмоғи керак.

1.3. Бошқарув назариялари ва Шарқ мутафаккирларининг бошқарув фаолиятига хос ижтимоий-психологияк қарашлари

Бошқарув психологиясининг фан сифатида юзага келишида бошқарувга хос бўлган назарияларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Инсоният жамиятида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва унда инсон омилини эътиборда тутиш масаласи ҳар доим долзарб бўлган.

Инсон фаолиятини ва уни бошқариш имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганиш XX асрдан бошланган. Мутахассис олим *И.Махмудовнинг «Бошқарув психологияси»* (2006)⁸ ўқув қўлланмасида таъкидланишича, ташкилот

⁷Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, ҳалқ таълими согликни сақлаш, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурӣ ходимлари учун қўлланма..- Т.: Янги аср авлоди, 2007.- Б. 9.

⁸ Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланмаси / Масъул мухаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА «Раҳбар» маркази; «YUNAKS-PRINT» МЧЖ, 2006. – Б. 10–13.

менежментини ўрганувчи олим *В. Спивак* бошқарув назарияларининг ривожланиш тарихини қўйидаги даврларга ажратган ҳолда тадқиқ этган:

Илмий бошқарув мактаби ёки меҳнатни илмий ташкил этиш мактаби (1885–1920). Бу илмий бошқарув мактаби *Ф. Тейлор, Френк, Л. Гилбрет* ҳамда *Г. Гантт* номи билан боғлиқ. Бу илмий бошқарув мактабининг ижодкорлари қўл операцияларини мукаммаллаштириш мумкин деб ҳисоблашган ва самарали бажаришга эришганлар. Илмий бошқарувнинг биринчи услубий даври – иш мазмунини таҳлил қилиш ва унинг асосий компонентларини аниқлашдир.

Ушбу йўналиш асосида америкалик олим *Ф. Тейлор* номига қўйилган «тейлоризм» таълимоти ётади ва бу соҳада олиб борилган АҚШдаги дастлабки изланишлар 1885–1920 йилларни ўз ичига қамраб олади. *Ф. Тейлор* малакасиз ишчилардан самарали ва teng фойдаланиш мақсадида, мураккаб ва малака талаб этувчи меҳнат фаолиятини майда қисмларга ажратди.

Меҳнат жараёнини маҳсус қисмларга ажратиш натижасида, *Ренсом Олдс* 1902 йилда конвейер усулини яратди ва автомобиль йиғиш заводига татбиқ этди. У таклиф этган услуб бўйича иш олиб бориш натижасида йиллик маҳсулот 425 донадан 2500 тага кўпайди. *Генри Форд* эса бу услубни янада такомиллаштириш орқали, автомобиль ишлаб чиқаришга кетадиган вақтни 20 мартаға камайтириди ва нафақат Америка, балки кейинчалик бутун жаҳон автомобиль бозорини ишғол қилди.

Бошқарувда классик ёки маъмурий мактаб (1920–1950)

Ушбу ёндашув 1920–1950 йилларда бошқарувда кенг миқёсда татбиқ этила бошланиб, унинг ғояси *А. Файол* номи билан боғлиқ. *А. Файол* бутун меҳнат жамоасини яхлит тизим сифатида баҳолайди ва у алоҳида меҳнат фаолиятларини эмас, балки бутун ташкилотдаги бошқариш тамойилларини, бошқарув функцияларини, бошқарув тизимини такомиллаштириб меҳнат самарадорлигини оширишга эришади.

Инсоний муносабатлар мактаби (1930–1950)

Инсоний муносабатлар мактаби. 1924 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Бу ёндашувнинг биринчи тасдиғи америкалик психолог *Элтон Мэйонинг* «Хоторн тажрибалари» билан боғлиқ. У ўз тадқиқотларида ишчиларга алоҳида эътибор бериб, ғамхўрлик қилиш ва муносабатни орттириш орқали «Western Electric» компаниясида меҳнат унумдорлигини оширишга эришган. Демак, бошқарув фаолиятида маълум бир янги техник воситаларни ўзгартириш билангина эмас, ўзаро муносабатларда эътибор ва самимийликни орттириш орқали ҳам иш самарадорлигини ошириш, инсонга тўғри йўналтириш орқали таъсирлантириш мумкинлиги исботланди.

Миқдорий ёндашув

Бу ёндашув 1950 йилдан ривожлана бошлади, унинг асосий моҳияти гуруҳ ва ташкилотларни бошқаришда математик методлардан, хусусан, меҳнат операцияларини таҳлил этиш, математик моделлар яратиш услубларини қўлланилишидир. Ташкилот бошқаруви тизимиға айнан мос модел яратиб бўлмаса-да, лекин математик аппаратни қўллаш натижасида бошқарув жараёнини чукур билиш ва айрим иқтисодий натижаларни башорат қила олиш имконияти ошади. Бу орқали ишчиларда ички ҳимояланиш ва аниқ режаларга

асосланиш имконияти ортиши кузатилган.

Бошқарувга жараён сифатида ёндашии

Бу ёндашии мазмунида жамоа ҳаётига мураккаб ва динамик жараён тарзида қаралади ҳамда бошқарув ўзаро боғлиқ функцияларни бажаришнинг узлуксиз жараёни сифатида тушунилади. Бундай функциялар сифатида: режалаштириш, ташкил этиш, топшириқлар бериш (маъмурий бошқарув), мотивлаштириш, раҳбарлик, координация, назорат, тадқиқотлар, коммуникация, баҳолаш, қарор қабул қилиш, персонал танлаш, музокаралар олиб бориш ва ваколат бериш кабилар киради. Агар ана шу функцияларни қай бири бажарилмас экан бошқарув фаолиятида муаммолар келиб чиқиши, улар бир-бирларини тўлдириб мазмунга эга бўлиши таъкидланади. Шу боис бошқарув фаолиятида ҳар бир кичик вазифани бажараётган ходимни ҳам ўз улуши ва хизмати борлигини унутмаслик керак.

Тизимли ва вазиятли ёндашувлар

Бу ёндашувлар орқали эса, меҳнат фаолиятидаги шахс учун ҳар қандай вазият, шарт-шароитлар хулқига таъсир этувчи омил эканлиги таъкидланади. Меҳнат жамоасидаги амалга ошаётган жараёнлар, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ҳамма иштирокчилар ўртасида сабабий алоқа мавжудлиги, ташқи муҳит ва вазият ходим хулқидаги ҳал этувчи омил эканлигини тушунтиради. Шахсни шуғулданаётган фаолият тури уни фикрлашига, хулқ-авторига мазмунан таъсир қиласи. Шу боис муҳит ва вазиятларни ташкилот ва жамоаларда ижобий таъсир кучига эгалигини инобатга олиш бошқарув самарасига таъсир кўрсатади.

Инсон капитали назарияси

Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув – «**инсон капитали**» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхонадаги ишчи кучи капитал сифатида, масалан пул тарзида идрок этилади. Ҳар бир салоҳиятли кадр ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнати орқали каттагина молиявий даромадни таъминланишига ҳисса қўшади. Шу боис улардан самарали фойдаланиш, уларга шароит яратиш ва уни кўпайтиришга эътибор қаратилади.

Инсон ресурсларини ривожлантириши концепцияси

Инсон ресурсларини ривожлантириши концепцияси замонавий ёндашувлардан бири бўлиб, бунда ташкилот манфаати учун ходимнинг ўз ташаббуси бўйича самарали меҳнат қилишида яратиладиган шароитлар муҳим масала деб қаралади. Ташкилот персоналини ривожлантириш омили сифатида ходимларнинг эҳтиёжини аниқлаш ва қондириш, уларнинг касбий ва шахсий камолотга эришиши учун шарт-шароит яратиш ғояси ётади. Ходимларга турли малака ошириш, ўз устида ишлаши ва ўз салоҳиятини намоён эта олиши учун шарт-шароитларни яратилиши орқали таъсир этиш натижасида ишчининг меҳнатга ижобий ёндашуви ва самарали меҳнати таъминланади.

Юқоридаги асосий бошқарув концепциялари ўз даврига хос бўлган персонал бошқарув услубларини ифодалайди. Ҳатто ҳозирги пайтда ҳам турли ташкилот ва раҳбарлар юқоридаги келтирилган ёндашув элементларини ўз фаолиятида қўллаб келадилар. Ташкилот раҳбари мавжуд иқтисодий аҳвол, қўл

остидаги ходимлар хусусиятига асосланган ҳолда турли ёндашувлардан биронтасига урғу бериши, ташкилот манфатидан келиб чиқиб, у ёки бу йўналиш моделларини жамоалар бошқарувига татбиқ этиши мумкин. Аммо, кўзланган мақсадга ташкилотдаги персоналнинг фаол иштироки орқали эришмоқчи бўлган раҳбар, иложи борича ўз ходимларида ташаббусга мойиллик, иш натижаси учун юксак масъулият уйғота олиши лозим. Айнан шу мақсадни кўзлаган раҳбар иложи борича инсон ресурслари ёндашувига қаратилган назарияга асосланиши ўринлидир. Замонавий психология ҳам иложи борича инсонни айнан шу нуқтаи-назарда тушунишга ва шахс камолотини унинг ички заҳираларини уйғотиш орқали эришишга интилади⁹.

Бошқарув билимлари кўп жиҳатдан давр эҳтиёжини акс эттирувчи асосий манба ҳисобланади. Бошқарув жараёни, бир томондан, жамоанинг яхлитлигини таъминласа, иккинчи томондан, уни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини беради.

Бошқарув фаолиятига хос шарқона қараш ва ёндошувлар ҳам мавжуд бўлиб, мутафаккир аждодларимиз бошқарув фаолиятининг назарий ва таҳлилий жиҳатларига тўхталиниб, адолатли ва адолатсиз муносабатлар юзага келиши раҳбар шахсига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фикрларни келтирадилар.

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққанини, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, Ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”¹⁰.

Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Узлуг Тархон ўрта аср мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни бошқаришнинг асоси ҳақидаги билимлар тизимини ишлаб чиқкан. Ўз асарларида қуйидагилар ҳақида чуқур фалсафий-сиёсий қарашларини баён қиласади:

- жамиятнинг келиб чиқиши;
- давлатнинг пайдо бўлиши;
- унинг шакллари;
- давлат раҳбарининг вазифалари;
- улар олдига қўйилган асосий талаблар;
- давлатни идора қилиш.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида аҳолининг маънавий ва психологик жиҳатдан бошқарилишида фозил одамлар шахрида шаҳар аҳолисининг стратометрик хусусиятларга кўра табақаланиши лозимлиги уқтирилади. Бунда жамият аъзоларининг ўзларини бошқаришларида

⁹ Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма / Маъсул мухаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА «Раҳбар» маркази; «YUNAKS-PRINT» МЧЖ, 2006. – Б. 10–13.

¹⁰ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008.-Б. 45-52.

жамиятнинг ўзини-ўзи бошқарилишига олиб келиш лозим, лекин бу билан бир вақтнинг ўзида ҳар бир аъзо ўз психологияк-маънавий камолотини усул ҳамда йўналишига кўра яккахон тарзда мавжуд бўлади.

«Шуларнинг ҳаммасини икки йўл билан олиш мумкин. Биринчидан, юқоридаги ҳодисалар аслида қандай мавжуд бўлса, инсон қалбига, қўнглига ўшандай ўрнашиб қолса, бошқаларнинг қўнглида бу билимлар қиёсий ёхуд тақлид асосида вужудга келади. Баъзи одамлар ўша нарсаларни ўzlари ҳис этишлари туфайли қўнгилларида шу билимлар вужудга келади»¹¹.

Форобий бу фикрни давом эттириб: «Иккинчидан, ушбу сифатларга эга бўлмаган одамлар бирикмаси эса, жаҳолатдаги ва адашган шаҳарларнинг аҳолисини ташкил қиласди. Фикрлашлар, ғазаб, ҳасад, нафратга асосланган бундай шаҳар аҳолиси... доимо бир-бирларига қарши курашиб бир-бирларига душманлик қиласдилар, энг кучлилари бошқаларга нисбатан мукаммалроқ тузилган бўлади. Голиб келганлар ҳам бир-бирларини йўқотишга уринадилар, гўё бошқа мавжудотлар номукаммалдай, уларнинг борлиги буларга зарар келтирадигандай, ёхуд бошқалар уларга фақат қулдай хизмат қилиш учун яратилгандай, барчаси бир-бирини эзиб ишлатишга интилишади»¹².

Форобий, шунингдек, инсонларнинг яхши ҳаёт кечириши бошқарувчи, яъни раҳбар шахсига боғлиқ эканлигини, унинг турли фазилатлари бу борада унга ёрдам беришини уқтиради. Унинг фикрича, бу ўринда раҳбар шахси учун гуманистик, иснонпарварлик хусусиятлари муҳимдир: «Кимки бирорни баҳт ва саодатга эриштириш учун зарур бўлган иш-ҳаракатларга руҳлантира олиш қобилиятига эга бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди. Улар йўл-йўриқларни ўтмишда яшаб ўтган қараб ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартиromoғи керак. Акс ҳолда ўтмишни бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак ўтмишдаги расм-руsum, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим топса, турмуш шароити тақозосига талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди»¹³.

Форобийнинг бу фикрларидан кўринадики, раҳбар шахси биринчи навбатда ўзини ёмон одатлардан озод қила олиши, бошқаларни яхши ишларга руҳлантира олиши керак экан. Бу фикрларнинг бугунги кунимиз учун ҳам аҳамияти йўқолмаганлигини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг буюк донишмандларидан бири бўлмиш Абу Райхон Беруний ҳам бошқарув ва бошқарувчи шахси хусусида ўзининг бир қатор фикр-мулоҳазаларини баён этган. У ҳар бир кишига баҳо бериш учун, унинг қилган ишини кузатиш мумкинлигини таъкидлайди: «Ҳар бир одамнинг баҳоси ўз ишини ажойиб бажаришидадир»¹⁴.

Беруний ўзининг «Хиндистон» асарида ушбу ғояни илгари суради: «Табиати жиҳатидан бошқариш ва сиёsat ишларига қизиқувчи, бошлиқ

¹¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993 – Б.167.

¹² Ўша манба -Б. 170.

¹³ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 160.

¹⁴ Беруний Абу Райхон. Индия. Соч., т.2. – Т.: Фан, 1963. – С. 8.

бўлишга фазилат ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадда саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилиб олган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши олдида турғун тоғлар сингари маҳкам бўлиб, у буйруққа кўп вақтлар ва узоқ замонлар ўтса-да, кейингилар ҳам бўйсунадилар»¹⁵. Унинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарашларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда донишмандлар томонидан билдирилган илғор мулоҳазаларга бўйсуниши лозим. Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучизлар орасида тенглик ваadolat ўрнатишдан иборатдир. Ҳокимнинг муҳим вазифаларидан яна бири фан тараққиётига, олимларга ғамхўрлик қилишдир¹⁶.

Демак, Беруний ўз инсонпарварлик ғоялари билан бошқарув ва раҳбарлик психологияси таълимотлари ривожига ўз ҳиссасини қўша олди. У инсонлар орасида ўзаро тушуниш, тенглик ва бошқарувда адолатни ҳимоя қилиб чиқдики, бу фикрлар бугунги кундаги бошқарув фаолиятини ташкил этилишида ҳам аҳамиятлидир.

Абу Али ибн Сино жамиятдаги моддий тенгизликни эътироф этиб, кишиларнинг ҳаммаларини бойиб кетишларига ва аксинча камбағаллашиб кетишларига қарши чиқади.

XI асрнинг йирик алломаларидан *Юсуф Хос Ҳожиб* ўзининг «Қутадғу билиг», яъни «Саодатга бошловчи билим» асарида бошқарувчи шахси, яъни подшо халқ билан бирга ва адолатли бўлиши лозимлиги ғояси илгари сурилади. Унинг ўгит ва насиҳатлари ҳокимларга қаратилган бўлиб, бошқарувчи раҳбар теварагида табиатан яхши ниятли, юксак ахлоқ соҳиби бўлган кишилар бўлгандагина, у тўғри ишлар қилиши, тўғри фармонлар чиқариши мумкин, шундагина мамлакат фаровон бўлиб равнақ топади. *Юсуф Хос Ҳожибининг* фикрича, «Киши қанчалик юқори мартабага эришмасин, у барибир камтар бўлиб қолиши лозим»¹⁷.

Буюк саркарда, соҳибқирон *Амир Темур* ҳам катта бир салтанатнинг асосчиси, раҳбари сифатида бошқариш ва раҳбарлик масалаларига оид кучли тамойилларни яратган. У ўз тузукларида 12 та ижтимоий табақани фарқлаб беради: (1) сайидлар, уламо, машойих, фозил одамлар; (2) ишбилармон, донишманд одамлар; (3) художўй, тарки дунё қилган кишилар; (4) ноёнлар, амирлар, мингбошилар; (5) сипоҳ ва раият; (6) маҳсус ишончли кишилар; (7) вазирлар, саркотиблар; (8) ҳокимлар, табиблар; (9) тавсир ва ҳадис олимлари; (10) аҳлихунар ва санъатчилар; (11) сўфийлар; (12) савдогар ва сайёҳлар.

Амир Темур фикрича, бу тоифа кишиларнинг тақдирини подшоҳ, хазина ва аскарлар ҳал қиласи. Кўриниб турибдики, бу турланиш асосини табақанинг ижтимоий воқеликка нисбатан бўлган муносабатлари ва хулқ-атворлари ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий жараёнларни бошқаришда одамларни қандай меҳнат турлари билан шуғулланишлари эмас, балки уларнинг кайфият ва мотивациялари, хулқининг установкалари ва

¹⁵ Беруний Абу Райхан. Индия. Соч., т.2. – Т.: Фан, 1963. – С. 125.

¹⁶ Ўша манба. – Б. 74.

¹⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1972. – Б. 163

маърифатлилик даражалари муҳим омиллар сифатида эътироф этилади. Ижтимоий ҳаётни бошқаришда бундай ижтимоий-психологик ёндашув Амир Темур учун ўз даврида катта бир салтанатга асос солиш имконини берган эди.

Амир Темур давлатни бошқариш воситалари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим: (1) кенгаш; (2) машварату маслаҳат; (3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; (4) эҳтиёткорлик». Унинг фикрича, «Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир»¹⁸.

Бундан ташқари, ўрта бўғин раҳбарларини танлаш, улардан ҳукumatни бошқариш ишларида самарали фойдаланишда уни нафақат синааб кўриш лозимлиги, балки раҳбарнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий йўналганлиги, эътиқоди, эҳтиёжи, мотиви, қадриятлари тизимини инобатга олиш, бу раҳбарларни рағбатлантириш, юқори лавозимларга кўтариш ёки жазолаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам Амир Темур тузукларида баён этилган. Давлатни бошқариш ва раҳбарлик тамойилларига оид шарқ мутафаккирларининг бундан 650–700 йиллар аввал юритган ғоялари прогрессив мазмунга эга бўлиб, бу тамойиллар ҳозирги замонда ҳам демократик ҳукуқий давлатлар характеристига мос келади.

Бошқарув фаолияти доирасида кўплаб атоқли шоир ва давлат арбоблари ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, давлат арбоби бўлган, шоир *Алишер Навоий* бошқарувчи раҳбарларнинг масъуллигини қуидагича баён этган: «Адолатли подшоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир».

Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқга оид» асарида:

«Ҳар қандай нисбатан катта миқёсдаги бевосита ижтимоий ёки биргалиқдаги қилинадиган меҳнат идора қилувчига маълум даражада муҳтождир, бу идора қилувчи шахсий ишларни бир-бирига мувофиқлаштиради ва ишлаб чиқариш организмини мустақил органлари ҳаракатидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаради»¹⁹, деган фикрлари келтирилган бўлиб, тўғри раҳбарлик қилиш учун олдиндан кўра билиш, рўй бериши мумкин бўлган ўзгариш ва қийинчиликларни олдиндан пайқаш ва назарга олиш зарурлиги уқтирилади. Ҳар бир бошқариш воситаси фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши шарт. Бунинг маъноси шундан иборатки, бу иш тасодифий бир-бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, балки аниқ шароитни, вазият хусусиятини ҳамда жамоа олдидаги, шунингдек, унинг айrim бўғинлари олдида турган вазифаларнинг хусусиятларини қатъий суръатда тартибга солинган, бир-бири билан боғланган ва чуқур ўйлаб кўрилган режа ва тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиши кераклиги таъкидланган²⁰.

Бу донишманларимизнинг раҳбарлик учун зарур бўлган фазилатлар, давлатни идора этиш услуби ва раҳбарлик одобига доир фикрлари улкан аҳамиятга эга.

¹⁸ Амир Темур ўғитлари: Тўплам. Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов. – Т.: Наврӯз, 1992. – Б. 75.

¹⁹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1997. – Б. 7.

²⁰ Ўша асар. – Т.: 1997. – Б. 105.

Юқорида келтирилган фикрлар таҳлилига кўра, миллатимиз мутафаккирлари, давлат арбоблари, намоёндалар асарлари ва қарашларида бошқариш, раҳбарлик муаммоларига бағищланган тамойиллар мавжудбўлиб, уларда ижтимоий воқеликка нисбатан ижтимоий-психологик ёндашиш, инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари устувор саналган.

Таянч тушунчалар.

Регуляция – бошқармок, тартибга солмоқ. Мотивация – ички туртки.

Эмоционаллик – ҳис-туйғу, кечинма.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Бошқарув психологиясининг предмети, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Бошқарув психологияси фани ва унинг бўлгуси раҳбар кадрлар тайёрлашдаги ўрни қандай?
3. Бошқарув психологияси фани ва унинг вужудга келиш тарихи ҳакида нималарни биласиз?
4. Бошқарув тизимида «Инсон омили» деганданимани тушунасиз?
5. Касбий деформация деганда нимани тушунасиз?
6. Бошқарувчи раҳбар психолог-амалиётчи ва психолог тадқиқотчи сифатида нималарни эътиборга олиши зарур?
7. Бошқарувда инсон омилини фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Мавзуга оид адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011.
3. Бандурка А. М., Бочарова С. П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999.
4. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, халқ таълими соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма.- Т.: Янги аср авлоди, 2007.
5. Грин Р. 48 законов власти. – М., 2010.
6. Каримова В., Ҳайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. Т. 2008. 208 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма/ Масъул мухаррир: А.Холбеков. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006.
8. Махмудов Р.М., Бекназаров А.А. Ички ишлар идоралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси Олий академик курслари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 284 б.

9. Холбеков А., Махмудов И., Равшанов Ф. Замонавий раҳбар: Маънавий фазилатлар, психологик қиёфа, касбий маҳорат. – Т., 2008.
10. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М., 2003.
11. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010.
12. Ғозиев Э. Ғ., Тошимов Р. Ю. Менежмент психологияси. – Т., 2001.

II боб. РАҲБАРЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

2.1. Раҳбар шахси

Шахс тушунчаси психология фанида марказий ўринни эгаллайди ва асосий психологик талқинлар шахс мавзуси атрофида амалга ошади.

Шахснинг турли таърифлари мавжуд, лекин бу тушунчани тўлароқ акс эттирадиган қуйидагиси ўринли: «Шахс бу - ўзининг билими, ҳиссиёти ва муносабатлари орқали ташки оламни ўзгартира оловчи субъектдир». Эътибор берилса, ушбу таърифда шахсга хос уч жиҳат санаб ўтилади: билиш; ҳиссиёт; муносабат. Шу уч гурухга киравчи хислатлар ягона мақсадга, яъни ташки оламни инсоннинг ўз эҳтиёжига биноан ўзгартиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш шароитида инсон хулқини тушуниш ва уни бошқариш учун шахс табиати ҳақида маълум бир маълумотга эга бўлиш керак. Ташкилотда шахс ўзгалар билан муносабатга киришар экан, демак, у турли ижтимоий гурухлар фаолиятида қатнашади. Шу муносабат билан шахс аъзо бўлган гурух ва жамоаларга хос психологик қонунларни ҳам таҳлил этиш зарурати туғилади. Ушбу бўлимда эса айнан раҳбар шахси, унинг муваффақиятли бошқарув фаолияти учун хос ва зурур хислатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бошқарув жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, раҳбар фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун раҳбарга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва бошқарув фаолиятини тўлақонли амалга оширишга тўскинлик қилувчи шахс хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Раҳбар шахси хислатлари. Раҳбар шахси тушунчасини таҳлил этар эканмиз, унга хос хусусиятларни уч гурухга бўлиб ўрганиш таклиф қилинади:

1. Биографик тавсиф.
2. Қобилият.
3. Шахс хислатлари.

Раҳбар шахсининг биографик жиҳатларига унинг ёши, жинси, ижтимоий-иктисодий мавқеи ва маълумоти киради.

Раҳбар ёши. Бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишни раҳбар ёшига боғлиқлиги ривожланган мамлакатлар тадқиқотларига асосланади. Аниқланишича, Япония қайта ишлаб чиқариш йирик компаниялари раҳбарларининг ўртача ёши 63,5 бўлса, шу тоифа американлик раҳбарларнинг ёши 59 да экан. Япония йирик компания раҳбарларини ўрганишда учрайдиган ва таажжубланарли жиҳатлардан бири, уларнинг ёши улуғлигидир. Баъзи бир ташкилотларда (масалан, «Сони корпорейшн») компания президентининг ёши 65 деб чекланган бўлса-да, лекин қўргина автомобиль соҳасидаги фирма раҳбарларининг ёши 75 ва ундан юқорилиги ажабланарли ҳол эмас. Умуман, Японияда ходимнинг корхонага бир умр ёлланиш тажрибаси қўлланади. Маълумки, юқори бўғин раҳбарларининг кўпчилиги ўз ташкилотида 30 йилдан ортиқ ишлайди. Бу соҳада ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, катта ёшли раҳбарлар, агар уларнинг соғлиги кўнгилдагидай бўлса, ушбу ташкилот учун катта тажриба манбаидир. Раҳбарнинг улуғ ёши ҳақида гапиран

эканмиз, нафақат унинг биологик жиҳати, балки, ижтимоий томони, ҳаётий тажрибасини ҳам назарда тутишимиз даркор. Зоро, «Қари билганни пари билмас», деб халқимиз бежиз айтишмаган. Бироқ, ишлаб чиқаришга замонавий технологиянинг кириб келиши, уларни ўзлаштиришда маълум маҳоратни талаб қиласди. Баҳтга қарши, ҳозиргача компьютерда ишлашни ўрганолмаётган катта ёшли раҳбарларни учратиш қийин эмас. Шу жиҳатдан олганда, ёш раҳбар кўпинча ташкилотга илғор технология ва тезкорлик олиб кирувчи омил сифатида қабул қилинади.

Ёш раҳбар бошқаридиган ташкилотдаги ходимларнинг ўртача ёш кўрсаткичи кўпинча паст бўлади. Ёшлик (30-35 ёш атрофига) бу янгилик ва кашфиётларга мойиллик, ижодийлик, қўрқмаслик ва ўзгурувчан муҳитга мослашувчанлик билан ифодаланади. Афсуски, бундай ташкилотда катта ёшдаги (40-45 дан юқори) ходимларга, ҳатто, шубҳа билан қарашади. Лекин, аниқланишича, инсон 35-55 ёшларида ўз касбининг моҳир устасига айланади, ўз соҳасидаги билимни яхши эгаллайди ва ихтиrolарни жорий этишга ўзида иштиёқ сезади. Шу билан бирга, унда вазиятни совуққонлик билан таҳлил этиш, вазминлик кайфияти шаклланади.

Албатта, ҳамма ёш раҳбар илғор технология тарафдори ва шунга мойил деб айтиш қийин, лекин ёшларга замонавийлик хос. Бу эса ўз навбатида, ёш раҳбарнинг замонавий ва илғор ишлаб чиқариш услубларига мурожаат этиш эҳтимолини кучайтиради. Халқимизда, ёши катта бўлса ҳам кўнгли ёш деган ибора бор. Демак, замонавий раҳбар ёшидан қатъи назар илғор технологиялар тарафдори, ташкилот миқёсида замонавий ишлаб чиқарishни жорий этишга қобилиятли бўлиши лозим. Бу эса ўтиш даври талабидир.

Раҳбар жинси. Инсон жинси, унинг айни бир ролга амал қилишини тақозо этади. Айниқса, бу ҳолат шарқ мамлакатлари, ҳудудимиз шароитида яққол намоён бўлади. Бу ҳудудда эркак ва аёлга хос жинсий ижтимоий нормалар аниқ белгиланган. Психологияда гендер масаласи хусусида сўз кетади. Аммо гендер ролларини ижроси ва тасаввурларида шарқ ва ғарб психологиясида тафовутлар мавжуд. Стереотиплар, диний тасаввурлар, миллий, этник қадриятлар таъсирида гендер образи турлича талқин этилсада, кейинги пайтларда унга бўлган ўзгаришлар ҳам кузатила бошланди. Инсон амалга ошираётган кўпгина хатти-ҳаракат айнан шу жинсий роль мезони таъсирида идрок этилади. Ҳозир, инсоннинг жинсий мансублигига қарамай, касб ёки лавозим поғонасида катта имкониятлар пайдо бўлаётганини кўрамиз. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва бошқарув соҳасида аёлларга катта йўл очилган. Аммо, шунга қарамай, раҳбар сўзи кўпинча эркак жинси билан ифодаланади ва негадир, аёл раҳбар идора этадиган соҳалар, жумладан, маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатишдан нарига ўтилмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, аёлнинг у ёки бу соҳада бошқарув лавозимини эгаллаши, кўп жиҳатдан, бу соҳа аёлларга мосми ёки эркакларгами деган саволга боғлиқ бўлиб қолган. Бир қатор тадқиқотлар орқали аниқланишича, эркак ва аёл аралаш ишлайдиган гурухда кўпинча эркаклар ташаббусни ўз қўлларига олар эмиш. Тадқиқотчи Е. Холландер тажрибасига кўра, гурух доирасида ҳал этиладиган вазифани ечишда эркаклар кўпроқ мақбул йўл топа олишади ва

аралаш гурухда эса устунликка интилишади. Олимнинг тушунтиришича, эркаларга хос бундай хатти-ҳаракат, кўп жиҳатдан, жамиятда ўрнатилган меъёрлар ва эркаклар хулқига оид установка, яъни кутувлардан келиб чиқади. Бундай установкалар асосидаги стандартлар атрофдагиларнинг бўлаётган воқеа-ҳодисаларни идрок этишига ҳам катта таъсир этади. Масалан, психолог Р.Райс ўтказган тажрибада қўйидаги манзара қузатилади: тажриба давомида, ҳарбий ўкув юрти курсантларида аёлларга нисбатан маълум (унчалик ижобий бўлмаган) установка шакллантирилган. Шундан сўнг, курсантларни учтадан қилиб икки гурухга бўлишган ва лаборатория шароитидаги тажрибада қатнашишга таклиф этишган. Икки гурух курсантга икки раҳбар – бири эркак, иккинчиси аёл бошчилик қилган. Гурухлар маълум бир мураккаб вазифаларни ҳал этишган ва ечим давомида раҳбар фаол ўринни эгаллаган. Аниқланишича, аёл раҳбарлик қилган курсантлар гуруҳ муваффақиятини тасодифга йўйишган, эркак раҳбар бўлган гуруҳдаги курсантлар эса муваффақиятда айнан раҳбарнинг қобилиятини етакчи деб қўрсатишган. Мазкур тажриба шундан далолат берадики, атрофдаги воқеаларни баҳолашимиз кўп жиҳатдан айни жамиятда қабул қилинган меъёрларга боғлиқ.

Бошқарув амалиётида ва шунингдек, баъзи бир адабиётларда, эркак раҳбар фаолияти аёл раҳбарникига нисбатан анчагина самарали деган тасаввур мавжуд. Одатда, бундай фикрга қўйидаги далиллар келтирилади: эркак ёрқин ифодаланган мантиқий фикрлаш хусусиятига эга эмиш, аёл эса кўпинча ҳиссиётга; эркак ўз ишига фидойи десак, аёл қимматли вақтини оиласа сарфлайди. Чунончи, эркак турли салбий таъсирларга, стрессларга чидамли бўлса, аёл мураккаб вазиятда ҳатто ақлини «йўқотиб» қўйиши мумкин экан.

Аммо, ҳаёт бунинг аксини қўрсатиб турибдики, айни пайт ишлаб чиқаришни самарали бошқараётган аёлларни кўплаб учратиш мумкин. Жинсий тафовутларни таҳлил этишда самарадан кўра бошқарув услуги ҳақида гапирса, ўринлироқ бўлади. Эркак раҳбар асосий диққат-эътиборини ишлаб чиқариш муаммоларига тааллуқли вазифаларга қаратса, аёл раҳбар кўпроқ жамоанинг ижтимоий-психологик жиҳатларига, психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратади, деган хulosалар ҳам кам эмас. Албатта, бу фикр бир қанча баҳс ва мунозарага сабаб бўлса-да, эндиликда қўшимча тадқиқотлар ўтказишни ҳам тақозо этаяпти.

Хўш, аслида эркак ва аёл раҳбарлар муваффақиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми, деган саволга қўйидаги жавобни оламиз. Таниқли олима Ф. Денмарқ, катта ҳажмдаги тадқиқотлари асосида шундай хulosага келдики, бошқарув соҳаларида муваффақиятга эришишда сезиларли жинсий тафовутлар кузатилмас экан. Аёл ва эркак менежерларнинг бошқарув фаолиятидаги фарқ шундан иборат эканки, аёллар жамоадаги инсоний муносабатларга кўпроқ эътибор берадилар. Эркак ва аёл менежерларга хос жинсий психологик фарқнинг бўлиши табиий, лекин жамоа олдида турган вазифани бажариш, кўзланган мақсадга эришиш борасида жинсий тафовут кузатилмайди. Назаримизда, бу муваффақиятлар сабаби жинсга хос бўлмаган омиллар билан белгиланади. Масалан, шахсга оид кўпгина ишчанлик фазилатлари жинсий мойилликлар билан эмас, балки ижтимоий қадриятлар,

характердаги хусусиятларга асосланади. Хусусан, инсоний муносабатларга эътибор, кўнгилчанлик, бошқарувда демократик тамойилларга суюниш, аёлларда қўпроқ учрайди ва бу қўрсаткичлар маълум маънода жамоа фаоллигига ижобий таъсир этувчи омиллардир.

Бир қатор тажриба ва қузатиш натижалари яна бир бошқа маълумотларни ҳам беради. Раҳбарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, эркак ва аёл раҳбар ўз услубларида шунчалик қарама-қарши жинс хусусиятларини намойиш этадилар. Эркак раҳбар эркакка хос хислатдан ташқари аёлга хос айрим фазилатларни ҳам бошқарув амалиётида қўллашини кўрамиз: кўнгилчанлик, нозик дидлик, интуиция... Ўз навбатида аёллар ҳам эркакларга хос сифатларни ўз фаолиятларида қўллайдилар: мустаҳкам ирова, қатъийлик, фаоллик, тиришқоқлик... Демак, бошқарув самарасини жинсий мансублик билан боғлаш нотўғридир. Бу ўринда бошқа омиллар аҳамиятлироқ ҳисобланади. Мисол учун интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба каби қўрсаткичларни келтириш мумкин.

Биографик жиҳатлар қаторига *шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи* ва унинг *маълумоти даражасини* киритиш мумкин. Бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда мавқе ва маълумот муҳим омил саналади. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Р. Стогдилл муаллифлигидаги «Бошқарув қўлланмасида» таъкидланишича, муваффақиятли бошқарув ва шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи ўртасидаги боғлиқлик 94 %га тенг ҳамда маълумоти ўртасидаги боғлиқлик эса, 88 %га тенгdir. Япониялик тадқиқотчи Т. Коно маълумотига кўра, оддий япон менежери, албатта, муҳандислик мутахассислиги ёки ижтимоий фанлар бўйича университет дипломига эга бўлиши шарт. Кўп ҳолларда менежерлар икки мутахассислик дипломига эга бўлса, бир қатор етакчи бизнесменлар ва йирик раҳбарларнинг биографик таҳлили уларнинг юқори маълумотга эга эканликларидан далолат беради.

Шахснинг ижтимоий-иктисодий мавқеи раҳбарлик фаолиятини бажаришида кучли омил ҳисобланади. Бунинг аҳамияти, айниқса Шарқ маданияти мисолида яққол кўзга ташланади. Ҳудудимиздаги оддий фуқаро раҳбар шахсида нуфузли, ўзига тўқ ва тўла-тўқис инсонни кўришни хоҳлади. Раҳбар майда иктисодий муаммоларни бемалол ҳал қила олиши, катта ижтимоий алоқаларга молик эканлиги билан ҳамда ўз ақлий қобилияти, тажрибаси бўйича бошқа ходимлардан устун туриши лозим. Раҳбарнинг ижтимоий-иктисодий мавқеи дастлабки пайтларда етакчи ролини ўйнайди. Кейинчалик эса у ҳақдаги бўлган жамоа тасаввuri раҳбарнинг вазифаларни адо этиш қобилиятига бориб тақалади. Аммо, шахс шаклланган муҳитнинг раҳбарликка, шунингдек, оиласидан анъаналарнинг бошқарув қобилияти ривожланишига таъсирини ўрганиш ҳам ўта аҳамиятлидир. Ҳақиқатан, раҳбар оиласида туғилиш, улғайиш давомида ота тажрибасини ўзлаштириш доминантликка, яъни устунликка мойилликнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Ф.Фидлер таърифи бўйича «компания президенти бўлишнинг энг ишончли омили – компанияга эгалик қиладиган оиласида туғилишдир». Лекин, Ли Якокка каби буюк менежернинг

биографияси тамоман юқоридаги таърифни инкор этади. Бинобарин, бу шахс раҳбарликнинг паст қатламларидан, унинг энг юқори чўққиларига кўтарилиди.

Бир қатор машхур тадбиркорлар ўтмишини таҳлил этиш натижасида аниқландик, уларнинг кўпчилиги оиласда тўнғич фарзанд бўлиб ўсишган. Дарҳақиқат, оиласда тўнғичлик ўз мавқеига кўра маълум масъулият ҳам демакдир. Ўзбек оилаларидағи кўпболалик шароити тўнғич фарзандга ота-онага мададкор бўлиш, кичикларга раҳнамолик қилиш ва назоратни ўз бўйнига олишини тақозо этади. Бу эса шаклланаётган шахснинг ташкилотчилик ва назоратга бўлган имкониятини янада оширади, келгуси фаолиятида ўз-ўзини идора эта олиш қобилиятини шакллантиради.

Ҳаёт тажрибаси. Инсон тажрибаси ва унинг бошқарув фаолиятида намоён бўлиши икки асосий масала орқали таҳлил қилинади. Биринчидан, юқори бўғин раҳбари учун бошқарув тажрибаси зарур, шунингдек, улардан ҳаётий тажрибага эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Иккинчидан, ўрта бўғин раҳбарида эса ўз соҳаси бўйича камида уч йиллик тажриба бўлиши лозим. Бу тоифа раҳбар тажрибасини таҳлил этар эканмиз, асосий эътибор касб соҳасига қаратилади.

Қобилият. Одатда психология фанида қобилиятнинг умумий ва маҳсус турлари кўрсатилади. Умумий қобилиятлар шахснинг ҳар қандай фаолиятга киришишида муваффақият учун имконият яратса, маҳсус қобилият фақат айrim йўналишдаги фаолият турида муваффақиятга эришиш учун асос бўлади. Мана шундай умумий қобилият туркумiga инсон ақлини, яъни интеллектни киритиш мумкин. Раҳбар интеллекти қанчалик юқори бўлиши керак, деган савол, албатта, баҳсдан холи эмас. Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ўта юқори интеллект юксак раҳбарлик малакаларини амалга оширишга халақит берар экан. Шундай дейишнинг асосларидан бири қарор қабул қилишда ҳаддан ташқари ақл ишлатиш бу жараённи янада чўзиб юбориши мумкин. Шунинг учун бошқа бир қатор тадқиқотчилар, раҳбарда назарий ақлдан кўра, амалий ақл ривожланган бўлиши керак, деган тўхтамга келишади. Япониялик олимларнинг кузатишларича, мактаб ва университетда юқори баҳоларда ўқиган талабалар кейинчалик хизмат давомида унчалик катта лавозимларга эришолмаганлар. Тадқиқотчи Т. Коно фикрича, бунга сабаб аълочи талабаларнинг Япония компанияларига хос бўлган гурух табиатни ўзлаштира ололмаганликларидадир. Айнан ташкилотчилик хислати кўпчилик менежерларнинг лавозимда ўсишлари учун асосий омил бўлган. Интеллектнинг муваффақиятли бошқарувга таъсир этишида кўпгина оралиқ омиллар мавжуддир. Улардан энг асосийлари - бошқарувга бўлган иштиёқнинг мавжудлиги, раҳбарлик соҳасидаги бой тажриба, шунингдек, юқори бўғин раҳбарлари ва ходимлар ўртасидаги ижобий муносабат назарда тутилади.

Юқори бўғинга мансуб раҳбар ўз бошқарув фаолиятида муваффақиятга эришиши учун анчагина юксак ақлий кўрсаткичга эга бўлиши керак. Бундай салоҳият кутилмаган вазиятни таҳлил этишда, муаммони ҳал қилиш жараёнида бир неча вазифани параллел равишда бошқариш заруратидан келиб чиқади. Масалан, ташкилотчилик, масалага оид ечимни таклиф этиш, ташкилот ва гурух манфаатлари ҳақида ғамхўрлик ва ҳ.к.

Лавозим талаблари турли бўғин раҳбарлари учун турлича ақлий салоҳият зарурлигини таъкидлайди. Юқори бўғин раҳбарлари аниқ ифодаланган ижтимоий интеллектга эга бўлишлари шарт. Улар ташаббускор, мулоқотга бой, юксак сиёсий ва ижтимоий мавқега эга, ишга алоқадар таниш-билишлари кўп, интуицияси ривожланган ва ташкилот фаолиятининг қаерга йўналишини тезда пайқаб олишлари керак.

Хар қандай ташкилотдаги асосий оғирликни ўзига олувчи ўрта бўғин раҳбарларида эса маҳсус қобилият кўпроқ ривожланган бўлиши лозим. Улар ишга диққат-эътиборли, масъулиятли, катта ҳажмдаги миқдорий ва сифат маълумотларини таҳлил этиш қобилиятига эга шахслардир.

Шахсий хислатлар. Юқорида айтиб ўтилган умумий қобилияtlар, муваффақиятли бошқарувни таъминловчи зарур шахс хислатларини аниқлаш, ва уларни раҳбарликда ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўяди. Натижада нафақат мазкур хислатларни аниқлаш, балки бу йўналишдаги тадқиқотларни ташкил этиш бўйича бир қатор вазифаларни ҳал этишни талаб қиласди. Бу борада амалий фаолият олиб борувчи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, раҳбарларни баҳолаш кадрлар билан ишлаш масаласининг энг нозик қисмига айланган. Маълумки, раҳбарликка оид шахс хислатларини аниқловчи бир қанча психологик методлар мавжуд бўлиб, уларни муваффақиятли қўллай олиш бир томондан тадқиқотчи малакасига келиб тақалса, иккинчи томондан ушбу методикаларнинг ишchanлиги ва олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги масаласи туради. Масалан, Ғарбда ишлаб чиқилган тест ва сўровномаларни маҳаллий худудимизга, менталитетимизга мослаштириш шу вақтгача долзарб бўлиб келганига гувоҳмиз.

Муваффақиятли раҳбарликка оид шахс хислатларини талқин этарканмиз, шу мавзу юзасидан чет эл олимлари томонидан ўтказилган баъзи бир тадқиқот натижаларига мурожаат этамиз. Америка ва япониялик 1500 нафар менежерларни ўрганиш асосида самарали раҳбарликка оид қуйидаги хислатлар ажратиб қўрсатилади:

- стратегик режалаштиришга мойилликнинг кучлилиги;
- ишчиларни, меҳнат ресурсларини тақсимлаш бўйича мақбул ва ўз вақтида қарор қабул қилиш;
- фаолият доирасини кенгайтириш ёки юксак тартибда меҳнат қилиш эвазига ўз масъулиятини оширишга интилиш;
- хавфли шароитда ижодий ва рационал қарор қабул қила олиш;
- ўз кучига чексиз ишонч;
- ўз хуқуқларини англаш ва масъулиятни ҳис қилиш;
- кези келганда қурбон беришга ҳам тайёр туриш;
- мулоқот малакаларини мукаммаллаштиришга интилиш;
- мураккаб ва инқирозли вазиятдаги жараёнларни таҳлил этиш ва интуитив тарзда башорат қила олиш;
- меҳнатга юксак қадрият сифатида қараш ва унга бутун куч-ғайратни сафарбар этиш;
- айборни излаш эмас, балки муаммони ҳал этишга интилиш,

таваккалдан қўрқмайдиган ва мустақил фикрдаги ходимлар билан ишлаш хоҳиши;

- амалга оширилаётган ғоя ва натижаларни ишлаб чиқаришга, жорий этишга худди шахсий мулкдек қараш.

Япониялик ва америкалик менежерларни қиёсий ўрганиш натижасида олинган хуносалар шундан иборат бўлдики, япон менежерлари ўз бошқарув фаолиятида ижтимоий психологик жихатларга кўпроқ эътибор беришар экан ва жамоа фаолиятини ташкил этиш қобилияти етакчи ўринда турар экан. Америкалик менежерлар эса ходимларда якка тартибдаги ташаббусни кўпроқ рағбатлантиришар экан.

Маълумки, бошқарувнинг кўп соҳаларида муваффақиятли раҳбарлик фаолиятини таъминловчи шахс хислатларини аниқлашга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ўтган асрнинг 50 йилларида, ҳар қандай соҳада уддабурро раҳбар бўла олишликка тегишли хислатлар мавзууда юздан ортиқ тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, бошқарувни мукаммал ижро этувчи ҳамма раҳбарларга хос фазилатлар умумлаштирилганда, атиги 5 % хислат кўзга ташланди. Булар қуйидагича:

- ақл-идрок, мураккаб ва мавхум муаммоларни ечиш қобилияти ўртадан баланд, аммо жуда юқори бўлмаслиги шарт;
- ташаббус, ҳаракатга эҳтиёжни англаш ва шунга тааллуқли салоҳиятга эгалик;
- ўзига ишонч, ўз маҳорати ва интилишларини юксак баҳолаш.

Лекин кўп тадқиқотчилар дикқат-эътиборларидағи асосий хусусиятлардан бири раҳбар шахсига хос доминантлик (устунлик)ка интилишdir. Айнан шу сифат раҳбарнинг ташаббусни ўз қўлига, гурухга етакчилик қилишига ва мураккаб вазиятда масъулиятни ўз бўйнига олишига замин яратади. Шу муносабат билан тадқиқотчи Р.Стогдилл қаламига мансуб «Раҳбар қўлланмаси»да доминантлик бошқарувга зарур сифатлар рўйхатида биринчи ўринга қўйилади. Доминантлик сўзи бир неча маънони англатади. Раҳбарлик мавзусидан келиб чиқилса, *ўзгаларга таъсир этиши* деган бир жумла мазмунан ҳамма гапга асос бўлади. Юқорида таъкидланган маънодаги «таъсир этиши» ибораси ҳиссиёт туфайли ўзгаларни ўзига жалб эта билиш, ўзаро муносабат натижасида ўзига нисбатан хайриҳохлик ҳиссини яратишни англатади. Чунки ташкилотнинг илғор фаолияти учун раҳбар ўз зиммасидаги расмий мажбурият ва ваколатлар ўзи етарли эмас. Бошқарув соҳасидаги мутахассислар Г.Кунц ва С.О’Доннелнинг фикрича, «агар ходимлар раҳбарият томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларгагина риоя этиб меҳнат қилганларида, улар ўзларининг 60-65 % имкониятларини ишлата олар ва ўз мажбуриятларини бажариб, шунчаки ишдан бўшамасликларига баҳона топар эдилар, холос. Ходимларнинг қобилиятларидан тўла фойдаланиш ниятидаги раҳбар уларда шунга лойик ҳистуиғуни уйғота олиши лозим». Бу ерда гап раҳбарнинг ўз лидерлик қобилиятини намойиш эта олиши, ходимлар орасидаги обрў-эътибори ҳақида боряпти. Ташкилот доирасидаги норасмий муносабатлар тизимида пешқадам ўрин эгаллаган раҳбаргина ўз ходимлари қобилиятини 100 % жамоа ишига жалб эта олиши мумкин.

Юқорида зикр этилган қўлланмада эътироф этилган сифатлардан яна бири раҳбарнинг ўзига ишонч ҳиссиdir. Сир эмас, ҳар биримиз раҳбар ўзига ишонган ва ишонмаган ҳолларда нафақат қандай иш тутишини, ҳатто ўзини қандай тутишини ҳам кўрганмиз. Бахтга қарши, ўзига ишончи бўлмаган раҳбар вазият ўзгариши билан, ўз қарорини ўзгартириб туради. Бундай раҳбар қўл остида ишлайдиган ходимлар ўз раҳбари тимсолида суюнчиқ кўрмайдилар, ташкилотда ўтказаётган кунлари вақтинчаликдек туюлади. Боз устига, бундай раҳбар ўзгалар билан музокаралар олиб боришга ҳам қодир эмас. Чунки ўз шахсига ва ўз қобилиятига ишонмаган одам ўзгаларда ҳам ишонч уйфота олмайди.

Пешқадам раҳбарга хос фазилатлардан бири – вазминлик ва сабру бардошлиқdir. Раҳбар ҳиссиётини мувозанатлашганлиги, унинг ички дунёсига хос қарама-қарши туйғуларнинг туғёнига йўл қўймасликда ва кайфиятдаги сокинликда ифодаланади.

Маълумки, раҳбар одамлар орасида ва уларга хос турли ҳиссиётлар оғушида яшайди. Бинобарин, атрофдагиларнинг салбий ёки ижобий ҳистийгулари ўзаро кундалик мулоқотда тез «юқиши» хусусиятига эга. Шунинг учун раҳбар қалтис ва зиддиятли вазиятларда нафақат бошқаларнинг ҳиссиёти таъсирига берилмаслик, балки атрофдагиларга ўз мувозанати ва жиловланган ҳис-туйғуси билан таъсир эта олиши керак. Шахснинг бу фазиялати бир томондан асаб тизимининг туғма хусусияти билан белгиланса, иккинчи томондан орттирилган ҳаётий тажрибага боғлиқdir. Асаб тизимининг мўътадиллиги учун раҳбар ўз соғлиги ҳақида қайғуриши лозим. Мехнат фаолиятини оқилона тарзда ташкил этиш, яъни меҳнатдаги ижобий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, нохуш вазиятларни донолик билан бартараф этиш, кўпроқ яқин дўйстлар даврасида бўлиш, жисмоний тарбия ва фойдали машғулотларга ишқибозлик кайфиятида вақтни ўтказиш, ҳар қандай стрессга қарши тура олиши кучайтиради, шунингдек, организмнинг ишchanлик қобилиятини қайта тиклашга хизмат қиласди.

Бошқарув фаолиятини самарали бажариш учун раҳбарга зарур фазилатлардан яна бири - муваффақиятга интилишdir. Раҳбар ўз олдига мақсад ќўя олиши ва уни бажаришга уриниши лозим. Умуман, инсонга хос интилишни икки тоифага бўлиш мумкин:

1) муваффақиятга интилиш;

2) мағлубиятдан қочиш. Бирон-бир қийин ва инқирозли вазият пайдо бўлганда, баъзи бирлар мазкур вазиятни ҳал этиш орқали муваффақиятга эришиш ҳақида ўйласа, бошқа бирор эса талофотга учрамаслик ғамида ўзини иложи борича «офат»дан олиб қочади.

Бу бир хил вазиятга икки хил ёндошув бўлиб, унинг эгалари турлича характердаги инсонлардир. Бошқарувни самарали олиб борувчи раҳбар эса айнан биринчи тоифага мансуб бўлгани сабабли, у муаммоларни тез ҳал этади ва янада ўз мақсади сари олдинга интилади. Бундай тоифа кишиси одатда таваккалчиликка ҳам бориши мумкин. Кези келганда у катта мақсадни кичик бўлакларга бўлиб, ҳар бир кичик мақсад ортида турган натижани олдиндан тасаввур этади. Бироқ, бундай омилни ҳамиша амалга ошириш осон эмас.

Бинобарин, раҳбар таваккалга бора оладиган ва хавф-хатардан кўрқмайдиган характерга эга бўлиши лозим. Машхур бизнесмен ва менежер Ли Якокканинг таъкидлашича, «Баъзида таваккал ҳам маъқул, лекин йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиб кетиш лозим». Мақсадга эришиш иштиёқи билан яшайдиган одам доим ўз фаолият натижалари ҳақида хабардор бўлишни истайди. Мехнат билан боғлиқ вазият эса фаолиятидан маълумот олиш орқали ўз ҳаёт мазмунини таҳлил этиш имконини беради. Айнан шу тоифага мансуб шахслардан бирининг айтишича: «Мен учун бизнес фақатгина бойиш воситаси эмас, бойлик орттириш мен учун ҳеч қачон мақсадга айланмаган. Бизнес шунинг учун ҳам менга роҳатбахшки, у ҳар кун чексиз муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ақл-идрокимни бир нуқтага жамлашга ундейди»

Бундай ибора кўпгина тадбиркорларга хос бўлиб, аниқланишича, мақсад йўлида малакаси ёрқин бизнесменлар учун пул деган нарса унчалик катта қийматга эга эмасdir.

Самарали бошқарув учун яна бир зарурий хислат – масъуллик ва вазифани ҳал этишга қаратилган ишонч. Иқтисодий ва ижтимоий қалқиш пайтида ўз ҳамкорида ишонч уйғотиш, навбатдаги ишга кафолат бериш ва боз устига, уни уddeлаш замонавий раҳбар учун муҳим фазилатdir. Бу жараёнда раҳбарлик тадбиркорлик фаолияти билан уйғунлашиб кетади ва ишонч тушунчаси марказий ўринга кўтарилади.

Раҳбарнинг, нафақат, обрўсими оширадиган, балки қийин вазиятда уни асосий мақсад йўлидан етаклайдиган фазилатлардан бири – мустақилликdir. Раҳбар ўз қарashi, мушоҳада лаёқати ва шахсий нуқтаи назарига эгаликка интилиши лозим. Тўғри, раҳбар ўз ҳамкасларига, шунингдек, маслаҳатчиларига қулоқ тутиши керак, лекин қарор ва унинг ижроси раҳбар зиммасига юклатилади. Шу боис фикрлаш ва хатти-ҳаракатдаги мустақиллик самарали бошқарувнинг асосий омилларидан биридир. Аммо, мустақиллик қайсарлик кайфиятига айланмаслиги лозим. Бунинг учун раҳбар ҳамиша ўз ташаббусини ташкилот ёки жамoa мақсадлари билан уйғунлаштириб бориши лозим.

Навбатдаги зарурий хислатлардан яна бири мулоқотга мойилликdir. Аниқланишича, раҳбар ўз кундалик фаолиятининг тўртдан уч қисмини турли-туман мулоқотга сарфлайди. Мулоқотнинг бошқарувдаги аҳамиятини кўздан кечирав эканмиз, беихтиёр Ли Якокка эсдаликларига дуч келамиз: «Мен автомобиль соҳасида бир умр ишлаган одамни биламан. У олий маълумотли бўлиб, ўзини бошқариш қобилиятига эга, шунингдек, ажойиб стратег ва ўз компаниясининг йирик мутахассиси эди. Лекин, уни ҳеч қачон ҳеч ким юқори лавозимга тайинламаган, чунки у ўзга билан мулоқотда бўлишни билmas эди».

Шундай қилиб, раҳбар фаолиятидаги самарадорликни амалга оширадиган шахс хислатлари билан танишиб ўтдик. Сир эмаски, ҳеч бир инсон ушбу рўйхатдаги хислатлар билан бирга туғилмайди. Буларнинг ҳаммаси инсонга ато этилган лаёқат, шунингдек, ижтимоий-тариҳий яшаш шароитларининг маҳсулидир. Бундай хислатларнинг раҳбар фаолиятида намоён бўлиши, шахсдан мунтазам тартиб ва ўз устида ишлашни, доимо ўз идрокида намуна яратиш ва унга тақлид этишни талаб қиласди.

Самарали раҳбар қиёфаси. Юқорида самарали бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун зарур шахс хислатларини келтириб ўтдик. Бу хислатларни билиш, раҳбар уларни ўзида шакллантиришга интилиши, сўзсиз, унинг бошқарув маҳоратини янада юқори поғоналарга олиб чиқади ва ташкилотнинг кўзланган мақсадга йўналишини тезлаштиради. Психология фанида ушбу фикр шахс структураси деган ибора орқали ўз мазмунини топган. Ҳозирга келиб психология фанида шахс структурасини ифодаловчи турлича таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг қиёсий тавсифини келтиришга ҳожат йўқ деб, ўйлаймиз. Улардан энг аҳамиятлиси сифатида қуйидаги таҳлил баён этиш мумкин. Шахсдаги барча психологик хислатлар ва ижтимоий сифатлар қуйидаги тизим шаклида тасаввур этилиши мумкин:



1–расм. Шахснинг ижтимоий-психологик структураси

Тасвирланган пирамиданинг таркибий қисмларини қатламлар деб қабул қилсак, юқорида турган таркиб ўзидан пастда жойлашган қатламлардан шакл топади. Демак, ушбу тизимнинг биринчи поғонасида турган «хатти-ҳаракатлар» деб, аталувчи қатлам бирламчи ҳисобланади ва унинг асосида шахснинг янада юксакроқ таркибий сифатлари шаклана бошлайди. Юксак поғонада турувчи тузилмаларнинг сифати ва ифодаланиши пастки ўриндаги қатламлар сифат моҳияти билан боғланган. Шу нуқтаи назардан қараганда инсонда аввал пастки қатламлар (хатти-ҳаракат ва установкалар) шаклланади, сўнгра улар қадриятларнинг шаклланишига асос бўлади, қадриятлар негизида инсоннинг эътиқоди шаклланади ва эътиқодлар мажумаси инсон миссияси орқали бирлашади. Энди, шу фикрга асосланган ҳолда юқорида тасвирланган пирамиданинг таркибий бўлаклари (қатламлари) устида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Миссия – энг олий мақсад бўлиб, инсон бутун умрини шу мақсадга интилиш учун бағишлиади. Одатда миссия шаклланиши ва инсон томонидан англаниши, унинг етук ёшларига тўғри келади. Миссия инсон ҳаётининг йўналишини ифодалайди. Одатда ҳар бир инсон ҳаётида ўз миссиясига эга ва

ҳамма гап уни эрта ёки кеч англанишидадир. Психология фанида катта ўрин эгаллаган гуманистик йўналиш эътироф этадиган асосий вазифалардан бири - инсонга унинг миссиясини англашда ёрдам беришдан иборатdir. Мавзуимиз мазмунидан келиб чиқсан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини қандай миссия орқали ифодаланишини иложи борича эртароқ англаб олиши лозим. Масалан, миссия сифатида ўз халқига хизмат қилиш, ўз ватанининг равнақ топишида иштирок этиш ёки бутун хатти-ҳаракатини оиласи фаровонлигига бағишлиш каби шарафли бурч бўлиши мумкин. Албатта, бундай иборалар рўйхати чексиз ва улар ҳар бир шахс учун индивидуалdir. Шахс ўз миссиясини нафакат англаши, балки, ташкилот умумий мақсади билан уйғунлаштириши лозимdir. Миссия ўз шаклига биноан аниқ ва равшан ифодаланиши, шахсдан «ташқарида» жойлашиши, яъни ташқи муҳит обьектларида мужассамлашган бўлиши лозим (масалан, касбий йўналиш, ўзгалар манфаати, хизмат соҳаси ва х.к.). Миссия ўз мазмунига кўра шахс эътиқодларидан униб чиқади.

Эътиқод – инсон беҳад ишонадиган ғоя ва фикрлар бўлиб, уларни ҳатто шубҳа остига олиш шахс учун ноўриндир. Инсон ташқи оламдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қиларкан, кўп нарсаларга ўз эътиқоди нуқтаи назаридан қарайди.

Қадриятлар – энг қимматли маънавий бойлик бўлиб, инсон уни ҳақоратланиши ва таҳқирланишидан ҳимоя қилади, сақлайди. Одатда, қадриятларнинг умуминсоний, бирон ижтимоий гурух қадриятлари ва шахсий турлари фарқланади. Умуминсоний қадриятлар инсон қаерда яшасидан, бойлигидан, мансабидан ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, доим ардоқланадиган мазмундир, масалан тинчлик, хаёт, озодлик, бирдамлик, масъулият, орият.

Ижтимоий гурух қадриятлари бир гурух инсонлар учун қадрли ва бошқа бир гурух томонидан эътиборсиз маънавий бойлик бўлиб, миллийлик, ёшлик ва кексалик, оилавий, сиёсий, ҳудудий ориентирлардан иборат. Шахсий қадриятлар деб, айни шахсга тегишли қадриятларнинг ўзига хос мажмуига айтилади. Ҳар бир инсоннинг ички дунёсида санаб ўтилган қадриятларнинг ҳамма гурухи мавжуд. Юқорида саналган уч гурух қадриятларнинг ўзаро уйғунлашуви шахс ва жамият ўртасидаги мувофиқликни белгилайди. Агар шахсий қадриятлар рўйхатида умуминсоний ва гурухий қадриятлар етакчи бўлса, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ҳаёти ниҳоятда енгил ва равнақлидир. Акс ҳолда, инсон ички дунёсида учрайдиган турли гурух қадриятлари ўртасидаги номувофиқлик шахсда ички түғён ва низони келтириб чиқаради.

Установка – бу ибора психологияда инсон ҳатти-ҳаракатининг англамаган программаси сифатида тушунилади. Инсон доимий бажарадиган ҳатти-ҳаракат даставвал англанилган ҳолда амалга ошади ва у такрорлангани сари беихтиёр, автоматлашган ҳолатга ўтиб боради. Айнан шундай англанилмаган ҳаракат режаси установка деб аталади. Ходимдаги мақбул ҳаракатлар мунтазам такрорланиши натижасида унда мақсадга мувофиқ фаолият установкаси шаклланади. Бинобарин, ходимнинг доимий фаолияти ва хулқини кузатган ҳолда унда қай мазмундаги установкалар устувор эканлиги

ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Пирамида шаклида тасвиirlанган шахс тизимининг асосий психологик мазмуни шундан иборатки, инсон ҳәётининг мазмуни бўлмиш миссияси ва эътиқоди, пастки қатламда турувчи қадрият ва установкалар асосида шаклланади. Қадрият эса, ўз навбатида, инсон қадрловчи ориентир сифатида установкаларнинг ривожланиш натижасидир. Қатламлар ўртасидаги бундай боғлиқлик инсон фаолиятига маълум маъно киритади ва ҳатто инсон ички дунёсини бир бутун, яхлит тарзда тушуниш имконини беради. Гап шундаки, комил инсоннинг ҳәётидаги ҳамма қатламлар бир-бири билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Демак, унинг қилаётган ишлари қадриятларига мос келади, эътиқодига ва ҳәётидаги асосий мақсади бўлмиш миссиясига қарши чиқмайди.

Раҳбар ўз ходимини синчковлик билан кузатиши орқали, унинг шахсидаги қатламлар ўртасида уйғунлик ёки зиддиятни илғаши мумкин. Раҳбарнинг бундай назарга эга бўлишини яна бир шарти - ходим руҳиятидаги қатламлар зиддиятига ташкилот миқёсида шаклланган муҳит ҳам сабаб бўлади. Демак, ташкилотда шаклланган нормалар носоғлом бўлса, ходим носамимий ҳаракатларга йўл қўяди ва у ўз эътиқоди ва қадриятларига зид чиқиши мумкин.

Юқорида келтирилган шахс структурасига асосланган ҳолда замонавий раҳбарни тавсифлар эканмиз, унга хос бўлган ижтимоий-сиёсий жиҳатлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим бўлади. Айнан шу жиҳатлар инсоннинг миссия ва эътиқод қатламларида мужассамлашган ҳолда самарали раҳбарнинг негизини ташкил этади. Раҳбар эътиқодининг, етакчи қадриятининг жамиятдаги долзарб ижтимоий-сиёсий вазифалар билан уйғунлашганлиги, унинг фаолияти самарасини белгилайди. Шунинг учун бошқарув лавозимига қадрларни қўйиш ҳамда раҳбар қадрларни баҳолаш жараёнида эътиқод соҳаларини бирламчи деб қабул қилинса ва бу мезонга асосий эътибор қаратилса, ўринли бўларди. Демак, давр талаби билан, раҳбарнинг сиёсий бошқарувга қобилияти долзарб масалага айланади. Албатта, бундай қобилият раҳбарнинг маъмурий-хўжалик мажбуриятидан бир оз четланиш деб ўйланиши мумкин. Лекин, мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, хўжалигимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик масаласи замонавий раҳбарни хўжалик муаммолари доирасида чекланиб қолмай, балки атрофдаги воқеаларни кенгроқ идрок этишини талаб қиласи. Шу нуқтаи назардан, замонавий раҳбар нафақат ташкилотни иқтисодий чўққига етакловчи шахс, балки, тарғиб этилаётган давлат сиёсатини меҳнат жамоаси онгига етказувчи фаол ҳамdir.

Юқоридаги матндан қуйидаги фикрлар келиб чиқади: раҳбарларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мобайнида иложи борича шахснинг ўз- ўзини англаши, ўз эътиқоди ва қадриятларини ҳаёти давомида аник ифодалаш чоралари ҳақида билим ва кўникумалар шакллантириш лозим. Ахир, айнан, ички поклик, самимиyлик ва инсон табиатининг яхлитлиги ўзгага таъсир этишдаги асосий куч сифатида майдонга чиқади. Раҳбарни тайёрлаш, унинг малакасини ошириш билан боғлиқ ҳар қандай тадбир охир- оқибатда раҳбар шахси, унинг бошқарув маҳоратини такомиллаштириш, ўзгаларга таъсир этиш қўламини

кучайтириш мақсадини қўяди.

Ушбу бўлим якунида самараги бошқарувни амалга оширишда халақит берувчи шахс хислатлари ҳақида гапириб ўтмоқчимиз ва қуида уларни ички тўсиқлар деб номлаймиз:

Самараги бошқарувга тўсқинлик қилувчи шахс хислатлари. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олимлар М.Вудкок ва Д.Френсис бир қанча менежерлар фаолиятини ўрганиб ва қуидаги ички тўсиқлар менежер фаолиятининг самарасини пасайтиради, деб хисоблайдилар:

1. Ўз-ўзини бошқара олмаслик. Раҳбар ҳаёти хаяжон ва зўриқишларга тўла. Бундай шароитда хулқда аниқ мақсаднинг йўқлиги нафақат жамоа фаолиятига, балки раҳбарнинг соғлигига ҳам салбий таъсир этади.

2. Шахсий қадриятларнинг шаклланмаганлиги. Раҳбар доим қарор қабул қилиш вазиятида бўлади. Ваҳоланки, қарор самараси шахсий қадриятлар, касбий ва ҳаётий тамойилларга асосланади, уларнинг шаклланганлиги раҳбар фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Масалан, замонавий бошқарув самарадорлик, ходим имкониятларини очишга кўмак, ташкилотга янгилик олиб киришга мойиллик каби қадриятларга асосланади. Мустаҳкам қадрият ва тамойилларга асосланмаган раҳбар бекарорлик ва мақсад йўлида иродасизликни намоён этади.

3. Шахсий мақсаднинг аниқ ифодаланмаганлиги. Замонавий раҳбар муҳимни номуҳимдан ажратса олиши, мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлай билиши керак. Ташкилот мақсадини чуқур англаш йўлидаги биринчи қадам раҳбарнинг ўз шахсий мақсадларини яхши тушуниб етишидир. Ўз мақсадини аниқ билган раҳбаргина унинг фаолиятига қўйилаётган талабларни жону дилига сингдира олиши мумкин. Шахсий мақсаднинг ноаниклиги ташкилот манфаати йўлидаги мақсадларни ҳам англаб олишга халақит беради. Аниқ мақсаднинг йўқлиги шахснинг муваффақиятга эришиш имкониятини пасайтиради ва демак, бундай раҳбар, ўзгаларнинг муваффақиятини ҳам хис эта олмайди.

4. Камолотга интилишининг йўқлиги. Ўз устида ишлashedan бош тортган раҳбар қалтис вазиятдан ўзини олиб қочади, ўз имконият ва қобилиятини ривожлантириш устида ишламайди, таваккалга бормайди ва эски, одат тусига кирган хатти-ҳаракатлари дорасидан чиқолмайди.

5. Муаммони еча олмаслик. Айрим раҳбар муаммо устида сифатли, мунтазам ва ақл-заковат билан ишлай олмайди. У вазифа мақсадини аниқлаш, маълумот тўплаш, режалаштириш ва назоратни амалга ошириш малакасига эга эмас. Натижада ҳал этилмаган масалалар тўпланади ва раҳбарнинг муаммони ҳал этиш имконияти чекланиб қолади.

6. Ижодий ёндошувнинг етишмаслиги. Ихтирога мойиллиги бўлмаган раҳбар янги ғояларни таклиф этолмайди, ўзгаларда меҳнатга бўлган ижодий ёндошувни уйғота олмайди. Бундай раҳбар тажрибадан, жамоа ҳаётига янгилик киритишдан ўзини четга олади ёки янгиликлар устидан кулади. Юксак ижодийлик тўсиқни енгиб ўтишни ва қийинчиликка бардош бериб мақсадга интилишни тақозо этади.

7. Итоатидаги ходимларга таъсир этолмаслик. Раҳбар ўз қўли

остидаги ходимларга таъсир этиши лозим. Лекин, айрим раҳбар ўз ходимларига суюнолмайди ва бунинг ўрнига улар ҳақида салбий фикрда юради. Бундай раҳбар ўз интилишида мунтазам эмас, атрофдагилар билан яқин мулоқотга киришмайди ва ўз ички дунёсини яхши ифода этолмайди.

8. Бошқарув фаолияти хусусиятини яхши билмаслик. Бошқарув фаолияти самараси ҳақида маълумотга эга бўлмас экан, раҳбар ўз малакасини шакллантира олмайди. Бошқарувга ўз ёндошувини таҳлил этолмайдиган раҳбар фикр ва топшириғини ҳам ходимга тушунтириши қийин. Бундай раҳбар ходимлари у ҳақда нима деб ўйлаши билан қизиқмайди, ўз ходимларини ташаббусга чақириши мушкул, айниқса топшириқлар беришга қийналади.

9. Бошқарув малакасининг сустлиги. Ташкилотдаги ходим ва русурсларни бошқариш учун кўпгина қўникмалар зарур бўлиб, уларни раҳбарлик қобилияtlари дейиш ҳам мумкин. Бошқарув суст бўлган жамоада вақтни беҳуда ўтказиш, ходимларнинг ўз имконияти даражасида ишламаслиги, меҳнатдан қониқмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Бундай гурухда роль тақсимоти суст, меҳнатни ташкил этишда беҳудалик кўп, ўзаро муносабатлар эса – қониқарсиз. Бундай жамоада раҳбарнинг меҳнати қадрланмайди ва психологик муҳит соғлом эмас.

10. Итоатидаги ходимларда меҳнат малакасини шакллантира олмаслик. Ҳар бир раҳбар вақти-вақти билан устоз сифатида ходимга иш хусусиятини ўргатади. Ходимнинг касбий қобилиятини ривожлантира олмайдиган раҳбар, ўз жамоаси меҳнатини юксак даражага олиб чиқолмайди. Бу ҳолда ходим ўз меҳнати натижаси ҳақида раҳбардан ҳеч қандай фикр эшитмайди, раҳбарнинг баҳоси ва тавсияси расмий тус олади.

11. Жамоа ташкил этишдаги суст қобилият. Мақсадга эришиш учун раҳбар, ходимлар билан бирлашиши ва уларнинг малакасидан фойдаланиши лозим. Ишчи гуруҳи малакали ва унумли жамоага айланмаса, раҳбар меҳнати қийин кечади ва фаолияти ҳам унумсиз бўлади. Бундай жамоаларда унумли меҳнат механизmlари шаклланмайди ва носоғлом муҳит ҳукм суради.

2.2. Бошқарув услублари

Бошқарув услуби таърифи. Раҳбар ва ходим муносабатлари, гурухдаги психологик муҳит, меҳнат жамоаси фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбар қўллайдиган бошқарув услугига боғлик. Бошқарув услуби – раҳбарнинг ўз ходимларига нисбатан, улар орасида ишни ташкил этиш бўйича қўллайдиган одатий хатти-харакатлари мажмуасидир. Ҳозирга келиб бошқарув фанида бошқарув услугини фарқлашга турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири бошқарув вазиятига мос келувчи мукаммал бир услубни тавсия этолмайди. Ҳар бир услуг албатта биронта чекланишга эга. Қуйида раҳбарлик услугига турли ёндошувлар ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтамиш ва бу матндан раҳбар ўз фаолиятида учрайдиган вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, мувоғиқ келувчи услулар мажмуасидан биронтасини қўллаш ҳақида холоса чиқариши мумкин. Тизимли ёндошув тамойилига асосланиш бошқарув услуби мавзусига бир мунча тўла таҳлил бериши мумкин. Бунга биноан, қўлланилаётган бошқарув услуби ташкилот ҳаёти, унинг олдига қўйган мақсад ва бирламчи

равиша амалга оширилаётган вазифаларига мос келиши керак. Тизимли ёндошувга биноан раҳбар ўзи бошқараётган тизимни яхши билиши, унинг ҳолатини тўғри баҳолаши, келажакдаги қиёфасини тасаввур эта олиши ҳамда ўзгаришларни амалга оширишда иштирок этувчи ходимларни фаолликка жалб эта олиши лозим.

Замонавий бошқарувга оид фанларда бошқарув услубини турли нуқтаи назарларда туриб ёритилади. Қуйида уларнинг қисқача изоҳини бериб ўтамиз.

Анъанавий ёндошув. Бошқарув услубини фарқлашдаги анъанавий ёндошувлардан бири Курт Левин томонидан киритилган типологияга асосланиб, бунда раҳбарликнинг авторитар, демократик ва либерал услублари фарқланади. *Авторитар услубда* раҳбар ҳамма бошқарув қарорларини ўз қўлига олади, қарор ижросини қаттиқ назорат остига олади ва йўл қўйилган хатолар юзасидан бешафқат жазолаш шаҳдини намойиш этади ва ходимга инсон сифатида қизиқиши билан қарамайди. Бундай шароитда, доимий назоратнинг мавжудлиги иқтисодий жиҳатдан юқори кўрсаткични таъминлайди. Лекин, психологик нуқтаи назардан бундай услубда қатор камчиликлар кузатилади: 1) хатога йўл қўйиш эҳтимоли ошади; 2) ташаббусни, ходимларнинг ижодий фаолиятини сўндириш, ихтиrolар жорий этишнинг секинлашуви, ходимларнинг сустлиги; 3) ходимларнинг ишдан, жамоадаги мавқеидан қониқмасликлари; 4) носоғлом психологик муҳит натижасида жисмоний ва руҳий зўриқишлиар ошиши ва соғлиқка салбий таъсири. Бундай услугуб раҳбар ва ходим орасидаги касбий малакалар фарқи катталигига, қаттиқ интизом ва итоатгўйлик зарур бўлган шароитда мақсадга мувофиқ ва ўзини оқлаши мумкин (авария ҳолатлари, инқирозли, уруш шароитлари ва ҳ.к.). Янги ходимлар ишлайдиган жамоада бундай бошқарув услуги мослашув жараёнига салбий таъсири этади, ёш ходимда касбий малакалар секин шаклланади.

Демократик услугуб, баъзан шериклик, ҳамкорликка асосланган бошқарув услуги ҳам деб аталади. Бундай услугуб ҳукм сурган жамоада бошқарув қарорлари ходимлар билан муҳокама қилиш орқали, уларнинг фикри ва ташаббусини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Шунингдек, қарор ижросининг назорати ҳам раҳбар, ҳам ходимлар томонидан амалга оширилади, раҳбар ходимга шахс сифатида қарайди, унинг эҳтиёж, манфаат ва қизиқишини инобатга олади. Бошқарув поғоналарида қарор қабул қилиш «пастдан тепага» қараб боради, яъни аввал қуйи бўғин раҳбарларидан йиғилган фикрлар асосида юқори бўғинда қарор ишлаб чиқилади. Раҳбар жамоадаги норасмий лидерга таянади ва кези келганда унинг фаоллиги учун ҳам имконият яратади. Ҳамкорлик тамойилига асосланган раҳбар вазифани бажаришнинг аниқ кўрсатмасига нисбатан умумий йўналишни белгилашни маъкул кўради, ҳамда ходимнинг ўзи ижро этиш режасини ишлаб чиқиши учун имконият яратади.

Деморатик услугуб энг самарали бошқарув воситаларидан ҳисобланиб, уни қўллашда тўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ошади, меҳнат самарадорлиги таъминланади, бажарилаётган ишдан ва жамоага аъзоликдан қониқиши ўсади, гуруҳнинг аҳиллиги ошиб психологик муҳит ижобийлашади. Бундай жамоада одатда мавжуд ечимларга танқидий кўз билан қаровчи, хатоликларни

аниқловчи ходим ва бу хатоликларни бартараф этиш йўлларини таклиф этувчи мутахассис ҳамкорлиги мавжуд. Бу тавсифлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, демократик тамойилга асосланган жамоаларнинг ҳам бир неча даражаси бўлиши мумкин. Бирламчи даражадаги жамоалар асосан меҳнат вазифасини бажаришга йўналган бўлса, юксак поғонадаги жамоалар хизмат мақсадидан ташқари шахслараро муносабатларни ижобийлаштириш бўйича фаолликка ҳам эгадирлар. Демократик услугни амалга ошириш раҳбарнинг ақлий, ташкилий ва коммуникатив қобилияти юқори ривожланган шароитда ўринлидир.

Либерал услугда жамоада демократик тамойиллар ҳукм суради, ходимга буткул эркинлик берилади, у ўз хизмат вазифаларини белгилайди ва ижро этиш воситасини танлайди, гурухда хулқни назорат этиш деярли кузатилмайди. Бундай услуг юқори ижодий кучга эга бўлган ва ишлаб чиқариш жараёни бенуқсон йўлга қўйилган жамоада қўлланилиши мумкин. Аммо, бундай услуг ноўрин қўлланилганда гурухнинг ҳар бир аъзоси ташаббускор бўлиши билан бирга, уларни маълум мақсад сари йўналтирувчи куч жамоада бўлмайди, қабул қилинган қарорлар назорати суст бўлгани учун улар бажарилмай қолиб кетиши ҳам мумкин. Натижада ходимлар ўз меҳнатидан ва раҳбариятдан қониқмайди, иш самарадорлиги паст, жамоада ҳамкорлик йўқ, бир-бири билан киришмайдиган гурухларга бўлиниш эҳтимоли қўпаяди ва гурухлараро очиқ ёки яширин низо юзага келади.

Юқорида санаб ўтилган раҳбарлик услублари ҳар бир раҳбар фаолиятида у ёки бу даражада намоён бўлади ва айрим раҳбарда бу услубларга хос белгилар аниқ кўринса, иккинчисида суст кўзга ташланади. Баъзи бир раҳбар бирон услугга мойиллигини англаса, иккинчisi ўз хулқида аниқ бир услуг белгиларини ажрата олмайди. Шунга мувофиқ равишда психологик тавсияларда раҳбар шахс сифатида услубдан ўзини ажрата олиши ва услубдан фойдаланишни ихтиёрий даражага олиб кела олиши маслаҳат берилади. Айнан шундай қобилиятга эга бўлмаган айрим тоифа раҳбарларига «тартибсиз (мантиқсиз)» бошқарув услуги хос, деб айтиш мумкин. Бундай раҳбар бир услубдан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва аксинча ҳаракатларни пала- partiш амалга оширади ва ўз хулқи билан гурухдаги зиддиятни янада кучайтиради.

Замонавий ёндошувлар. Бошқарув услугига анъанавий ёндошувдан ташқари қатор замонавий ғоялар ҳам кириб келдики, уларни билиш раҳбарлик услугини янада ихтиёрий идора этиш имкониятини беради. Шу муносабат билан ситуатив, яъни вазиятга оид раҳбарлик услуги ҳақида маълумот бериб ўтишни лозим деб топамиз. Бу ғоя бошқарув соҳасидаги олимлар П.Херси ва К.Бландэд томонидан илгари сурилган бўлиб, бошқарувнинг у ёки бу услубини қўллаш ходимлар ва жамоанинг психологик ривожланганлигига, касбий баркамоллигига боғлиқдир. Муаллифларнинг фикрича, мутахассиснинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса раҳбар уни шунчалик камроқ бошқариши ва ҳиссий жиҳатдан қўллаб кувватлаши талаб этилади ва аксинча. Ходим қанчалик юқори малакага ва руҳий етукликка эришган бўлса, раҳбарнинг назорати ва аралашувига шунчалик камроқ зарурат туғилади. Бундай ёндошув

асосида тўрт даражали бошқарув вазиятлари фарқланади ва бу вазиятларнинг ҳар бирига ўзига хос раҳбарлик услуби талаб этилади. 1- жадвалда мана шу даражалар тавсифи ва уларга мос келувчи раҳбарлик ҳаракатлари келтирилган.

Кейинги ёндошув «икки тизимли типология» ёки «*Бошқарув матрица*»си деб аталади ва унда раҳбар ўз фаолиятида намоён этувчи икки асосий йўналиш: 1) Хизматга йўналганлик ёки 2) Ходимлар билан муносабатга йўналганлик асосида беш тоифа раҳбарлар фарқланади. қуйидаги чизмада верикал ўқ бўйича раҳбарнинг ходимларга йўналганлиги ўсиб бориш тарзида кўрсатилган, горизонтал ўқ бўйича эса хизмат вазифаларига йўналганлик кўрсатилган.


1 – жадвал.

Вазиятга оид раҳбарлик услуби

Ходимнинг, жамоанинг ривожланганлик даражаси	Бошқарув хатти-ҳаракатлари
Қўйи даражা Паст малакали ва ялқов ходимлар: «ишлишни ёқтиришмайди, касбни билишмайди»	Авторитар кўрсатмалар <ul style="list-style-type: none"> Нимани ва қай тарзда бажариш ҳақида аниқ кўрсатма бериш лозим Ишни доимий назорат қилиш Зарур бўлганда жазолаш, ёмон ва яхши ишга диққатни қаратиш, ишнинг ижобий натижаларини тақдирлаш
Ўрта даражा Асосий кўникмаларга эга бўлса ҳам ҳали тажриба етарли эмас, ҳаракатчан ва виждонли: «Ишлишни хоҳлашади, лекин қандай ишлишни билишмайди»	«Оммавийлаштириш» <ul style="list-style-type: none"> Йўриқнома ва кўрсатмалар умумлашган тарзда берилади (маслаҳат, ёрдам бериш, мустақил ҳаракатларга имконият яратилади) Тез-тез назорат қилиб туриш лозим Ҳурмат билан меҳрибонларча муносабат Мулоқотлар (характердаги ижобий томонларга эътибор қаратилади, умумий манфаатлар аниқланади) Керак бўлганда буйруқ бериш лозим Ижобий хулқни тақдирлаш ва зарур бўлганда жазолаш
Яхши даражা Ишнинг кўп томонларини бажаришга оид асосий малака ва кўникмаларга эга - «Ишлишни билишади ва хоҳлашади»	Бошқарувга жалб этиш: <ul style="list-style-type: none"> Айрим масалалар бўйича ходимлар билан маслаҳатлашиш Ходимларнинг ташаббусини, уларнинг фикр ва тақлифларини тақдирлаш. Масъулиятга кўпроқ ўрин қолдириш лозим Тўғри кўрсатмалар бериш ва назоратни чеклаш Ходимларнинг ўз-ўзини назорат этиш тизимини яратиш керак Мақсад қўйилсин, лекин унга қандай эришиш воситаси кўрсатилмасин <ul style="list-style-type: none"> Кўпроқ мулоқотда бўлиш лозим Фаолликни, ташаббус ва яхши меҳнатни тақдирлаш керак

Юқори даража: Юксак малакали, ташаббускор, масъулиятли мутахассислар	Ваколатни бериш <ul style="list-style-type: none"> • Муаммони мухокамага қўйиш, мақсадни аниқлаштириш, ўзаро келишувни шакллантириш • Муаммони мустақил равища ҳал этиш учун зарур хуқуқ ва ваколат билан таъминлаш лозим • Ишга араласишидан кочиш керак • Ходимларга ўзларини бошқаришлари ва назорат этишларига эришиш лозим • Агар мурожаат этишса ёрдам бериш • Илтимосларга жиддий қарашиб
--------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Ходимларга йўналганлик



2-расм. Бошқарув матрицаси.

Партиципативлик услуби. Ташкилот бошқарувидағи яна бир услуг – партиципативлик деб аталиб, унда раҳбарнинг ташкилот мақсадига эришиш йўлида ходимлар билан горизонтал йўналишдаги муносабатларни ривожлантириши тушунилади. Мутахассислар айнан партиципативликни энг самарали услублар қаторида кўрадилар. Бу услуг раҳбарнинг қўйидагича хулқида намоён бўлади:

1. Раҳбарнинг ходимлари билан мунтазам фикр алмашуви.
 2. Раҳбар ва ходим муносабатидаги очиқлик ва самимийлик.
 3. Ходимларнинг ташкилий қарорлар қабул қилишга жалб этилганлиги.
 4. Раҳбар ўз бурч ва ҳуқуқларининг маълум қисмини ходим зиммасига ўтказиши.
 5. Ташкилот вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда ходимларни жалб этиши.
 6. Мустақил қарор қабул қила олиш ҳуқуқига эга бўлган маҳсус гуруҳлар тузиш (масалан, «сифат назорати гуруҳи»).
- Ривожланган мамлакатлар менежерлари қўйидаги ҳолларда партиципативлик стратегиясига мурожаат этадилар:
- Ходимлар савиясининг юқорилиги шароитида, қарор қабул қилишни аста-секин марказлашмаган тарзда амалга ошириш мақсадида.
 - Қарор самарали ижро этилиши заруриятида (японияликлар карорни секин қабул қилишади, лекин қарор ижроси жуда тез амалга оширилади).
 - Қўйи бўғин раҳбарлари ва ходимлар малакасини ошириш механизми яратилгандা.
 - «Янгиликларни жорий этиш» юзасидан таклифларни қўпайтириш мақсадида.

Таъкидланаётган партиципативлик услуби жамоадаги ҳамкорлик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради ва ходимнинг ташкилот манфаати йўлидаги жонбозлигини таъминловчи асосий услублардан бири ҳисобланади. Лекин, партиципативлик услубини ҳар қандай раҳбар ҳам, ҳар қандай шароитда қўллай олмайди. Хўш қандай вазиятда ушбу услубни қўллаш кулай? Америкалик тадқиқотчилар Б.Басс ва Д. Барретта фикрича, бундай вазиятда уч омилни ҳисобга олиш лозим: биринчидан - раҳбар шахсини, иккинчидан – ходимларни, учинчидан – гурух олдида қандай вазифалар турганлигини.

Партиципативлик услубини қўллай оладиган раҳбар шахси ҳақида гапирсақ, у авваламбор, ўзига ишонган инсон, ёши катта, маълумот даражаси ҳам юқори, ходимидаги ташаббус ва интилишни қадрлайди, ундан ижодий ёндошув ва қадриятларга содиқликни кутади. Ходимга тегишли бўлган характер хислатлари кўп жиҳатдан бу услубни қўллаш доирасини кенгайтириши мумкин. Бу тоифа ходимларга қўйидаги хислатлар тегишлидир: юксак билим ва малакага эга бўлиш, мустақил фикрлашга интилиш, ижодий салоҳиятга эгалик, ишга катта қизиқишининг мавжудлиги ҳамда истиқболдаги мақсадга йўналганлик, жамоада тенг муносабатларга интилиш. Бундай ходим учун унинг ташкилот ҳаётига қўшаётган улушкини баҳолаш мезони – ҳамкарабалари фикридир. Бундай ходим одатда ташкилотда юқори мавқега эга. Партиципативлик услубини қўллаш имкониятининг учинчи манбаи – гурух

олдида турган вазифадир. Бу вазифа қуйидаги тавсифларга эга бўлганда ушбу услугуб орқали мақсадга эришиш мумкин:

а) масала ечимлари кўплиги, агар уни ҳар хил йўллар билан ҳал этиш имкони бўлса;

б) назарий таҳлил талаб этувчи ва юксак маҳорат орқали ҳал этилувчи;

в) уни бажариш учун ўрта меъёрдаги ички зўриқиши талаб этилса.

Лекин партисипатив услугни қўллашга баъзи бир омиллар тўсиқлик қиласи. Хусусан:

а) раҳбар ўз ваколатларини ходимлар билан бўлишишни истамаганда;

б) ходим касбий маҳоратининг пастлиги, ўз кучига ишонмаслиги, бирон ишни мустақил бажаришдан чўчиши;

в) ташкилотда маълумот алмашуви ёмонлиги натижасида зарур қарор ишлаб чиқиши имкониятининг йўқлиги;

г) ижтимоий рағбатлантириш сустлиги натижасида ҳамкорлик муносабатлари шаклланмаганлиги;

д) вазифани бажариш учун сарфланадиган вақтнинг камлиги;

е) вазифанинг ҳал этилиши авторитар услугни талаб этадиган алоҳида вазиятларда.

Мақбул услуг зарурати. Умуман олганда, бошқарув услуглари мавзуси доимо раҳбар ва ходим, раҳбар ва жамоа муносабатларининг таркибий қисми сифатида тушунилиши лозим. Шунинг учун ҳам раҳбарнинг ходимлар билан умумий мақсад сари боришида нафақат раҳбар танлайдиган услуг, балки ходимларнинг хулқ-атвори ҳам етакчи роль ўйнайди. Бу деган сўз – раҳбар бирон услугга мойиллигини билдириб, уни қўллаши бошқарувга бир томонлама қарашдир. Ваҳоланки, раҳбар жамоа ҳолати ва вазиятдан келиб чиқкан ҳолда у ёки бу услугга мурожаат этади. Услуб умумий мақсад йўлида бораётган раҳбар ва ходим муносабатларининг ўзаро мувофиқлашуви жараёнидир. У ёки бу бошқарув услугини қўллашдан мақсад, ташкилот манфаатини қондирувчи вазифани иложи борича тез ва самарали бажаришдан иборатдир. Қўлланилаётган услуг бундан кейинги шу каби топшириқнинг кай тарзда бажарилишига замин яратади ва жамоага вазифани бажариш имконини беради. Афсуски, кўпчилик жамоалар ва ҳатто раҳбарлар бирон вазиятни бажаришда доимо эски намунага мурожаат этишга ўрганиб қолганлар ва бу ҳолат шу каби вазифани бажариш услуби деб аталиши мумкин. Лекин янги вазифа такрорланмас бўлиб, унинг доимо бирон янги жиҳатлари мавжуд ва бу вазиятда эски намунадан, услугдан фойдаланиш мақсадга эришишни тўла-тўкис таъминлай олмайди.

Демак, услугни қотиб қолган, доимий восита эмас, балки ўзгарувчан, ривожланувчан ва динамик жараён сифатида тушуниш ўринлидир. Мавзу билан танишиш давомида ўқувчиларда «қайси услуг яхши?» деган савол қўп туғилади. Бунга жавобан айтамизки, раҳбар услугдан юқорида туриши лозим, у услугларни юқоридан «томуша» қила олиши ва вазиятга мувофиқ келадиганини танлаб қўллай билиши лозим. Лекин, бундай таъриф ҳам ўзининг чекланишига эга. Раҳбар у ёки бу услугни қўллар экан, доимо гурух устидан назорат этиш, уни «етаклаш» вазифасини олади. Бу эса жамоа фаоллигини,

унинг ташаббусини бошқаришдир. Беихтиёр, деярли афсонага айланган воқеа эсга тушади. Айтишларича, АҚШнинг бир йирик компанияси бир вақтнинг ўзида ҳамма филиалларидағи юқори бўғин раҳбарларини меҳнат таътилига чиқариб юборган. Орадан бир ҳафта ўтгач, баъзи ташкилотларда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай, олдин қандай бўлса шундайлигича давом этаверган. Айримларида эса ишлаб чиқиш суръати бирданига пасайиб, раҳбарнинг «йўқлиги» сезилиб қолган.

Демак, замонавий бошқарувнинг маҳорати – жамоанинг мақсадга интилишини таъминлашдир. Ушбу фикрни педагогик психологиядаги ҳолат билан қиёсласак, куйидаги мисол ўринли бўларди. Бола ўз ривожланишида ҳамма меъёрлар бўйича улғайиб бораётган бўлса, ота-она унинг ўсишига деярли аралашмайди ва лекин улғайишида бирон муаммо юзага келса, дарҳол керакли чоралар кўрилади. Жамоани бошқаришда ҳам раҳбар, биринчи навбатда, мақсадга эришиш шароитини яратиши ва ходимлар ҳаракатига кам аралашуви юксак бошқарув маҳорати белгисидир.

Қўл остидаги ходимларга хос бўлган психологик хислатлар ҳам у ёки бу услугни қўллашга асос яратади. Масалан, авторитар типга мансуб шахс анъанавий қарашларга мойиллиги, ходимнинг ҳиссиётига бефарқлиги, ўзгаришларга қаршилиги ва ҳокимликка интилувчанлиги билан ажралиб туради. Айнан шу тавсифларга эга бўлган кимса, ўз навбатида, авторитар раҳбар қўли остида ишлашга мойиллик билдиради.

Бошқарув услубларининг коммуникатив имкониятлари. Раҳбар авторитар бошқарув услугини қўллар экан, у ташкилотнинг расмий тизимини таъминлашга асосий эътиборини қаратади. Бу услугда маълумот фақат вертикал йўллар орқали келади, ходимнинг масъулият чегараси аниқ бўлиб, ҳар қандай хато қаттиқ жазоланади, шахсий муносабатлар иложи борича расмий тус олади ва ҳиссиётга ўрин қолмайди.

Демократик бошқарув услугида жамоадаги дўстона муносабатлар ривожланади, раҳбар гурух фаоллиги тарафдори, расмий тизимда шахсий манфаатлар ҳам назарда тутилиб, мулоқот юритишга кенг йўл очиб берилади.

Либерал бошқарув услугида эса раҳбар жамоадаги норасмий тизимни ривожлантиради ва муваффақиятга эришишда расмий, маъмурий шаклдан кўра жамоанинг норасмий муносабатлари устун қўйилади. Ташкилотда янги коммуникация тармоқлари яратилишига кенг йўл очилади ва ҳатто бундай ташаббус ижобий баҳоланади. Ходимлар иш меъёрини ўzlари ўрнатишади ва унинг бажарилгани учун ўzlари масъулдирлар. Ходимлар ўртасида ҳамкорлик муносабати устун туради. Жамоа таваккалга мушоҳада билан бемалол боради, ҳар қандай қийин вазифани ҳам енгил бажаради.

Юқорида айтиб ўтилган уч хил бошқарув услуги жамоада турлича муҳитни яратади. Авторитар раҳбарлик услугида гуруҳда ҳокимликка интилиш намоён бўлади, мансабга ружу қўйилади, демократик услугбли жамоада ходим уни тан олишларини, хурмат ва обрў қозонишни истайди ва ниҳоят, либерал услугбли жамоада муваффақиятга эришиш истаги устун бўлади.

Санаб ўтилган раҳбарлик услуглари жамоадаги меҳнат самараси учун турлича асос яратади. Авторитар услуг таъсиридаги жамоа доимо «тепадан»

кўрсатма кутиб яшайди ва ташаббус кўрсатолмайди. Шунинг учун бундай гурух самараси ҳам суст. Гурух аъзоларида ишдан ҳам, ўзаро муносабатлардан ҳам қониқиш паст даражада.

Демократик раҳбарликка асосланган жамоанинг иш унуми ўрта, ихтиро ва ташабbusлар сони ҳам ўрта меъёрда, гурух аъзолари ишдан ва ўзаро муносабатдан қониқкан.

Либерал тамойилга асосланган жамода эса унумдорлик юқори, меҳнатдан ва ўзаро муносабатдан қониқиш баланд, ходимлар ўзаро ҳамкорликка боради ва ёрдам кўрсатишга доимо тайёр.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги бальзи тадқиқотлар натижасида бошқарув услуби ва гурух самарадорлиги ўртасида ҳам алоқа аниқланди. Бунга биноан, авторитарлик ва демократик бошқарув услуби гурух фаолиятининг деярли бир хил самарасини таъминлайди, аммо гурух аъзолари демократик услугуб қўлланганда ишдан кўпроқ қониқадилар. Агар ходимнинг ишдан қониқиши мотивация омили сифатида қаралса, бу жуда аҳамиятли мезон эканлиги кўзга ташланади.

Кўп адабиётларда анъанавий уч раҳбарлик услубига баҳо беришда либерал услугуб энг самарасиз ёки бошқарув мақсадларидан узоқ турувчи восита деб, таъриф берилади. Аммо бундай фикрга жиддий эътиrozлар билдириш мумкин. Тажриба ва қузатишларнинг кўрсатишича, либерал бошқарув услуби айрим ҳолларда самарали натижага олиб келувчи воситага айланиши мумкин. Агар раҳбар атайлаб ва онгли равишда либерал услубни танласа, онгли равишда ходимга масъулиятни ўзига олиш имконини берса, бу ходим хулқини жамоа орқали бошқариш каби юксак маҳорат белгиси бўлиши мумкин. Агар ўхшатиш қилсак, авторитар бошқарувда раҳбар факат ўз ўринбосарлари билан мулоқотда бўлади ва маъмурий чоралар билан чекланиб қолади, демократик бошқаришда раҳбарнинг жамоа билан бевосита муносабат ўрнатиши кузатилади. Либерал услугуб эса ходимни, жамоани жонлантириш орқали бошқариш демакдир. Либерал услугуда ходим раҳбар кетидан эмас, балки жамоа орқасидан боради ва гурухга мос келишга интилади.

Жамоа фаоллиги корхона мақсадларига мос равишда бораётган шароитда, масъулиятни ўзига олиб ташаббус кўрсатаётган пайтда гурух фаолиятига аралашмаслик ва ходимни гурух ҳаёти оғушига киритиб қўйиш, балки энг мақбул бошқарув бўлиб ҳисобланади. Онгли равишда олиб борилган либерал бошқарув услуби ўта мураккаб бўлиб, бу жараёнда раҳбар мақбул йўл танланишида барча фаолликни жамоага топширади, раҳбарнинг вазифаси тўғри мақсадни кўрсатиб бериши эмас, балки шу мақсад гурух томонидан танланиши учун шароит яратишдан иборат бўлади.

2.3. Лидерлик ва бошқарув

Лидер сўзининг изохига оид. Умуман, адабиётда «лидер» сўзини «етакчи» атамаси билан алмаштириш ҳоллари кўп учрайди. Ўйлашимизча, «етакчи» атамаси «лидер»га хос бўлган психологик тавсифни тўла ифодалай олмайди. «Етакчи» сўзи гурухга муносабат сифатида, унинг аъзоларига таъсир ўтказувчи ва мақсадга етакловчи шахсга нисбатан ишлатилади. Етакчилик

гурух таркибини, ундаги муносабатлар тизимини таҳлил этиш орқали аниқланадиган шахс ҳолатидир. Лекин лидерга хос бўлган фазилатни ифодаловчи яна қатор жиҳатлар борки, уларни муносабатлар тизими доирасидагина таҳлил этолмаймиз. Бундай талқинда лидерга хос бўлган асосий жиҳатлардан яна бири – шахснинг вазиятга мувофиқ равишда ҳаракат қилиш қобилиятини ҳисобга олиш зарурати туғилади. Бирон-бир муаммоли вазиятда пайдо бўлган қийинчиликни бартараф этишдаги ташаббус, топқирлик ва мохирлик лидерга хос фазилатлардир. Муаммони ечиш билан боғлиқ қийин вазиятда лидер бошқаларга нисбатан ўзининг илғорлиги, пешқадамлиги билан ажралиб туради. Фикримизча, ўзбек тилида айнан шу икки ибора – «пешқадам» ва «етакчи» сўзлари мажмуаси лидер моҳиятини тўла ифодалаши мумкин.

Назаримизда, «Етакчи» сўзи шахснинг гурухни етаклашга, бошчилик қилишга бўлган иштиёқи мавжудлигидан келиб чиқади. «Пешқадам» ибораси эса маълум фазилатларга эга бўлган шахс кетидан гурухнинг эргашишини, жамоанинг ўз ихтиёрига қўра ўзи ишонган одам бораётган йўлни танлашини англатади. Айнан шу холат «лидер» иборасига нисбатан ҳам ишлатилиши зарур. Лидернинг бу хусусияти унинг ҳиссий жозибадорлигига, ўзгаларни ўзига жалб этиш фазилатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, «лидер» сўзини факат «етакчи» атамаси билан алмаштириш лидерлик ҳолатининг психологик талқинини тор доирага киритиб қўяди. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқсан ҳолда қўлланмамиз матнида «лидер» сўзидан фойдаланишни маъқул деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, «лидер» сўзидаги изохий маънони англаб олиш ўзбек китобхони учун таниш ҳолдир.

Лидерлик ва раҳбарлик. Мехнат жамоасидаги ҳар бир ходим гурухда ўзининг мавқеига эга. Бу мавқе расмий ёки норасмий тарзда қўлга киритилган бўлиши мумкин. Расмий мавқе ходимнинг мансаб поғонасидаги ўрни ва унинг лавозимидан келиб чиқувчи ваколатлари билан ифодаланади. Ҳар қандай ходим ўз ҳамкарабалари билан ўзаро муносабатда бўлар экан, турли омиллар таъсирида бу муносабатлар ҳиссий ранг ола бошлайди.

Ҳиссиётга асосланган муносабатлар икки қўринишда - ёқтириш (симпатия) ва ёқтирмаслик (антисимпатия) сифатида шаклланади. Шундай ходимлар ҳам борки, улар ўзининг маълум хислатлари билан жамоанинг кўпчилик аъзоларида симпатия уйғота оладилар ва улар гурухнинг норасмий тизимида юқори мавқени эгаллайдилар. Психологик талқин бўйича, жамоанинг расмий тизимида юқори мавқени эгалловчи ходим раҳбар бўлиб ҳисобланса, норасмий тизимда юқори мавқени эгалловчи шахс эса - лидерdir.

Лидерлик ҳолати, одатда, гурухнинг норасмий муносабатлар тизимида амалга ошади. Бирон-бир шахснинг лидер даражасида тан олиниши унга ҳиссий яқинликни, унинг иш билан боғлиқ бўлган қатор фазилатларини юқори баҳолашни ва ушбу шахснинг гурух манфаатларига эътиборлилигини англатади. Лидер - гурухнинг ҳамма аъзолари томонидан тан олинган шахс. Лидернинг қадриятлар тизимидағи асосий жиҳати - гурух манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, доимо гурух олдига қўйилган вазифани ечишга сидқидилдан киришиш ва бу жараёнда жамоани сафарбар эта олишидир.

Мехнат жамоасидаги лидер авваламбор ўзининг ишчанлик хусусиятлари

билин фарқланиб туради, чунки, у айнан меҳнат фаолияти туфайли бошқалардан ажралиб кўзга ташлана бошлайди. Бундан ташқари, лидер, гуруҳ манфаатини ҳимоя этар экан, кези келганда расмий муносабатлар тизимиға ва расмий доиралар манфаатига ҳам зид чиқа олади. Натижада, жамоада расмий раҳбар ва норасмий лидер ўртасида зиддият пайдо бўлиши мумкин. Корхона манфаатидан келиб чиқсак, жамоадаги расмий раҳбар ва норасмий тизимда шаклланувчи лидер бир шахс орқали ифодаланиши энг мақбул ҳолдир.

Замонавий психология фани, ўз ютуқлари орқали, лидерга хос фазилатлар табиати ва унга эришиш йўл-йўриклари ҳақида етарлича маълумот бера олади. Шу муносабат билан лидерга хос бўлган жиҳатларни уч тоифага киритишимиз мумкин:

- 1) жамоа манфаатлариға йўналғанлик;
- 2) қасбий моҳирлик, ҳар қандай муаммоли вазиятда қийинчиликни ўз бўйнига олиш ва ишни охиригача ҳал этишда ташаббускор бўлиш;
- 3) эмоционал, ҳиссий жалб этувчанлик хислатлари. Юқорида санаб ўтилган хислатлар мажмуасининг кетма-кетлиги ҳам ўз мантиқига эга.

Тадқиқотлар орқали аниқланишича, ҳиссий жалб этувчанлик одатда лидер шахсда жуда ёрқин кўзга ташланиши шарт эмас экан. Шахсда бу кўрсаткичнинг ўрта меъёрда мавжудлиги, уни лидерлик даражасида тан олиниши учун етарлидир. Лекин инсонга хос ҳиссий жозибадорлик кўрсаткичи пастлиги иш юзасидан ўтадиган мулоқот ва музокараларга салбий таъсир этиши мумкин. Раҳбарнинг мулоқот сирларини яхши билиши орқали атрофдагиларда ўзи ҳақида ижобий таассурот уйгота олиши ушбу кўрсаткични оширишдаги асосий воситадир .

Раҳбарлик тайинланувчи лавозимдир, лидерлик эса ҳамфирлар томонидан кўтарилиган шахс мавқеидир. Агар раҳбар ва лидер ўртасидаги фарқга эътибор берадиган бўлсак, кўпгина жиҳатларни санаб ўтишимиз мумкин. Масалан, раҳбар ходимларга эга бўлса, лидернинг ҳамфир тарафдошлари мавжуд, раҳбар тайинланса, лидер жамоа аъзолари орасидан ажралиб чиқади, раҳбар ўз ҳокимиятига асосланса, лидер эса обрўсига таянади. Раҳбар ўз мажбурияти бўйича ташкилот манфаатини биринчи ўринга қўяди ва шу хусусият унга расмий тус бериб, жамоа олдида лидерга нисбатан уни бир мунча «заиф» ҳолатга қўяди.

Ҳаётда кўпгина жамоалар учрайдики, уларда расмий раҳбар ва лидер алоҳида шахслардан иборатдир. Бундай жамоа ҳаётидаги кўп вазиятларда гуруҳ аъзолари раҳбардан кўра норасмий лидер томонида бўлишлари эҳтимоли кузатилади. Жамоадаги расмий раҳбар ва норасмий лидернинг ўзаро муносабати доимо қийин масалалар доирасига киради. Бундай вазиятда одатда кўпчилик раҳбарлар лидерни сиқиб чиқаришга, ундан қутулишлари кузатилса, бошқа бир раҳбар бу лидердан фойдаланишга, уни гуруҳ мақсадига тезроқ эришиш йўлига сафарбар этиши мумкин. Раҳбарнинг лидер билан ўзаро тил топиши, ҳамфир бўла олиши албатта бўлажак муваффақиятлар гаровидир. Бунинг учун раҳбардан ҳам топқирлик, сабр-тоқат ва ўз шахсий манфаатидан устун тура олиш қобилияти кутилади.

Расмий раҳбар ва гуруҳ лидери турли шахслардан иборат бўлса, улар

үртасидаги келишмовчилик кўпгина ходимлар томонидан ижтимоий адолатнинг бузилиши сифатида идрок этилади. Лидер билан муносабатни ривожлантириш эса аксинча, гуруҳдаги қучларни тан олиш, оқиллик йўлини танлаш деб баҳоланади. Раҳбар сезгир шахс сифатида нафақат лидерга, балки бундай хислатга эга бўлган ҳар бир гуруҳ аъзосига алоҳида диққат ажратади. Алоҳида олинган лидер билан мавжуд муносабатни ривожлантириш орқали гурухнинг бошқа аъзолари билан ўзаро ижобий ҳисларни шакллантириш имконияти туғилади. Шу маънода таҳлил этилганда, гуруҳда норасмий лидернинг мавжудлиги расмий раҳбар учун гуруҳ аъзолари билан илиқ муносабатни қуришдаги кўшимча кўприкдир. Лекин ҳаётда ҳамма нарса ҳам ўйлангандай силлиқ кетавермайди ва расмий раҳбар билан норасмий лидер манфаатининг зидлиги, раҳбарнинг илтифотли қадамига қарамай норасмий лидернинг қайсарлиги тўқнаш келиши мумкин. Бу эса жамоадаги низо билан ифодаланади ва бундай ҳолларни ҳал этиш йўл-йўриқлари ҳақида жамоадаги низолар мавзусида батафсил гапириб ўтилади.

Лидерга хос бўлган фазилатларни шакллантириш бўйича психология фанида қатор амалий тадбирлар мавжуд бўлиб, бу хил дастурлар интерфаол таълим услубига асосланган амалий машғулотларда ўз аксини топади. Шахснинг лидерлик жиҳатларини ривожлантирувчи психологик тадбирларнинг методологик асослари бир мунча баҳсли бўлиб, бу мавзунинг пухта ишлаб чиқилиши ушбу машғулотлардан олинажак натижа самарасини белгилайди. Яқин пайтгача психология фанида шахснинг лидерлик хислатларини шакллантириш бўйича «Хислатлар назарияси» деган таълимот етакчи бўлиб келган. Бу таълимотга биноан лидерликни ифодаловчи бир неча хислатлар мавжуд ва ушбу хислатлар мажмуаси шахснинг ўзгаларга таъсир этиш қобилиятини белгилайди. Аммо, аниқланишича, хислатларнинг шунчаки мажмуаси шахсни лидер даражасига кўтара олмайди ва бу хислатлар сони бир неча ўнталиқдан иборат бўлиши мумкин. Бу хислатларни шакллантириш, уларни шахс тузилмасидаги бошқа таркибий жиҳатлар билан мувофиқлаштириш ва инсоннинг ички мазмун-моҳиятига айлантириш ўта мураккаб масаладир. Кўп йиллик психологик тадбирлар бундай йўлнинг каммаҳсул эканлигини кўрсатди.

Шахснинг лидерлик имкониятини ривожлантиришнинг замонавий ёндошувларидан бири, инсонда шаклланган қобилиятга суюнишни ва шу қобилиятни имкон берган вазиятда намоён этилишини тақозо этади. Бундай ёндошув «ситуатив лидерлик» деб аталиб, унда лидер деб, тан олинган шахснинг умумий мақсадга эришиш йўлида муаммоли вазиятда ўз қобилиятини намоён эта олиши тушунилади. Бу назарияга биноан гуруҳ доимо бир неча лидерга эга бўлиши мумкин ва кези келганда ҳар бир жамоа аъзоси муаммоли вазиятни ҳал этиш борасида ўз қобилият ва имкониятини намойиш эта олади. Фикримизча, самарали фолият олиб борувчи раҳбар ўз жамоасида айнан шундай муҳитни яратиши керакки, ҳар бир ходим зарур вазиятда ўз имкониятини ишга солиш орқали муаммоли вазиятни ҳал этишда қатнашиши ва бошқарув жараёнида иштирок этаётганини ҳис қила олсин. Бунинг учун жамоа, ҳар қандай вазиятни ҳал этишда чуқур масъулият ҳис этувчи ва ўз

ишининг усталари бўлган профессионал ходимларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, гуруҳда доимо шундай ходимлар топиладики, улар пайдо бўлувчи кўпгина муаммоли вазиятларни ҳал эта оловчи универсал қобилиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, лидерлик кўп жиҳатдан шахс туғма қобилияларининг етарли даражада шаклланганлиги билан характерланади.

Юқорида айтганимиздек, лидерликниинг асосий жиҳатларидан бири – гуруҳ манфаати ҳақида ғамхўрликдир. Шунинг учун ҳам лидерлик таърифидаги асосий маъно касб этувчи томонлар бу – шахснинг ушбу вазиятни муваффақиятли ҳал эта олиш қобилияти ва гуруҳ манфаати йўлидаги жонбозлиги деб тушунилиши мумкин.

Шахснинг лидерлик имкониятини намоён эттирувчи яна бир асосий томон – жамоанинг талаб ва истагига мос кела олишидир. Турли меҳнат жамоалари ўз масъулият даражасидан келиб чиқсан ҳолда турлича истакларни намоён этади ва ҳатто, баъзида жамият манфаатига тўла мос келмаслик ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай жамоаларда эса, табиийки деструктив, яъни бузғунчи хулққа мос келувчи лидерлар ажралиб чиқади ва улар гуруҳнинг яширин мотивларини намоён этувчи ўзига хос кучга айланади. Мисол тариқасида, ўсмирлик даврида намоён бўлувчи ва хулқ оғиши билан характерланувчи гуруҳлар ва уларнинг лидерини, ёки баъзи бир меҳнат жамоасида ташкилотни қолоқликка тортувчи асоциал хулқ эгаларидан иборат гуруҳларни эслаш мумкин.

Лидер ва расмий раҳбарнинг турли шахслардан иборатлиги ва улар ўртасидаги зиддият ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Шундай ҳолат ҳам юз берадики, ташкилот манфаатига зид йўл тутган лидер атрофида ўзи каби ҳамтовоқларни тўплаши ва ўзининг оғувчи хулқи билан нафакат ташкилот мақсади, балки раҳбарнинг обрўсига ҳам путур етказади. Бундай лидерни дарҳол ишдан бўшатиш лозим, деган анъанавий фикр бир қараганда тўғри бўлса-да, лекин ушбу вазиятдан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш раҳбарнинг моҳир ташкилотчилигидан далолат беради. Раҳбар ўз ташкилотидаги мавжуд имкониятларни қўллаган ҳолда норасмий лидерни нафакат гуруҳдан ажратиши, балки унга маъқул келувчи ва унинг қобилиятларига мос келувчи вазифаларни ҳам топиб бериши мумкин. Умуман олганда, раҳбар унинг манфаатларига зид бўлган ҳар қандай кучни ўз томонига оғдира олиши унинг обрўсига обрў қўшувчи ва жамоа олдида унинг нуфузини янада оширувчи энг самарали имкониятдир. Ўйлашимизча, бундай имконият пайдо бўлганидан афсусланиш эмас, балки ташаккур айтиш ўринли бўлса керак.

Албаттa, жамоа раҳбари ва лидер бир шахсда ифодаланиши айни муддао ҳисобланади ҳамда расмий раҳбар иложи борича ташкилот мақсадларини ходимлар манфаати билан уйғунлаштирган ҳолда бошқарув жараёнини ташкил этиши лозим. Айнан шу омил, айникса, касб соҳасидаги юқори малака раҳбарни лидерлик даражасига кўтарилиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

2.4. Раҳбарлик муроқоти ва унинг босқичлари Раҳбарлик муроқотининг хусусияти.

Раҳбар фаолиятининг асосий қисмини муроқот жараёни ташкил этади. Қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш, ходимлар ва ташкилот фаолиятини ташкил этиш, назорат ва ходимлар фаолиятини рағбатлантириш жараёнлари ҳам муроқот орқали амалга ошади.

Психология фанида шахсий ва иш юзасидан муроқот турлари фарқ қиласи. Ушбу матнда асосан иш юзасидан бўладиган муроқот табиати ва уни шакллантириш имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Бошқарув муроқоти – ходимларни маълум томонга йўналтириш мақсадидаги ўзаро маълумот алмашинуви жараёнидир

Бошқарув муроқоти қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Бўйруқ ва топшириқ узатиш, ходимга у ёки бу маслаҳатни бериш;
2. Вазифа, топшириқ қандай адo этилганлиги ҳақида «қайта алоқа», яъни ҳисоботни қабул қилиш;
3. Итоатдаги ходимларга вазифа қандай бажарилганлиги ҳақида баҳо бериш.

Муроқотни моҳирона олиб борувчи раҳбарда ўз вазифаларини самарали тарзда ташкил этиш имконияти ошади. Ходимларга таъсир этиш, уларга ғайрат бағишлиш, ташкилот мақсади сари етаклаш каби ташкилий вазифалар ҳам малакали муроқот орқали таъминланади.

Раҳбарнинг муроқот малакасини ифодаловчи асосий жиҳат унинг муроқот соҳасидаги фаоллиги бўлиб ҳисобланади. Ушбу фаолликнинг мақсадга йўналганлиги, англанган тарзда ва эркин ижро этилиши инсоннинг муроқот жараёнини қанчалик моҳирлик билан амалга оширишини ифодаловчи асосий белгилардир. Раҳбар муроқот жараёнининг ички қонунларини билиши жуда муҳимдир. Муроқот жараёнини бошқаришга оид восита ва услублар муроқот технологиялари ибораси орқали ифодаланади. Айнан шундай технологияларни ўзлаштириш ва вазиятга оид равишда қўллаш муроқотнинг эркинлигини таъминлайди. Муроқотнинг ички қонунларига оид қўйидаги фикрлар иш юзасидан бўладиган ўзаро муносабатлар доирасини янада кенгайтириш ва ўзгаларга самарали таъсир этиш имконини яратади. Шу муносабат билан, муроқот жараёнини бошқариш имконини берувчи шартлардан бири уни босқичма- босқич амалга оширишdir.

Раҳбар бошқаруви жараёнида муроқот тадбирини ташкил этар экан бу жараённи раҳбарлик муроқоти деб аташ мумкин. Тўла-тўқис ва меъёрида ташкил этилган раҳбарлик муроқоти қўйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

1. Алоқа/контакт ўрнатиш.
2. Масалани муҳокама қилиш.
3. Ечим вариантларини излаш.
4. Қарор қабул қилиш.

Ижобий натижага олиб келувчи раҳбарлик муроқоти таъкидланган босқичларнинг айнан шундай кетма-кетлигига амалга ошади. Аникроғи, муроқот жараёнининг самарали ўтиши, кўп жиҳатдан, шу босқичларни

навбатма-навбат амалга ошириш билан боғлиқ. Бу шартни таъминлаш эса, авваламбор, раҳбар зиммасига юклатилади, чунки бошқарув мuloқотини йўналтириш асосан унинг имконияти доирасидадир.

Энди, юқорида санаб ўтилган босқичлар хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз. Раҳбарлик мuloқотини шакллантиришдан асосий мақсад - раҳбар бу жараён орқали ўз ходимлари билан амалга ошириши лозим бўлган муаммоларни ҳал этади. Масалан, янги йил кечаси олдидан бирон-бир ходимни ишхонада навбатчиликда қолдириш ва умуман, корхона миқёсида ходимни бевосита масъулияти доирасига кирмайдиган бирон-бир ишга жалб этиш каби муаммоли вазиятларни кўплаб қайд этишимиз мумкин. Албатта, бундай ташкилотчилик вазиятларини ҳал этишнинг энг оддий усули мавжуд. Жумладан, оддийгина бир буйруқ билан ходимни деярли ҳар қандай ишни зиммасига олишга мажбур этиш мумкин. Аммо, ишнинг натижаси қандай бўлиши, вазифани бажаришга ходимнинг қанчалик сидқидилдан муносабатда бўлиши, топшириқ сифатини ҳал этадиган асосий омилдир. Шунинг учун таклиф этилаётган бошқарув мuloқоти моделида ходимнинг вазифага масъулиятини ошириш, унда топшириқ натижаси ижобий бўлишига куюнчаклик ҳиссини кучайтириш назарда тутилади.

Раҳбарлик мuloқоти босқичлари тавсифи. Иш юзасидан амалга ошадиган бошқарув мuloқоти ходим билан контакт ўрнатишдан бошланади. Бу босқични амалга ошириш жараёни раҳбарнинг икки саволга жавоб олишидан иборатдир:

1. Қаршимдаги одам ким?
2. У қандай ҳолатда?

Мана шу икки саволга олинган жавоб мазмуни биринчи босқич қанча пухта бажарилганлиги ҳақида далолат беради. Раҳбар шу икки саволга батафсил жавоб олган тақдирдагина, у иккинчи босқични амалга оширишга киришиши мумкин. Жавоблар эса раҳбар қаршисидаги ходимнинг мuloқотга тайёрлигини ифодалashi лозим. Биринчи босқични амалга оширишда раҳбардан кузатувчанлик, ўткир зеҳн ва мазкур одамнинг хатти-ҳаракатига қараб, унинг ички ҳолатини аниқ билиш қобилияти талаб этилади.

Масалан, алоқа ўрнатиш босқичидаги биринчи саволга жавоб берар экан, раҳбар қаршисидаги одам ҳақида қуйидаги билимларни билиши ва назарда тутиши зарур:

- 1) ёши;
- 2) мутахассислиги, касби;
- 3) шу ташкилотда неча йилдан бери ишлаётганлиги;
- 4) оилавий аҳволи;
- 5) қобилияти (қайси вазифани яхши бажаради-ю, қайси бирини уddyалай олмайди);
- 6) соғлиги ҳақидаги маълумот ва ҳ.к. Ушбу ахборотга эга раҳбар ҳар қандай топшириқни ходимга ишонч билан топшириши ва ижобий натижа кутиши мумкин.

Юқоридаги саволларга жавоб олиш учун раҳбар мuloқот бошланишидан аввал сұхбатдоши ҳақида иложи борича кўпроқ маълумотга эга бўлиши лозим.

Контакт ўрнатиш босқичининг биринчи саволига олинган жавоблар раҳбарни бўлажак мулоқотга тайёрлайди, сұхбатдошнинг кучли ва заиф томонларини аввалдан тасаввур этишга имкон яратади.

Контакт ўрнатиш босқичининг иккинчи саволи сұхбатдошнинг ички ҳолатини аниқлаш, сұхбат чоғида унинг ички кечинмалари ҳақида боҳабар бўлишни тақозо этади.

Қаршимиздаги одамнинг ташқи қиёфаси – тана ҳолати, юз мимикаси, қўл-оёқ ҳаракатлари ва овоз интонацияси – буларнинг ҳаммаси инсоннинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот беради ва у сұхбатнинг асосий қисмига ўтишга тайёрми ёки йўқлиги белгисидир. Сұхбатдошнинг ташқи қиёфасидаги бу кўрсаткичлар одатда мулоқотнинг новербал, яъни сўзсиз жиҳатларини ташкил этади ва кишининг ички ҳолати ҳақида ҳаққоний маълумот беради.

Новербал сигналлар, аксарият ҳолларда ихтиёрий бошқариш доирасидан четда бўлиб, одамнинг ҳақиқий ҳис-туйғулари, ният ва хоҳишилари кўрсаткичи десак, хато бўлмайди. Масалан, икки қўлни қўқрак олдида қовуштириб, оёқларни тиззага устма-уст қўйиш ёпиқ ҳолатни англатади ва бу ҳолат сұхбатдошнинг мулоқотдан ўзини четга олиши деб талқин этилиши мумкин. Аксинча, қўлларнинг ён атрофда жойлашиши, кафтларнинг очиқлиги ва оёқни кериб сал оддинга энгашиб туриш/ўтириш сұхбатдошга ва мулоқот мазмунига хайриҳоҳликни англатади.

Сұхбатдошнинг очиқ ёки ёпиқ тана ҳолати мулоқот давомида ўзгариб турувчи кўрсаткич бўлиб, сұхбат мазмуни қандай ўтаётганлигига қараб у бизга очиқ бўлиши, ва агарда сұхбат унга нокулайликлар түғдиргандан эса ёпиқ позани эгаллаши мумкин. Масалан, икки яқин дўст мулоқотини кузатсак, уларнинг тана ҳаракатларида ёпиқлик аломатлари деярли кўринмайди. Уларнинг ўзаро хайриҳоҳлик ҳолати нафақат танасида, балки ўртадаги масофанинг яқинлигига, ўзаро сұхбатдаги мулойим товуш интонациясида, юзидағи енгил табассум ифодасида акс этади. Айнан шу кўрсаткичлар мулоқот жараёнининг ижобий йўналишда ўтаётганлиги ҳақидаги асосий белгилардир. Мулоқот вазиятида бундай белгиларнинг кузатилиши, ўзаро муносабатнинг яхши ўрнатилганлигини, сұхбатнинг иккинчи босқичига ўтиш мумкинлигидан далолат беради.

Бироқ, сұхбатдошдан келаётган новербал сигналлар унинг ёпиқ ҳолатдалигидан далолат бериб, мулоқотнинг иккинчи босқичига ўтиш имкониятини чеклаб қўйиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда раҳбар қандай иш тутиши лозим ва қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкин?

Замонавий психология фани шундай билим ва кўникмаларни баён қилиши мумкинки, уларнинг айримларини қўллаш мулоқот мухитини ижобийлаштиришга, ўзаро муносабатларни янада муқобиллаштиришга кўмак бўлади. Бу борадаги биринчи ва жоиз қадамлардан бири – раҳбарнинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсида мулоқот учун ижобий ҳолатнинг акс этишидир. Ўзгага хайриҳоҳлик, самимий муносабат, унинг манфаатлари ҳақида қайғуриш аломатлари ўз навбатида, ходим шахсида ҳам шундай жавобларнинг уйғонишига таъсир этади.

Контакт ўрнатиш босқичида мулоқотнинг давом этишига ижобий хулоса

якунланмаса, энг оддий маслаҳатлардан бири – ходимни нима безовта қилаётганлиги ва мuloқотни давом эттириш қийинлиги сабаби ҳақида очик-ойдин сўрашдир. Кўпинча бу услуг кутилган натижага олиб келади ва ҳатто ходим ўзини безовта этаётган қўнгилғашлиги ҳақида очик- ойдин айтмаса-да, ҳар ҳолда ўзини тетик тутишга, диққат-эътиборли бўлишга ундейди.

Ўзганинг мuloқотга тайёрлиги англаңгандан сўнг, бу жараённинг иккинчи босқичига ўтиш мумкин. Иккинчи босқич – мuloқотнинг асосий мазмунини ташкил этиб, унда иш юзасидан кўтарилиган масала, муаммо муҳокама этилади. Бу босқичнинг муваффақиятли ўтиши, маълум маънода, раҳбар фаоллигини, маҳсус фаолият услугларини қўллашни талаб қиласди.

Масалани муҳокама этишдаги асосий жиҳатлардан бири – ўзганинг фикрини яхши тушуниш, муаммо бўйича ўзга томоннинг фикрини аниқ англашдан иборатдир. Афсуски, мuloқот жараёнида кўпинча шундай ҳоллар кузатиладики, муҳокама қилинаётган масала юзасидан иккала томонда турлича тасаввур пайдо бўлади. Муаммо бўйича бундай тасаввурнинг пайдо бўлиши, минг афсус, ҳеч қачон унинг ечимиға олиб келмайди. Шунинг учун мuloқотнинг бу босқичида муҳокама этилаётган масалани бир хил тушуниш ва ҳатто бир хил қарашни шакллантириш тадбирини амалга ошириш зарур.

Иккинчи босқичда ўзгани тушунишнинг асосий шарти сифатида тинглаш малакаси намоён бўлади. Одатда, тинглашнинг фаол ва пассив кўринишлари фарқ этилади. Фаол тинглаш, ўзга фикрини идрок этиш давомида тушунаётганлик алломатларини намоён этишни англатади. Бунда сұхбатдошлар масала моҳиятини аниқлашга оид саволлар беришади, сұхбатнинг асосий қисми юзасидан хулосалар баён этишади.

Пассив тинглашда эса бошқа томонни тушуниш борасида тушуниш алломатлари минимал даражада намоён этилади. Масалан, оддийгина бош қимирлатиб тасдиқлаш, «ҳмм», «ахха», «тушунарли» каби иборалар билан чекланиш. Муаммоли ва қийин вазиятдаги мuloқот олиб борища иложи борича фаол тинглаш малакасини намоён этиш лозим. Бундай шароитда пассив тинглаш сұхбатдошлар орасида тушунмовчиликни, ўзга томон ҳолати ва тасаввури ҳақида маълумот этишмовчиликни юзага келтиради. Аниқланишича, ҳар бир мuloқот вазияти хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда фаол ёки пассив тинглаш турларини қўллаш мумкин. Лекин назарда тутилаётган мuloқот вазиятида айнан фаол тинглаш услубидан фойдаланган маъқул.

Фаол тинглаш давомида шахс фаоллигининг асосий уч жабҳаси намоён бўлади. Булар қўйидагилар:

- **диққатнинг сұхбатдошга йўналганлиги** – визуал, яъни кўз контакти, гапиравчига ҳурмат, сабр-тоқат, тинглашга тайёрлик;

- **фаоллик** – мақсадга йўналганлик, қайта алоқа, тушунарли баён этиш, одоб-интизом;

- **хайриҳоҳлик** – устунликка интилмаслик, ўз ҳиссиётини назорат этиш, маълумотни эътиroz билдиримай қабул қилиш, салбий ҳиснинг йўқлиги, оптимал нутқ темпи.

Мuloқотнинг иккинчи босқичидаги асосий хусусият – муаммо мазмуни

юзасидан бир хил тасаввурнинг шакланишига ва сухбатдошларнинг бирбирини тушунишига эришишдир. Аммо, мuloқот давомида қатор тўсиқлар мавжудки, улар сухбатдошдан келаётган маълумотни тўла тушунишга халақит беради. Маълумот алмашуви босқичларини ёдда тутиш ва унга мувофиқ келувчи фаол ақлий ҳаракатни қўллаш тўсиқларни муваффақиятли енгиб ўтишни, маълумот йўқолишини иложи борича камайтириш имконини беради.

Муаммо моҳияти аниқлангандан сўнг, унинг ечимини топиш лозим. Шунга биноан, муаммони ҳал этиш мақсадидаги мuloқот жараёнининг учинчи босқичи – муаммо ечимини излаш ҳам мухим ўрин тутади. Бу босқич ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида низо вазиятидаги беш хил ҳаракат услубини эслашимиз мумкин. Маълумки, низоли вазиятда инсон беш хил ҳаракат услубидан бирини танлашга ўз мойиллигини билдиради. Бу ҳаракат услуби қўйидагилар:

1) *рақобат* – масала айнан раҳбар айтганидай ҳал бўлиши керак;

2) *ён бериши* – раҳбар ходим таъкидлаётган ечимни қабул қиласади;

3) *компромисс* – масала иккала томонни ҳам қисман қониқтирадиган ечим орқали ҳал этилади, лекин асосий манфаатлар қондирилмайди.

4) масалани мухокама этишдан *қочииш*, яъни турли баҳона билан масалани ҳал этувчи узил-кесил ечим қабул қилинмайди;

5) *ҳамкорлик* – иккала томонни қониқтирувчи ечим изланади ва бу изланиш давомида раҳбар ўз ходими манфаати ҳақида қайгуради, ходим эса раҳбар ва ташкилот манфаатини назарда тутган ҳолда ўз муаммоси ечимини излайди.

Муаммоли масала юзасидан мuloқот олиб бориш хусусияти шундан иборатки, мuloқотда иштирок этаётган томонларнинг манфаатини қондирувчи ечим топилган тақдирдагина, бу жараённи муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин. Ҳамкорликка асосланган, томонлар манфаатига мос келувчи ечим топилгандан кейингина қарор қабул қилинади ва мuloқот муваффақиятли тарзда адо этилди, деб ҳисобланади. Сухбат охирида хулосалар чиқариш, ечимни яна бир бор қайд этиш ва қабул қилинган қарор юзасидан қисқа изоҳ бериб ўтиш мумкин.

Муаммоли вазиятда ва мушкул масалани ҳал қилиш чоғида мuloқот олиб бориш босқичлари тасирланган 2.4.1. жадвалда ҳар бир босқичда раҳбар томонидан бажариладиган зарур ҳаракатлар ва ушбу босқич натижаси ҳақида тавсифлар келтирилган. Босқичма-босқич амалга оширилувчи мuloқотнинг бу шаклидаги асосий шартлардан яна бири шуки, мuloқот жараёнида ўзаро муносабатга оид ижобий мұхитни сақлаб туришга интилиш лозим. Контакт яхши ўрнатилгандан сўнг, ўзаро муносабатлардаги ижобий мұхитни мuloқот жараёни давомида сақлаб туришга интилиш лозим. Ушбу мақсадда сухбатдошнинг новербал сигналларидан, унинг сухбат жараёнига бўлган муносабатини уқиб олиш, ва керак бўлса, мавзудан маълум меъёрда чекланилса ҳам, мұхитни мўътадил тутиш ҳақида қайгуриш тавсия этилади.

2-жадвал.

**Муаммоли, қийин ва низоли вазиятда мулокот олиб бориш
босқичлари**

№	Босқич-лар номи	Зарур маълумотлар	Зарур ҳаракатлар
1-босқич	<i>Контакт ўрнатилиши</i> <i>Қаршимдаги одам ким?</i>	ёши, жинси, маълумоти, ижтимоий мавқеи, оиласи шароити, соғлигига шикоятлари, улдалай оладиган ва улдалай оламайдиган вазифалар туркуми ва х.к	Сухбатдош ҳақида маълумот тўплаш
	<i>У қандай ҳолатда</i>	Тананинг очиқ ёки ёпик ҳолатдалиги, қўл ва кафтлар ҳолати, юз мимикаси ифодаси, бизга нисбатан тутган масофаси ва шу масофани ўзгартиришимизга бўлган жавоби	Кузатувчанлик ва ходимга мослаша оловчанлик. Эмпатия орқали ходимга яқинлашиш ва унинг ҳолатини ҳис этиш
2-босқич	<i>Масалани муҳокама қилиши</i>	Масала бўйича мавжуд маълумотларга эга бўлиш	Фаол тинглаш, аниқлаштирувчи саволлар бериш ва сухбатдоши фикрининг асосий мазмунини тақрорлаб ўтиш
3-босқич	<i>Ечим варианtlарини излаш</i>	Сухбатдоши манфаатини доимо ёдда тутиш ва имкониятларни санаб ўтиш	Иккала томонни кониқтирувчи ечим вариантини излаш
4-босқич	<i>Қарор қабул қилиш</i>	Ҳамма мавжуд ечимларни санаб ўтиш ва ходим учун мақбулини асослаш	Ходим манфаатига йўналганлик

Мулокотда идрок жараёни. Мулокот жараёнида бошқаларга таъсир этиш имконияти ўз ҳақимизда ижобий таассурот уйғота олишимизга боғлиқ. Ижобий муносабатлар шаклланган шароитда ўзгага таъсир этиш имконияти катта бўлиб, ўзимиз ҳақимизда ижобий таассурот уйғотиш механизмларига тааллуқли фикрларни баён этиб ўтиш лозим. Психология фанида ўзгада ижобий ёки ёқимли таассурот уйғотиш симпатия деб аталади, салбий ёки нохуш таассурот қолдириш эса антипатия дейилади. Хўш, сухбатдошда биз ҳақимизда симпатия уйғониши учун нима қилиш керак? Бунинг учун икки шахс мулокотга киришганда уларнинг ўзаро муносабатларидағи кўзга кўринмас баъзи бир хусусиятларни таҳлил қилиб ўтиш ўринлидир. Айнан шу «майда» хусусиятлар кўп жиҳатдан ўзгада симпатия уйғотиш манбаалари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Машхур психолог А.А. Бодалев танишув жараёнида ўзгалар ҳақида қай тарзда маълумот олинишини аниқлаш борасида маҳсус тажрибалар ўтказган.

Аниқланишича, бошқа одам идрок қилинган пайтда биринчи бўлиб унинг соч турмаклашига эътибор қаратилар экан. Сочдан кейин эътибор инсонинг кўзига қаратилади. Маълумки кўз, ўз навбатида, инсон ҳақида жуда кўп маълумот беради. Бошқа тадқиқотлар орқали аниқланишича, инсон кўз қорачиғининг меъёрдан кўра салгина кенгайиши ўзга кимсаларда унга нисбатан жозибадорлик руҳини уйғотади. Аксинча, кўз қорачиғиниг торайиши эса атрофдагиларни ўзидан жеркиш кучига эгалиги аниқланган. Қувноқ ва ҳаётга завқ билан қарайдиган кимсалар нафақат табассум қиласилар, балки уларнинг кўз қорачиғи ҳам нохуш ҳис уйғотувчи кимсаларга нисбатан кенгрок бўлар экан. Демак, инсоннинг айнан юз ифодаси симпатия уйғотувчи бирламчи манба ҳисобланади.

Шундан сўнг инсоннинг тана ҳаракатлари, гавдасини тутиши, юриш туриши идрок этилади. Ўзига ва имкониятларига ишонган кимса доим қаддиқомати тек туради ва ҳатто ўзидан фахрланиш ҳиссини ёғдириб туради.

Навбатдаги эътибор қаратиладиган жиҳат мулоқот жараёнидаги кимсанинг шахсий хислатлариdir. Бир-бирининг ташқи қиёфасига эътибор қаратган сухбатдошлар маълум вақтдан сўнг «Бу қандай кимса?», «У қандай хислатларга эга?» деган саволларга жавоб излай бошлашади.

Айтиб ўтилган идрок босқичлари мулоқот жараёнида ўзига нисбатан симпатия уйғотиш асосларини шакллантириш имконини беради. Ва кези келганда ўзгаларга нисбатан ноўрин уйғонаётган бирламчи таассуротларни енгиб ўтиш, уларнинг таъсирида чалғиб қолмаслик учун ҳам имконият яратади.

2.5. Бошқарув қарорларини қабул қилиш

Бошқарув қарорлари моҳияти. Ташкилотни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашдир. Бошқарув қарори ташкилотдаги бирон объектни кўзланган мақсадга мувофиқ равишда бир ҳолатдан, иккинчи ҳолатга келтириш билан ифодаланади. Раҳбарнинг бошқарув қарори билан боғлиқ жараённи қуидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Қарор қабул қилиш.
2. Қарорни бажариш учун уни топшириқ сифатида йўллаш.
3. Ходимларни ижрога ундовчи шароитни яратиш.
4. Назоратни амалга ошириш.

Одатда ташкилот раҳбари томонидан қабул қилинувчи қарорлар турлича бўлиб, уларнинг яккаҳоқимлик, коллегиал ва жамоавий турларини фарқлаш мумкин.

Коллегиал тарздаги қарор қабул қилиш, муаммони мутахассислар билан муҳокама этиш натижасида, таклиф этилган ғоялар ичида энг мақбулини раҳбар томонидан қабул қилинишида ифодаланди. Бу қарорнинг натижаси ва амалга ошириш масъулиятини ҳам раҳбар ўз бўйнига олади. Жамоавий қарор қабул қилишда эса қарор умумий муҳокама ва овоз бериш орқали гуруҳ аъзолари томонидан қабул қилинади, унинг натижасига масъул бўлиб бутун жамоа ҳисобланади.

Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилишнинг тўртта

даражаси фарқланиб, уларнинг ҳар бири доирасида ҳаракат қилиш учун маълум бошқарув малакалари талаб этилади.

3- жадвал.

Қарор қабул қилиш даражалари.

Қарор шакли	Зарур малакалар
Биринчи даража: Одатий, кундалик	Йўриқнома ва қоидаларга сўзсиз амал қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш. Назоратни ташкил этиш.
Иккинчи даража: Танловга асосланган	Мақсадларни ўрнатиш. Режалаштириш. Маълумотларни таҳлил этиш
Учинчи даража: Мослашувчан	Муаммони идентификациялаш. Муаммони тизимли равишда ечиш. Ишчи гурухларни ташкил этиш. Мавжуд хавфларни таҳлил этиш
Тўртинчи даража: Инновацион	Ижодий бошқариш. Стратегик режалаштириш

Одатий қарорлар корхона режаси бўйича амалга ошувчи кундалик дастур асосида қабул қилинади. Пайдо бўлган муаммо мавжуд ечимлар мажмуаси билан қиёсланади, улар ичida мақбули қабул қилинади ва амалга оширилади. Ташкилотдаги одатий ҳолларда «мана бундай вазиятда, мана бундай қилиш керак» қабилида иш тутилади ва айнан шу услугуб ўрта ва қўйи бўғин менежерларига хос асосий қарор қабул қилиш шаклига айланади. Бундай вазиятдаги қийинчиликлар менежернинг малакасизлиги, мавжуд йўриқномаларни яхши билмаслик, вазиятни нотўғри баҳолаш ёки шахснинг журъатсизлиги асосида келиб чиқиши мумкин. Вазиятни тўғри идрок этувчи ва мақбул хуносалар чиқарувчи ҳамда натижаларни назорат эта олиш қобилиятига эга бўлган менежер ушбу вазият учун узукка кўз қўйгандек бўлади. Қарор қабул қилишнинг бу даражасида ижодий ёндошув талаб этилмайди, чунки вазият ечимлари аввалдан белгилангандир.

Танловга асосланган (селектив) даражада раҳбар мавжуд муаммо бўйича қатор имкониятларни таққослаб қўради ва улар ичидан айнан шу муаммо ечимига энг мос келувчи самарали ва тежамлиси устида тўхталади.

Мослашувчан даражадаги қарор қабул қилиш бир мунча мураккаб бўлиб, бунда раҳбар таниш муаммога янгича ечим топиши талаб этилади. Бунда у мавжуд муаммога эскича ёндошишдан воз кечиши ва ижодий қарорга келиши лозим. Айни шароитда раҳбар муваффақияти, унинг шахсий ташаббуси ва номаълумликка шахдам қадам қўя олиши билан асосланади.

Инновацион, яъни янгиликларни жорий этиши билан боғлиқ қарорлар анча мураккаб ҳисобланади. Ноаниқ вазиятда раҳбарнинг янгича ёндошув услубларидан, бошқа мутахассисларнинг ижодий ғояларидан фойлана олиши талаб этилади.

Раҳбар муаммоли вазият билан тўқнаш келиб, маълум қарорни қабул қилиши заруратида бўлар экан, авваламбор, ушбу вазият ва ундан кутилаётган ечимни юқорида санаб ўтилган қарорлар гурухига таққослаши ва тахминан

бўлса ҳам, қайси тоифага киришини аниқлаб олиши лозим. Бундай ҳаракат раҳбарга айни муаммо ечими нимада ифодаланишини, қай шаклда намоён бўлишини қисман бўлса ҳам олдиндан тасаввур этиш имконини беради. Бу эса танланган йўл қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги маълумот билан бирга, зарур бўлган тақдирда ҳаракат услугуни ўзгартиришга асос яратади. Ҳарқалай, қарорнинг ўйлаб қабул қилингандиги уни бирон-бир тоифага киритишдан, ва натижани қисман бўлса ҳам олдиндан тасаввур этган ҳолда талабдаги намуна билан таққослашдан иборатdir.

Қарор қабул қилиш босқичлари. Умуман олганда, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни аниқ бир доира ичida ўтиши қийин. Ҳар бир раҳбар ўз психологик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда муаммо ечимига турли услуг ва мойилликни намоён этади. Мана шу омиллар мавжуд муаммо ечимига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Қарор яратилиши давомида раҳбар ўз ички дунёсида содир бўлаётган жараёнларни билиши, ушбу ҳолатни мақсадга мувофиқ равишда бошқариш имконини беради. Шу боис қарор қабул қилиш амалларини босқичма-босқич таҳлил этиш лозим, деб топилади. Қуйида мана шу босқичларнинг асосий тавсифлари берилади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш кўпқиррали ва мураккаб жараён бўлиб, унда асосий бешта босқични шарҳлаб ўтиш мумкин:

1 – муаммони ўрганиш; 2 – ғоялар ишлаб чиқиш; 3 – маъқул келувчи ғояларни ажратиб олиш; 4 – янгиликни жорий этишни режалаштириш; 5 – қайта алоқа ва таҳлил. Энди санаб ўтилган ҳар бир босқични кўриб чиқсак.

Қарор қабул қилишнинг *биринчи «Муаммони ўрганиши» босқичида* ҳам қуйидаги кетма-кет вазифалар белгиланади:

1 – вазифа: «Муаммони қўйиши» деб аталиб, унда ушбу масала бўйича қандай қийинчиликлар борлиги аниқланади ва муаммонинг мазмунни тушуниллади. Агар ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо нотўғри тушунилса, ҳамма бўлажак ҳаракатлар ва молиявий ҳаражатлар зое кетади, шунинг учун ҳам муаммони аниқ тасаввур этиб олиш бошланғич босқичнинг асосий вазифасидир. Кўп ҳолларда масалани нотўғри акс эттиришга малакасизлик, қасбий билимнинг камлиги, шунингдек, мазкур тоифадаги масалаларни ҳал эта олишга тайёр эмаслик, ҳамда баъзи бир муаммо ва ечимларнинг «юқоридан туширилганлиги» сабаб бўлиши мумкин. Муаммони қўйиш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

1. Муаммо табиатини, ундаги қийинчиликни англаш.
2. Муаммо ечими орқали қандай мақсадга эришиш лозимлигини аниқлаш.
3. Мақсадга эришилган тақдирда қандай белгилар, кўрсаткичлар мавжуд бўлишини аниқлаб олиш.

Охирги натижа нимадан иборат бўлиши керак, деган саволга жавоб олининиши лозим.

2 – вазифа: мажбуриятларни тақсимлаш. Раҳбар доимо ҳамма муаммоларни ўзи ҳал эта олмайди, шунинг учун ҳам бу босқичда у баъзи- бир мажбуриятларни малакали мутахассис ихтиёрига топширгани маъқул. Мутахассис, бу босқичда, мазкур муаммо юзасидан барча маълумотларни йиғиш ва масалани ҳар томонлама ўрганиш билан шуғулланади.

3 – вазифа: маълумотлар йигини, муаммоли вазиятнинг информацион моделини яратиш. Бунда нафақат «ўзининг» маълумотлари, балки, мухолифлар, рақобатдош томонларнинг ҳам маълумотини ҳисобга олиш лозим. Баъзи бир пайтда мухолифлар, улар берган маълумот камситилади, инкор этилади ва унга эътибор берилмайди. Бу эса мутлақо хатодир. Маълумот йиғишида унга масъул шахс, ушбу муаммо юзасидан чуқур билимга эга эксперtlар фикрини ўрганиши ўта мухимдир.

4 – вазифа: муаммоли вазиятнинг концептуал моделини яратиш, мазкур муаммони бир бутун, яхлит тарзда тушуниш. Муаммо бу тарзда акс эттирилганда, унинг аввалги муаммолардан фарқи, унинг янги жиҳатлари ва ечимга янгича ёндошиш зарурати англаради.

II - босқич - гоя яратиш. Масала ечимига оид ғояни яратишнинг турли усууллари бўлиб, улар ичида энг самаралиси «ақлий ҳужум» услубидир. Бу услубнинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- турли касбга мансуб 5-10 та мутахассислардан иборат гуруҳ ишлайди;
- ушбу гуруҳ аъзолари иложи борича руҳий ва жисмоний жиҳатдан ўзларини эркин сезишлари лозим;
- ечимга оид таклиф этилаётган ғояларни танқид қилиш таъкиқланади. Бошқалар бераётган ғояни фақатгина ривожлантириш, мақташ мумкин ёки унинг ўрнига ўз ғоясини таклиф этиш лозим;
- ҳар қайси ғоя, гарчанд у ғаройиб ва маъқул келмаслигига қарамай «ақлий ҳужум»нинг бошланғич даврида унга баҳо берилмайди ва ҳамма фикрлар ёзib борилади;
- ғоя муаллифи кўрсатилмайди;
- иш тугагандан сўнг ҳамма таклиф этилган ғоялар мантиқий тарзда тартибига келтирилади ва эксперtlардан иборат гуруҳда мухокама этилади.

III – босқич: йигилган ғояларни баҳолаши, мақбул фикрларни саралаш. Аввалига ҳар бир ғоянинг ижобий томонини баҳолаб чиқиш, сўнгра унинг самарадорлигини, амалга ошириш имкониятини, харажатли томонлари ва бошқа ўлчамларини аниқлаб олиш зарур. Шу билан бирга, ушбу ғоянинг танланиши оқибатида юз берадиган хавф баҳоланаар экан, афсуски кўпчилик раҳбарлар учун айни мезон етакчи ўринга чиқиб қолади. Бунда таклиф этилаётган ғоя четда қолиб, бошқа йўналиш танланса, масала ечими тамоман бошқа тус олади ва гуруҳ боши берк кўчага кириб қолади.

IV – босқич: янги қарорни режалаштириши ва амалга оширишидан иборатдир. Бунда қайси иш, қандай муддатда ва кимнинг иштирокида бажарилиши керак, деган саволларга жавоб олинади. Қарорни амалга оширишга жалб этилувчи ишчи гуруҳи, умумий режани ва унга оид амалий ҳаракатларни аниқ тасаввур эта олиши лозим.

V – босқич қуйидаги амалий тадбирларни ўз ичига олади: 1) қабул қилинган қарорни, режа ва ҳаракатни амалга ошириш; 2) амалга оширилган ҳаракат ва натижаларни янада яхшилаш мақсадида назорат этиш; 3) зарур бўлган тақдирда қарорни тақомиллаштириш, яъни «муаммони ўрганиш» босқичига ёки ғоя яратиш ва бошқа оралиқ босқичга қайтиш.

Қарор қабул қилиш – психологик жараён сифатида. Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Гап шундаки, тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали равишда жорий этиш учун раҳбар психологик жиҳатдан ҳам маълум амалларга риоя қилиши керак. Бу тадбирнинг асосий мазмуни шундан иборатки, раҳбар муаммоли вазият ҳақида маълумот йигар экан, муаммо ҳақида бирламчи тасаввур - информацион модел яратади. Бу моделнинг ҳақиқатга ва мавжуд вазиятга қанчалик мослиги олинаётган маълумотнинг тўла-тўқислиги, ҳар томонламалигига боғлик.

Афсуски, ташқи муҳитдаги кўпгина омиллар таъсирида раҳбар вазият юзасидан объектив бўлмаган маълумотлар олади ва ўз идроки жараёнида маълум субъективликларга йўл қўяди. Айниқса, бундай тавофутга раҳбарнинг жинси, ёши ёки атрофидаги одамларнинг таъсири кучли бўлади. Шакланаётган информацион модел иложи борича объектив бўлиши учун раҳбар вазият ҳақида ҳар томонлама маълумот йиғиши, ташқи оламни тўла-тўқис акс эттиришни чекловчи идрок стереотип ва установкалардан четланиши лозим. Информацион модел таҳлил этилиши ва қўшимча маълумотлар билан бойитиш натижасида натижасида раҳбар онгода концептуал модел, яъни вазият ҳақидаги узил-кесил қараш шаклланади. Концептуал модел ўз ичига информацион моделдан шаклланган фикр ва ҳиссиётларни, шунингдек раҳбарнинг ўтмиш шахсий тажрибаси, билимларини қамраб олади. Раҳбар мавжуд вазиятнинг моҳиятини тушунган пайтда концептуал модель шаклланди дейиш мумкин. Энг ажабланарлиси шуки, концептуал модел ҳақиқий вазиятга доимо ҳам мос келавермайди. Бу мос келмаслик даражаси ҳар бир шахсда турличадир. Кимдадир бу фарқ катта бўлса, кимдадир жуда кичик. Концептуал модел ва объектив вазият ўртасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, тўғри қарор қабул қилишга шунчалик замин яратилади.

Шахс ўзининг индивидуал психологик хусусиятларига кўра олаётган маълумотнинг баъзисига эътибор бермаслиги, ёки айримларини бўрттириб акс эттириши мумкин. Шунинг учун ҳам раҳбар вазият ҳақидаги ўз тасаввурининг қанчалик объективлиги, ҳаққонийлиги ҳақида кайғуриши лозим. Айнан шу борадаги психологик тавсия қуидагича - информацион модел ва концептуал моделлардаги таркибий қисмлар орасида иложи борича мувофиқлик кўпроқ бўлгани маъқул, яъни концептуал модел яратилиши мобайнида қўлланилаётган бирликлар иложи борича информацион моделда ҳам кўп учраши керак. Масалан, вазият иштирокчилари, муаммодаги асосий масала, ечим воситалари кабилар иккала моделда учраши мумкин бўлган бирликлар ҳисобланади. Қарор қабул қилишнинг уч таркибий қисми – муаммо юзага келган объектив борлиқ, информацион ва концептуал модел учбурчак шаклида иложи борича бир-бирига уйғунлашган бўлиши ҳамда учбурчакнинг, айтайлик, бир бурчаги иккитасидан юқорида ёки пастда жойлашмаслиги керак.

Бу таққослашда бирламчи манба сифатида муаммоли вазият, яъни борлиқ қабул қилинади.



З-расм. Қарор қабул қилишнинг таркибий қисми

Бошқарув қарорларини қабул қилишга оид кўпгина тадқиқотларда ечилиши лозим бўлган муаммонинг аниқлик даражасига катта эътибор берилади. Шу маънода аниқлик ва ноаниқлик вазиятларида қабул қилинувчи қарорлар хақида айтиб ўтиш лозим. Бундай вазиятлардаги қарор қабул қилиш тезлиги ва мазмуни ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Аниқлик вазиятида қарор қабул қилиш аввалги тажрибага асосланишни тақозо этади. Мазкур шароитда инсон тажрибаси ҳамда билимлари, вазиятни ҳал этиш манбаи бўлиб ҳисобланади ва табиийки, қарор қабул қилиш ҳолатида ишонч ва тезкорлик ҳукм суради.

Ноаниқлик вазиятида эса раҳбардан вазиятга ижодий ёндошиш талаб этилади. Маълум миқдорда ўз интуициясига асосланиш изланувчан шахс учун янги имкониятлар туғдиради. Бироқ, бундай ҳолда чиқариладиган ҳукм ўзида маълум хавф-хатарни ҳам мужассамлаштирганлиги сабабли, қарор қабул қилинганда хатога йўл қўйиш эҳтимоли ошади. Демак, раҳбар ҳар қандай муаммоли вазиятга тўқнаш келар экан, унинг аниқлик ва ноаниқлик даражаларини аниқлаб олиши лозим.

Кейинги қадам сифатида раҳбар, масала долзарблигидан келиб чиқиб, унга ойдинлик киритиши, вазиятдаги ноаниқ томонларини ёритган ҳолда аниқлик доирасини кенгайтириши лозим. Ечимда мужассамланадиган ижодий улушларнинг асосий қисми масалани ойдинлаштириш босқичида сарафлангани маъкул, деб ҳисобланади.

Асосий қийинчилик қабул қилинган қарорни амалга ошириш босқичида учраши мумкин. Юқорида айтганимиздек, қарор ижросига оид вазифаларнинг аниқ тақсимланиши ва ижро вақтини кўрсатиш назорат самарасини таъминлайди. Лекин қарор юзасидан норози бўлган ходим ва айрим ўрта бўғин раҳбари ҳам ижро босқичида суст ҳаракат этиши мумкин.

Бунга сабаб бир нечта: биринчидан, улар қарор қабул қилишда қатнашмаган ёки ушбу қарордан норози бўлган; иккинчидан, қарорнинг ҳаётга татбиқ этиш муваффақият келтиришига ишонч йўқ; учинчи сабаб, ходимнинг сусткашлиги ёки уқувсизлиги бўлиши мумкин. Ўйлашимизча, биринчи ва иккинчи сабаб ижтимоий-психологик ечимга эга бўлиб, агар гурухнинг ахиллик даражаси юқори бўлса, қарор ижросида ходимлар иложи борича жадал қатнашадилар. Учинчи сабабнинг бартараф этилиши эса қарорга оид вазифалар тақсимланиши пайтида ҳисобга олиниши лозим.

Қарор ижросидаги томонлар ҳамкорлиги уни қабул қилиш босқичида таъминланади. Қарор қабул қилиниши чоғида ўзгалар қаршилигини енгиш, иложи борича томонлар учун «бешикаст» ўтиши лозим. Оқибатда мақбул деб, топилган қарор иложи борича консенсус (келишув) асосида қабул қилиниши керак. Демак, раҳбар олдида томонларни яраштириш ва зиддиятларни юмшатиш, тадбирдан сўнг ғубор қолмаслигини таъминлаш вазифаси туради. Агар қарор гурухий тарзда қабул қилинаётган бўлса, ва унинг ижроси жамоа аъзолари иштироки орқали таъминланса, ҳар бир ходим ва раҳбар қўйидагини ёдда тутиши маслаҳат берилади: «Бугун бошқа ходим таклиф этган қарор бажарилаяпти. Бу жараёнга менинг муносабатим ва иштироким, эртага мен таклиф этган қарорга нисбатан муносабат ва бошқаларнинг қандай иштирок этишини белгилайди».

2.6. Музокаралар олиб боришининг психологик жиҳатлари

Музокара – бу, бирон-бир масала юзасидан келишув жараёнидир. Бу жараёнда, одатда, камида икки томон иштирок этади ва ҳар қайси томон, ўз манфаатини амалга оширишни кўзлайди. Манфаатлари турлича бўлишига қарамай, умумий фаолият олиб борувчи томонлар маълум қоидалар доирасида ҳаракат қилиб, ўзаро қониқтирувчи ва ҳамма томонга маъқул ечим устида иш олиб борадилар. Айнан шу умумий фаолиятнинг мавжудлиги манфаат ва мақсадларни мувофиқлаштириш имкониятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, музокара орқали мақсадга эришишни ҳоҳловчи раҳбар бу жараёнга хос томонларни, қолаверса, хусусиятларни билиши ва кези келганда уларни бошқара олиши лозим.

Раҳбар фаолиятида музокара. Музокара олиб бориш кўлами жуда кенг бўлиб, бу соҳа ташкилотдаги айрим зиддиятли ҳолатни ижобий йўналишда ҳал этишдан бошлаб, токи сармоя жалб этишдаги қулай позицияни қўлга киритишга ва ҳатто зиддиятдаги томонларни яраштириш йўлида воситачилик вазифасини бажариш мақсадида ҳам қўлланилади. Шу боис, раҳбар музокара олиб боришига оид асосий қонун ва қоидаларни билиши, улардан амалий тарзда фойдалана олиши лозим. Музокара бу, нафақат бирон масала юзасидан фикр алмашиш, балки музокара иштирокчиси бўлмиш раҳбар орқали унинг ташкилоти ҳақида хulosha чиқариш манбай ҳамдир. Демак, музокара олиб бориши маҳоратига эга раҳбар ҳатто ўртамиъёна ташкилотни ҳам бошқа рақобатдош ташкилотга нисбатан афзаллик томонини намоён этиш қобилиятига ҳам эга. Ушбу жумлаларни ўқиган ўқувчидага музокара бу, йўқ нарсани бор қилиб қўрсатиш маҳорати эмасмикан, деган фикр туғилишининг мутлақ тарафдори эмасмиз. Раҳбар ўз ташкилоти имкониятлари, унинг кучли томонларини яхши тасаввур қила олиши ва бу хусусиятларни янада ижобий тарзда тақдим эта билиши лозим. Бу жараён раҳбардан нафақат ўзига, балки, ташкилот ходимларига ишончни, келажакка катта умид билан қарашни ва шахснинг муваффақиятга йўналишини ифодалайди.

Музокаралар турли шароит ва томонлар иштирокида ўтади. Бу эса, музокаранинг осон кечмаслигини, бу жараён давомида турли-туман кутилмаган омиллар таъсири мавжудлигини асослайди. Одатда музокара ҳар қандай

мураккаб тузилма сингари бир неча асосий бўлаклардан иборат: музокара мазмуни, мулоқот, муносабатлар, тадбирлар (қоидалар, муҳокама тартиби, баённома). Музокаранинг жараён сифатида мураккаблиги шундаки, ушбу санаб ўтилган ҳар бир қисм долзарб аҳамият касб этади ва музокара натижасининг ҳал этишга ўз улушини кўшади. Масалан, музокарага олдиндан тайёрланиш, ҳамма ҳужжатларни батафсил ўрганиб, мулозамат қоидаларини ўрнига қўйиб ижро этиш мумкин, лекин ҳамсуҳбатимиз миллий хусусиятига оид баъзи жиҳатларга эътиборсизлигимиз бутун уринишимиизни зое кетказиши мумкин. Бу жиҳатларни музокаранинг ташқи томони, пўстлоғи деб аташ мумкин. Лекин бу жараённинг ички томони ҳам борки, унда музокарага тайёрланган томондан қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади. Бу вазифалара қаторида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- ўзга томонда қизиқиш уйғотиш;
- масалага юзасидан ўз нуқтаи назарини тўғри тушунтиришга эришиш ва шу билан бирга ўзганинг қарashi ҳақида тўла-тўқис тасаввурга эга бўлиш;
- ўзга томонда хайриҳолик ҳаракатларини уйғотиш;
- биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш ва ўзгада масъулият уйғотиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш музокаранинг муваффақиятини таъминловчи асосдир.

Рахбар ваколатидаги имкониятлардан келиб чиккан ҳолда айтиш мумкинки, ташкилот раҳбари олиб борадиган музокаралар ички ёки ташқи турларга бўлиниши мумкин. Ички музокаралар – ташкилот ичидағи муаммога йўналган бўлиб, ушбу музокарани қўллаш зарурати мазкур шароитда бошқарувнинг одатий услублари ўз қучини йўқотганлиги билан асосланади. Бундан ташқари ташқи музокара ҳам мавжуд ва у ўз навбатида бир неча даражага бўлиниши мумкин: мамлакат доирасидаги соҳада, соҳалараро ва халқаро музокаралар. қайд этилган поғоналарга қанчалик юқори кўтарилсақ, бунда амалга ошувчи музокаранинг аҳамияти ҳам шунчалик ошиб бораверади. Хўш, қандай ҳолда музокарага мурожаат этилади ва қай шароитда музокарасиз ҳам иш кўриш мумкин. Музокарага мурожаат этиш ҳоллари қўйидагича: бир томонлама ҳаракат натижа бермайди; масаланинг ечими қонун билан белгиланмаган; масалани судгача ҳал этиш самаралироқ бўлган тақдирда ва шу каби ностандарт вазиятларда. Одатда музокараларнинг ташкилий, ҳуқуқий, ахлоқий томонлари фарқланади ва улар музокара шаклига кўра турлича мазмунга эга. Масалан, халқаро муносабатлар соҳасидаги музокаралар аниқ қайд этилган қоида ва меъёрий томонларига эга бўлса, хўжаликлараро учрашувлар доирасидаги кўпгина учрашувлар томонларнинг қўл сиқиши орқали ҳам тасдиқланиб кетаверади. Лекин музокара қай даражада амалга оширилмасин унинг натижаси келишувдан ва ушбу келишувни у ёки бу шаклда қайд этишдан иборатдир.

Музокара олиб бориши босқичлари. Музокаранинг самарали ўтиши кўп жиҳатдан амалга оширилган тайёргарлик жараённининг пухталигига боғлиқ. Бу хусусида тадқиқотчи Р.И. Мокшанов қўйидаги тадбирларни амалга ошириш дастурини таклиф этади:

1. Музокара мақсадини аниқ ифодалай билиш.

2. Ушбу мақсадга эришишга ёрдам берувчи вазифаларни аниқлаш (яъни мақсадга эришиш йўлида қандай кадамларни босиб ўтиш лозим).

3. Музокараларнинг ташкилий қисмини аниқлаштириш:

- ўтказиш муддати
- ўтказиш жойи
- жойни тайёрлаш
- жузокара жараёни учун хавфларни бартараф этиш
- делегация таркиби
- музокараларни молиялаштириш манбаалари
- музокара иштирокчиларига сарф-ҳаражатлар (канцелярия анжомлари, видео ва аудио мосламалар мавжудлиги, тарнспорт, алоқа, озиқ- овқат таъминоти, танаффус ва кофе-брейклар)

- ўзга томон делегациясини қутиб олиш ва жойлаштириш
- маданий дам олиш дастурини ишлаб чиқиш
- совға-салом ва ёдгорликлар
- якуний зиёфат
- делегацияларни қузатиш.

4. Музокара асосидаги манфаатнинг турли даражаларини билиш.

5. Ўзга томоннинг манфаатларини иложи борича батафсил тасаввур этиш.

6. Музокаранинг қўйидаги жиҳатлари бўйича маълумот тўплашга эришиш:

- муҳокама масаласининг тарихи, хозирги ҳолати ва кўрсаткичлари:
- музокарада иштирок этувчи делегация вакиллари ҳақида маълумот (ёши, касби, шу соҳадаги тажрибаси, қизиқишлиари, характер хислатлари, уларнинг шериклари кимлару, рақиблари кимлар, улар орасида иккиланувчилар борми ва х.к.).

7. Иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик соҳаларда маслаҳатчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

8. Музокара жараёнининг умумий стратегиясини аниқлаш.

9. Вазиятга қараб қандай харакатни амалга ошириш тактикасини белгилаш.

10. Муҳокама этилажак муаммонинг мавжуд ечимларини аниқлаб қўйиш.

11. Агар музокара узилса, қай тарзда мақсадга эришиш йўлини белгилаш.

12. Музокаралар ўтаётгани ва натижа ҳақидаги маълумотларни қай тарзда ёритиш масаласини ўйлаб қўйиш (масалан, оммавий ахборот воситаларида).

Кўриниб турганидек, музокарага тайёрланиш бу жараённи бошидан охиригача пухта режалаштириш демакдир. Музокарани тадқиқ этиш соҳасидаги кўпгина олимлар фикрича, учрашув натижаси, мақсадга эришишнинг асосий шарти музокара олиб борувчи шахснинг психологик жиҳатларига келиб тақалади.

Бу жиҳатлар қаторида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин: музокара олиб борувчининг мақсадни аниқ билиши ва унга интилиши, кўп соҳаларда параллел

тарзда фикрлашига қарамай мақсадни кўздан йўқотмаслик, қай вазиятда ва вактда қанча маълумот беришни билиш, ўз нуфузи ва мавқеига оид ҳиссиётнинг ижобийлиги, музокара вазиятида диққатни жамлаш ва бир нечта йўналишга диққатни жалб этиш каби қатор психологик омиллар музокара олиб борувчи шахснинг ўта қийин вазиятда тўғри йўл топа олиши учун асосий шартлардир.

Самарали музокарани амалга оширувчи асосий омиллардан бири – музокара гурухидир. Оқилона ташкил этилган музокараада камида уч киши қатнашиши ўринли. Музокарадаги биринчи шахс раҳбар бўлиб, сұхбат давомида асосий фаолиятни ўз қўлига олади. Иккинчи иштирокчи эса ўзга томон вакилларининг психологик ҳолатини талқин қиласи, уларнинг манфаатларини ўрганади, улар нимани таъкидлашяпти-ю, нимада ўз сўзларига қарши чиқишаётганини аниқлайди ва х.к.

Умуман, кузатувчилик вазифасини ўтаётган ходимнинг вазифаси ўзга томон вакилларининг қанчалик самимийлиги даражасини аниқлашдан иборат. Кузатувчи берган маълумотлар нафақат ўзга томон, балки раҳбарнинг аниқноаниқ ҳаракатлари борасида ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ, яъни раҳбар кузатувчидан ўз хатти-ҳаракати ўринлилиги ёки асосий мақсадга зид бораётгани ҳақида маълумот олиб туради. Гурух раҳбари орадаги танаффусдан фойдаланиб кузатувчидан маълумот олади ва музокара жараёнини ўзгартириш ёки такомиллаштириш учун асос яратади. Гурухнинг учинчи аъзоси эса музокара жараёнидаги аҳамиятли қисмларни ёзма қайд этади, протокол олиб боради. Икки ёрдамчи берган маълумот асосида раҳбар энг мақбул қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, ҳар қандай музокара танишиш, контакт ўрнатишдан бошланади. Музокара жараёнининг бошланишидаёқ ўрнатилган ҳиссий муҳит кўп жиҳатдан унинг кейинги босқичларида ўз аксини топади ва ҳар бир томон ушбу муҳитни ижобийлаштиришга алоҳида эътибор бериши лозим. Ахир, музокаранинг бузилиши кўрсаткичларидан бири айни шу муҳитнинг совуқлашуви билан ифодаланади.

Музокара қийин ўтаётган вазиятдаги асосий шартлардан бири – кейинги учрашув учун ҳам «оқ йўл» қолдиришdir. ҳатто ўйланган натижага эришилмаган тақдирда ҳам, биздан кейинги делегация музокара олиб бориши учун имконият қолдиришимиз зарур. Музокарларни таъминловчи муҳит ҳақида ўйлар эканмиз, ўзга томон вакилларига хос бўлган хусусиятлар ҳақида иложи борича тўла маълумотга эга бўлиш лозим.

Маълумки, турли миллат ёки жинс, ёки ёш вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусиятларни музокара олдидан бир бор қайд этиш сұхбатни кўзланган маромда олиб бориш имконини беради. ҳозирга келиб, халқаро муносабатлар мавзусига тегишли адабиётларда турли халқларга хос бўлган миллий психологик хусусиятлар ҳақида кўплаб маълумотлар ёзилган. Бундай манбаалар билан танишиш, ёки ўзга гурухга оид ёш, жинс, касб мавзусидаги психологик билимларни қайд этиш музокара бошланиши чоғидаёқ ижобий муҳитни яратишга катта кўмак бўлади.

Учрашув натижалари кўпинча сұхбат олиб бориш услубига ва

музокаралар қуришнинг методологик асосига боғлиқ. Психологик нуқтаи назардан, анчагина малакали тартибда ўтадиган музокара тури «мақсадга йўналган музокара» деб, аталади. Бундай музокаранинг асосий моҳияти – объектив меъёрларга асосланган қарор топиш мақсадида сұхбат учун мақбул социал-психологик шароитларни яратишдан иборатdir.

Бунда, объектив меъёрлар сифатида йўриқномалар, ҳуқуқий қонунлар ва имзоланган шартномалар иштирок этади. Музокара олиб боришнинг бу тури иш моҳиятига қатъий ёндошиш ва учрашув иштирокчиларига нисбатан эса илтифотли муносабатда бўлишни назарда тутади. Мақсадга йўналган музокаралар қўйилган мақсадларга эришиш ва шу билан бирга инсоний муносабатларни сақлаб қолиш имконини беради.

Мақсадга йўналган музокарадаги асосий тамойиллардан бири – томонларнинг муаммога қараши, масалага бўлган муносабати юзасидан баҳс олиб борилмайди, балки томонларнинг муаммода ифодаланган манфаатини аниқлаш ва уни қондириш йўл-йўриғини излашдан иборатdir. Музокара жараёнида асосий дикқат-эътибор низодаги томонлар позициясига эмас, балки баҳс предметига қаратилади. Баҳс предмети, уни ҳал этиш асосий ва ягона масаладир. Музокара уч натижага эришилганда муваффакиятли деб ҳисобланиши мумкин:

- 1) оқилона келишув;
- 2) вақтни тежаш;

3) томонлар ўртасидаги муносабатнинг яхшиланиши (ҳеч бўлмаганда ёмонлашмаслиги).

Ўзга томоннинг қарашини, уларнинг фикрлаш услуби ва масалага муносабати устида баҳс олиб бориш ўзганинг эътиқоди ва нафсониятига путур етказиш билан баробардир, бундай вазиятда эса музокаранинг узилиши муқаррардир.

Демак, музокара қарашлар ўртасидаги келишмовчиликни эмас, балки турли манфаатлар ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этишдан иборатdir. Музокара олиб борар эканмиз, муаммони муҳокама этишда қатъий туришимиз ва иштирокчилар билан муносабтларда эса юмшоқ бўлишимиз керак.

Музокара ташкил этилишида учрашув кимнинг худудида ўтишига катта эътибор берилади. Мехмонни кутиб оловчи томон қатор шартларни амалга ошириш билан бирга, ўз худудида маълум имтиёз ва қулайликларга ҳам эга бўлади. Шунинг учун ҳам, худди спорт мусобакаси каби ўз худудида ўтаётган учрашувдан раҳбар мақсадга эришиш йўлида иложи борича кўпроқ фойдаланиб қолиши лозим. ўзга томон худудида музокара олиб боришнинг ҳам ўз хусусиятлари бор. Бу эса авваламбор, меҳмонлик мавқеидан фойдаланиш ва ҳатто натижаси қониқарсиз бўлаётганда музокарани янада узокроқ муддатга чўзиш имкониятидир.

Юқорида айтилганидек, музокаралар давомида нафақат масала ҳал этилади, балки бўлажак муносабатларни такомиллаштириш учун пойдевор ҳам қурилади. Шу муносабат билан музокара жараёнидаги икки асосий жиҳатни ажратиб олган маъқул:

1. Муҳокама предмети.

2. Инсоний муносабатлар таҳлили. Бу икки жиҳат ўзаро муносабатда икки тамойилга риоя қилишни назарда тутади. Биринчидан, мухокамага қўйилган масалада ютказиб қўймаслик лозим, иккинчидан ўртадаги инсоний муносабатлар бузилиб қолмай, балки яхшилансин.

Музокара давомида инсоний муносабатни ривожлантириш ҳисобига мухокама предмети юзасидан ютуқни кўлга киритиш мумкин. Масалан, жангари фильмларда кўплаб намойиш этилувчи лавҳалардан бири – яхши ва ёмон полициячилар хулқидир. Ёмон полициячи шубҳа остидаги кимсага аввалданоқ қўпол муносабатда бўлади ва ўртадаги муносабатни низо даражасига олиб келади, иккинчи полициячи эса шубҳали одамга ўта ижобий ва олижаноб муносабатда бўлади. Натижада яхши полициячи жиноят юзасидан яширилган маълумотни «хамирдан қил суғургандай» тортиб олади. Икки қарама-қарши ҳиссий муносабатга асосланган тактика тергов жараёни негизини ошкора этишга ёрдам беради.

Музокара ўтишидаги асосий босқичлардан бири – ечим талаб этаётган масалани мухокама қилиш жараёни бўлиб, бунда ушбу масала юзасидан томонларнинг фикрини аниқлашга эътибор қаратилади. Бу босқичда томонларнинг масала юзасидан фикри аниқ тасаввур этилиши лозим. Музокара иштирокчисидан бу босқичда талаб қилинувчи малака - ўз фикрини аниқ, равон баён этишдир. Ўз навбатида, бошқа томоннинг мулоҳазасини буткул тушуниш учун аниқлаштирувчи саволлар бериш ўринлидир.

Муаммони ҳал этишга оид ечимлардаги фарқ ва зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда, одатда компромистик ёки иккала томоннинг манфаатини қондирувчи қарорга келинади. Бордию муаммо ечимини ишлаб чиқиши босқичи хаддан ташқари қўп вақт талаб қилса, музокара жараёнида қисқа танаффус эълон қилиш ўринлидир.

Муаммо ечими иккала томонни қониқтириши жуда қийин. Шу мақсадда музокара давомида бир неча ечимлар устида бош қотириш мақсадга мувофиқ. Ҳар сафар у ёки бу ечим устида тўхталар эканмиз, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишимиз ва тўхтамга келишимизга салбий таъсир этувчи кучларни бартараф этиш имкониятини излаб топишимишни ҳам тақозо қиласи. Мана шу кучлар ичida психологик мазмунга эгалари устида бироз тўхталиб ўтишни лозим топамиш.

Музокара якунига салбий таъсир этувчи психологик омиллар. Қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсир ўтказувчи психологик омил сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Юзага келиши кутилаётган номаълум шароитдан қўрқии. Келажакда нима бўлишини билмаслик ва бундай номаълумликни қандай қилиб ҳал этиш муаммоси тўғри ечимни кечикиб қабул килишга олиб келади. Айни шароитда энг мақбул воситалардан бири кутилаётган музокарга ижобий муносабатда бўлишдир. Нотаниш вазиятда ишонч билан ҳаракат қилишнинг асосий усули - ижобий тарзда фикр юритишдир.

Ўзга томоннинг масодифан қаршилик кўрсатиши. Бир қараганда текис ўтаётган музокара иштирокчиси учрашув охирлаган пайтда яна қаршилик кўрсатиши ҳар қандай одамни ғазабга, ҳам саросимага солади. Бундай вазиятда

давомли пауза сақлаш орқали муносабатга бир оз масофа киритиш маслаҳат берилади. Чуқур нафас олиб, хотиржам ҳолатда сабру токатда баъзи ибораларни такрорлаш орқали («Мен хотиржамман», «Ўзимни ўз қўлимда ушлаб турибман», «Вазиятни тўла-тўкис бошқарайпман») нафақат ўзимизни, балки хавотирда турган ўзга томоннинг кайфиятида ҳам ўзгариш пайдо қилоламиз ва сұхбатни давом эттириш пойдеворини қайта тиклаймиз. Вазият бир оз осойишталаниб, руҳий ишонч қайтгандан сўнг ўзга томонга уни нима безовта қилаётгани, нега кайфияти бирданига ўзгаргани ҳақида савол билан мурожаат этиш мумкин. Айнан шу услугуб орқали мавжуд зўрикиш сабабини аниқлаш ва уни бартараф қилиш имконияти туғилади.

Кутимаган фикр ва таклифлар. Одатда томонлар музокарага тайёрланар экан, юзага келиши мумкин бўлган ҳамма ечим вариантларини кўриб чиқадилар. Бу жараёнда ўзга томон айни ечимга қандай муносабатда бўлиши ҳақида бош қотирилади. Лекин, бу тахминлар доим ҳам музокара иштирокчисини қониқтирмаслиги аниқ ва аксинча, баъзан музокара мантиғига мутлақо тўғри келмайдиган фикр ва таклиф билан чиқиш ҳоллари ҳам учраб қолади. Бундай вазиятда музокара иштирокчисидан ўзга томонни тўлароқ тушунишга, янги ечим тафсилотини аниқлашга интилиш кузатилгани маъқул. Бизнинг тафаккуримиз одатда, ноанъанавий ва тасодифий ечимларга дарҳол ўз тугёнини намойиш қиласди. Психиканинг бундай хусусиятини билиш, кези келганда учраган қийинчиликни тезда енгиб ўтиш ва фаолликни янада ошириш имконини беради. Демак, кутимаган таклифни иложи борича пухта ўрганиш ва уни асословчи далилларни талаб этиш лозим. Бундай вазиятдан қутулиш имконини берадиган яна бир усул қатъийятдир. Бу услугуб, ўзга томоннинг баъзи камчилиги туфайли узилиб қолиши кутилаётган музокарани охирига етказишга ва ҳатто муваффақиятли якунлашга асос бўлади.

Кутимаган ҳамкорлик. Баъзан ўзга томон биз кутганимиздан эртароқ шартимизни қабул қилиши, ҳамда биз билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини намоён этиши мумкин. Айни пайтда ортиқча шубҳа ва ишончсизлик қарор қабул қилишимиз йўлидаги тўсиққа айланади. Мазкур вазиятга шубҳа билан қараш қулай имкониятни бой беришга олиб келиши мумкин. Аммо, кутимаган розилик ортида яширин ниятнинг борлиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бундай вазиятда юзага келган шубҳани ва ўзга томоннинг самимийлик даражасини аниқлаш лозим. Самимиятни аниқлаш музокара жараёнидаги анча мураккаб ҳолат ҳисобланади. Мавжуд имкониятлардан бири ўзга томон ҳаракатидаги новербал сигналларни таҳлил этиш орқали яширин, юзага чиқолмаётган маълумотларни олишдир.

Қарор қабул қилиш кўпинча вақт танқислиги вазиятида ўтади ва музокара иштирокчиларида маълум зўрикишни уйғотади. Ҳатто, музокара иштирокчилари ўзга томонни ноқулай вазиятга қўйиш ва имкониятни ўзлари томонга буриш мақсадида турли найранларга ҳам борадилар. Шулардан бири ўзга томон учун вақт танқислиги шароитини юзага келтириш услугубидир. Юзага келиши мумкин бўлган бундай нохуш вазиятга нисбатан раҳбар маълум даражада қарши тура олиш малакасига эга бўлиши лозим. қуйида шундай малака ҳақида айтиб ўтилади ва бу кези келганда нафақат вақтни ютиш, ҳатто

навбатдаги мақсадни бажариш учун ҳам ёрдам беради. Масалан, вақт танқислиги шароитида вақтдан ютишдаги услублардан бири – сұхбатдош таклиф этаётган ечим ёки қарорни батағсил тақрорлашдир. Одатда бу усул психологияда «вербализация» деб, аталади ва бу орқали нафақат үзга томон қарашини аниқлаш, балки, тақрорлашга сарфланаған вақт орқали «пауза» каби қўшимча муддатга эга бўлинади. Бундай шароитда қўлга киритилган ҳар қандай пауза ўйлаш учун яна бир муддатдир. Шу каби усувлар қаторига вақтдан ютиш мақсадида қисқа муддатли танаффус эълон қилиш, ойнани очиб қўйиш баҳонасида бир оз вақтни чўзиш, бир пиёла чой билан чалфиш ва ҳоказо услубларни санаб ўтиш мумкин.

Музокара олиб бориш шароитида тўсиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи - үзга томонга хос шахсий муаммолардир. Бунинг натижасида ўртада зўриқиши, тушунмовчилик ва ҳатто, ўзаро шубҳа, ишончсизлик пайдо бўлади. Сұхбат чоғидаги бундай тўсиқларни олиб ташлаш малакаси жуда зарур хислатдир. Шу мақсадда қўйида бир неча услубни таклиф этамизки, уларни қўллаш нафақат муносабатларни ойдинлаштиради, балки музокара олиб борувчи шахснинг ниятини самимилаштириш имконини ҳам беради. Масалан, орада бирон зўриқиши вазияти пайдо бўлса, ҳазил-мутойибага мурожаат этиш, музокара иштирокчиларини ёқимли бирон-бир тадбирга таклиф қилиш, сұхбатни бошқа йўналишга буриш каби услублардан фойдаланиш керак.

Кўп ҳолларда үзга томон музокара давомида асоссиз равища үз салбий муносабатини намоён қиласди, ёки сұхбат иштирокчилариға ишончсизлик билан қарайди. Бундай киши келаётган маълумот ичидан фақатгина үз шубҳасини тасдиқловчи далилларни излайди, масала мухокамасига кўпинча бир томонлама қарайди. Шуни унутмаслик керакки, үзга томоннинг бундай муносабатини танқид остига олмаслик зарур ва имкон бўлган пайтда орадаги ишончсизлик булутини тарқатишга ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун, авваламбор мазкур инсоннинг ички ҳолатини иложи борича тўла акс эттиришга, уни тушунишга интилиш зарур. Бу ерда

«Хўш, мен унинг ўрнида бўлсан, нима қилган бўлардим, унга хос характер хислатлари ва имкониятлари менда бўлганда вазиятни қандай идрок этардим?», деган саволни ўз-ўзига бериши керак. Умуман, сұхбат чоғидаги ҳар қандай салбий ҳолат мақбул ечим топиш имкониятини камайтиради ва музокарани боши берк кўчага киритади. Шунинг учун, иложи борича салбий ҳолатларни камайтириш ва уларни ҳатто бартараф этиш устида доимий иш олиб бориш лозим. Бу йўналишдаги оддий тадбирлардан бири – иложи борича үзганинг салбий ҳолатига нисбатан шу тарзда жавоб беришга интилмаслиkdir. Сұхбатдошингиз қанчалик зўриқишига қарамай иложи борича үзингизни хотиржам тутинг. Ундаги салбий ҳолат тақрорланаверса, энг мақбул йўллардан бири – бу ҳолат натижасида пайдо бўлаётган үз ҳиссиётингиз ҳақида очик-ойдин гапиришдир²¹. Бундай услугб вазиятни ойдинлаштириш орқали, сұхбатдошнинг ишончсиз ва салбий муносабати сұхбатга қандай тўскинлик қилаётгани ҳақида унга аниқ маълумот беради.

²¹ Низолар мавзусидаги «СЕН-МЕН маълумот» услубига қаранг

Ҳаққоний ечим топиш йўлида. Масалани ҳал этиш даврида асосий эътибор томонлар манфаатини қондирувчи ечимга қаратилади. Тўғри тушунилган эҳтиёжлар ечимни топишни енгиллаштиради. Ечим излашда одатда икки томон ҳам ўз фикрини айтади ва таклиф этилаётган мулоҳаза қанчалик уларнинг манфаатига мос келиши таҳлил этилади. Бирон ечимга келиш осон эмас, ҳар бир томоннинг ечими ўзи учун тўғри ва тушунарли.

Айни шароитда ечимнинг тўғри ва мақбуллигини аниқлаш мақсадида объективлик мезонларидан фойдаланилади. Бундай мезонлар сифатида самимиyлик, ҳаққонийлик, қонуниyлик ва амалиёт тамойиллари таклиф этилиши мумкин. Ушбу мезонларни томонлар қабул қиласар экан, уларнинг амалий жиҳати ҳам бир хил тарзда қўлланиши керак. Агар ечим иккала томон учун бир хил ишлай олса, демак, у хаётий ва объективдир. Мабодо музокарада бир томоннинг манфаати устун қўйилса, учрашув чоғида ғуурур ва «паст кетмаслик» каби ғайритабии ҳислар намоён бўлса, тамойиллар ишламайди. Агар бир томон ўз ечимида қаттиқ турса-ю, ўзга томонни эшитишни ҳоҳламаса, демак музокара муддатидан аввал тугаши табиий.

Таклиф этилаётган ва ишлаб чиқилаётган ечимларга эътиборли бўлиш ҳамда ва бу ечимлар ўзганинг манфаатига қиёслаб борилиши лозим. «Агар бу ечим Сизнинг манфаатларингизни қониқтирса, нега уни қабул қилмаяпсиз? Чунки, бу ечим Сизники бўлмагани учунми?». Бу саволлар сухбат узилиши арафасида учрайдиган кўп ҳоллардан биридир. Агар ечим анча вақтгача баҳс мавзусига айланәётган бўлса, томонлардан - «Умуман музокарани давом эттириш керакми ёки йўқми?» - деб сўраш лозим. Ваҳоланки, музокарадаги қийинчиликларни муҳокама этиб борилиши мавжуд тўсиқларни тезда бартараф этиш имконини беради. Шундан сўнг, ҳар қандай қабул қилинаётган қарорнинг объективлиги бир неча бор текшириб ўтилиши даркор. Агар бу текширув давомида санаб ўтилган тамойиллардан четланиш сезилса, музокара давом эттирилиши ва мақбул ечим устида яна иш олиб борилиши лозим. Мабодо, ўзга томон масалани ечишдан бош тортаётган бўлса, ҳаққоний бўлмаган қарор қабул қилиниши қандай оқибатга олиб келиши ҳақида биргаликда ўйлаб кўриш керак. Вазият тақозоси билан объектив мезонга мос келувчи қарор топилса, унинг устида тўхталган маъқул, ҳар қалай ҳеч қандай ечимдан кўра бирон-бир қарор устида тўхташ муаммони ечиш имконини беради ва зарурат туғилган пайтда музокара столига яна қайтиш мумкин.

Музокара давомида ёлғон ишлатиш. Музокара давомида ёлғон маълумот бериш объектив мезонга зид келувчи, лекин шунга қарамай, кўп учраб турадиган ҳолдир. Музокарадаги у ёки бу томоннинг ёлғон ишлатиш сабабларини таҳлил этмаган ҳолда, ёлғонга берилмаслик ва унга қарши туриш имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ёлғондан самарали фойдаланиш кўргина сотув шартномаларига оид музокараларда, қисқа муддатли шартномани имзолашда кўп учрайди. Аввалимбор, шуни айтиш лозимки, алдовнинг самараси иккала томоннинг иштирокини тақозо этади, алдовчи жараёнга қанчалик тайёрланган бўлса, ўзга томон ҳам ҳар қандай алдовга қарши турса олиш малакасига эга бўлиши лозим. Умуман олганда, одам икки ҳолда кўпроқ алданади – биринчидан, ушбу

муаммони тезроқ ҳал қилиш мақсадида шошилганда, аникроғи унинг ижобий натижасини жуда хоҳлаганда, ккинчидан эса, масала ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган пайтда. Шунинг учун, музокара олиб борувчидан доимо вазиятни аниқ тасаввур этиш ва ўз орзуси қурбони бўлиб қолмаслик ҳамда бўлажак музокара мавзуси ҳақида кўпроқ маълумот йиғиш лозим.

Бундан ташқари, маълум психологияк қонунлар мавжудки, уларнинг инсон руҳиятида амал қилиши ёлғонга берилиш эҳтимолини кучайтиради. Жумладан, қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Обрў-эътиборга эга шахс билан мулоқотда унга шубҳасиз ишона бошлаймиз.
- Ўзга шахс бизга қанчалик ёқимли бўлса, унинг маълумотини шунчалик ишонч билан қабул қиласиз ва аксинча, биз ёқтирган кимсанинг маълумотини шубҳа остига оламиз ва ишонқирамай қараймиз.
- Одамнинг билим савияси ва ақлий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, у хаётга шунчалик ишонч билан қарайди, у мушоҳадага мойил, вазиятларни мустақил равиша таҳлил қила олади ва ёлғон таъсирига камроқ берилади.

Суҳбатдошимиз кўзини қўли билан беркитиши ҳам шу каби ҳолат ҳақида маълумот бериши мумкин. Ёлғон гапириш соҳасида баъзи «пихини ёрган» кимсалар бундай пайтда бурнига қўлини текизиш билан чекланади ва бу билан ёлғондан ўт олган ҳаяжонини яшиromoқчи бўлишади.

Кўпчилик ёлғон гапираётган одамлар шеригининг кўзига қаравшга уялишади. Шунинг учун кўз ҳаракатларига ҳам эътиборли бўлиш керак. Кузатишлардан аниқланишича, одам ёлғон гапираётганда, яъни мавжуд бўлмаган нарсани хаёлида тасаввур этаётган пайтда кўз ҳам ўзига хос равиша ҳаракатлар содир қиларкан. Хусусан, мавжуд нарсани хотирлаётганда иккала кўз гавҳари юқорига ва ўнг томонга йўналади, янги нарсани (ёлғонни) яратиша эса аксинча, юқорига ва чап томонга ҳаракатланади. Айтгандай, чапақай кимсаларда бу жараён тескари ўтади. Бундан ташқари ёлғон гапираётган кимсанинг кўзи ён атрофга тез-тез ҳаракатланади.

Аниқланишича, тананинг маълум ҳолати ҳам ёлғонни ифодалashi мумкин. Одам ҳақиқатни гапираётганда бош ўнг томонга сал энгашади ва тана хотиржам бўлади, ёлғон гапираётганда бош тўғри ҳолатни эгаллайди ва тана зўриқиши ҳолатига келади.

Қўйида келтирилган белгилар суҳбатдошимиз ёлғон гапираётганлигини аниқлаш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- Кўп гапириш, аниқ матннинг кузатилмаслиги.
- Жавоб беришдан аввал узоқ сукут сақланиши.
- Чўзиб ва паст товушда гапириш.
- Ички зўриқиши.
- Номуносиб қўл хатти-ҳаракатлари.
- Табиий бўлмаган юз ифодаси.
- Юзнинг нотабиий қизариши ёки оқариши.
- Кўз қорачифининг ниҳоятда кенгайиши.
- Кўзни суҳбатдошдан олиб қочиш.

- Тез-тез киприк қоқиши.
- Ишончсизликни ифодаловчи қўл харакатлари (даҳанни, бурунни, қошни қашиш).
- Чаккани қашиш.
- Мийиғида кулиш, сунъий юз ифодалари.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир инсонда ушбу кўрсаткичларнинг намоён бўлиши ўзига хос тарзда ўтади. Одамни билмай туриб, у ёки бу белгига қараб талқин бериш мумкин эмас. Кўрсатилган белгиларга асосланишдан аввал ўзга кимса билан қисман бўлса ҳам оддий мулоқот шароитида бўлиш лозим. Эслаб қолинган айнан шу вазият, кейинчалик таққослаш намунаси бўлиб хизмат қиласди. Огоҳлантириш шундан иборатки, юқоридаги ҳар бир кўрсаткич ўзга кимсанинг ҳаяжонланиши ифодаси бўлиши ҳам мумкин. Суҳбат чоғида алданиб қолмай деган кимса қуидаги қоидага амал қилгани маъқул: «Бир манбадан олинган маълумот – ҳали маълумот эмас. Икки манбадан олинган маълумот – фикрлаш учун туртки. Ва фақатгина уч манбадан олинган маълумот ушбу ахборотнинг ҳаққонийлигини у ёки бу даражада тасдиқлаши мумкин»

2.7. Раҳбар ва оила

Раҳбар ва оила муаммоси. Инсон улғайган сари унинг ҳаётида оиланинг ўрни ва аҳамияти кучайиб боради. Катта ёшли ҳар бир инсон учун оила ҳиссий сокинлик маскани, умид ва мақсадлари манбаига айланади.

Оилавий муҳитнинг раҳбар кайфиятига таъсирини, ҳатто унинг ходимларига бўлган муносабатда акс этишини инкор этиш қийин. Шу муносабат билан оилавий ҳаётнинг ички қонунлари, оиладаги ўзаро муносабат шакллари ҳақида хабардор бўлиш раҳбарнинг ўз-ўзини бошқариш имкониятини кенгайтиради.


Ишлаб чиқариш соҳасини тадқиқ этувчи психолог М. Фейнберг изланишлари асосида аниқланган маълумот шундан иборатки, раҳбарларнинг тўртдан уч қисми ишхонадаги ишларини уйга олиб кетишар экан. Улар мунтазам равишда оилага тааллуқли йиғин ва маросимларда иштирок этолмайдилар, ишхонада кўп вақт ушланиб қоладилар, меҳнат сафарларига кетадилар ва оилага етарли вақт ажратолмайдилар. Раҳбар лавозим погонасидан канчалик юқорига кўтарилса, бу белгилар шунчалик аниқ ифодаланиб бораверади. Чет эл тадқиқотлари орқали аниқланган бу маълумотлар ўз моҳиятига кўра шароитимизга татбиқ этилиши мумкин. Ёш раҳбар ходимлар орасида ўтказган тадқиқотларимиз кўрсатишича, уларнинг аксарият кўпчилиги оилага кам вақт ажратишади. Ҳатто якшанба кунлари ҳам ишга борадиган, дам олиш вақтини эса оиласига бағишлий олмайдиган раҳбарлар кўп учрайди. Албатта, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва корхона олдидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш раҳбардан нафақат оиласи, балки шахсий ҳаётидаги ва ҳатто соғлигига тегишли кўпгина чекловларни талаб қиласди. Раҳбарнинг ташкилот ва оила ўртасида бўлиниши унда иккиланиш ҳолатини туғдиради ва ҳатто оилавий муносабатларда айрим йўқотишлар эвазига ўз ишига, ишлайдиган муассасага нисбатан совуш ҳам кузатилиши мумкин. Натижада раҳбар ишхона ва оила манфаатлари гирдобига тушиб қолади, икки қутб

орасида руҳий ва жисмоний саломатлигини йўқота бошлайди.

Раҳбар инсон сифатида ҳиссий яқинлик эҳтиёжида бўлади. Баъзи бир тадқиқотлар орқали ҳатто бундай яқинликнинг меъёри ҳам ўлчаб қўйилган. Аниқланишича, ўзини баҳтли деб ҳисоблайдиган оиласарда эр-хотин ҳафтасига 10-12 соат вақтни биргаликда ўтказарканлар. Ўзбек оиласарига хос кўп фарзандлилик ва буви-бувалар билан биргаликда яшаш эса ушбу кўрсаткич орқали ифодаланувчи омилни янада кўпроқ инобатга олишни талаб қиласди.

Зиддиятни ҳал этиши имконияти. Раҳбар ходимнинг оиласи ва хизмати ўртасидаги зиддиятни ҳал этиши кўп жиҳатдан ташкилотнинг юқори бўғин раҳбариятига боғлиқ. Ташкилот миқёсида оқилона юритилаётган кадрлар сиёсати ҳар бир ходимнинг оиласидаги туб бурилишлардан хабардор бўлишни, оиласий қийинчиликлар даврида унга ёрдам қўлини чўза олишни назарда тутади. Бу борада баъзи бир чет эл илғор компанияларида амалга оширилувчи тадбирлар ҳакида эслаб ўтиш лозим деб топилади. Масалан, баъзи бир ташкилотларда, раҳбарга меҳнат татилида у рафиқаси билан дам олиши учун қўшимча йўлланма ва йўл чипталари тақдим этилади, янги уйланган ёки фарзанд кўрган ходимларни маълум вақт давомида ҳамда узоқ муддатга меҳнат сафарига жўнатилмайди, фарзандларни турли таълим муассаларига жойлаштиришда кўмак кўрсатилади, оила аъзоларининг раҳбар ишидан хабардор бўлиб туришлари максадида уларни баъзан ишхонага олиб келишга руҳсат берилади.

Раҳбарнинг ўз ходими ҳаёти билан қизиқиши ва эътиборли бўлиши унинг оиласида содир бўлаётган ўзгаришларнинг хизмат юзасидан юз берувчи ўзгариш билан мос келиб қолмаслигини таъминлайди. Масалан, ходимнинг уйида фарзанд дунёга келиши ёки оила аъзоларидан кимнингдир бетоблиги ёхуд йирик оиласий маросимлар тараддуди каби омиллар ходимнинг хизмат поғонасидаги ўзгаришлар билан мос келиб қолмаслиги лозим. Ушбу мазмунга қўйидаги тасвир ўринли келиши мумкин:



4-расм. Хизмат ва оиладаги ўзгаришларнинг ўзаро мослиги

Узилмас чизиқ билан ходимнинг ишхонадаги хизмат ўзгаришлари тасвирланган, узук чизиқ билан эса унинг оиласий ҳаётидаги ўзгаришлар белгиланган. Ҳар бир чизиқнинг юқори чўққисида тегишли ўзгаришлар содир бўлади. Шу маънода тасвирдаги икки чизиқнинг юқори нуқтаси иложи борича бир пайтнинг ўзида устма-уст тушиб қолмаслиги лозим. Масалан, оиласда янги фарзанд туғилиши ва ходимни янги лавозимга тайинлаш даврининг ўзаро мос

келиб қолиши, албатта ходимда кучли асабий зўриқиши юзага келтиради ва нафақат оилада, балки ишхонадаги хизмат вазифаларни улддалашда ҳам ўз аксини топади.

Бундан ташқари, лавозим масъулияти тақозоси билан пайдо бўлувчи шахсий, оилавий ҳаётдаги баъзи нохушликлар раҳбар ниманидир нотўғри қилаётганлиги белгиси эмасмикан, деган савол ҳам ўринлидир. Одатда оиласига диққат-эътибори етишмайдиган раҳбарнинг ташкилотдаги вазифаларни бажаришга ҳам вақти етмайди. Демак, раҳбарлик услубини, меҳнат юритиш амалиётини ўзгартириш орқали вақтни қисман иқтисодлаш ва нафақат ишдаги, балки оиладаги муҳитни ҳам соғломлаштиришга имконият яратиши мумкин. Бу йўналишдаги асосий тадбирлардан бири – раҳбарнинг бошқарувга оид вазифаларини ходимлари орасида тақсимлай олиши ва баъзи бир ваколатларни ўз ўринбосарларига топширишидир. Ташкилотда ўзаро ишончнинг мавжудлиги, самимий ва инсоний муносабатлар хукм сурини, ходимларнинг касбий маҳоратлари бу тадбирлар учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Оилавий муҳитни ташкиллаштириши. Оила аъзолари ўртасида ўзаро ишончнинг мавжудлиги, мажбуриятларнинг оила аъзолари томонидан аниқ тақсимоти ва ўзаро ёрдамга доимо тайёрлик оиладаги мавжуд зўриқишиларни енгиллаштириш шартидир. Бундан ташқари инсон хулқига оид ҳаракатлар ҳам оилавий муҳитни соғломлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Баъзи бир раҳбарлар ишдаги вазифаларни устувор деб биладилар ва оиладаги 100 сўм чамаси масалани ташкилотдаги миллион сўмлик қиймат билан ўлчайдилар. Албатта бундай назар ҳар қандай оилавий муаммони арзимас қилиб кўрсатади ва натижада оилавий муаммоларни чеккага сурин қўйишни тақозо этади. Шунинг учун нафақат раҳбар, балки ҳар қандай оила эгаси ҳеч қачон оилавий масалаларни ўзга муҳит ва жамоага хос меъёр бўйича ўлчай олмайди. Раҳбар оиласидаги ҳар қандай «арзимас» ишга ҳам имкон даражада эътиборли бўлгани маъқул.

Юкорида номи зикр этилган тадқиқотчи М.Фейнберг аниқлашича, фарзандларнинг кейинчалик ота касбини эгалламаслик сабабларидан бири ушбу касб юзасидан ота-она таъсирида шаклланган салбий таассурот экан. Шу муносабат билан уйда, фарзандлар орасида ўз хизмати, иши юзасидан салбий фикрлар билдириласлик ва болада ишдан эрта ранжиш ҳиссини уйғотмаслик маслаҳати берилади.

Оилавий муҳит ва шахс шаклланиши. Оила кичик гуруҳ сифатида шахснинг шаклланишидаги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Оилавий муҳит, ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги иштироки улғайган шахс характерида ўз аксини топади.

Раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятидаги хатти-ҳаракати, ходимлар билан муносабатини таҳлил қила туриб, кўпгина хусусиятларнинг илдизини айнан ўзи яшаб улғайган оилавий муҳитдан топиши ажабланарли эмас.

Раҳбар ўз итоатидаги ходимлар билан муносабатини такомиллаштириб борар экан, ўзининг баъзи бир одатларидан воз кечишга ва янги хислатларни ўзида шакллантиришга интилади. Мана шундай жараёнда у «Нега ходимлар

билин муносабат қуришда айнан шу услубни қўллайман?», «Нега яна шу одатимдан воз кечолмаяпман?» каби саволлар билан ўз-ўзига мурожаат этади. Инсоннинг ўз-ўзини таҳлил этишга мойиллик табиий ҳолдир.

Психология фанида таниқли олим З. Фрейд давридан аниқланган ҳақиқат шундан иборатки, инсон ўзидағи у ёки бу хислатни ўзгартириши учун аваламбор бу халақит берувчи ҳолатнинг илдизини англаб етиши лозим. Афсуски, бизнинг кўпгина шахсий хислатларимиз шаклланишига сабаб бўлувчи оиласвий муҳит, оиласдаги турли муносабатлар таъсири шунчалик илк даврда рўй берадики, уларни эслашимиз ва асл сабабини хотираларни қайта тиклашимиз жуда мушкул. З. Фрейд мана шундай хотираларни қайта тиклаш ва шахс томонидан англаниши учун маҳсус услублардан, шу жумладан, гипноздан ҳам фойдаланган.

Қуйида баён этиладиган оиласвий ҳаёт моделлари таҳлили ўқувчига ўз ўтмишига бир қадар назар солишга ва шу орқали ўзининг ҳозирги меҳнат услуби ҳамда ходимлар билан юзага келаётган муносабатининг сабабларини англаб етишига ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, оиласвий ҳаёт хусусиятлари, кичик гурух сифатида унга хос қонуниятларни билиш қўл остидаги ходимлар ҳулқидаги у ёки бу ҳолатлар сабабини аниқлашга, кези келганда ҳатто, уларнинг ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишда кўмак беради.

Оиласвий муносабатлар моделлари. Оиласвий муносабатларни уч асосий намунаға тоифалаш мумкин: “Биз”, “Биз+Мен+Мен”, “Мен+Мен”.

“Биз” намунасиға кўра яшайдиган оиласда аъзолар доимо бирга бўлишга интилишади. Бундай муносабатлар фақатгина эр-хотин ҳамжиҳатлигига эмас, балки фарзандларга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади. Вақт ўтиши билан, ҳатто эр-хотин ҳам кўриниши, ҳам ички дунёсиға кўра бир-бирларига ўхшаб кетишиади.

Бундай муҳитда шаклланаётган фарзанд ўз муносабатида иложи борича очиқликка, ўзгалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга интилади. Меҳнат фаолиятида эса у ёки бу вазифаларни бошқа ходимлар билан биргаликда бажаришга мойил, якка тартибда бажарилувчи фаолиятни унча хуш кўрмайди. Унинг учун жамоадаги ижобий ва соғлом муҳит, инсоний муносабатлар етакчи ўринга чиқа бошлайди. Бундай оиласвий муҳитда шаклланган шахс раҳбарлик фаолиятини бажарап экан, ҳар бир масалани ходимлар иштирокида ҳал этишга интилади ва ҳатто якки ўзи қарор қабул қиласидиган шароитларда қийинчилик сезиши мумкин.

“Биз, Мен+Мен” намуна. Бундай оиласда айрим соҳаларда эр ва хотин биргаликда ҳаракат қилишига қарамай, баъзи бир масалаларни алоҳида ҳал этишга интиладилар. Масалан, уйда меҳмон кутаётганда, қариндошлар даврасида бирга бўлиш, лекин ўз дўст-биродарлари билан алоҳида-алоҳида муносабатлар қуриш. Оиласвий ҳаётга тегишли масалаларни биргалида ҳал этиш, шахсий муаммоларда эса мустақилликка интилиш. Бундай ота-она муносабатлари муҳитида улғайган фарзанд ҳам кўпдан-кўп оиласвий ҳаёт лавҳаларини ўзлаштириб боради. Ҳатто ота билан бир масалани, она билан эса бошқа масалаларни ҳал этиш ҳақидаги қоидани ўзлаштиради. Бундай фарзанд

улгайиб меҳнат жамоасида фаолият юритар экан, ҳамкасабалар ва ходимлар билан бўлган умумий ва хусусийликни тез англаб олади, қайси масалани гуруҳ билан ҳал қилиш мумкин-у, қайсинисини ўзгалардан сир тутиш керак, деган саволга тез жавоб топа олади. Кези келганда мустақил равишда иш юритади ва ўз қобилиятига ишонади.

“Мен+Мен” намунаси. Оилавий ҳаёт муаммо ва масалалари эркакники ва аёлники деб тақсимланади. Мен сенинг ишинга аралашмайман, сен эса меникига қабилида иш юритилади. Бундай муҳит албатта бола тарбиясига ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Бола бундай оилавий муносабатларни тез илғаб олади, қачон ва қайси масала бўйича кимга мурожаат этишга фаросати етади. Бироқ, оилавий ҳаётнинг жозибадор ранглари, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларидан келиб чиқувчи мазмундор ва чуқур ҳислар фарзанд учун бегона бўлиб қолади. Бундай муҳитдаги фарзанд тез улғаяди. Ўз муаммо ва саволларига жавоб излашда мустақил ҳаракат қила олади, аммо ўз эҳтиёж ва мақсадларини устувор қилиб қўяди. Раҳбар сифатида яккаҳокимликка, ўзгалар фикрини инобатга олмасликка мойил.

Ушбу келтирилган оила намуналарида шахс шаклланишига оид таърифларни узил-кесил деб булмайди. Бу таърифлар шахсда у ёки бу хислатларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи холос. Бола улгайиши давомида ҳали шунчалик кўп омиллар мавжудки, уларнинг тарбиявий кучини назардан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, мактаб муҳити, тенгқурлар давраси, турли гуруҳ ва жамоаларга аъзолик, ўзга жинс вакиллари билан муносабат хусусияти ва бу йўлдаги муаммолар шахснинг ўз-ўзини тарбиялаши ва комилликка интилишдаги асосий омиллардир.

Оила таркиби ва шахс хислатлари. Оила кичик гуруҳ сифатида миллат ва ҳудудга хос хусусиятларни ўзида акс эттиради. Ўзбек оилаларига хос хусусиятлардан бири – унинг кўпфарзандлилиги ва кўп табақалигидир. Кўп табақалик деганда бир оилада бир неча авлод вакилларининг биргаликда ҳаёти назарда тутилади. Масалан, ота-она, фарзанд ва невара- эвараларнинг бирга яшashi. Оиланинг бундай таркиби бола улгайишида, фарзанднинг ижтимоий муҳит билан муносабатлар қуришида ўзига хос тарзда таъсир этади. Хусусан, кўп авлодли оилаларда улғаювчи фарзандларда катталарга иззат, эътибор шаклланиши учун қулай омиллар мавжуд. Бундай оилаларда бола иерархик муносабатлар тизимини тез ўзлаштиради. Бундай муҳит гуруҳ иштирокчиларининг ёшига қараб муносаабт қуришда, шахснинг гуруҳдаги ижтимоий мавқеини тез илғаш ва шунга мувофиқ муносабат қуришга кучли таъсир этади.

Оиладаги фарзандлар сони ҳам бола характеристида ўз аксини топади. Таҳлилимиизни уч фарзандли оила мисолида давом эттиришимиз қулай. Одатда тўнгич фарзандга оиладаги ташқилий масалалар юклатилади ва бундай вазият болада масъулият ҳисси эрта шаклланишига имкон яратади. Одатда, оиладаги тўнгич фарзанд ука-сингилларга бош, ота-онанинг ўрнига масъул ва кези келганда ота-она топшириғига биноан кичикларга етакчилик қиласи. Бундай шароит болада ташкилотчилик қобилиятининг эрта шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи.

Оиладаги ўртанча фарзанднинг мавқеи ўзгача. Одатда ота-она унга биринчи фарзанд каби эътибор ажратиша олмайди. Оилаларни ўрганиш давомида тўнғич ва ўртанча фарзанд ўртасидаги муносабатларда келишмовчилик ҳоллари кўп учраши кузатилган. Бундай муҳитда эса, ўртанча фарзандда низога мойиллик шакланишининг эҳтимоли қўпаяди.

Оилада кенжа фарзанднинг мавжудлиги вазиятни янада кескинлаштиради. Одатда оиланинг эркатои бўлмиш кичик фарзанд ота-онанинг эътиборини ўзига тортади, катта ака ва опалардан эса унга деярли ўйиндан бошка юмуш қолмайди. Бундай муҳит кенжа фарзандда атроф-муҳитга бир оз енгилроқ, ҳатто ўйиномуз муносабатда бўлишга асос яратиши мумкин. Албатта, ушбу тавсифларни мутлақо ҳақиқатга йўйиш хато бўларди. Лекин, кўп фарзандли оиласа хос бўлган ички гурухий динамика болада у ёки бу характер хислати шаклланиши эҳтимолини оширади. Кўп фарзандли оиласий муҳитда шаклланган хислатлар эса албатта шахслараро муносабатларда ўз аксини топмай қўймайди ва инсон меҳнат фаолиятига қадам қўйганда жамоа аъзолари билан бўладиган муносабатларни шакллантиришда ўз аксини топади. Америкадаги бир қанча илғор тадбиркорлар биографиясини ўрганиш натижасида уларнинг кўпчилиги оиласа тўнғич фарзанд эканликлари ҳақида маълумотлар мавжуд.


Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши. Оиласий муҳитда шахснинг асосий характер хислатларига асос солинади. Бу характер хислатлари эса улгайган фарзанднинг меҳнат жамоасига кириб боришида ва ҳатто раҳбарлик фаолиятини амалга оширишда ҳам ўз аксини топади. Мана шундай характер хислатларидан бири шахснинг ўз-ўзини баҳолашидир.

Ўз-ўзини баҳолаш деганда инсоннинг бирон муаммоли вазиятга нисбатан ўз кучи ва қобилиятларини мослаштириш жараёнига айтилади. Шахс қаршисидаги масала ечимининг мураккаблигини акс эттирган ҳолда ва бу ечимни ўз имкониятлари билан қиёслаган ҳолда ўз-ўзига юқори, адекват- ёки паст баҳо бериши мумкин. Юқори баҳолаш хусусиятига эга кимса ўзини ҳар қандай масаланинг уддасидан чиқа оладигандай тутади, ўз кучи ва қобилиятига ҳаддан зиёд ишонади. Адекват равишда ўзини баҳолаш даражасидаги одам эса ечимни ўз қобилияти ва имконияти билан ҳаққоний тарзда такқослай олади, ўз масъуллигига керагидан ортиқ вазифани қабул қилмайди. Ўз-ўзини паст баҳолаш хусусиятига эга инсон ўз кучи, қобилияти ва имкониятига етарли даражада ишонмайди. Бундай кимса жуда қобилиятли бўлиши мумкин, лекин ўзига нисбатан танқидий муносабатнинг кучлилиги натижасида ундаги мавжуд имкониятларни тўғри баҳолай олмайди. Ҳиссий ўзига бўлган муносабатни юқори талаб доирасида ифодаланиши адекват фикрлашга, воқеликни кўра олишга салбий таъсир қилиувчи бўлиб хизмат қиласи. Қачонки шахс ўз мақсади ва ютуқларига эришганида буни ўзига сингдира олишни билсагина ундаги ўзига бўлган ишонч, иштиёқ кучаяди.

Шахснинг ўз-ўзини баҳолаши хислати раҳбар фаолиятидаги муҳим психологик омиллардан биридир. Раҳбар ўз қаршисидаги масалани еча олиш ёки олмаслиги, қандай муддатларда кўзланган мақсадга эришиши ва ҳатто лавозимдаги ўсишни режалаштиришда ҳам ўз-ўзини баҳолаши хусусиятидан

келиб чиқади. Шу муносабат билан шахснинг ўз-ўзини баҳолаши адекват

даражадан сал юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Одатда, шахснинг ўз-ўзини баҳолаш методикаларида қайд этилган даражалар қуйидаги қийматларда ифодаланади:



5-расм. Шахснинг ўз-ўзини баҳолаш даражалари

Психологларнинг фикрига кўра, инсондаги ўз-ўзини баҳолаш даражаси 0,75 қийматда бўлганда оптимал ҳисобланади. Бундай ҳолат инсоннинг ўз олдига доимо имкониятидан юқорироқ мақсадлар қўйиш ва доимо ўз-ўзини такомиллаштиришга туртки бўлиб хизмат қиласди.

Ўз-ўзини баҳолашнинг негизи оилада шаклланади деб таъкидлаб ўтилган эди. Ота-онанинг фарзанд қобилиятларини баҳолашлари аста-секин боланинг ўз қобилиятини ўзи баҳолашига айланаади. Ота-она фарзанди қобилиятини юқори баҳолаши бола ютуқларини қайта-қайта эслатишида, унинг бирон ишни бошлиши ва якунлашига ишонч билдиришида ва дастлабки хатоларни иложи борича танқид қиласли орқали ифодаланади.

Болада ўз-ўзига ишончнинг пастлиги эса мутлақо тескари оилавий мухитда кузатилади. Боланинг ҳар бир камчилигига эътибор қаратиш, уни мустақил ҳаракатларига ишончсизлик билдириш, бола уddaлаётган ишидаги ютуқлар ўрнига камчиликларни кўриш унда ҳаддан зиёд танқидийликни ва ўз-ўзини паст баҳолашни шакллантиради. Фарзандни мана шу икки қутб ўртасидаги оптимал нуктада улғайтириш бўлажак раҳбар муваффақиятининг асосини ташкил этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ота-она ва фарзанд муносабати моделлари. Ота-она ўз фарзандига бўлган муносабати бола улғайиши билан ўзгариб борувчи жараёндир. Фарзанд улғайиши ва ижтимоий қўнималарга эга бўлиши билан ота-она уни ўзлари каби инсон сифатида идрок қила бошлайдилар, унга жамиятнинг масъул фуқароси сифатида мурожаат этадилар. Шаклан шундай амалга ошувчи муносабатлар асосида мазмунан чуқур психологик муаммолар ҳам ўрин олиши мумкин. Фарзанд улғайган сари унга мустақил танловни амалга ошириш имконини бермаётган, фарзандининг улғайгинини пайқамай ҳалигача «йўргак»лашга уринадиган ота-оналарни учратиш қийин эмас. Уларнинг наздида фарзандлари ҳали ҳам уларнинг ёрдамига мухтоҷ, мустақил ҳаётдан кучли дакки еб қоладигандай ва ҳатто беэътибор қолдирилса ейишга нон тополмайди, деган таъкидни ҳам эшиши мумкин.

Оиладаги бундай муносабатларнинг шаклланишини таҳлил этиш машҳур психолог Эрик Берн яратган транзакциялар назарияси орқали давом эттирилиши мумкин.

Таянч тушунчалар.

Биографик тавсиф, миссия, эътиқод, установка, авторитар услуг, манипулятор, либерал, ташкилотчи, партисипативлик услуби, лидер, музокара, оиласиб моделлар.

Маевзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Самарали бошқарувга тўсқинлик қилувчи шахс хислатлари нималардан иборат?
2. Бошқарув жараёнида установкани ўрни қандай?
3. Бошқарув психологиясидаги бошқарув услублари ҳакида нималарни биласиз?
4. Бошқарув тизимида «Лидер» деганда нимани тушунасиз?
5. Муаммоли, қийин ва низоли вазиятда мулоқот олиб бориш босқичлари?
6. Бошқарувчи раҳбар қарор қабул қилишда нималарни эътиборга олиши зарур?
7. Лидерлик ва раҳбарлик ўртасидаги фарқлар нималардан иборат?
8. Музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари қандай?
9. Музокара якунига салбий таъсир этувчи психологик омиллар?
10. Оиласиб муносабатлар моделлари қандай?

Маевзуга оид адабиётлар

1. Бандурка А. М., Бочарова С. П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999.
2. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, халқ таълими соғлиқни саклаш, ўрта маҳсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
3. Каримова В., Ҳайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. ўқув қўлланма. Т. 2008. 208 б.
4. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма/ Масъул мухаррир: А.Холбеков. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006.
5. Махмудов Р.М., Бекназаров А.А.Ички ишлар идоралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси Олий академик курслари учун дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 284 б.
6. Холбеков А., Махмудов И., Равшанов Ф. Замонавий раҳбар: Маънавий фазилатлар, психологик қиёфа, касбий маҳорат. – Т., 2008.
7. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М.,2003.
8. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010.

III боб. ИЖТИМОЙ ГУРУХЛАРНИ БОШҚАРИШ

3.1.Гурухлар психологияси

Бошқарув фаолияти доимо жамоа доирасида олиб борилади. Шу муносабат билан раҳбар гурухнинг ички ҳаётига оид ўзига хос қонун, қоида ва хусусиятлар ҳақидаги билимга эга бўлиши лозим. Раҳбар ёки ходим қанчалик ўзини ёлғиз ҳис қилмасин, барibir бирон гурух ёки жамоа манфаатлари доирасида бўлади. Умуман ҳар бир кишининг меҳнат фаолияти бирон жамоа ички қоидалари, нормалари асосида бошқарилади. Ҳатто, якка тартибда ишлайдиган мутахассис ҳам, бирон уюшма ёки жамият ичида қабул қилинган қадриятлар ва қоидаларга суюниб фаолият юритади. Шу маънода алоҳида шахсни бошқариш имконияти кўп ҳолларда жамоани бошқариш услублари билан уйғунлашади.

Ҳар бир гурух назарда тутилган қонун асосида яшайди ва оқибатда пайдо бўладиган ҳодисалар гурухий жараён деб аталади. Гурухий жараённи билиш, унга хос қонуниятни тушуниш раҳбарга жамоани бошқариш, унинг аъзоларига таъсири этиш учун қулайлик яратади. Шу муносабат билан, қуйида жамоанинг ички ҳаёти, унга хос гурухий жараёнлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтамиш.

Гурухлар, унинг ичида содир бўлаётган жараёнлар, бу жараёнларнинг шу гурух аъзоларига таъсири ва акс таъсири ижтимоий психология фани томонидан ўрганилади. Айни вактда гурух ичидағи содир бўлаётган ҳодисалар ва улар бўйсунадиган қонун-қоидаларни бир мунча умумлаштириш орқали гурухнинг ривожланиш босқичлари аниқланганлиги аён. Гурух ички ҳодисаларининг маълум босқичларга амал қилиб ривожланиши, бундай ривожланишнинг ҳар бир гуруҳда ўзига хослиги гурухий динамика ибораси билан ифодаланади. Бинобарин, ҳар қандай гурух у ташкил топгандан то тарқалиб кетгунча маълум қоидаларга амал қиласди. Оқибатда гурух ривожланиб боради ва жамоаларнинг юксак кўриниши даражасига кўтарилади, баъзилари эса турли сабабларга кўра гурух ривожланишининг бирон босқичида узоқ туриб қолади, ёки шу босқичдан нарига ўтолмай, кейинчалик тарқалиб кетади.

Гурухни ички ривожланиш қонунларига амал қилиши, унинг юксак жамоа даражасига кўтарилиши ташкилотни кўзланган мақсадга эришиш йўлидаги имкониятидан бири ҳисобланади. Хўш, гурух деган тушунчанинг ўзинима?

Гурух тушунчаси. Гурух тушунчаси ижтимоий психологиядаги энг муҳим иборалардан биридир.

Раҳбар, юқорида таъкидлаганимиздек, ўз фаолиятида ходимлар уюшган гурух билан мулоқотда бўлар экан, уларга хос хусусиятларни билиши ва ундан бошқарув фаолиятида унумли фойдаланиши лозим. Ташкилот мақсадларига мувофиқ уюшган гурухни меҳнат жамоаси деб аташ мумкин. Раҳбар ўз фаолиятида мулоқотга киришадиган гурухлар бир неча турларга бўлинади. Ходимларнинг сони ва улар ўртасидаги муносабатга кўра кичик ва катта гурухлар фарқланади. Хусусан, кичик гуруҳдаги ходимларнинг муносабати

бевосита кўринишида бўлса, катта гурух аъзолари эса бавосита муносабатда бўладилар.

Кичик гуруҳлар психологик жиҳатдан талқин этилганда, уларга алоқадор қўйидаги хусусиятлар фарқланади:

- гуруҳ аъзоларидан бирининг хатти-ҳаракати бошқа аъзоларга таъсир этади;
- гуруҳ аъзолари шахсий ёки умумий эҳтиёжларини қондиришда бир-бирларига мухтоҷdir.

Бундай таъриф машҳур психолог К. Левинга тегишли бўлиб, у гуруҳ ичида рўй берадиган жараёнларни илмий жиҳатдан таҳлил этади. Бинобарин, бирон ташкилотдаги кичик гуруҳни назарда тутсак, гуруҳ аъзоларига хос умумий мақсаднинг мавжудлиги таъкидланади.

Демак, бир бутун корхонани ташкил этувчи кичик гуруҳлар мажмуаси катта гуруҳ дейилади. Лекин кичик ва катта гуруҳларга ички жараёнлар ўзига хос бўлиб, раҳбар у ёки бу гуруҳ билан мулоқотга киришганда мазкур хусусиятларни ҳисобга олиши лозим.

Гуруҳ турлари. Умуман, психология фанида гуруҳларни фарқлаш бир неча мезон бўйича амалга оширилади. Қўйидаги хусусиятлар гуруҳ табиатини янда чуқурроқ тушуниш ва бундан бошқарув фаолиятида фойдаланиш имконини беради.

Кичик гуруҳнинг ўзи иккига бўлинади:

- **бирламчи гуруҳ** ўз аҳиллиги ва ўзидағи «БИЗ» ҳиссиётининг юксаклиги билан кўзга ташланади. Асосий белгилари – унинг камсонлилиги, аъзолари ўртасидаги масофа яқинлиги, ўзаро муносабатларнинг шахсий хусусиятларга асосланганлиги. Бундай гуруҳга ёрқин мисол сифатида оилани келтириш мумкин.

- **иккиласмчи гуруҳ** деб фаолияти аниқ мақсадга йўналган ва ўзаро муносабатларда расмий жиҳатлар кузатиладиган жамоага айтилади. Бундай гуруҳда асосий дикқат ўзаро муносабатларга эмас, балки маълум вазифани бажариш малакасига қаратилади.

Раҳбар бошқарув фаолиятида турли мақсадда тузилган гуруҳларда турлика психологик муҳитни шакллантиришга эътибор бериши керак. Масалан, қисқа муддатли ва малакали меҳнат талаб қиласидиган вазифаларни адо этиш учун тузилган гуруҳда асосий мақсад меҳнат фаолиятига қаратилади ва жамоа бирдамлигига боғлиқ тадбирлар чекланади. Доимий ва мунтазам фаолият юритувчи гуруҳда эса бажарилаётган меҳнат билан бир қаторда айни жамоада соғлом ва аҳил муҳит яратиш йўли танланади.

Кичик гуруҳнинг яна бир кўриниши **референт гуруҳ** деб аталади. Референт гуруҳ, ўз мазмунига кўра, бирон кимса учун энг ардоқли ва ўзига яқин тутувчи жамоани англатади. Одатда ҳар ким референт гуруҳни ўзига намуна сифатида қабул қиласиди ва ўз хулқини шу гуруҳ нормалари билан мослаштиришга интилади.

Ўз моҳиятига кўра референт гуруҳ салбий ва ижобий характерга эга бўлиши мумкин. Ижобий мазмунга хос референт гуруҳ ташкилот мақсадига мувофиқ ишлайди ва ундаги жараёнлар умумий мақсадга бўйсунган бўлади.

Салбий мазмун касб этган референт гурухдаги норма ва хулқатвор шакллари жамоа манфаатига зид бўлиши ва ташкилот мақсади билан мос келмаслиги мумкин. Масалан, бу манзара меҳнат жамоасидаги баъзи ходимлар тўдасининг мунтазам равишда тартиббузарликка йўл қўйиши ёки асосий иш вақтида ўз фаолиятини бошқа йўналишга бағишлишида кўринади. Одатда ҳар бир жамоада бир неча референт гурухлар учраши табиий.

Раҳбар бундай вақтда ушбу гурухнинг салбий ёки ижобий мазмунга йўналганини дарҳол ажратиб олиши ва шу асосда уларга нисбатан ўз муносабатини билдириши лозим. Ижобий йўналишга эга бўлган референт гурухни қўллаш билан бирга аста-секин ундаги аъзолар сонининг кўпайиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак. Салбий йўналишдаги гурухга нисбатан танланган асосий сиёsat эса, ушбу гурух аъзоларига топшириладиган вазифалар асносида иложи борича уларни бир-биридан узоклаштиришга қаратилган бўлиши зарур.

Юқорида санаб ўтилганлар қаторида расмий ва норасмий гурухлар ҳам мавжуд. Расмий гурух бирон мақсадга эришиш йўлида ташкил топади. Масалан, бригада, бўлим, маъмурият каби расмий меҳнат жамоалари... Одатда мазкур гурухларнинг фаолияти маълум бир мақсадга йўналган равишда бошқарилади. Бундай гурухнинг ташкил топиши ҳукукий жиҳатдан расмийлаштирилиб қўйилади.

Норасмий гурухлар тасодифан пайдо бўлади ва бу ҳолат у ёки бу корхона ичида юз бериши мумкин. Норасмий гурух ташкил топишининг манбаалари шу гурух аъзоларига хос умумий манфаат ва ўзаро илиқ муносабатларнинг мавжудлигида кўринади. Норасмий гурух корхона расмий тизимидан мустақиллиги, ўз олдига қўйган мақсадининг ноаниқлиги билан ифодаланади. Бундай гурухни баъзан манфаатлар бўйича бирлашиш деса ҳам бўлади.

Ташкилот миқёсида, дадил айта оламизки, юқорида санаб ўтилган гурух турларининг ҳамма кўриниши мавжуд. Гурух ўз аъзоларига ўз таъсирини ўтказади ва гурухий нормаларга риоя қилишга шароит яратади, қолаверса, ижтимоий назорат олиб боради. Жамоа таркибида ходим корхона мақсадларини тўлароқ англайди ва умумий масъулиятга беихтиёр шерик бўлади. Жамоа аъзолари билан ҳамкорликда харакат қилган ҳолда, у якка тартибдаги интилишга нисбатан кўпроқ самарага эришади.

3.2. Ташкилот катта гурух сифатида

Ташкилот сўзи аниқ мақсадга эришиш йўлида маълум тартибда мужассамлашган жамоалар бирлигини англаатади. Ходимлар ташкилот миқёсида ўзаро муносабатлар тизимини яратади. Фавқулодда ҳар қандай расмий ташкилот миқёсида турли норасмий гурухлар мужассамлашади. Бу норасмий гурухлар ташкилотдаги умумий мухитга, унинг ўз мақсади йўлидаги ташаббусига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Раҳбар норасмий гурухларга хос хусусиятларни ҳисобга олиши орқали самарали гурухий нормаларни шакллантиришга ва ходимлар фаолиятини гурух манфаати билан уйғуллаштиришга имконият туғилади.

Ташкилот фаолияти аввалига бутунлай рационал тарзда ташкил этилиб, бу тадбирда иқтисодий омиллар ва кўрсаткичлар устувор деб топилади. Ҳозирга келиб бу омиллар сони анча қўпайди ва улар қаторида бошқарувнинг ахборот манбаалари ва ўз олдига қўйилган мақсадни шакллантириш, уни олға суриш ҳамда ўзгартириш механизмлари ўрин олди. Шу билан бирга, ташкилот қарамоғидаги ходимлар мотивацияси, яъни уларни фаолиятга ундаш, ташкилий муносабатларни мукаммаллаштириш, лойиҳалар бўйича тадқиқотлар, шунингдек ихтиrolарни жорий этишнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳукукий жиҳатлари каби омиллар келиб қўшилди.

Ташкилотни ижтимоий тузилма сифатида қабул қиласиз, бу қарашда янги ижтимоий-психологик жиҳатларнинг ажратиб олиниши замонавий бошқарув илмининг ютуғидир. Ташкилот мақсадини ва унинг вазифаларини аниқлаш ҳамда ходимлари томонидан қабул қилиниши назарда тутилган ижтимоий-психологик йўналишнинг асосидир. Шу муносабат билан кичик гуруҳ фаолиятини ташкил этиш бошқарувдаги энг асосий масалалардан бирига айланиб боради.

Гурухий жараёнлар. Ижтимоий психология фани шахснинг жамоадаги ўрни, хулқи, гуруҳдаги шахслараро муносабатлар натижасида пайдо бўладиган психологик жараёнларни ўрганади. Бу ҳақдаги билим жамоани бошқариш учун янги имконият яратади. Масалан, меҳнат жамоасидаги ижобий муносабатларга асосланган психологик мухит ходимнинг ишчанлигини 30% га ошириши мумкин. Ва аксинча, жамоадаги муносабатларнинг таранглашуви, салбий қарашларнинг устунлиги, ходим меҳнати самарадорлигини пасайтиради ва иш сифатига ҳам путур етказади. Гурухий жараёнлар, уларга хос қонунларни билиш, ҳатто, гуруҳ аъзоси хулқини ўзгартириш имконини беради. Аниқланишича, инсон ўзига қаратилган бевосита индивидуал таъсирдан кўра, гуруҳ фикрига кўпроқ эътибор беради.

Ижтимоий назорат. Одатда инсон ўз хулқини ўзи хоҳлаганича амалга оширолмайди. У ҳоҳласин-ҳоҳламасин жамият томонидан қўйилган маълум талабларга риоя этиб яшаши шарт. Ҳар қандай инсон улғайиши давомида турли гуруҳ ва жамоаларга аъзо бўлиб боради. Бу гуруҳлар эса нафақат ўзининг мақсади, балки ички қоидалари билан ҳам бир-биридан фарқ қилиб туради. Демак, ҳар қандай гуруҳда, у ёки бу ички қоидалар, нормалар мажмуаси ҳукм суради. Одатда, меҳнат жамоаларида бу нормалар расмий тан олинган ва ҳатто ёзма шаклда ҳам баён этилган. Баъзи бир норасмий гуруҳларда эса «ёзилмаган» лекин, назардаги қоидалар ҳукм суради. Хатти- ҳаракатни чеклаш борасидаги мавжуд гурухий қоидалар, нормалар эса ижтимоий назоратнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Жамоада ўрнатилган чеклашлар асосида хатти-ҳаракат ёки хулқ андозаси шаклланади. Бундай андозанинг жамоада мавжудлиги ва уни қай тарзда ифодаланиши қўп жиҳатдан амал қилиш самарадорлигини белгилайди. Масалан, меҳнат жамоасидаги хулқ кодекслари қанчалик аниқ ва равон баён этилган бўлса, ходимнинг унга риоя қилиш эҳтимоли шунчалик ошади.

Гурух мақсадлари. Гурух мақсадларига тезкор ва унумли эришиш, ушбу мақсадларнинг гурух аъзолари томонидан қабул қилинишига боғлиқ. Маъмурият ташкилот моҳиятини ифодаловчи тадбирлар ишлаб чиқар экан, кўпинча ходимлар бу тадбирлар долзарб ва муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигидан, ҳаттоқи шубҳаланмайдилар. Лекин, раҳбарнинг бу соҳадаги асосий вазифаларидан бири – гурухий тадбирларни ходимларнинг шахсий манфаатлари билан мувофиқлаштиришдан иборатdir. Бунинг учун у ходимларни рағбатлантириш, мотивациялаш шартларини яхши билиши лозим. Ҳар бир ходимнинг оиласи мухити, яшаш шароити ва индивиудал-психологик хислатини ҳисобга олиш ушбу йўналишдаги муваффақиятни амалга ошишидаги асосий омилdir.

Гурухий нормалар. Гурухий норма – айни жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатларни маълум тартибга солиб турувчи ёзилмаган, лекин, унга амал қилиниши лозим бўлган қоидадир. Гурухий нормалар ушбу жамоада нимани қилиш мумкин, нимани эса мумкин эмас, нима ёмону, нима яхши қаби талабларни амалда қўллади. Гурухий нормалар орқали ҳар бир ходим ўзидан жамоа нимани кутаётганини, қандай ишни ва қай тарзда бажариши лозимлиги хақида маълумот олиб турди.

Гурух ривожланиши давомида ундаги нормалар ўзгариб бориши мумкин, ва таъкидлаш жоизки янги, шунингдек, мураккаб вазиятларда бу ҳолат ёрқин намоён бўлади. Лекин, нормалар ҳамма аъзолар томонидан бир хил тушунилмагунча ва қабул қилинмагунча жамоа фаоллиги сезилмайди.

Ташкилот гурухи ҳаётида амал қилувчи нормаларни икки турга бўлиш мумкин:

1. Раҳбарият томонидан киритилган нормалар;
2. Гурух томонидан киритилган нормалар.

Биринчи тур нормаларининг жамоа аъзолари томонидан қабул қилиниши раҳбар ва ходимлар ўртасида шаклланган муносабатларга боғлиқ. Бу муносабатлар илиқ бўлса ва раҳбар жамоа томонидан тан олиниб, хурмат-эътиборга эга бўлса, ходимлар раҳбар томонидан киритилган нормаларга риоя қиласидилар. Афсуски, ҳаётда бунинг аксини ҳам кузатамиз.

Гурух томонидан ўрнатилган нормалар анча мустаҳкам бўлиб, ходимлар бу нормаларни ҳимоя қиласи ва уларнинг амалдаги ҳаракатини ҳар қандай йўл билан таъминлашга интиладилар. Шунинг учун раҳбарнинг бошқарув маҳоратларидан бири – ўзи таклиф этмоқчи бўлган нормаларни гурух томонидан таклиф этиш шаклига эришишdir.

Гурух амал қилувчи нормаларнинг бир қатор ижобий кўриниши мавжуд:

1. Гурухий нормалар у ёки бу жамоада ходимнинг ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот беради, гурух тузилмасининг турли поғоналаридаги ходимлар хулқига аниқлик киритади, нимага бирламчи эътиборни қаратиш кераклиги ва қандай қадриятлар жамоа учун муҳимлигини билдириб турди. Гурух ички нормаларини билиш унинг ҳаётини тартибга солинган тарзда идрок этиш имконини яратади. Одатда илғор компаниялар негизида шундай меъёрий хулқ андозалари мавжуд, ва улар «Ташкилий хулқ кодекслари», «Хизмат муроқоти қоидалари» каби мажмуаларда акс этган.

2. Нормалар гурухий ва индивидуал хатти-харакатларни ўзаро мувофиқлаштиради. Гурухда қабул қилинган нормалар ёрдамида биз ҳар қандай вазиятда жамоа ҳаётига зид бўлмаган тўғри йўлни топа оламиз. Одатда ташкилотга янги ходимнинг келиши ва мослашув босқичининг тўлақонли ўтиши, унинг гурух нормаларини тез илғаб олиши ва қабул қилиши орқали амалга ошади. Раҳбарият бу жараённинг самарали ва бенуқсон ўтишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бу тадбирга алоқадор фикрлар китобнинг «Ходимлар адаптацияси» бўлимида батафсил баён этилган.

3. Ходимнинг гурухий нормаларни яхши билиши ва уларга риоя қилиши, унга руҳий сокинлик, ўз кучига ишонч ва жамоа билан яқдиллик ҳиссини бағишлади, ўз меҳнатидан қониқиши учун асос бўлади.

Шу билан бирга гурухий нормаларнинг салбий томонини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Шуни ёдда тутиш керакки, кўп ҳолларда ташкилотда турли нормаларни қадрловчи икки, ёки ундан ортиқ гурухлар пайдо бўлиши ва улар орасида айнан нормалар устунлиги йўлида зиддиятли муносабатлар келиб чиқиши кузатилади. Баъзи пайтларда ходим у ёки бу нормадан норози бўлишига қарамай унга риоя қилишга мажбурлиги қониқмаслик ва руҳий зўриқиши юзага келтиради. Шу муносабат билан ташкилотда расман қабул қилинаётган қонун-қоидалар иложи борича ходимлар фикрини инобатга олиш орқали турли эҳтиёж ва манфаатлар билан уйғунлаштирилиши муҳимdir. Баъзан жамоада бирон-бир қоидага бўлган эътиroz, уни қабул қилиш чоғида ходимнинг фикри инобатга олинмаганлиги туфайли ҳам содир бўлиши мумкин. Ташкилот ҳаётида учраб турадиган «ички тугён»нинг асосий моҳияти ана шундадир.

Умуман олганда гурухий нормаларга риоя қилишнинг икки шаклини шарҳлаш мумкин. Биринчиси, фаолиятдаги, хатти-харакатлардаги мувофиқлик. Иш кийимининг бир хиллиги, ўзаро ва мижозларга мулозамат, вақт аниқлиги, раҳбарият билан расмий муносабат ва умуман хулқ кодексига риоя этиш. Иккинчи шакл кўпроқ ходимнинг қадриятлари тизими, дунёқараши ва эътиқоди билан боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, ҳамфир ва ҳаммаслак ходимлар туфайли меҳнат муваффақияти амалга ошади, мақсад йўлидаги уринишлари ғалаба қиласди.

Минг афсус, шахсий манфаат туфайли «ягона қолип» мисолида фикрлаш, воқеликка муносабат эса ташкилот ривожига путур етказиши турган гап.

Шу мазмунда машҳур IBM компаниясининг вице-президенти айтган гапларни эслаш ўринлидир: «Ҳар бир компания бошқаруви ўз ички танқидчисига муҳтождир ва раҳбариятнинг кўзи ёғ босмаслиги, ўз иш шаклини йўқотмаслиги ва хушомадларга берилиб кетмаслиги учун доимо ўз танқидчисига эга бўлиш керак». Албатта, айтилган бешафқат сўзлар ҳар қандай раҳбарга ҳам ёқиши қийин. Аммо, ривожланиш йўлини танлаган раҳбар янгилик тарафдори бўлган жамоа қиёфасидаги ижодий кучга муҳтождир. Бунга «IBM» ва шунга ўхшаш илғор компаниялар далил бўла олади. Гурухий нормаларга ҳар хил ходим ҳар хил муносабатда бўлади. Баъзи бир ходим бундай меъёрдаги хулқ шаклларини тез қабул қилса, бошқалари уни қабул қилишлари учун маълум вақт ва маҳсус тадбирларни жорий этишга тўғри

келади. Гурухий нормаларга берилиш ҳодисаси психология фанида конформлик деб аталади ва бу ибора алохида шахс фикрининг гурух аъзолари қарашлари билан уйғунлашишини англатади.

Конформлик ҳодисасида шахс, ўзининг жавобини гурух аъзолари фикрига мослаштиради. Аниқланишича, бир сафар тажрибада қатнашаётган 25% иштирокчилар ўзларининг бирламчи фикрларидан шубҳаланиб, гурухнинг бошқа аъзолари маъқул топган жавобни қабул қилганлар. Гурухнинг бундай ички қонуниятини англаш, жамоада конформликка мойил ва номойил шахсларни ажратса олиш раҳбар учун жуда кўл келади.

Аҳиллик. Гурухий аҳиллик жамоанинг жипслиги, ички қўпорувчи низоларнинг йўқлиги билан ифодаланади. Аҳиллик, гурухий қарорни тез қабул қилишга, умумий мақсад йўлида гурух аъзоларининг бир-бирларини қўллаб-қувватлашига, ходим жамоани ўз оиласидай қабул қилишига асос бўлади. Гурух аъзолари ўртасида аҳиллик юзага келиши учун қуидаги шарт-шароит зарур:

- гурух ва унинг аъзолари атрофидагиларда илиқ-иссиқ кайфият уйғониши;
- гурух аъзоларининг қадриятлари, қарашларидаги ўзаро мослик шаклланиши;
- гурух олдидағи умумий мақсад ҳар бир аъзонинг шахсий манфаатига уйғун бўлиши;
- адo этилаётган иш юзасидан ўзаро алоқанинг мавжудлиги;
- жамоада ишлашдан, шунингдек, гурухий фаолиятдан қониқиши;
- қарор қабул қилишда барчанинг иштироқи ва ходимлар манфаатига йўналган бошқарув услуби;
- барчанинг манфаат ва қизиқишлирига бир хил эътибор, жамоадаги ижтимоий тенглик ваadolat;
- гурух миқдори (аниқланишича, гурух аъзолари 7-12 киши атрофида бўлганда ўзаро аҳиллик яхшироқ шаклланади);
- гурух хаётидаги анъаналар ташкилотга хос маданиятнинг бир қисмидир.

Раҳбар ушбу санаб ўтилган шарт-шароитдан мавжудларини ривожлантириш, қолганларини эса шакллантириш орқали гурух аъзолари ўртасидаги аҳилликни кучайтириши мумкин. Бироқ, ҳаётда шундай воқеалар учрайдики, улар беихтиёр гурух ички ривожланишига таъсир этади. Масалан, ташкилот ичидаги икки гурух ўртасида низоли вазиятнинг пайдо бўлиши гурух ичидаги аҳиллик ҳиссиётини оширади. Лекин раҳбар гурух аҳиллигини яратишда ушбу омилни қўллаши шарт эмас. Бу усулдаги аҳиллик вақтинчалик кўринишга эга бўлиб, «жанг» тугагандан сўнг ўз таъсирчанлигини йўқотади. Бундай аҳилликдан сўнг гурух ичидаги гурухчалар ташкил топиш эҳтимоли ҳам бор.

Жамоада аҳилликни кучайтиришдаги бирламчи тадбир гурух аъзоларини танлашда амалга оширилиши мумкин. Умумий қадриятларга, инсонпарварлик хислатига эга ходимларнинг кейинчалик умумий мақсад сари ихтиёрий

бирлашишлари эҳтимол. Гурух аҳиллиги ва меҳнат самарадорлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳам бир оз баҳсталабдир. Аниқланишича, агар гурух аъзолари кундалик меъёридан ошикроқ меҳнат ҳажмини бажаришга интилишса, жамоадаги аҳиллик унумдорликни оширишга ижобий таъсир этади. Агар жамоада меҳнат мотивацияси паст бўлса, баҳтга қарши, аҳиллик иш унумдорлигини пасайтириши мумкин.

Гурухий динамика. Одатда ҳар қандай гурух ичида шундай кучлар мавжудки, улар жамоа фаолияти самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Мана шундай кучлар йифиндиси ва унинг таъсирида гурух ичидағи муҳитнинг ўзгариб бориши, гурухий динамика деб аталади. Гурухий динамикага оид жараёнларни экспериментал равишда ўрганган психолог Курт Левин бўлиб, унинг фикрига кўра, гурух ўз амалиёти давомида қатор ўзгаришлар ва ривожланиш босқичларини бошдан кечиради. Бу ўзгаришларни юзага келтирувчи омиллар эса гурух ичидағи турли жараёнлар ва уларнинг мутаносиб тарздаги ўзаро муносабатидир.

Гурухий динамика гурух ичида яшаётган кучларнинг ўзаро таъсири деб тушунилиши мумкин. Ҳар қандай гуруҳда икки асосий куч мавжуд:

1) шу гурух олдига қўйилган мақсад ва 2) шу гурух аъзоларининг эҳтиёжлари. Ҳар қандай гурухий динамиканинг асосида мана шу икки омил ўртасидаги ўзаро муносабат ётади.

Гурухнинг мақсади, мазкур гурух аъзолари эҳтиёжига мос келмаслиги ҳам мумкин. Айнан шу ҳолат гурухий динамиканинг манбаи ҳисобланади.

Гурухий динамика фақат шу гурух ичидағи ҳодисалар билан чекланиб қолмайди. Гурухий динамикага таъсир кўрсатувчи ташқи – ижтимоий, иқтисодий омилларни ҳам санаб ўтиш жоиз. Аслида бу омиллар гурухий жараёнларни, яъни муқаррар ўзгаришларни секинлаштириши ёки тезлаштириши мумкин. Бу омилларга қарши тура олиш маълум маънода гурух аъзоларига ва табиийки, раҳбарга боғлиқ. Гурухий ҳодиса муқаррарлигини англаш, унга таъсир этувчи омилларни бир-биридан фарқлаш, гурухий жараённи керакли йўналишда олиб бориш, яъни уни бошқариш имкониятини беради.

Гурухий динамика – гурух аъзолари ўртасида ўзаро идрок, ҳис-туйғу ва мулокот жараёнининг маълум тартибда ривожланишидир. Раҳбарнинг гурухий динамикага оид ҳодисаларни билиши, уларни бошқариш ва мақбул йўлга йўналтириш имконини беради. Натижада жамоа олдидағи вазифалар янада самарали бажарилишига қулайлик туғдиради.

Қўйида гурухий динамикани ташкил этувчи асосий ҳодисаларга тўхталиб ўтамиз. Бу рўйхатдаги бирламчи тушунча гурух **мақсади** бўлиб, одатда ҳар қандай жамоа фаолияти бирон-бир мақсадга йўналади. Таниқли олим Р.Шинклер гуруҳдаги ходимлар мавқеидан келиб чиқувчи ролларни ифодалаб, уларга қўйидагича изоҳ бериб ўтади:

- Альфа – гурух етакчиси, ўзгаларни фаолликка ва мақсад сари ундейди, уларга ишонч ва қатъийлик баҳш этади.
- Бета – гуруҳдаги иккинчи шахс – эксперт, яъни гурух баҳоловчиси, совуққон, мулоҳазали, альфага нисбатан тадбирли, гуруҳга хос норма ва

қоидалар ҳимоячиси.

- Гамма – пассив мослашувчи, ўзини ошкора қилмасликка уринади. Бундай одамлар одатда тўрт тоифага бўлинади: 1) альфага содиқ ва унга ҳамсоя шахс; 2) лоқайд ходим, бундайлар альфа учун қулай кимса; 3) ўз мавқеидан норози, аммо бўйсунишга мажбур; 4) ўз фикрига эга, лекин раҳбарга тил текизмасдан гурухдаги мавжуд тартибни танқид остига оловчи шахс.

- Омега – гурух нафрати ва норозилиги қаратилган ходим.
- Р – муҳолиф, альфага қарши чиқувчи ходим

Одатда ушбу санаб ўтилган ролларни деярли ҳар бир гурухда учратиш мумкин. Агар гурух аъзолари кўпчиликни ташкил этмаса, баъзида ходимнинг ўзи ҳам бир неча ролни ижро этиши мумкин, аммо оқибатда гурухда анчагина зўриқиши ҳолати қузатилади.

Гурухнинг самарали фаолияти учун зарур роллар таснифи ва уларни шакллантириш тадбирлари ҳақида **«командалар»**га бағишлиган бўлимда батафсил маълумот берамиз.

Гурух аъзолари ўз ролларини қанчалик сидқидилдан бажаришлари, жамоадаги ижтимоий назоратга ҳам боғлиқдир. Ижтимоий назоратнинг самараси ва мезонлари ушбу гурухда қабул қилинган **нормалардан** келиб чиқади.

Гурухий динамика таърифини яратувчи тушунчалардан яна бири - жамоадаги **лидерлик** ҳодисасидир. Айни пайтда лидерлик икки маънода талқин этилади. Биринчидан, гурух тузилмасидаги лидернинг ҳолати ва унинг гурухий жараёнларга таъсири бўлса, иккинчидан, лидер шахси, унинг бошқарув вазифаларини ечишдаги ўрни ва ташкилот мақсадига эришишда ўз бўйнига оладиган масъулиятдир. Биринчи маъно кўпроқ гурухий жараёнларга қаратилган бўлса, иккинчиси умумпсихологик, шахсга оид мазмунни касб этади.

Жамоа вазифаларининг бажарилиш мұваффақияти кўп жиҳатдан, гурух аъзоларининг ўзаро яқдиллигига, **аҳиллик** ва бирдамлигига боғлиқ. Ушбу шарт самарали фаолият кўрсатувчи командаларнинг характеристини белгилайди. Шу муносабат билан раҳбар жамоа аъзоларини ўзаро аҳилликка, уларда шериклик ҳиссини уйғотишга интилиши лозим. Гурухий динамикани таърифловчи жиҳатлардан яна бири, гурухнинг ривожланиши босқичларидан келиб чиқади.

Гурухнинг ривожланиши. Ижтимоий психология соҳасидаги олимлардан Б. Такман ва М. Дженсонларнинг аниқлашларича, гурухлар ўз ривожланишида бешта босқични босиб ўтади: ташкил топиш, низо босқичи, нормалар шаклланиши босқичи, фаолият юритиш босқичи ва фаолиятни тугаллаш босқичлари. Ҳар қандай гурух ўз фаолияти давомида ушбу санаб ўтилган босқичлардан ўтади. Раҳбарнинг бу жабҳадаги асосий вазифаси, гурухни иложи борича «фаолият юритиш» деб номланган юксак босқичга тезроқ ва самарали тарзда олиб чиқишидир. Бунинг учун раҳбар ҳар бир босқичга хос белгиларни билиши ва уларни тезда пайқаб олиши лозим. қуйида ушбу босқичларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

1. **Ташкил топиши босқичи.** Гурух ташкил топиши пайтида янги аъзолар

үртасида ўзаро муносабатлар тизими ўрнатилади ва гурухдаги вазият ўрганилади: гурухдаги устувор қадриятлар, нормалар ва установкалар аниқланади. Бу даврда ўзаро мулокот нормалари шаклланади. Ўзаро ҳамкорлик тартибларини аниқлаш мақсадида ходимлар раҳбар билан тез-тез учрашишга, ўз вазифа ва масъулиятларига аниқлик киритишга эҳтиёж сезадилар.

2. **Низо босқичи.** Бу босқичда ҳар бир ходим жамоадаги ўз мавқеини тасдиқлашга интилади, аъзолар ўртасида ўзаро мусобақа ва ўзаро ҳимоя, кичик гурухларга бўлиниш ва ўзига шериклар топиш, ғолибликка интилиш кузатилади. Натижада, жамода низолар келиб чиқади, раҳбариёт томонидан шакллантирилаётган қадриятлар ва мажбуриятларга путур етади. Лекин, вақт ўтиши билан ходимлар бир-бирларини тушуниб борадилар, ўзаро келишувга келадилар, жамоа умуммақсадларга эришиш йўлида ҳамкорлик ҳаракатларини ишлаб чиқа бошлайди.

3. **Нормалар шаклланиши босқичи.** Бу босқичда ходимларнинг дикқат марказида маҳсулот ишлаб чиқариш, мавжуд технологияларни ўзлаштириш масаласи туради. Роллар тақсимоти асосида ўзаро ҳамкорлик шартлари қабул қилинади. Муносабатлар илиқлашади ва ўзаро ишонч, ёрдам учун замин яратилади. Жамоага мансублик кайфияти шакллана бошлайди ва гурух мақсад сари йўналишга имкон топади.

4. **Ижро босқичи.** Бу босқичда гурух самарали фаолият олиб боради, тизим ташкил топади, ўзаро муносабатлар мустаҳкамланади, ҳар бир ходимнинг меҳнат имконияти, шунингдек, қобилияти аён бўлади. Жамоа умуммақсад йўлида ўзаро ёрдам қўлини чўзади ва ҳамкорлик негизида фаолият юритади. Шу тарзда гурух самарали функционал бирикмага айланиб боради.

5. **Тугалланиши босқичи.** Бу гурух ривожланишининг якуний босқичи бўлиб, лойиха устида олиб борилган фаолият тугайди, гурухнинг малакали мутахассислари тарқалишади ёки янги жамоа ташкил топади.

Психологларнинг фикрича, агар жамоа бирон босқичдан узил-кесил шаклланиб ўтмаган бўлса, бу шаклланмаганлик жамоани доим безовта қилиб туради. Гурухнинг самарали фаолияти кўп жиҳатдан мазкур босқичларда амалга ошиши лозим бўлган гурухий динамикага оид вазифаларнинг қанчалик тўла-тўқис адo этилганлигига боғлиқ.

3.3. Гурух бошқарув имконияти сифатида

Бошқарув фаолияти асосан гурухлар орасида амалга оширилади. Бу баъзан катта ёки кичик гурухлар таркибидан иборат бўлиши мумкин. Гурухдаги мавжуд муҳит ва иқлим бошқараётган раҳбар салоҳияти ва маданияти, бошқарув талабларига кўра ўзгариб шаклланиб боради. Баъзан гурухдаги носоғлом муҳит мутлоқо барҳам берилган ҳолда ўзгарса, баъзи ҳолларда эса гурухдаги соғлом муҳит бузилиши ҳоллари кузатилади. Гурух раҳбар таъсирига кўра шахслараро муносабатлар мазмунини ўзgartiriши билан биргаликда раҳбар шахсига ҳам таъсир этиш кучига эга. Раҳбар ўз фаолиятида ходимларни ташкилот мақсади сари йўллар экан, у турли услугуб ва имкониятлардан фойдаланади. Шундай имкониятлардан бири, меҳнат жамоасидир. Хўш, раҳбар гурух имкониятларидан қандай фойдаланиши

мумкин? Бу борада тадқиқотчилар учта асосий йўналишни тавсия этадилар:

1) жамоа тъсирида ходимни бўйсунишга ундаш; 2) жамоани жалб этиш орқали гурухий қарор қабул қилиш; 3) жамоада рақобат ва ҳамкорликни ташкил этиш. Мана шу уч йўналиш раҳбарликни янада самарали олиб бориш омилларидандир. Юқорида санаб ўтилган йўналишлардан қарор қабул қилишга оид фикрлар алоҳида бўлимда баён этилади.

Қўйида таъкидланган икки услуг ҳақида тўхталиб ўтамиз. **Бўйсундириши.** Кўпчилик раҳбарлар ходимни ташкилот мақсад ва манфаатлариға бўйсундиришга, жамоадаги муносабатларни такомиллаштириш орқали эришадилар. Бунда раҳбар одатда илтимос, тушунтириш, маслаҳат, буйруқ каби услублардан фойдаланади. Лекин, ходимни бўйсундиришнинг энг самарали услубларидан бири, гурух ёрдамидан фойдаланишдир. Хўш, бундай натижага жамоа ёрдамида қандай эришилади? Ҳар қандай жамоада гурухий нормалар мавжуд бўлиб, улар гурух аъзосининг хулқини умумий манфаатлар билан уйғунаштириб туради ва мақсадга эришиш борасида ишонч уйғотади. Гурух ҳар бир ходимни бошқалар сингари фикрлашга, ҳис этишга ва ҳаракат қилишга ундовчи кучга эга (ҳатто, шундай дейиш ҳам мумкинки, ходим ўз шахсий манфаатларидан воз кечиб жамоа мақсадига бўйсунади). Ходимнинг бўйсуниш даражаси мавжуд вазиятга ва унинг шахсий хислатига боғлиқ.

Ходимнинг жамоа ихтиёрига бўйсуниш тажрибасини америкалик психолог Соломон Аш тадқиқотлари асосида эслаш мумкин. Тажрибада иштирок этган колledge талабаларидан бир неча чизиқлар орасидан тенгларини топиш сўралади. Лекин тажрибанинг бошланишида гурухни чалғитиши мақсадида аввалдан тайёрланган талабалар доскага чиқиб, нотўғри жавоб беришган. Кейинчалик, талабаларнинг 37% и «ёлғон» жавоблар тақдимотига берилиб, нотўғри жавобни «тўғри» деб танлаганлар. Бундай тажриба гурух фаолиятига унинг аъзолари нақадар кучли таъсир этишини кўрсатади. Сиёсий баҳолаш, маъмурият фикри, компания нуфузи каби мураккаб вазиятни тарғиб этишда бу кўрсаткич янада ошиши мумкин. Бу жараёнда корхона ходими гурухда нима бўлаётганини кўриб туради ва гурухий хулқ нормаларига бўйсунишга мажбур. Шахсдаги ўзгаришлар нафақат у ёки бу хатти-ҳаракат, балки фикрлаш, ҳис этиш ва ҳатто, эътиқод соҳасида ҳам юз бериши мумкин.

Гурухнинг ўз аъзосига таъсирчанлиги қатор омилларга боғлиқ. Хусусан, агар киши муҳокама этилаётган масала ҳақида қанчалик кам маълумотга эга бўлса, у гурух таъсирига шунчалик берилади. Гурух қанчалик катта бўлса ёки аҳил бўлса, шунингдек, ушбу жамоа қанчалик нуфузли бўлса, унинг аъзоси унга шунчалик бўйсунади.

Ҳамкорлик ва рақобат. Ходим жамоада ишлар экан, кўп ҳолларда ўз хатти- ҳаракатини бошқалар билан мувофиқлаштириб боради ва бу жараён рақобат ёки ҳамкорлик тарзида ўтади. Ҳамкорлик ва рақобат қарама-қарши шакл касб этиб, маҳсулот кўрсаткичларида қисман яқин келсалар-да, ходимнинг ўз ишидан қониқиши ва маҳсулотнинг сифатида фарқ юзага келади. Ҳамкорлик ходимда, ўз ишидан кўпроқ қониқиши ҳиссини уйғотади, гурух олдидағи вазифани ҳал қилишда унга сидқидиллик бахш этади.

Агар, меҳнат якка тартибда бажарилса, бир ходимнинг фаолияти бошқаларга боғлиқ бўлмаса, у ҳолда рақобатга асосланган муносабатнинг салбий оқибатлари камроқ кузатилади. Аммо, жамоа бир маҳсулот устида гурухий тарзда фаолият юритса, бир ходимнинг ишлаш меъёри ва меҳнат сифати, умумий маҳсулотда ўз аксини топса, бунда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш зарур. Рақобат вазиятида эса бир жамоада ишлаётган ходимлар орасида ким ўзарлиқдан келиб чиқувчи турли фирромлик ва ёлғон каби салбий ҳодисалар кўзга ташланади. Ходимда ўз ишидан қониқмаслик ва жамоага бегоналик ҳисси уйғонади. Масалан, тажриба тариқасида бир жамоанинг меҳнат фаолияти, бошқаси билан таққосланган ва иш унумдорлигини ошириш керак дейилган бўлса, иккинчи жамоада эса, иш унумдорлиги ички рақобат орқали амалга оширилган ва ходимлар ўртасида мусобақа уюштирилган. Натижада, биринчи гуруҳда меҳнат унумдорлиги кўпроқ бўлган ва ишдан қониқиши ҳисси ҳам, иккинчи жамоага нисбатан афзаллиги аниқланган.

Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси

Хар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли

гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, инсон жамиятда яшар экан, у доимо турли ўзига ўҳшашибош шахслар билан мулоқотда, ўзаро таъсирида бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий холосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода *гуруҳ – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир*. Демак, одамлар гурухи ташкил топиши учун албатта қандайdir умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гурухи учун умумий нарсалар кўп: ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин ёшлар), маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо. Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гурухни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қиласи ва ўзига хос қонуниятларига бўйсунади. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларги бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиласидилар. Бизнинг назаримизда, Г.М.Андрееванинг “Ижтимоий психология” дарслигидаги классификация гуруҳларнинг асосий турларини ўз ичига қамраб олган. У ҳар қандай кишилар гурухини аввало *шартли ва реал гуруҳларга бўлади*. Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда

түпланган лаборатория типидаги ҳамда табиий гурухларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гурухларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб *катта*, кичик гурухларга бўлинади. Катта гурухлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбтида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига қўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гурухларнинг ижтимоий психология учун айниқса муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гурухларнинг ижтимоий-психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

Катта гурухлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ қилиши тамоилилари. Катта гурухлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гурухга мансублигини таъминлайди. Катта гурухларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ-атворини белгиловчи механизмларининг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гурухларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек, кўпчиликни қамраб олишдаги қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гурухлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар заҳирасининг камлигидир, яъни, катта гурухларнинг психологиясини ўрганишга мўлжалланган маҳсус методикалар кам ишлаб чиқилган. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак, дейлик. Аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли методикани топиш масаласи тадқиқотчи олдига жуда жиддий муаммоларни қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта гурухга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гурухлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гурухлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гурухни ўрганишдан олдин, хоҳ бу синфлар бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади.

Ижтимоий-психологик маънода, ҳаёт тарзини ўрганиши деганда, у ёки бу гурухга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, қизиқишилар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гурухга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, 90- йиллар ёшлирага хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлиар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар,

мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишилар ва ҳоказолар туфайли шаклланади. Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгida унинг якка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллат, элат синфга мансублигига алоқадор психологик хусусиятлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак.

Кичик гуруҳлар психологияси

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу анъана Америкада асримиз бошида ўтказилган кўплаб экспериментал тадқиқотлардан бошланган бўлиб, уларда олимлар олдига қўйилган асосий муаммо шу эдики, индивид якка ҳолда яхши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади каби саволларга аниқ илмий асосланган жавоб топиш заруратидир. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги (*интеракция*) эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг (*коакция*) таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади, лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар американлик *H.Триплетт*, немис олими *A.Майёр*, рус олими *B.M.Бехтерев*, яна бир немис олими *B.Мёде* ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда **ижтимоий фацилитація** номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб, бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигига намоён бўлади. Лекин айрим экспериментларда тескари эффект ҳам кузатилди, яъни, бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари кузатилди. Бу ҳодиса фанда **ингибиция** номини олди. Лекин олинган фактларнинг қандайлигидан қатъи назар, олимлар учун кичик гуруҳлар асосий тадқиқот мавзуига айланиб қолди ва улар натижасида қатор қонуниятлар очилди.

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг **ҳажми**, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келинди, кичик гуруҳ “диада” икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилий гуруҳ дейилганда, аввало оила – янги шаклланган оила қўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда “±7–2” киши назарда тутилади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий-психологик тадқиқотлар учун ҳам, ижтимоий-психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, гурухнинг **ўлчами** қанчалик катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун қадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчиликдан иборат гурухдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллиги ортиб боради.

Учинчидан, гурухнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглациб боради. Чунки, шахсларнинг бир-бирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қиласди. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар очиқ ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, агар гурух аъзоларининг сони **тоқ** бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор лавозимларга сайлашда, сайлов компанияларида номзодларни электоратга тақдим этишда ва умуман расмий танловларда гурухдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

Бешинчидан, шахснинг **гурух тазиқига** берилиши ва бўйсуниши ҳам гурух аъзоларнинг сонига боғлиқ. Гурух сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлик камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган баҳтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси пасайиб боради.

Бу қонуниятларни билиш, табиий гурухларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради. Бу қонуниятлар айниқса, мактаб педагоглари ва мураббийлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки улар аслида таълим-тарбия жараёнида муайян кичик гурухларни ташкил этувчиларни тарбиялайдилар, бунинг учун эса улар мансуб бўлган гурух фаолиятини бошқариш, гурух орқали айрим-алоҳида шахсни тарбиялашни зиммаларига оладилар.

Кичик гурухларнинг классификацияси. Тарихан кичик гурухларни **расмий ва норасмий** турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлиннишни америкалик олим Э.Мэйо таклиф этган эди. Унинг фикрича, *расмий гурух* ҳар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гурухда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гурухларда муносабатлар асосан “вертикал” тарзда рўй бериб, гурухнинг бир ёки бир неча аъзосида “ҳокимият” бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш хуқуқига эга бўладилар. Расмий гурухга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни – ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гурухи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гурухлардан фарқли ўлароқ *норасмий гурухлар* ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гурух расмий гурух таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиқсан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда *референт гурух* тушунчаси ҳам

бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи *Г.Хаймен* томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичидаги ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларни танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи референт гуруҳ номини олди. Ўқувчи учун бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, якин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси характерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади. Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гурухнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-автори учун этalon ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш мухимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқ-авторини башорат қилиш мумкин.

Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар

Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладики,

уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос ижтимоий-психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гурухнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гурухнинг *динамик жараёнлари* деганда аввало унинг шаклланиши жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гурухнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гурухнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг туғилиши, ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Уни соғ психологоик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичидаги бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлиниши тақозо қиласиди. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда *психологоик таъсир* кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда **конформизм** деб аталади (ўзбек тилида “мосланиш” маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ-автор стандартларини қанчалик қабул қилиш ёки қабул қиласи мумкин билан боғлиқ.

Гурух фикрини қанчалик тез қабул қилиш, унинг таъсирига берилиш индивид билан гурухнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай хатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гурух фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: **ташқи конформлилик** – индивид гурух фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гурухда қарши туради: **ички конформлилик** – индивид гурух фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қиласди. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса “**негативизм**” тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гурух фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун нокулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо хурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайди.

Гурухлардаги яна бир жараён – бу гурухнинг **уюшқоқлиги** муаммосидир. Гурух аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир- бирларининг дунёқарашлири, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи асосий омил – бу ўша гурҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирлиқдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гурухга оид фикрлардаги умумий уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гурухлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради, лекин бу масалаларни бошқариш психологияси масалалари доирасида кейинги бҳлимларда ўрганамиз.

Этник гурухлар психологияси Ижтимоий психологияда катта гурухлар ичida этник гурухлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир республикалар алоҳида, мустақил давлат мавқеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гурухлар ичida миллий гурухларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик, бундай эътиборнинг яна бир боиси – Ўзбекистонда бу соҳада нисбатан тадқиқотларнинг кўпроқ ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилмаганлигидандир.

3.4. Ташкилотда командалар

Команда тушунчаси. Гурух ривожланишининг юқори босқичи жамоанинг уюшганлиги, аъзолари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик даражасининг ошиши билан ифодаланади. Жамоа ташкилот бўлаги сифатида умумий мақсадларни қабул қиласди ва мақсадга қаратилган вазифаларни бажариш масъулиятини олади. Мехнат жамоасининг бундай уюшган ва мақсадга интилувчан шакли менежмент фанида команда, деб номланади. Бу ибора ижрочи ходимлар уюшмасига ва маъмурий-бошқарув тизими

вакилларидан иборат гурухга нисбатан қўлланилади.

Команда оддий гуруҳ ва жамоадан фарқ қилувчи, ўз мавқе ва имкониятига эга. Шунингдек, гуруҳ тараққиётининг юксак поғонасида турувчи ва юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этувчи ҳамфирк ходимлар мажмуасидир.

Команда ўз ташаббуси ва фаоллиги билан ташкилотнинг бошқа ходимларини ҳам умумий мақсад сари ундейди. Команда шароитида бажарилаётган меҳнатга муносабат, вазифаларни амалга ошириш тартиби ва ҳатто жамоанинг ташкилий тузилмаси ҳам тубдан ўзгаради. Бундай жамоада ходимлар ўртасида ҳамжиҳатликка асосланган ўзаро боғлиқлик, ишонч ва яқдиллик намоён бўлади. Команда аъзоларининг бир тан ва бир жонлиги, уларнинг меҳнат самарасини оширувчи асосий омилдир. Миқдорий ёндошув нуқтаи назаридан команда шароитида жамоа самарадорлиги $2+2=4$ ўрнига $2+2=5$ ёки ундан ортиқ кўрсаткичга teng бўлади. Чунки, жамоа яхлит организм сифатида уни ташкил этувчи қисмларининг оддий йигиндисидан кўра кўпроқ қучга эга. Бундай натижка ҳамкорлик муносабатлари шароитидаги синэрgetик эффект деб аталувчи психологик феномен асосида содир бўлади. Таърифланишича, **синэрgetик эффект** – гуруҳдаги ижобий муносабатлар натижасида жамоа фаолияти самарадорлигининг геометрик прогрессия тарзида ўсишидир.

Команданинг ўзига хослиги. Ҳозиргача, бирон-бир мақсад йўлида ташкил этилган жамоага нисбатан команда сўзини ишлатиш оддий ҳолга айланган. Бу ибора бирон меҳнат фаолиятида иштирок этаётган ходимлар гуруҳи, бирон лойиха устида ишлаётган мутахассислар ёки ҳар қандай спорт жамоасига нисбатан ҳам қўлланилиб келади. Лекин, психологик нуқтаи назардан команда, бу - гурух ички муносабатлари шаклланганлигининг юксак босқичидир.

Команда таърифида яна икки жиҳатни кўриш мухим. Биринчидан, юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, команда юксак маънавият ва ахлоқий мухит шаклланган жамоадир. Бу ерда ходимлар орасида ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва умумий мақсад сари интилиш йўлида юқори масъулият ҳисси мавжуд. Иккинчидан, командага хос асосий хусусият - бажарилаётган бир бутун фаолиятнинг гуруҳ аъзолари томонидан алоҳида бўлакларга ажратилишидир. Шундай меҳнат турлари борки, уларни индивидуал тарзда бажариш афзалроқ, акс ҳолда меҳнат унумдорлиги пасайиши мумкин. Аммо, ҳар қандай жамоа ўз табиати бўйича командага хос ғоявий мазмунга эга бўлса, айни муддаодир.

Меҳнат жамоасининг команда тартибида ишлаш заруриятини аниқлаш мақсадида, унинг уч поғонали ривожланиш моделидан фойдаланган маъқул. Бу моделга биноан, *A* поғонадаги аҳил жамоада бажарилаётган меҳнат ҳар бир ходим томонидан алоҳида адо этилади. *B* поғонага хос жамоа эса команда, деб аталади ва бундай жамоа фаолияти ходимларнинг ҳамжиҳатликдаги иштирокини ва ўзаро ҳамкорликда ҳаракатини талаб қиласи. С – поғона эса самарали ташкилий комплекс, деб аталади ва ташкилот ўз мақсадига эришиш учун бир неча командаларнинг ҳамжиҳат ишлашини талаб этади. Зеро, шундай хуносага келиш мумкинки, ҳақиқий команда атамасига мос меҳнат жамоаси,

ҳам психологик жиҳатдан, ҳам меҳнат тартиби жиҳатидан маълум талабларга жавоб бера олиши лозим. Меҳнат тартибига кўра команда сифатида туриб, фаолият юритувчи жамоалар, албатта, унинг психологик хусусиятига ҳам эга бўлишлари керак. Муайян команданинг психологик хусусияти деганда, ушбу жамоа аъзолари ўртасидаги юксак ривожланган ўзаро муносабатлар тизими назарда тутилади.

Бошқа меҳнат жамоаларидан команда ўзининг мазмуни билан фарқ қилиб туради. Командани оддий меҳнат жамоаларидан ажратиб турувчи белгилар қўйида баён этилади:

- гурух аъзолари бирон ғояни умумий деб биладилар ва ягона мақсадни тан оладилар;
- ҳар бир меҳнат функциясининг ўз аниқ эгаси бор;
- гурух лидери ёки раҳбарнинг асосий вазифаси қисқа муддатли йиғинлар ўтказиш;
- ҳар бир ходим қўйилган вазифага масъулият хис этади;
- ходимлар орасидаги ахиллик юксак даражага кўтарилади;
- гуруҳнинг ҳар бир ходими, ўз касбининг устаси ва жамоада ишчанлик муҳити барқарор;
- команданинг ҳар бир аъзоси, унга етакчи бўлиш имкониятига эга, бу деган сўз ситуатив лидерликдир;
- расмий раҳбар ўз ходимига лидерлик имкониятини беради ва қабул қилинган қарорни тезда ижро этишга гурухни ундайди.

Команданинг фаолияти. Психологлар У. Критчли ва Д. Кейси фикрича, командани ташкил этиш зарурати бажарилаётган вазифа хусусиятига боғлиқ. Бу икки олим уч тоифа вазифани қўйидагича шарҳлайди:

- оддий вазифалар;
- қисман мураккаб булса ҳам, лекин одатдаги вазифалар;
- ҳамма аъзолар учун аҳамиятли, мураккаб муаммоларга ва ноаниқликларга эга вазифалар.

Таъкидланишича, биринчи тоифа вазифани бажариш учун ходимларга айрим ижтимоий қўникмалар етарли бўлиб, фаолият якка тарзда олиб борилганда, меҳнат анча унумли ўтади. Иккинчи тоифа вазифани бажаришда эса ходимлар қисман ўзаро мулоқотга киришадилар, масала юзасидан умумий тарздаги маълумот ва ғоялар билан чекланадилар. Музокаралар олиб бориш ва фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича асосий билимлар бундай вазифани бажариш учун кифоя. Нихоят, учинчи тоифага, гурухий вазифани бажариш учун юксак даражада ташкил топган мулоқот қўникмалари, музокара олиб бориш маҳорати, ўзгани яхши тушуниш ва ҳамжиҳатликка мойиллик талаб этилади.

Команда ташкил этиш зарурати аниқлангандан сўнг, уни шакллантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун қўйидагиларни бажариш керак:

1. Команданинг моҳиятини ва қўлланиш қўламини аниқлаш.
2. Унинг вазифаларини ифодалаш.

3. Вазифалар қўйиш.
4. Команданинг бирламчи вазифасини белгилаш.
5. Гурухий нормалар ишлаб чиқиши.

Команда юксаклигини ифодаловчи энг асосий сифат, бу - жамоа аъзолари томонидан қабул қилинган миссиядир. Аввалги бўлимларда таъкидлаб ўтилганидек, **миссия** – бу олий мақсад бўлиб, жамоа уни юксак қадрият даражасига кўтаради ва бутун ҳаётини шу мақсадга йўналтиради. Миссиянинг жамоа аъзолари томонидан англашган тарзда қабул қилиниши, команда фаолиятининг асосий негизидир. Команда миссияси жамоа аъзоларида ягона қарашнинг шаклланишига, ва фаолиятни бир мақсадга йўналтиришга хизмат қиласди.

Миссия мазмуни «ушбу жамоа нима учун яшаб, қандай фаолият кўрсатаяпти?» деган саволга жавоб бўлади.

Командани гурух сифатида таърифловчи тушунчалардан яна бири - мақсаддир. **Мақсад** бу – команда ўз миссиясини амалга оширишда қандай натижага эришиши ҳақидаги тасаввурдир. Мақсадга эришиш учун аниқ вақт ажратилади. Масалан, 1 ёки 5 йил. Мақсад команда нима қилиши кераклигини ифодалайди ва навбатдаги вазифаларни белгилаб беради.

Вазифа – мақсадга эришиш йўлидаги амалий ҳаракатдир. Вазифани аниқлаш ва тақсимлаш чоғида фоиз, вақт оралиғи, нисбат каби ўлчамлардан фойдаланган ҳолда ким, нимани, қачон, қандай ва қаерда бажариши белгилаб олинади. Вазифани аниқлаш команда олдига керакли ресурсларни топиш заруратини ҳам қўяди. Вазифа эса, ўз навбатида, жамоа мақсадга қай тарзда эришиши мумкинлиги ва команда аъзолари орасидаги роллар тақсимотини белгилайди. Командадаги роллар, гурух мақсадга эришишидаги ёндошувга аниқлик киритади.

Гурухий нормалар ва команда бошқаруви. Команда бошқаруви деганда айни пайтда команда ўз вазифасини бажаришида гурух аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларда қандай қоида ва нормаларга таяниши назарда тутилади.

Ҳар қандай командада гурухий жараёнларни тўғри ташкил этишга асос бўлувчи ва ходимлар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига кўмак берувчи нормалар бўлиши лозим.

Команда шароитида ишлаётган жамоалар янада шаклланиб боришининг асосий шарти, гурух аъзоларининг ўз меҳнатидан қониқишидир. Агар жамоа ўз вазифасини миқдор ва сифат жиҳатидан бажарса, гурух аъзолари ўртасида ҳурмат ва шахсий эҳтиёжларни қондириш назарда тутилса, гурух команда сифатида самарали ишлайпти, дейиш мумкин. Бироқ, агар жамоа ўз вазифасини бажаролмаса ёки суст бажарса, ходимлар иноқ бўлишмаса ва салбий ҳиссиёт устунлик қиласа, гурух команда сифатида самарасиз ишлайпти, дейилади.

Америкалик руҳшунос Р.Лейкарт ўз тадқиқотлари асосида самарали фаолият кўрсатувчи командага хос 24 тавсифни белгилаб ўтади. Бу кўрсаткичларда илфор жамоа фаолияти, гурух ичидаги динамик жараёнлар қайд этилади. Демак, самарали команда бу:

1. Гурух аъзолари барча турдаги рол ва функцияларни бажара олиш кўнижмасига эга. Гуруҳдаги зарур муносабатларни шакллантириш учун ҳар бир

ходим ҳам, раҳбар ҳам ижрочи сифатида иштирок этиши мумкин.

2. Гурух узок өвктава давомида фаолият кўрсатади ва бу өвкт мобайнида жамоа аъзолари ўртасида сокин ва ишчан муносабатлар шаклланади.

3. Гурух муҳити, унинг аъзолари учун ёқимли, ҳар бир аъзо ўзаро ижобий муносабатда бўлади

4. Гурух аъзолари жамоа ҳаётини сир саклашади ва юксак ўзаро ишончда бўладилар.

5. Мавжуд қадрият ва мақсад, гурух аҳиллигини таъминлайди. Гурух аъзолари ушбу қадриятларни янада такомиллаштириб, ривожлантириб борадилар.

6. Ходимлар ўзаро боғлиқ функцияларни бажарганликлари учун қадрият ва мақсадлар ўзаро уйғунлашади.

7. Гурух учун муҳим қадриятни, унинг аъзолари қабул қилишга мойил бўлади.

8. Гурух аъзолари, гурух қадриятларини ардоқлайди ва уни амалга оширишга интилади. Гурухнинг ҳар бир аъзоси, жамоа асосий мақсадига эришиши учун бор куч ва ғайратини сарфлайди ва бошқалардан ҳам айнан шундай муносабатни кутади.

9. Ҳар қандай ўзаро муносабатлар, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал этиш хайриҳоҳлик муҳитида ўтади. Масала юзасидан фикрлар, баҳо ва танқид қўмак мақсадида берилади. Ўзаро ёрдамлашиш чоғида муайян ҳурмат муҳити яралади.

10. Раҳбар гурухдаги муҳитни амалдаги тамойиллар асосида идрок этади. Шунинг учун ҳам юксак шаклланган командаларда рақобат эмас, балки хамкорлик кайфияти ҳукм суради.

11. Гурух ўзининг ҳар бир аъзосига, қобилият ва имкониятларини ривожлантиришига ёрдам кўрсатади.

12. Ҳар бир гурух аъзоси гурух мақсадларини ихтиёрий равишда ва очиқ ҳолда қабул қиласи, жамоа унга мақбул шарт-шароитлар яратиб беришига умид қиласи.

13. Гурух раҳбари ва унинг аъзолари ишонадики, ҳар бир ходим ўз мақсадига эриша олади. Бундай кайфиятда ходимнинг ички куч ва имкониятлари мақсад сари йўналади.

14. Кези келганда гурух аъзолари, хамкасбига манфаати йўлида ёрдам кўрсатади. Ўзаро ёрдам, юксак даражада шаклланган команда кўрсаткичидир.

15. Юксак даражадаги команда, гурухда ижодий муҳит яратади.

16. Гурух конструктив тарзда итоат этиш қоидасини қабул қиласи, ундан қачон ва қандай мақсадда фойдаланишини билади.

17. Гурух аъзолари ўзаро самимий ва очиқ тарзда маълумот алмашишга қодир бўлиб, жамоа қадриятига тегишли маълумотлар билан бажонидил ўртоқлашадилар.

18. Гурух ўз мақсадига эришиш йўлида коммуникация тизимидан тўлаттўқис фойдаланади.

19. Гурухдаги ҳар бир ходим, муаммога тааллукли ҳар қандай маълумотга қизиқиб қарайди.

20. Юксак самарадорлик кўрсаткичига эга гуруҳда аъзоларнинг ўзаро таъсири мотивацияси ҳам кучли бўлади.

21. Юксак самарали командадаги гурухий жараён, раҳбарга ҳам кучли таъсири ўтказади.

22. Гурух аъзолари бир-бирларининг фаолиятига, таъсири қилиш қобилиятига эга бўлгани учун гурух, ҳар қандай шароитга тез мослашади.

23. Юксак самарали жамоаларда қарор қабул қилинар экан, ходимлар содир бўладиган янги вазиятга ишонч билан қарайдилар ва ўзларини хавфсиз ҳис этадилар. Чунки, ҳар бир ходим жамоа тамойили ва мақсадининг аниқлиги туфайли ўз манфаатини ҳам ҳимояланган, деб ҳис этади.

24. Юксак самарали жамоада сайлаш ва сайланиш тамойиллари амал қиласиди.

Команда табиатини таърифлашда психологияк хусусиятларга эътибор бериш, намунали жамоалар шаклланишидаги тадбирларни амалга ошириш учун жуда муҳимdir. Командага хос бундай гурухий психологияк хусусиятлар, жамоа нормалари, деб қабул қилиниши мумкин ва уларга қуидагилар киради:

1. Фоя ва ҳиссиётнинг самимилиги.
2. Очиқ-оидинлик.
3. Тажрибага суюниш.
4. Ўзгалар фикр ва ҳиссиётининг самимилигига кўмаклашиш.
5. Ўзгаларнинг очиқ ва самимий бўлишига ёрдамлашиш.
6. Ўзгаларнинг тажриба ва синовларига ёрдам бериш.
7. Ўзига хос, индивидуал хусусиятни намоён эта олиш.
8. Муҳокама ва мулоҳаза.
9. Гурух манфаатига қизиқиш билан қараш.
10. Ички масъулият.

Ушбу нормаларнинг жамоа ҳаётида устуворлиги учун ходимлар психологияк жиҳатдан етук, теран ва руҳий соғлом бўлишлари лозим. Бундай кўрсаткичларга эга муҳитни шакллантириш орқали ҳамжиҳатликка суюнган команда яралиши мумкин.

Команда таърифига рол тушунчасида ёндошув. Ижтимоий психолог М. Белбин команда самарадорлигини ходимлар таркибидан келтириб чиқаради. Унинг таъкидлашича, жамоанинг самараси, ундаги ходимлар орасида тўққизта ролга оид вазифанинг тақсимланиши билан боғлиқ. Команда аъзолари орасидаги тақсимот 4- жадвалда ифодаланган.

4-жадвал.

Команда аъзоларининг роли

Роль	Ролга тааллукли тавсифлар
Ижрочи	Интизомли, ишончли ва самарали ходим, у ғояни амалиётга татбиқ эта олади
Координатор	Ўзига ишонган, сергак, яхши раис, мақсадни аниқ ифода эта олади, қарорни амалга оширади, вазифаларни тақсимлайди.

Ташкилотчи	Фаолликка чорловчи, серғайрат, вазиятни ўз қўлида тутувчи, унинг шижаоти ва довнораклиги ҳар қандай тўсиқни бартараф этишга қодир, мағлубиятни ёмон қўради.
Ғоялар генератори	Бундай шахс жамоа мақсади йўлида ҳар қандай тўсиқни бартараф этишнинг қисқа йўлини ўйлаб топади, гурухни қийин вазиятдан қутқариш юзасидан ғоя беради.
Изланувчан	Бундай ходим жамоа аъзолари томонидан тан олинган, мулоқотга ва таваккалчиликка мойил. Шунингдек, у гурухга янги алоқалар, ғоялар олиб келади, гурух фаолиятини такомиллаштиришга хисса қўшади.
Математик	Фикрловчи, зеҳнли, стратегик тафаккурга эга. Етти ўлчаб бир кесади, ҳамма нарсага чуқур мушоҳада орқали киришади.
Команда «ўйинчиси»	Юмшоқ, кўнгилчан, мулозаматли, ўзгани тинглай олади, гуруҳдаги зиддиятни бартараф этади, вазият ва инсон табиатига сезгир.
Якунловчи	Виждонли ва тиришқоқ, гурух фаолиятидаги хато ва камчиликларни излайди. Вазифани бажариш муддатини назорат этади.
Мутахассис	Тор йўналишдаги моҳир мутахассис

М. Белбин таъкидланаётган тўққиз ролга эга команда, ҳар қандай вазифа устида самарали фаолият олиб бора олади, деган холосага келади. Шунингдек, ушбу роллар вазифа мазмунига мувофиқ келиши керак. Баъзи ҳолларда гуруҳдаги ходимлар камчилик бўлганда, айрим ходим бир неча ролни ижро этиши тавсия қилинади. Демак, ушбу ёндошувда гурух таркиби марказий ўринга чиқади ва команда муваффақияти, айнан шу омил орқали белгиланади.

Бу ёндошувда команданинг факатгина функционал жиҳатлари назарда тутилган, унга хос мазмуний, ғоявий жиҳат эса назардан четда қолади. Ўйлашимизча, гурух аъзоларининг ўзаро ёрдамга тайёрлиги ва бундай хоҳишнинг мавжудлиги, ходимлар ўртасида ҳамкорлик, кези келганда бир-бiri билан ўрин алмаша олиш имконияти ва қобилияти муҳим мазмун касб этади.

Команда шаклланишининг шарт-шароитлари. Самарали команда намунали бошқарув субъекти сифатида иштирок этар экан, унинг хусусиятларини билиш, раҳбарият олдида қатор янги имкониятлар очади.

Бундай хусусиятларни ўзлаштирган раҳбар, илғор командага хос намунани бошқа жамоага татбиқ этиш шарт-шароитини яратади. Ушбу тадбирни қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин:

1. Гуруҳнинг бирламчи ҳолатини ва унинг самарали ишлашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
2. Қайси омил самарадорликка салбий таъсир этишини кўриб чиқиш
3. Гурух фаолиятининг янада самарали бўлиши учун қандай тадбирларни амалга оширишни ҳал этиш.

Гурухни тизим сифатида тасаввур этарканмиз, унинг ҳар бир таркибий

қисми, гурух ичидаги бошқа қисмлар билан ўзаро боғлиқ эканлигини кўрамиз. Гурух табиатига бундай ёндошув қолган қисмларда ҳам маълум ўзгариш юз беришини тақозо этади.

Шу муносабат билан тизим қисмларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича маълум тадбирларни амалга ошириш лозим. Бундай қарашда эътироф этилган ҳолатлардан бири – гурухдаги бирлик, ходимлар оддий йиғиндисидан кўра катта кучга эга эканини тасдиқлайди. Шунинг учун ходимлар ўртасидаги алоқа, мавжуд коммуникация имкониятини ҳамиша назарда тутиш лозим.

Команда турлари. Команда туркумига киравчи асосий жамоалардан бири - бошқарув командасидир. Мухим ўзгариш ва ислоҳотлар арафасида ташкилот қарор қабул қилиш, қарорни ижро этиш тадбирлари мукаммалигига эришиши керак. Шу боис, бир неча моҳир мутахассисдан иборат бошқарув командаси қабул қилинаётган қарор мукаммалигини таъминловчи асосий кучdir. Бошқарув командалари бир неча тоифа кўринишида бўлиши мумкин.

1. *Стратегик команда*. Бундай командалар келажакка йўналган мақсад ва вазифаларни белгилаш учун ташкил этилади. Мазкур команда раҳбар, унинг мувовинлари, ёрдамчилари ва ташкилотдаги малакали мутахассислардан иборат бўлади. Бундан ташқари командаға эксперт сифатида четдан мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин. Бундай командалар мухим тадбир ёки корхона келажагини режалаштириш бўйича ташкиллаштирилади.

2. *Функционал команда* - ташкилот ишлаб чиқсан стратегик режа асосида тезкор вазифаларни амалга ошириш учун танланган мутахассислардан иборат.

3. *Кросс-функционал команда* – маълум режа ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тузилган қисқа муддатли гурух. Бундай гурухга бўлим раҳбари ва малакали мутахассислар киради. Навбатдаги лойиҳани бажариш асосий фаолиятга нисбатан иккиласи бўлгани учун ушбу командалар вақтингчалик характерга эга.

Команда тарзида ишлаш маъмурий бошқарув фаолиятида борган сари кенг қўлланилмоқда. Аммо, юқорида айтганимиздек, команда услубини вазифа шартлари тақозо қилсагина қўллаш унумли натижаларга олиб келади. **Команда шаклланиши.** Одатда, у ёки бу вазифани бажариш мақсадида тузилган жамоа, ўзининг юксак кўрсаткичи бўлмиш команда даражасигача ривожланиши мумкин. Юқорида айтганимиздек, команда иборасига психологик талқин берилганда, унинг ички муҳити, аъзолар ўртасида муносабатнинг ривожланганлиги тушунилади.

Бинобарин, команда шаклланиши давомида гурух бир неча босқичлардан ўтади ва ҳар бир босқич ўзига хос белгини ифодалайди. 3.4.2. расмда команда шаклланишидаги босқичлар кўрсатиб ўтилади.

Команданинг шаклланиш босқичларини тавсифлашда математик иборатлардан фойдаланишимиз мумкин:

1. Ишчи гуруҳи - Мехнат жамоаси: $1+1=2$

Оддий ишчи гуруҳи ўз аъзолари йиғиндиси шаклида ифодаланган натижага эришади. Гурух аъзолари умумий маълумотдан фойдаланадилар, фикр ва тажриба алмашадилар, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи бажараётган иш

учун масъул бўлади, аммо, бошқалар билан ўз ҳаракатини мувофиқлаштирумайди.


2. Илк команда: $1+1=2$

Бу, жамоанинг командага айланишидаги биринчи босқичdir. Асосий шартлар сифатида қўйидагилар намоён бўлади: аъзолар сони (6-12), аниқ мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги, уларга эришишда биргаликдаги ёндошув.

Илк команда зарурат туфайли тузилади ёки имконият юзасидан ташкил топади, аммо бундай жамоада командага хос муносабатлар шаклланмайди, ягона мақсадни ривожлантиришга ургу берилмайди. Бундай гурух ўзини команда деб атаса-да, фаолияти сустлиги билан ифодаланади.

3. Ҳақиқий команда – Гурух аҳиллиги ҳисобига $1+1=2$ эмас, $1+1=3$ га тенг бўлиши мумкин.

Гурух ривожланиши давомида, унинг аъзолари самимий, очик ва қатъий бўлиб борадилар, ўзаро ёрдам асосий мезонга айланади, фаолият самарадорлиги ошади. Ушбу гурухдаги ўзаро муносабат бошқа жамоа ва ташкилот учун ўрнак бўлади.



6-расм. Команданинг ривожланиш босқичлари

4. Юксак даражада ташкил топган команда: $1+1+1=9$ га тенг.

Бу даражадаги команда атрофдагиларга кучли таъсир ўтказади. Командадаги ҳар бир шахсни фаолиятини самарадорлигига ва муваффақиятларга эришишида юксак даражада ташкил топган команданинг улуси мавжуддир. Бундай команда хос хусусиятлар:

- юксак ривожланган ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатлари гурухда масъулликнинг тақсимланиши ва ўзаро рол ротацияси, яъни алмашуви;
- юксак даражадаги куч-қувватга эга бўлиш. Шу гурухга хос қоида ва нормалар;
- шерикларининг муваффақияти ва комилликка эришишида ғамхўрлик кўрсатиш.

Қуйидаги жадвалда келтирилган босқичларга хос тавсифлар, гурухнинг ички қонунларини акс эттиради ва команда ривожланган сари гуруҳ аъзоларининг ўзига ишончи ошиб боради. Команда мустаҳкамланишининг кўрсаткичи сифатида қуйидаги ҳолат ўринлидир: босқичдан-босқичга ўтиш команда самарадорлигининг ўсиши билан боғлиқ.

Команда ривожланишининг яна бир бошқа талқини қуйидагича ифодаланади:

5-жадвал.

Команда ривожланиши босқичлари

Босқичлар	1	2	3	4
Ёндошув ва тавсифлар				
<i>Гурухнинг ташиқи ҳолати</i>	Ташкил топиш	Беқарорлик	Тартибланиш	Амалда кўллаш
<i>Гурухнинг ички ҳаёти</i>	Иккиланиш	Ишончсизлик	Ҳал этиш	Самарадор- лик
<i>Гурухнинг ҳар бир аъзосини ўзига қаратган саволи</i>	Буни бажара оламанми?/ Оламизми?	Биз буни бажа- ра олмаймиз, чунки_____	Агар_____ бўлса, биз буни бажара оламиш	Биз буни бажара оламиш!
<i>Энг мақбул бошқарув услугуби</i>	Йўналтирувчи ва маълумот берувчи	Кўмак берувчи ва ёрдам кўрсатувчи	Кўмак берувчи ва вазифаларни тақсимловчи	Бошқарувни тақсимлаш

Юксак ривожланган команда хос хусусиятлар ҳақида Болдвелл қуйидаги кўрсаткичларни санаб ўтади:

- бажарилаётган фаолиятга эътиборни кучайтирувчи умумий қарашнинг мавжудлиги;
- қатъий вақт доирасида фаолият юритиш қобилияти;
- юксак даражада мулокот олиб бориш малакаси;
- «қулагайлик доирасидан» ташқарида ҳам фаолият юритиш, яъни ноқулай шароитда ҳам одатдагидай ишлай олиш;

- иш сифатини мунтазам текшириб бориш, фаолиятга барчанинг жалб этилишини ва мақсадга эришиш йўлларини мустақил тарзда ишлаб чиқиш қобилияти, эришилган муваффақиятни биргаликда нишонлаш. Шу тартибда баён этилган таърифлар команданинг шаклланиш ва мустаҳкамланиш босқичлари ҳақида қисқача маълумот беради.

Таянч тушунчалар.

Гурух, бирламчи гурух, иккиламчи гурух, ижтимоий назорат, гурухий нормалар, гурухий динамика, Альфа, Бета, Гамма, Омега, Р-роллардаги ходимлар, гурухларни ривожланиш босқичи, команда, синэрgetик эффект, фоялар генератори, координатор, стратегик команда, функционал команда, Кросс-функционал команда.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Гурух тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Гурухий динамика ва гурухий назорат нима?
3. Гурухдаги ходимлар фаолиятига кўра қандай ролларга ажратилади?
4. Гурух фаолиятида «синэрgetик эффект» деганда нимани тушунасиз?
5. Гурухни ривожланиш босқичлари?
6. Команда турлари?
7. Фоялар генераторининг функциялари нималардан иборат?
8. Координатор қандай вазифани бажаради?
9. Гурухий нормалар нима?
10. Бирламчи ва иккиламчи гурухлар қандай гурухлар?

Мавзуга оид адабиётлар

1. Бандурка А. М., Бочарова С. П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999.
2. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, халқ таълими соғлиқни сақлаш, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун кўлланма.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
3. Каримова В., Ҳайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. ўқув қўлланма. Т. 2008. 208 б.
4. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма/ Масъул мухаррир: А.Холбеков. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006.
5. Махмудов Р.М., Бекназаров А.А.Ички ишлар идоралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси Олий академик курслари учун дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 284 б.
6. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М.,2003.
7. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010.

IV. ЖАМОАНИ ВА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

4.1. Ташкилот ижтимоий тузилма сифатида

Ташкилот миссияси. Кадрлар сиёсатидаги энг муҳим жиҳатлардан бири ушбу сиёсатда ташкилот қадриятлари, унинг юксак мақсади – миссиясининг мужассамлашганлигидир. Маълум маънода миссия - мукаммал ишланган, аниқ қадриятларга асосланган ташкилот фалсафасидир. Дунёдаги деярли барча иқтисодий тетик ва нуфузли ташкилотлар ўз миссияси орқали ифодаланувчи фалсафаси (мафкураси)га эга. Шу боис, ҳар бир компания ўз миссиясини кучайтириш, такомиллаштириш орқали ўз нуфузини, салоҳиятини мустаҳкамлайди. Ўйлашимизча, ташкилотдаги кадрлар сиёсатининг негизи айнан шу корхона миссиясига бориб тақалади ва шу сабабли ташкилот миссияси тушунчасини ҳақида батафсилроқ сўз юритмоқчимиз.

Миссия – ташкилотнинг ижтимоий фойдали томонини акс эттирувчи олий мақсад бўлиб, унда корхона ўзи кўз олдига келтирувчи энг олий ютуқ ифодаланади.

Ташкилот миссияси аниқ ифодаланган ижтимоий эҳтиёжларга йўналган бўлиб, корхона бутун куч-ғайратини шу йўналишдаги вазифаларни амалга оширишга сарафлайди. Аслида кўзга ташланмайдиган, аммо кучли таъсир аҳамиятига эга жараённи миссия ўзида мужассамлаштиради.

Бугунги кунда ҳар бир таъсир этиш обьектига қаратилган, уларни миссиясига мос келадиган хизматларни, маълумотларни йўналтириш энг асосий ўрин эгаллайди. Менежмент соҳасидаги йирик арбобларнинг фикрича, муайян бизнесни ифодаловчи ва унинг аҳамиятлилигини белгиловчи энг юксак омил - маҳсулот ва хизматни истеъмол қилувчи мижоздир. Мижозни қониқтиришиш ҳар қандай бизнеснинг миссиясидир. Қуйида корхона миссиясининг ташкилот барча бўғинларини ўз ичига олган ҳолда амал қилиш тасвири келтирилган.



Тасвиридан кўриниб турганидек, ташкилот миссияси энг юксак поғонадан борган сари ташкилотнинг ҳамма бўғинлари ва алоҳида ходимлар даражасига сингиб боради. Миссиянинг барча қисмлар ўртасида уйғунлашуви таъминланган тақдирдагина ташкилот стратегик мақсадларга бир бутун организмдек ҳаракатланиши мумкин. Ўз моҳиятига қўра, миссия ташкилотнинг ўзагини ташкил этади ва унинг атрофида ташкилотнинг барча фаолият жабҳалари мужассамлашади. Ташкилот миссиясини тўғри ифодалаш катта аҳамиятга эга бўлиб, уни ишлаб чиқиш вақтни ва кучли эксперtlар иштирокини талаб қилади.

Шу муносабат билан жаҳон бозорида етакчи ўрин тутган айrim компаниялар тарғиб қилувчи миссиялар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

«IKEA» - Кундалик ҳаётни янада гўзалроқ қилиш. «IKEA»нинг бизнес-фояси турли мамлакатларда яшовчи инсонларга уларнинг эҳтиёжларига мос ва нархи манзур келувчи замонавий мебелларни етказиш.

«Volvo» автомобиль компанияси - энг хавфсиз автомобиллар ишлаб чиқариш.

«Ford» автомобиль компанияси – омамабоп ва ҳаммага манзур келувчи автомобиллар яратиш.

Ташкилот маданияти. Ташкилотнинг қўйидаги асосий функциялари мавжуд:

1. Ишлаб чиқариш
2. Жамоада амал қилувчи қадриятларни уйғунлаштириш

3. Ташкилот миқёсидаги тарбиявий жараённни бошқариш. Жамият, меҳнат жамоаси мақсади ва ходимлар манфаатларини ўзаро мувофикаштириш йўлидаги фаолият.

Таъкидлаб ўтилган иккинчи ва учинчи вазифаларни амалга оширишнинг объектив асоси сифатида ташкилотнинг ижтимоий-маданий соҳаси иштирок этади. Айнан шу соҳа орқали барча манфаатдор томонларни жипслаш, ягона жамоа таркибида уларни ахиллаштириш имконияти мавжуд.

Маълумки, ташкилотнинг тизим сифатида самарали ва аниқ ишлаши унда қабул қилинган ва амал қилувчи нормалар, аъана ва қарорлар ижроси билан белгиланади. Ташкилот ҳаётини бундай тарзда меъёрлаб турувчи бир қанча ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар қаторига нормалар, жамоа қадриятлари, анъаналар, ташкилотнинг умумий мақсади ифодаланувчи миссия кабилар киради ва бу жиҳатлар ташкилот маданияти деб аталмиш ибора орқали мужассамлашади.

Ташкилотда амал қиладиган меъёрий томонлар ходимлар томонидан кўр-кўrona қабул қилинмай, балки уларнинг шахсий манфаатлари билан уйғунлашган бўлиши жуда муҳимдир. Бундай уйғунлашганлик инсонга хос бўлган баъзи бир маънавий жараёнларни ташкилот доирасига жорий этиш ва ташкилот миқёсида таҳлил этиш имкониятини яратади. Шу муносабат билан ташкилот манфаатларида хизмат қилувчи ва амалга ошувчи устувор ахлоқий меъёрлар ушбу корхона маданиятини ташкил этади.

Афсуски, ташкилот маданиятини таърифлашда ҳозирга қадар бир томонлама ёндошув кўп кузатилмоқда. Ташкилот маданияти шу жамоага хос

қадрият, норма ва меъёрий жиҳатлардан иборат деб талқин этиш аксарият кўпчилик социологик ва менежмент ёндошувлари хусусиятидир. Бундай ёндошув маълум жиҳатдан чет эл адабиётида мавжуд "Organizational behavior" деган иборанинг таржимаси билан асосланади. Ушбу таржиманинг тўла мазмунини таъминлаш ниятида ва бир томонлама таърифдан воз кечган ҳолда, ташкилот маданиятини жамоа ходимларига хос ички, маънавий жиҳатлар билан ҳамоҳанг тушуниш жуда муҳимдир. Бундай талқинда ташкилотнинг маънавий томони билан персоналнинг ички дунёси, ғоявий ва руҳий яқдиллиги марказий ўринга қўйилади. Шу муносабат билан, ташкилот маданияти тушунчасини тўларок англаш максадида уни *ташкилий маданият* ибораси орқали назарда тутиловчи мазмун билан бойитишни мақсадга мувофик деб топамиз. Ташкилий маданият корхонанинг асосий мақсадга эришиш йўлидаги барча куч ва имкониятларни ташкиллаштириш натижасидир. Ташкилий маданият умуммақсад йўлида ходимлар ва бўлинмалар орасида мутаносиб ҳаракатларни ташкил этиш шаклидир. Бундай тадбир эса ташкилот миқёсидаги ходимлар томонидан қабул қилинган қадриятлар, нормалар ва анъаналарга асосланади. Ташкилий маданият қанчалик мукаммаллашган бўлса, корхона ўз мақсадларига шунчалик самарали эришади.

Ташкилий маданиятнинг асосий мазмuni ташкилот миқёсида қабул қилинган меъёрий томонлар бўлибгина қолмай, балки бу нормаларнинг ходимлар томонидан англанганлиги ва қабул қилинганлиги ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, ходимларнинг қадриятлари, ният ва интилишлари билан уйғунлашган ташкилотнинг меъёрий жиҳати ташкилот маданиятдир.

Ҳозирга келиб қатор адабиётларда бошқарув маданияти деган ибора ҳам қўлланиб келиняпти. Бошқарув маданияти ташкилот маъмурияти томонидан амалга ошириловчи жараён бўлиб, у ташкилот маданиятидан фарқ қиласди. Бошқарув маданияти раҳбарият ташабbusi ва хоҳиш-иродасидир, бошқарув сиёсатининг бир жиҳатидир. Ташкилот маданият эса шу сиёсатнинг ходимлар томонидан қабул қилинганлиги, шахсий қадриятлар ва хулқ-атвори даражасида уйғунлаштирилган ҳолатидир.

Ташкилот қадриятларини «корпоратив ДНК» ҳам деб аталади, чунки тузилманинг айнан жиҳати корхонанинг муҳит ўзгаришларига оптималь тарзда жавоб беришини, такомиллаштириш йўлида ўзгаришлар киритишни таъминлайди. Фарб иқтисодиётида аста-секин ташкилот қадриятларидан қадриятли бизнесга (Value-business) ўсиш кузатиляпти. Бунда ташкилот нафақат қадриятларга эга бўлиб қолади, балки қадриятлар асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Бу фикрга мисол сифатида қуйидаги ҳодисани келтириш мумкин: 1980 йиллар бошида «Джонсон ва Джонсон» фармацевтик компанияси ишлаб чиқарган дорилардан бирининг салбий оқибати кеч аниқланиши натижасида \$100 млн. дан ошиқ зарар кўрилди ва оқибатда компания инқизотга юз тутди. Ташкилот раҳбарияти «Инсонлар соғлиги даромаддан афзал» тамойилига риоя қилиш ғоясини олға сурди ва ижтимоий маъсулиятни ўз фаолиятида етакчи ўринга қўйди. Бунинг

натижасида компания нафақат ўзини сақлаб қолди, балки қисқа вакт давомида истеъмолчилар ишончини яна қозонди.

Қадриятларни бошқариш ва жорий этиш фаолияти учта вазифани ечади: *биринчи вазифа* – ташкилот бўлимлари учун стратегик ва ҳар бир ходим учун аҳамиятли бўлган қадриятларни аниқлаш ва уларни ташкилот қадриятлари даражасида интеграциялаш, *иккинчи вазифа* – персонални бошқаришнинг режали сиёсати орқали корхона стратегиясига мос келувчи қадриятларни тарғиб этиш, *учинчи вазифа* – ташкилот самарали фаолияти учун ҳалакит берувчи қадриятларни ўзгартериш.

Кадрлар сиёсатидаги жиҳатлардан яна бири корхона персоналиниг ташкилотда бўлиб ўтаётган жараёнлар, воқеалар, нарса ва ҳодисаларга нисбатан яқдил, яъни умумий қарашнинг мавжудлигидир. Яқдил қараш ўзаро фаолиятнинг умумий жиҳатларига бир хил муносабатда бўлишидир.

Юқорида қайд этилган ташкилий-маданий томонлар ташкилотнинг маънавий дунёсини ифодалайди ва инсон ресурслари салоҳиятини кучайтиришда асосий омил бўлиб иштирок этади.

4.2. Ташкилотдаги коммуникация

Коммуникация тушунчаси. Менежмент соҳасига татбиқ этилганда коммуникация сўзи «ташкилотда ўзаро мувофиқликни ташкил этиш мақсадидаги маълумот узатиш жараёни»ни англатади.

«Информацион назария»ни ташкилот фаолияти таҳлилига татбиқ этиш бошқарув соҳасини янада такомиллаштириш йўл-йўриқларини очиб берди.

Ташкилотда маълумот узатиш коммуникация асоси сифатида қабул қилинар экан, унинг қўйидаги икки асосий тури фарқланади: горизонтал, яъни бир мавқега эга бўлган ходимлар ўртасидаги маълумот алмашуви ва вертикал, яъни ташкилот тизимининг турли поғоналарида турувчи ходимлар ўртасида маълумот алмашуви. Ўз навбатида верикал маълумот алмашуви ҳам икки кўринишда бўлиши мумкин: а) Пастдан юқорига, яъни юқори раҳбариятдан қўйи бўғин раҳбарлари ва ходимларга ҳамда б) ходимлардан, қўйи бўғин раҳбарларидан юқорига, маъмуриятга.

Коммуникациянинг аҳамияти. Ҳозирга келиб жамият ривожланишини ахборот алмашинувисиз тассаввур этиб бўлмай қолди. Ҳар қандай соҳадаги асосий эътибор муайян йўналиш бўйича замонавий ва энг янги маълумотга эга бўлишга каратилмоқда. Менежмент Институтининг (Буюк Британия) тадқиқотларига кўра, замонавий бизнес учун энг қалтис хавфлар қўйидагилар экан:

- мавқе (обрўни) йўқотиши (50% респондентлар);
- тижорат бозоридаги ўз позициясини йўқотиши (55%);
- ваколатни йўқотиши (59%);
- ёнғин содир бўлиши (62%);
- ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини йўқотиши (82%).

Бу талқинда ахборотга эга бўлиш нафақат глобал маънода, балки ташкилот миқёсида ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Ташкилотдаги маълумот алмашинуви шу корхонанинг ижтимоий жиҳатдан «тирик»лигини таъминловчи асосий омилдир. Ташкилот миқёсидаги коммуникациялар нафақат маълумот олиш ва узатиш белгисига кўра, балки маълумот ўтиши самарадорлигига кўра ҳам фарқланади. Ғарб тадқиқотларига биноан, горизонтал йўналишдаги маълумот алмашинувида бор йўғи 10% маълумот йўқолиб, 90% маълумот тўғри тарқалар экан.

Вертикал йўналишда узатиладиган маълумотларга эса тамоман бошқа манзара хос экан. Тадқиқотчи Килленнинг натижаларига кўра, йирик компаниянинг раҳбариятидан келаётган маълумотнинг атиги 25 фоизи ишчиходимлар томонидан қабул қилинади ва тўғри тушунилади. Бўлим бошлиғи қабул қиласидан маълумот миқдори эса сал кўпроқ бўлиб, у 30 фоизни ташкил этади. Цех бошлиғи бу маълумотнинг 40 фоизига эга бўларкан. Лекин, пастдан юқорига узатилувчи маълумотлар бундан ҳам ажабланарли кўринишга эга. Энг юқори раҳбариятга ходимлар томонидан йўлланган маълумотнинг 10 фоизигина етиб борар экан. Шунинг учун бўлса керак, хозирга келиб баъзи илфор компонияларда горизонтал ва вертикал коммуникацияни ривожлантиришга астойдил киришилаяпти. Бу йўналишни такомиллаштириш мақсадида кўпгина корхоналарда интранет тармоғи ишлаб турибдики, ҳар бир ходим ташкилот миқёсида ўзи учун аҳамиятли деб топган маълумотни олиш имкониятига эга. Шундай тажрибалар ҳам борки, ҳатто халқаро филиаллардан бирида ишлаётган йирик компания ходими марказий маъмуриятга хабар йўллаши ва жавоб кутиши мумкин. Бундай тадбирлар вертикал муносабатларда иложи борича бевосита мулоқотни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ташкилот миқёсида маълумот алмашинувининг сустлиги ходимлар орасида турли миш-мишлар, раҳбарият ҳақида уйдирма гаплар туғилишига олиб келади. Асосий маълумотнинг тепада қолиб кетиши ва пастки бўғинларга етиб келмаслиги ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлган ходимлар хатти-ҳаракатида турли англашилмовчилик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, нега шундай қарор қабул қилинди, нега бу маҳсулотни чиқарайпмиз, қайси муддат ҳақида гап бораётгани ҳақида ходимни хабардор этиш унинг ташкилот билан бир тану бир жонлигини ҳис этишга, ташкилот ҳаётига масъуллик ҳиссини уйғотади. Умумий масъулиятнинг ходимлар ўртасида бўлиниши, кўп жиҳатдан маълумот билан бўлишишга, маълумот билан ҳамма иштирокчиларни таъминлашга боғлик. Машхур психолог А.Л. Свенцицкийнинг ангиқлашича, ишчини смена давомида корхонадаги маълумотлар билан таъминлаб туриш натижасида меҳнат самарадорлиги 10- 30% ўсиши мумкин.

Ташкилотдаги коммуникацияни, организмни озуқа билан таъминловчи қон томирига ўхшатиш мумкин. Бошқарув қарорининг қабул қилиниши ва унинг ижроси, ташкилот ҳаётида пайдо бўладиган янги ўзгаришлар, ходимларни тақдирлашга оид маълумотлар – буларнинг ҳаммаси ташкилот аъзолари томонидан тезда огоҳ этилиши лозим бўлган омиллардир. Ва агар керак бўлса, айрим масалалар бўйича уларнинг фикрлари эшитиб кўрилиши айни муддао бўларди.

Ташкилот миқёсида маълумот узатиш, яъни коммуникацияни ташкил этиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Раҳбариятдан тарқалаётган шундай маълумотлар борки, улар тўла-тўкис ҳолатда ходимгача етиб бориши мумкин, лекин фақат раҳбарият соҳасига тегишли маълумотлар ҳам бўлиб, бу ахборот узатиш услуби маҳсус саралаш фильтрларига эга бўлиши ва керакли маъмурӣ қатламларгагина тақсимлашниши лозим. Хусусан, мавжуд маълумотни тўлат-тўкис узатиш кўп ҳолларда ташкилотни бошқаришга салбий таъсир этиши мумкин. Ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш, ходимлар бандлиги ҳақидаги батафсил маълумотнинг ходимлар орасида тарқалиши жуда аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, ходимлар штатини қисқартиришга оид режалаштирилган тадбир.

Ташкилотни информацион бошқариш маҳсус социал технологиялар мажмуига кириб алоҳида ёндошув ва маҳоратни талаб қиласди. Бундай тадбирнинг охир мақсади ходимни кўзланган мақсад сари йўналтиришдан иборатдир.

Ташкилотнинг режалари ва истиқболдаги маҳсулотлари ҳақидаги маълумотни истеъмолчига етказиши натижасида истеъмолчида маълум эҳтиёж шаклланади, корхонага нисбатан ижобий ижтимоий фикр уйғонади ва ҳатто қўшимча ишчи кучлар «оқиб» келишига сабаб бўлади. Бир неча мамлакат менежерлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра америкалик 73%, англиялик 63% ва япониялик 85% раҳбарлар коммуникацияни ташкилот самарадорлигининг асосий омилларидан бир деб ҳисоблашади.

Қайта алоқа. Ташкилотнинг барча бўлим раҳбарлари ва ҳатто ходимлар ўртасидаги мавжуд алоқа корхона умумий мақсадига интилиш ҳақида маълумот бериб туради. Аввал айтилганидек, бошқарувнинг асосий мазмуни – ходимлардан умумий мақсадга эришишда фойдаланишдир. Бу жараённинг самарали ўтишини белгиловчи икки шарт мавжуд: биринчидан, умумий мақсад ҳамма ходимлар томонидан нафақат маълум бўлиши, балки қабул қилинган бўлиши шарт. Иккинчидан, шу мақсадга қандай эришаётганлик ҳақида доимий маълумот олиб туриш лозим. Биринчи шарт қарор қабул қилиш ва унда ташкилот аъзоларининг иштироки билан белгиланса, иккинчи шарт шу қарор қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги қайта алоқадир.

Баъзи бир раҳбарлар қарор қабул қилишга алоҳида ходимни, жамоани таклиф этишади-ю, лекин мақсадга эришиш йўлида қандай қийинчилик юзага келгани, қандай муваффақият қўлга киритилди-ю, қаерда хатога йўл қўйилганлиги ҳақида деярли гапиришмайди. Натижада ходимларда жараён ҳақида узуқ-юлуқ маълумот тўплана бошлайди. Ташкилотда қарорнинг ижро этилиши ва умумий мақсадга эришиш жараёни ҳақидаги мунтазам маълумотнинг йўлга қўйилиши, самарали қайта алоқанинг ишлаётганидан далолат беради. Корхонада қайта алоқанинг мавжудлиги қатор ижобий томонларга эга:

1. Ходим ўзини корхона учун керакли, деб ҳис этади ва ўзини ташкилотнинг бир бўлаги сифатида кўради.

2. Ходим умумий мақсадга эришиш йўлида яна қанча масофа қолганлиги ҳақида объектив маълумотга эга бўлади ва бу маълумот янада қўшимча кучларни сафарбар этишга сабаб бўлади.

3. Умумий мақсадга эришишни тезлаштиришнинг янада янги имкониятини излашга туртки бўлади. Новаторлик ғоялари, ихтиrolар кўпаяди.

4. Гурух аъзолари ўртасида яқдиллик, ҳамфикрлик, ягона мақсад сари ўзаро жамоавий жипслashiш кучаяди ва натижада гурухий кайфият янада кўтарилади. Гурухий ўзаро назорат ва ташкилотга вафодорлик ўсади.

5. Доимий ва ўзгариб борувчи маълумотнинг мавжудлиги гурух аъзоларини фикрлашга, доимо сергак бўлишга ва демак, жамоавий ақлий салоҳиятнинг ошишига олиб келади.

Мана шу устунликлар эвазига ташкилотда мавжуд маълумот алмашиш жараёни, яъни коммуникацияни ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Коммуникацияни чекловчи омиллар. Хўш, ташкилотларда қониқарсиз коммуникациянинг мавжудлигига сабаб нима? Бошқарув соҳасини тадқиқ этувчи мутахассислар фикрига кўра бу қуидагилардан иборат:

1. Коммуникациянинг нақадар аҳамиятлилигини раҳбарият билмаслиги. Кўп ҳолларда ташкилот раҳбари ўрта ва қуий бошқарув бўғинлари баъзи бир масалалар юзасидан хабар топиши шарт эмас, деб ҳисоблади. Ўтказилган сўров натижаларига кўра, бундай раҳбарлар ходимларни хабардор қилишни муваффақиятли фаолиятнинг омили сифатида охирги ўринга қўядилар. Ўрта ва қуий бўғин раҳбарлари эса ташкилот ва маъмурият ҳақидаги маълумотга эга бўлишни иккинчи-учинчи ўринга қўйганлар.

2. Жамоадаги носоглом психологик мухит. Ходимлар ўртасида адватли муносабатлар бир-биридан маълумотни яширишга, маълумотни ўзгарган ҳолда узатишга олиб келади. Ҳатто маълумот ва уни қай тарзда узатиш қасос олиш услугига айланган ҳоллар ҳам учраб туради.

3. Маълумот алмашинувида иштирок этаётган ходимларнинг шахсий сифати. Кимdir ўзининг лавозими юзасидан бошқа ходимлар олдида ҳисобот беришни эп кўрса, кимdir бу маълумотни қабул қилаётиб турли стереотиплар, яъни, чекланишлар таъсирида бўлади ва натижада маълумот асл ҳолатига мутлақо мос келмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, “Раҳбар бугун келмади” деган хабар “Раҳбаримиз касал бўлиб қолибди” деган иборага ва натижада “Раҳбарнинг касалидан хабар олишимиз керак” деган ўзгаришгача етиб бориши мумкин.

4. Узатилаётган маълумотнинг чалалиги. Кўп ҳолларда маълумот узатувчи хабарнинг айрим қисмини ҳаммага тушунарли деб ўйлаб, атайлабдан қисқартирилган ҳолда узатади. Натижада узатувчи савиясига эга бўлмаган қабул қилувчи, уни чала қабул қилиши ва етмайдиган қисмига ўз талқинини қўшиб қўйиши мумкин. Оқибатда охирги натижа, ва ҳатто қарор ижроси аслига мос келмайди. Ҳатто маълумотнинг бир қисмини яшириб, ходимни ўзига тобеъ равишда ушлаб турувчи кимсалар ҳам учраб туради.

5. Маълумотнинг ноаниклиги. Тарқоқ, мантиқий боғлиқлиги йўқ ва узундан-узун маълумотни нафақат узатиш, балки қабул қилиш ҳам қийин

6. Хотиранинг заифлиги. Аниқланишича, итоатдаги ходим берилган маълумотнинг 50% ни, раҳбар эса 60% ни хотирасида сақлар экан. Шунинг учун маълумот қабул қилишда аниқлаштириш, тақрорлаш ва ёзиб олиш зарурати туғилади.

7. Қайта алоқанинг йўқлиги. Қайта алоқа маълумот узатишда иштирок этаётган икки ходим ўзаро муносабатида ва бутун ташкилот миқёсида тушунилиши мумкин. Икки ходим мисолида гапирилганда, маълумот узатувчи доимо маълумот қандай қабул қилинганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим ва бу қайта алоқанинг бир шаклидир. Бажарилаётган вазифа қандай оралиқ натижага олиб келганлиги, уни амалга оширишда қандай қийинчиликлар пайдо бўлаётгани ҳақида вақтида берилган хабар ижрони тўғрилаб туришга, унга ўз вақтида ўзгартириш киритишга ёрдам беради. Маъмурият ўз мавқеидан келиб чиқсан холда бутун ташкилот ва унинг бўлимлари ҳақида доимий қайта алоқага эга бўлиб туриши лозим. Ўз вақтида олинган натижа ташкилот кай йўналишда бораётганлиги, унинг фаолиятига қандай ўзгаришлар киритиш зарурлиги ҳақида ўз вақтида хulosса чиқаришга ёрдам беради.


Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ташкилотда коммуникацияни чекловчи омиллардан бўлиб, раҳбар иложи борича маълумот алмашуви жараёнини жадаллаштирувчи услублардан фойдаланиши лозим. Бундай услублардан бири, раҳбарият ва ходимлар муносабатини иложи борича горизонтал йўналишга яқинлаштиришdir.

Ташкилотнинг норасмий муносабатини ривожлантириш ва “раҳбар-ходим” тизимиға тенглик аломатини киритиш маълумот ҳажми ва алмашиш тезлигига ижобий таъсир этади. Шу муносабат билан раҳбарнинг ходимлар билан бевосита муносабатини амалга оширишда фаоллик таклиф этилади. Масалан, ўз хонасига чақиргандан кўра, раҳбар ўзи ходимнинг олдига бориши, нафақат шу ходим билан, балки унинг атрофидагилар билан бўладиган муносабат доирасини янада кенгайтиради, маълумот алмасиши имкониятини оширади.

Кўп ташкилотлар раҳбарияти, ходимлар ўртасида мулоқотни қўпайтириш ва маълумот алмашувини таъминлаш мақсадида алоҳида тадбирлар уюштириб туришади. Баъзи бир йирик компаниялар амалиётида ҳатто *фазовий тузилмалар шакллантириши* орқали ходимлар муносабатини «зичлаштириш»га эришдилар. “Форинг гласс” фирмаси қаватлар ўртасида лифт ўрнига эскалатор ўрнатишиди ва бу орқали ходимларнинг ўзаро муносабатини янада ривожлантиришга эришишди. Умумий овқатланиш хонасини катталаштириш ва ҳатто ходимларни умумий иш хоналарига қўчириш орқали ўзаро алоқалар зичлиги таъминланади. Тадқиқотларда аниқланишича, агар ишлаётган ходимлар орасидаги масофа 10 метр бўлса, уларнинг ҳафта мобайнида ўзаро мулоқотда бўлиши эҳтимоли 8-9 % га teng, агар бу масофа 5 метрга қисқарса, эҳтимоллик 2 5%ни ташкил этади. Контактлар сонининг қўпайиши маълумот алмашуви ҳажмини ошишига ва натижада ходимнинг ташкилот билан

яқдиллигини янада күчайтиришга олиб келади.

Энг содда күринишдаги коммуникацион тармоқ икки хил шаклга эга: марказлашган ва марказлашмаган тармоқлар. Қуйидаги расмда марказлашган коммуникацион тармоқ көлтирилген бўлиб, унда маълумот манбаи доимо раҳбардан куйи бўғинларга қараб боради.



8-расм. Марказлашган коммуникацион тармоқ

Кўриниб турганидек, ҳар қандай маълумот узатиш марказида раҳбар ёки ахборот узатиш учун масъул ходим турибди ва ҳар бир ходимга маълумотнинг қай ҳажмда етиб келиши ягона шахсга боғлик. Тизимдаги марказий қисмнинг вақтингчалик бўлса ҳам йўқолиши қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай ҳолларда ахборотни мазмунан ўзгариши, ёки кеч узатилиши кузатилмаса-да, аммо ахборотни турғунлиги, бир хиллиги юзага келади.

Қуйидаги расмда эса марказлашмаган коммуникацион тармоқлар намунаси көлтирилган:



9-расм. Марказлашмаган коммуникацион тармоқлар

Марказлашмаган тармоқда муносабат тизими жамоанинг ҳамма аъзолари орасида teng тарқалган. Бундай шароитда узатилаётган маълумот гуруҳнинг ҳамма аъзоларига teng ва ўзгармаган ҳолда етиб боради.

Аниқланишича, марказлашган тармоқларда яккаҳокимлик ҳолати қўп учрайди, бундай муносабатлар ўрнатилган жамоада нисбатан содда ечим талаб этувчи масалалар тез ва самарали ҳал қилинар экан. Лекин, муаммо қийин ечим талаб қилса, бу хил муносабатлар ўйланган натижага тез олиб келмайди ва гуруҳ аъзоларида бажарилган вазифадан қониқиши кам бўлади.

Марказлашган тармоқда марказга яқин ходимнинг меҳнатдан қониқиши

даражаси, чеккадаги ходимга нисбатан юқори эканлиги аниқланган. Мураккаб ечим талаб этувчи вазифалар эса, марказлашмаган коммуникация шаклидаги жамоаларда тез ва унумли ҳал қилиниши исботланган.

Коммуникация роллари. Жамоада коммуникацияларга оид яна бир ёндошувда асосий эътибор, маълумот узатиш жараёнида бажариладиган ролга қаратилган бўлиб, бу таълимотга биноан ташкилотдаги маълумот узатиш а) “қоровул”, б) “ғоявий етакчи”, в) “алоқачи” ва г) “чегарачи” каби касблар билан қиёсланади.

Ушбу ролларнинг ҳар бири, у ёки бу ташкилотга хос коммуникацияни ифодалайди. Масалан, “**қоровул**” шаклидаги тармоқли ташкилотда маълумотнинг ҳаракати бир ходим томонидан кузатилиб, ва ҳатто, бошқарилиб туради. Бундай ролни одатда котиба, телефон станцияси оператори, диспетчерлар бажаради.

“**Ғоявий етакчи**” ролини ижро этувчи шахс ўз фикр ва эътиқоди билан жамоанинг бошқа аъзоларига таъсирини ўтказади. Кўпинча бу хил таъсир норасмий бўлиб, расмий ташкилот томонидан қўллаб- кувватланмайди. Гурух ҳам ўз навбатида, ушбу шахс фикрига қулоқ тутишни маъқул кўради ва у ўз қарашини бу норасмий лидерга мувофиқлаштириб боради.

“**Алоқачи**” шаклидаги тармоқда бирор-бир шахс икки гурух ўртасида воситачилик ролини бажаради. Ҳақиқий алоқачи ролини бажараётган шахс ҳеч қайси гурухга ўзини киритмайди ҳамда бу ролни амалга ошириш расмий ва норасмий муносабатлар тизимида кузатилади.

“**Чегарачи**” шаклидаги тармоқда алоқа тизимидағи ҳар бир ходим барча маълумотларга максимал даражада алоқадор бўлади, марказ ва чекка қисмлар ўртасида жуда кучли маълумот алмашуви йўлга қўйилади.

Демак, раҳбар, юзага келаётган вазиятга қараб, у ёки бу маълумот алмашуви тармоғини ривожлантириши ва иложи борича “чегарачи” шаклидан фойдаланишга интилиши лозим. Аммо, у ёки бу тармоқ шаклини қўллаш ходимлар савиясига, гурухнинг ечиши лозим бўлган вазифага ва албатта, мавжуд вазиятга қараб танлангани маъқул.

4.3. Ходимлар типологияси

Ташкилот ходимлар мажмуасидан иборатdir. Жамоадаги ҳар бир ходим ўз интилиш ва мақсадларига эга. Ташкилотни, жамоани бошқариш, авваламбор, унинг таркибий қисми бўлмиш ходимларнинг хусусиятини инобатга олишни талаб қиласди. Шахсининг ўзига хослиги эса кўп омиллар таъмирида шаклланади. Бу омиллар қаторида ёшлиқ даври, оила муҳити ва ҳатто ирсий белгилар ҳам ўз ўрнини топган. Ташкилот миқёсида турли характерли ходимлар ягона мақсад сари уюшадилар ва раҳбарнинг асосий вазифаси шу турли-туманликни ягона йўлда бирлаштиришdir.

Ходимларнинг хусусиятларини хисобга олиш зарурати.

Шахснинг самарали фаолиятига оид методологик тамойиллардан бири субъектнинг ташки муҳит билан мувофиқлашган муносабатини ташкил этиш заруратини таъкидлайди. Бу фикрни бошқарув фаолиятига татбиқ этсан, раҳбарнинг объективлиги, унинг ўз мақсадига эришишида муҳит омилларини

максимал даражада ҳисобга олиши устувор масала деб қаралади.

Объективлик эса – хулкнинг ташки мухит талабларига мос равища бошқарилишидир. Раҳбар объективлик тамойилига асосланар экан, ўз мақсадини, мавжуд интилишини ташки мухит шароитлари билан мувофиқлаштириб боради. Бу жараёнда мақсад ўзгармайди, лекин услугуб мухит талабларидан келиб чиқсан ҳолда танланади. Ташкилот доирасидаги ташки мухит объектларидан асосийси ходимлар бўлиб, раҳбар ўз бошқарув фаолиятида уларга хос бўлган индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиши лозим. Бу жабҳадаги имкониятлардан бири эса шахс типологиясига оид маълумотларда ўз аксини топади. Шахс типологияси деганда, турли индивидуал психологик хусусиятлари бўйича инсоннинг бирон тоифага мансублиги тушунилади. Бошқарув психологияси фани юзасидан ходимлар типологияси қатор мезонлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Қуйида мана шу типологиялардан бир нечтасини келтириб ўтамиз ва баён этилувчи тавсифлар асосида шу тоифага мансуб ходимлар билан муносабат қуриш хусусиятлари ҳақида тўхталамиз. Шулардан бири темперамент типларига оид классификациядир.

Темперамент типлари. Гиппократ давридан яратилган тўрт темперамент типлари буюк рус физиологи И.П. Павлов тадқиқотлари орқали ўз илмий асосига эга бўлди. Темперамент бош миядаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқувчи хусусият сифатида тушунилар экан, барча тадқиқотчилар унинг тугма эканлигини ва инсоннинг кўпгина фаолият турлари натижаларига таъсир этувчи омил сифатида иштирок этишини эътироф этишади. Анъанавий ёндошувга асосан қуйидаги темперамент типлари мавжуд: холерик, сангвиник, флегматик ва меланхолик.

Ходимнинг у ёки бу темпераментга мансублигини билиш, унинг бирон вазифани нега айнан шу тарзда бажараётганлигини тушунишга ёрдам беради, кези келганда айнан унга мос вазифаларни юклаш имконини беради. Ҳар бир темперамент типига қисқача тасниф қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Холерик – нерв тизимидағи қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, бу икки жараён бирон нерв маркази доирасида тез ўрин алмашади ва шу боис бу типга мансуб кимса бирон фаолиятга тез киришиб, тезда совиб кетиши мумкин. Янгиликларга эҳтироси баланд, ғайратли ва ўта ҳаракатчан, бир маромдаги фаолиятни, монотон тарздаги ишларни ёқтирмайди, доимо янгиликка интилувчан. Янги мухит ва жамоада ўзини яхши ҳис қиласи ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашади. Бундай кимсаларга янги ўзлаштирилаётган фаолият турларини вазифа тариқасида бериш ўринли, узоқ вақт давомида маълум тартиб талаб қилувчи ишга мослашишлари учун кучли ички зўриқишга борадилар.

Сангвиник – қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, лекин мувозанатлашган. Бундай кимса ўзини қўлда ушлай олади, интизомли ва холерик каби шошқалоқ эмас, бирон ишга кучини тўғри тақсимлайди, янги фаолият турини тез ўрганади, низоли вазиятда келишувга бора олади, келажакка ишонч билан қарайди. Таваккалликка мойил, тезда натижага эришишга ҳаракат қиласи, пухта ўйлаб ва тез қарор қабул қиласи, кўтаринки ва

тургун кайфият эгаси.

Флегматик – ҳаракатлари секин, шошилмас ва сабр-тоқатли, танҳоликни яхши кўради, мулоқот доирасини кенгайтиришни ҳоҳламайди, дўстларига содик ва уларни кўпайтириш нияти ҳам йўқ, ўрганиб қолган шароитида яхши фаолият юритади ва ўзгарувчан муҳитга мослашиши қийин, шовқинни ёқтирмайди, бир жойда ўтириб бажариладиган ишни маъқул кўради. Янги одамлар билан мулоқотга киришиши қийин, лекин ўрнатилган, алоқаларни сақлашга интилади. Сарандом сариштали, тартибни ёқтиради, интизомли, бошлаган ишини охирига етказишга ҳаракат қиласди, ташкилотдаги анъаналарга содик. Куйидаги ярим ҳазил ўхшатиш қарама- қарши темперамент типлари тавсифини тушунишни енгиллаштиради: “... одатда урушни холерик ва сангвиниклар олиб борадилар, флегматиклар эса вайроналарни тиклайдилар”.

Меланхолик – нозик дидли, ҳиссиётга ўта берилган, уч ички дунёсига ва кечинмаларига эътиборли. Бундай кимсалар орасида санъатга қобилиятлилар кўп учрайди. Улардан ажойиб рассомлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқади. Мураккаб ва низоли вазиятларда ҳаракати суст, тезкор вазифаларни ҳал этишда асабийлашади ва тез толиқади.

Юқорида санаб ўтилган темперамент типлари туғма бўлиб, уларни ўзгартириб бўлмайди. Лекин, инсон ўз-ўзини тарбиялаши давомида бирон темпераментга хос хислатларни ўзида шакллантириши мумкин.

Табиатда соф темперамент типини учратиш қийин ва одатда, ҳар қандай кимсада бирон етакчи темперамент типига қўшимча равишда турли типларга хос белгиларни қузатиш мумкин. Бундай «чатишма» инсоннинг ўз устида ишлаши, ўзи учун ўта муҳим кўринган хислатни мустақил тарзда ривожлантириши учун имконият яратади. Ушбу сатрларни ёза туриб беихтиёр бир ҳодиса эсга тушади. Устоз-психологлардан бири «... мен ҳаётда иложи борича сангвиникдай бўлишга интиламан, барча хатти- ҳаракатимни бу темперамент типига мувофиқлаштириб яшайман», деб таъкидларди. Ҳақиқатан, унинг иш услуби ва одамлар орасидаги ҳаракати кўп йиллик ўз-ўзини тарбиялаш қанчалик муваффақиятли натижага олиб келганининг яққол далили эди. Аммо, шундай вазиятлар бўлардики, устоз уйда танҳо қолишни, ўтмишдаги расмларни томоша қилишни, яъни асл меланхоликликка қайтишни «соғиниб» қоларди. Гарчи ижодда, инсоний муносабатларда ва меҳнат фаолиятида у сангвиникдай тез ва шижаатли бўлсада, лекин унинг асл темпераменти серқатнов кўчани кесиб ўтаётгандаги ишончсизликда ва қалтис вазиятлардаги иккиланишда яққол кўзга ташланарди.

Шахс темпераменти типологиясини билиш меҳнат жараёнини оқилона тарзда ташкил этиш, мавжуд вазифаларни ходимлар имконияти ва хусусиятига биноан тақсимлаш, жамодаги соғлом муҳитни сақлаш имконини яратади. Масалан, мулоҳаза асосида иш юритишга сангвиник ва флегматик типлари табиатан мойиллар. Холерик ёки меланхолик темпераментига мансуб кимса эса ўз ҳиссий мувозанатини ички зўриқиши ҳисобига таъминлаб туриши лозим. Шахснинг ўз темпераменти типини билиши унга хос хусусиятларни чукурроқ англашига ва ўз-ўзини янада самарали бошқариш имконини беради, қалтис вазиятларда ўринсиз хатти- ҳаракатлардан ўзини четга олишини ва ички

назоратни таъминлайди.

Характер. Инсон характери – бу унинг атроф мухитга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари мажмуасидир. Характер қуйидаги объектларга бўлган муносабатларда ифодаланади:

1. *Меҳнатга муносабат* – шахснинг меҳнаткашлиги ёки ялқовлиги, бирон топшириқни охиригача етказиши ёки ярмисида ташлаб кетиши, пала- партиш ёки тартибли фаолият юритиши, якка тарибда ёки жамоавий меҳнат турини танлаши ва шу каби сифатлари орқали намоён бўлади.

2. *Одамларга муносабат* – самимийлик ёки иккиюзламачилик, мулокотга мойил ёки яккаҳол, ҳақиқатпарвар ёки ёлғонга мойиллик, ўзгалар манфаати ҳақида қайғуриш ёки ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш ва шу каби шахс хислатлари.

3. *Нарсаларга бўлган муносабатда* – буюмларни тартибли сақлаш ёки бетартиблилик, нарсаларни асраб-авайлаш ёки аямаслик, нарсаларнинг қаердалигини хотирада сақлаш ёки паришонхотир.

4. *Ўз-ўзига муносабат* – ғуур, обрў сақлай олиш, ўзига талабчанлик, ўзини назорат этишининг кучлилиги, ўзини такомиллаштиришга интилиш ва ҳ.к.

Темпераментдан фарқли равища инсон характери ҳаёт давомида ва тарбия таъсирида шаклланади. Темперамент инсонда у ёки бу характер хислатининг шаклланишига катта таъсир ўтказади ва ҳатто пойдевор сифатида иштирок этади ҳам. Лекин, характер темпераментнинг оқибати даган фикр нотўғри. Темперамент ва характерни бир-биридан фарқлар эканмиз, улар инсон фаолиятининг турли даражаси эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Темперамент инсон фаолиятининг миқдорий ифодаси бўлса, характер унинг сифат кўрсаткичидир. Одам бирон фаолиятни тез ёки секин бажариши мумкин – бу унинг айни темпераментга мансублиги белгиси, лекин ушбу фаолиятни бажаришга қанчалик вижданан муносабатда бўлиш, вазифани чин кўнгилдан адо этиш - бу характер ифодасидир. Кўпчилик одамлар билан мулокотга мойиллик бу темперамент белгиси, лекин бу муносабатларнинг юзаки ёки самимийлиги, инсоний ёки хирсийлиги характер хислатидир.

Инсоннинг ташкилот миқёсида меҳнатга муносабати бўйича ҳам классификациялаш ўринлидир. Одатда бундай ёндошувда қуйидаги тоифа ходимларни фарқ қилишимиз мумкин:

Профессионаллар ва ижрочилар. Профессионал, яъни ўз касбининг моҳир устаси – бажарадиган меҳнати мазмунига эътибор беради, қийин вазифларни яхши кўради, янги ва касбга оид маълумотларни олишга интилади, мустақил тарзда ҳаракат қилишни маъқул кўради, ўзгаларни бошқаришни ҳам ва бўйсунишни ҳам ҳоҳламайди. Унинг учун асосий мотивация – вазифани танлашдаги эркинлик, мустақиллик ва назоратнинг йўқлигидир.

Ижрочи – жамоада, бошқа ҳамкаслар гуруҳида шижиоат билан ва фаол ишлайди. Ишга ўз вақтида келиб, вақтида кетишини яхши кўради. Иш жойида масъулиятни ва вазифани аниқ тақсимлаш тарафдори, ўзи нима бажариши кераклигини аниқ билишни ҳоҳлайди, буйруқ ва топшириқларни бажаришга мойиллик билдиради, масъулият ва етакчиликдан ўзини олиб қочади. Бундай тоифага мансуб ходимлар учун асосий мотивация – раҳбарият томонидан

уларнинг хулқи ва фаолияти натижасини ижобий баҳолаш, жамоа олдида маънавий рағбатлантириш, ташкилот вакиллигини ифодаловчи вазифаларга жалб этиш.

Характер хислатларининг шаклланишида оиланинг роли катта. Отананинг турли воқеа ва ҳодисаларга, нарсалар ва атрофдагиларга муносабати бола учун намуна вазифасини ўтайди. Шунинг учун тарбия давомида болани турли ҳаёт жабҳаларига жалб этиш, ота ва она билан ҳамкорликда бирон вазифаларни охирига етказиш бирламчи характер хислатларини шакллантиради. Педагогик психологияда жуда ўринли ибора мавжуд: “Иккичи ўкувчилар бўлмайди, балки эътиборсиз ва интизомсиз ота-оналар бор”.

Характер шаклланиши ҳақида гапирилар экан, кўпчиликнинг фикрича, характер мактабгача тарбияланади, деган тушунча ҳукм суради. Ҳатто 5 ёшгача бола шаклланиб бўлади, деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қиласидан кимсаларни кўплаб учратиш мумкин. Умуман олганда, шахснинг шаклланиши бир умр давом этувчи жараён бўлиб, бунда, айниқса, ўсмирлик даври ва инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаши жараёни бекиёс катта ўрин тутади. Ҳозирги пайтда катта ёшлилар таълими дастурларини фаол татбиқ этиш, улғайган инсоннинг комилликка эришишига кўмак кўрсатиш бир қанча таълим муассасаларининг марказий вазифасига айланмоқда. Ҳатто улғайган шахснинг ривожланиш ва комилликка эришиш жараёнини ўрганувчи маҳсус фан – Акмеология хам пайдо бўлди.

Юқоридаги фикрлар ташкилот миқёсида шахс характери хислатларини шакллантиришда, ташкилот мақсадларига мувофиқлаш тадбирларини амалга оширишда раҳбариятга катта умид бағишлиайди, деган фикрдамиз.

Ташкилотдаги ходимларга хос хусусиятларни инобатга олишда охирги пайтда фанда ўз тасдиқини топаётган яна бир таълимот - репрезентатив тизимлар ҳақидаги назариядир.

Шахснинг **репрезентатив тизими** деганда – инсоннинг ташқи оламдан маълумотни идрок этиши, уни мияда қайта ишлаши ва баён этиш услуби тушунилади. Маълумки, одам ташқи оламдаги маълумотни бешта сезги органлари – кўриш, эшитиш, тана сезгиси (туйиш), таъм ва ҳид билиш орқали қабул қиласиди. Санаб ўтилганлар ичida биринчи учтаси асосий маълумот етказувчи сезги турлари бўлиб, уларни баъзан уч асосий репрезентатив тизим хам деб аталади. Бундай талқинда кўриш-визуал, эшитиш-аудиал, туйиш-кинесстетик репрезентатив тизимлар назарда тутилади. Аниқланишича, ҳар бир инсон ташқи муҳитдаги маълумотни қабул қилишда уччала репрезентатив тизимдан фойдаланади. Лекин, ҳар бир одамнинг табиий мойиллиги ва яаш муҳити унда биронта репрезентатив тизимни етакчи қилиб қўяди. Мана шу етакчи репрезентатив тизимнинг турлилиги ташкилот миқёсидаги ходимлар типологияси учун яна бир асос бўлиб хизмат қиласиди. Меҳнат жамоасини бошқарувчи раҳбар учун ўз қўли остидаги ходимда қайси репрезентатив тизим етакчилигини билиш муҳимдир. Бундай хусусиятни билган ҳолда ходимнинг одатий ҳаракатлари сабабини билишга, унинг хулқи натижаларини олдиндан таҳмин қила олишга ва кези келганда бирон масалани унинг идрокига мос равишда тушунтира олишимизга имкон беради.

Ўзаро мулокот давомида ўзганинг етакчи репрезентатив тизимини аниқлаш қўйидаги усууллар орқали амалга оширилиши мумкин:

1. *Кўз ҳаракатларини кузатиш*. Америкалик машхур амалиётчи психологлар Р.Бендлер ва Дж.Гриндер тадқиқотлари орқали аниқланишича, одам учта репрезентатив тизимнинг биронтасидан фойдаланар экан, бу жараён унинг кўз ҳаракатида ҳам ифодаланади. Қаршимиздаги одам кўз (гавҳари) ҳаракатининг йўналиши унинг руҳий жараёни муайян репрезентатив тизимга асосланган ҳолда ўтаётганлигидан далолат беради. Масалан, кўзнинг горизонтал ҳолатда чапга, ўнгга ҳамда пастга-чапга йўналганлиги аудиал тизимга мурожаат этаётганлиги белгисидир; кўзнинг юқорига-чапга, юқорига-ўнгга ҳамда тўғрига йўналиши визуал тизимга мойиллик белгиси; кўзнинг пастга-ўнгга йўналганлиги эса айни пайтда кинестетик тизим устунлигини ифодалайди.

2. *Сұхбатдошнинг нутқини таҳлил этиши*. Мулокот давомида сұхбатдошимиз қайси репрезентатив тизимга асосланишини аниқлашнинг асосий услубларидан бири унинг сўзларини таҳлил этишdir. Одатда, кундалик мулокот давомида одамлар гапнинг синтактик тузилмаси ва сўзларга беихтиёр мурожаат этадилар. Ўзга кимсанинг гапидаги сўзларга эътибор берган ҳолда унинг ҳаёт тажрибаси ва шахсий хислатларини аниқлаб олиш қийин эмас. Гапнинг эга, сифат ва равиш қисмлари айни пайтдаги репрезентатив тизимни акс эттиради. Айнан шундай сўзлар мажмуаси у ёки бу репрезентатив тизим етакчи бўлган кимсаларда турлика кўринишга эга. Қуйида турли репрезентатив тизимга мойил кишилар нутқида учровчи сўзлар қатори баён этилган:

- *Визуал репрезентатив тизимили кимсанинг нутқида – кўриш, қараш, тасаввур этиш, аниқ, узоқни кўзлаб, олдиндан кўриш, нарсаларга эътибор бериш, кўрсатмок, хаёлан, кузатиш, қарашлар, ўхшаш, тасвир, ноаниқ ва шу каби сўзлар кўп учрайди.*

- *Аудиал репрезентатив тизимга мансуб кишининг нутқида – эшитмоқ, тингламоқ, эшитилмоқ, акс садо каби, шовқин, тинч, товушнинг турли оҳанглари, пичирлаб айтмоқ, талаффуз этмоқ, аниқ эшитмоқ каби сўзлар тез-тез учрайди.*

- *Кинестетик учун эса – сезмоқ, ҳис этмоқ, синмоқ, тутиб олмоқ, (фикрни) илғаб олмоқ, совуқ, иссиқ, қаттиқ, уринмоқ, қийин, босим, босмоқ, кўз югуртириб чиқиш, сезгир, тегизмоқ, тийиб туриш ёки тура олмаслик ва шу каби сўзлар кўп учрайди.*

3. *Шахсий ҳисоботлар*. Инсон ўзини қайси репрезентатив тизимга мансуб деб ҳисоблаши.

Турли репрезентатив тизимлар етакчи бўлган кимсалар мулокотида баъзи бир қийинчиликлар учраши мумкин. Масалан, визуал реерезентатив тизимга асосланиб баён этилаётган ахборотни кинестетик одам ахборот этишмовчилиги сифатида қабул қилиши мумкин.

Икки репрезентатив тизимга мансуб кимсалар мулокотидаги зиддиятни кузатар эканмиз, хизмат юзасидан бўлган вазият ходим ва раҳбар муносабатларида қуйидаги муаммони туғдириши мумкин – раҳбар-визуал бирон масалани ходим-аудиалга тушунириар экан, раҳбар ходимнинг

тинглаётганини диққат билан кузатади ва ходим бир томонга ўгирилиб қулоқ тутиб турганини кўриб бу ҳолатни эътиборсиз равишда тинглаш деб талкин этиши мумкин. Аслида эса аудиал учун айнан шундай тана ҳолати маълумотни тинглаш учун қулайдир. Турли репрезентатив тизимга мансуб бир оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ҳатто можароларга ҳам олиб келади. Ота фарзандини койир экан, фарзанд кучли ҳислар оғушида бўлади ва ерга қараб туради (ҳақиқий кинестетик ҳолати). Фарзандининг ҳаракатларини кузатиб турган ва визуал репрезентатив тизим устунлик қилаётган ота эса фарзандининг эътиборини сұхбатга йўналтириш мақсадида уни койий бошлайди: «Мен сенга гапирайпман, сен эса нима ҳақида ўйлаяпсан? Қани, кўзимга қарачи.». Айни пайтда ота учун фарзандининг тушунганлиги аломати унинг ота томонга нигоҳ ташлаши бўлиб ҳисобланади. Агар шундай ҳолат юз бермаса, демак, ота фарзандининг эътибори бошқа нарсаларга йўналган, деб йўяди.

Турли репрезентатив тизимга мансуб кишилар, масалан раҳбар ва ходим сұхбатида кўлланувчи сўзлар ҳам орада маълум зиддиятни юзага келтиради.

Ходим қайси репрезентатив тизим орқали маълумотни қабул қилиши, ёдда сақлаши ва онгода қайта ишлаши хусусиятларини билиш бериладиган топшириқни унга янада мослаштириб баён этиш имконини беради. Визуал ходимга масалани тушунтириш давомида унинг тасаввурига асосланиш, тасвирлаш ва чизмадан фойдаланган маъқул. Аудиал ходимга эса унинг идрок хусусиятига мос сўзларни танлаш ва маълумотнинг мантиқий томонига эътибор берган ҳолда баён этиш керак. Кинестетик репрезентатив тизим етакчи бўлган ходимга эса маълумотда ҳиссиёт ва туйғуни ифодаловчи тушунчалар, вазифанинг таркибий бўлакларига мувофиқ пайдо бўлувчи турли сезги ҳислари мужассамлашган бўлгани маъқул. Масалан, «... эшикдан ичкарига кирганингизда қаршингизда кatta ҳарфлар билан ёзиб қўйилган...». Ушбу қисқа матндан таги чизилган сўзлар айнан кинестетикларга хос қалит сўзлар бўлиб ҳисобланади. Етакчи ререзентатив тизимлари турлича бўлган икки ходимнинг телефондаги сұхбати қуидагича ўтиши мумкин:

«Аудиал: - Мени диққат билан эшит, муҳим топшириқ бор, яхшилаб тушуниб ол.

Визуал: - Бундай муҳим масалани телефон орқали ҳал қилиб бўлмайди, кел кўришиб гаплашиб олайлик».

Кези келганда шуни айтиш керакки, одатда аудиал типига мансуб кимсалар телефон орқали ишларни ҳал этишни маъқул кўришади. Телефоннинг ишламай қолиши улар учун иш кунининг самарасиз ўтиши белгисидир. Визуал кимса битта чироқ ёниб турган жойда иккинчисини излайди ва ҳамма нарса кўз остида бўлишини хоҳлайди. «Минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал» мақоли визуалларнинг ҳаёт тамойилидир. Кинестетик учун эса хонадаги жиҳозларнинг қулагай жойлашганлиги, айниқса ўтирадиган стул ва суюнадиган столининг қулайлиги катта аҳамиятга эга.

Ходимларнинг етакчи репрезентатив тизимга мансублигини билиш улар ўртасидаги баъзи тушунмовчиликлар, муқаррар булган зиддиятларни олдини олиш имконини беради.

Ташкилот миқёсида ходимларни классификациялашга оид яна бир

ёндошув машхур психолор К.Юнг томонидан яратилган психотиплар ҳақидағи таълимот бўлиб, бунга мувофиқ инсон характерининг айрим хислатлари туғма асосга эга. Масалан, улардан бири инсон ўзига куч-қувват олишда қаерга йўналганлиги билан боғлиқ ҳолатдир. Кимдир шу қувватни ташқи мұхитдан олса, кимдир ўз ички дунёсига мурожаат этади. Ташқи мұхитта йўналган кимсалар экстраверт деб аталади, эътибори ўз ички дунёсига қаратилган шахсга эса интроверт ибораси кўлланади. Ушбу икки типнинг батафсил тавсифи қўйидагича:

Экстраверт – ўзгалар билан мuloқотда бўлишга эҳтиёжи катта ва бу орқали ўзига ғайрат олади, танҳо қолиш уни қувватсизликка олиб келади; аввал гапириб, кейин эса ўйлади; фаол ва мuloқотга киришувчан; атроф- мұхитдаги кўп нарсаларни билишга интилади.

Интроверт – якка, танҳо қолганда ўзини яхши ҳис этади, фикр ва ўйларини бошқалар билан ўртоқлашмайди, кучли мұхокама жараёни уларни тез толиқтиради, гапиришдан қўра тинглашни яхши қўради, сұхбатдан сўнг фикрлари ва ҳиссиётларини жамлаб ва тартиблаб олиш учун танҳо қолишни маъкул қўради.

К.Юнгнинг типологиялар ҳақидағи таълимоти ўзининг узоқ давомига эга ва юқорида таъкидланганларга («экстраверт ва интроверт») қўшимча равища «сезгир ва интуитив», «фикрловчи ва ҳис этувчи», «баҳоловчи ва идрок этувчи» каби типлар ҳам қайд этилади. Кейинчалик бу услуб янада такомиллашиб Майерс-Бригс услубида типологиялаш деган номга эга бўлди. Юнг типологиясидаги тўрт қўрсаткичга қўра тоифалаш шунчалик аҳамиятлики, ҳатто АҚШнинг «Форд» автомобиль компаниясидаги меҳнат жамоаларитаркиби айнан шу услубда бир-бирига мувофиқ келувчи ходимлардан ташкил этилганлиги маълум.

Россиялик психолор Самоукина таклиф этадиган типологияга биноан ходимларни ўз ичига йўналган – “ички” ҳамда ташқи мұхитта йўналган – “ташқи” шахсларга тоифалаш мумкин. Бундай таърифга биноан “Ички” кимсалар бажараётган меҳнатнинг мазмунига катта эътибор беришади ва ҳиссий қониқиши устувор деб ҳисоблашади. Улар у ёки бу меҳнат тури, вазифани танлашда унинг натижаси хамкасабалари олдида обрў-ътибор қозонишга ёрдам беришига эътибор қаратишади. Ўз имкониятини намоён этиш ва қобилиятларни ривожлантириш улар учун етакчи мотивация омили бўлиб ҳисобланади. Улар маошни етакчи ўринга қўймайдилар, агар катта пул эвазига зерикарли ишни бажариш лозим бўлса, улар бундан воз кечишлари табии й ҳол. Бундай ходимлар учун кам маош тўланса ҳам, уларнинг қобилияти ва ғоясини амалга ошириш мұхим ҳисобланади.

“Ташқи” ходимлар – улар учун бажарилаётган меҳнат ҳаётда муваффақиятга эришганлик белгиси эканлиги, жамиятда юқори нуфузга эгалиги жуда мұхимдир. Улар маошни қадрлайдилар. Мансабда ўсиш, раҳбарият томонидан рағбатлантириш ва мақтov бундай ходимлар учун катта аҳамиятга эга. Улар муваффақият тимсолларини эгаллашни хоҳлайдилар – яхши кабинет, замонавий автомобиль, чиройли кийим ва шу кабилар.

Юқорида таъкидланган икки тоифадан ташқари “аралаш” типга мансуб

ходимлар ҳам эслатиб ўтилади. Улар учун иккала омил ҳам аҳамиятга эга. Лекин, бундай ходим учун меҳнат мазмуни етакчи бўлиб ҳисобланади.

Ташкилот ҳаёти доимо режаланган тарзда кечмайди. Хом ашё танқислиги, вақт ва имкониятларни тақсимлашдаги қийинчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсирида ташкилотда зўриқиши мұхити юзага келиши мумкин. Бундай мұхитнинг ходимлар фаолиятига таъсирини таҳлил этиш мақсадида “тазийқ кўрсатувчи” омиллар деган иборани қабул қилишимиз мумкин. Тазийқ кўрсатувчи омиллар қаторига шахснинг ички психологик муаммолари, ходимни ўраб турган шарт-шароитнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги, жамоадаги шахслараро муносабатларнинг тажанглиги, меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамда ходимнинг оиласидаги қийинчиликлар кириши мумкин. Бу омиллар ўзаро боғлиқ ва ходимнинг бир соҳадаги қониқарсиз ҳолати бошқа жабҳаларда ҳам шундай натижани юзага келтириш эҳтимоли баланд.

Тазийқ (босим) шароитида ишилаш. Одатда ташкилот миқёсида тазийқ шароити юзага келганда ходимларнинг икки хил хулқи кўзга ташланади. Баъзи бир ходимлар тазийқ шароитида самарали фаолият юрита оладилар, вақт танқислиги шароитида тезда ўринли қарор қабул қиласидилар, ўз меҳнат ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил эта оладилар. Аммо, айрим ходимлар бундай шароитда ўзларини мутлақо ноқулай ҳис этадилар ва ишга қўллари бормайди, бажараётган ишлари қовушмайди. Шу боис, ташкилотдаги ходимларни яна икки тоифага – тазийқ мұхитида самарали ишлайдиган ва самарасиз фаолият юритувчи шахсларга ажратиш мумкин.

Таъкидлаб ўтилган биринчи тоифа, яъни тазийқ мұхитида самарали меҳнат қиласидиган ходимлар (ва ҳатто раҳбарлар ҳам) айнан шундай шароитда ишчанлик қобилияtlарини намойиш эта оладилар. Улар ҳатто ўзлари сезмаган ҳолда шу каби вазиятни юзага келтирадилар ҳам. Масалан, бирон ишни бажаришни охирги кунгача чўзиб юрадилар ва вазифани адо этиш муддати яқинлашганда бутун куч ва имкониятларни сафарбар этадилар. Бу тоифа раҳбарлар берадиган топшириқлар ҳам доимо тезкор талабларга эга. Улар натижаси узоқ муддатга белгиланган вазифаларни унча хуш кўришмайди ва муддати ноаниқ ишга ҳам енгил қарайдилар.

Фикрлаши услугига кўра эса ходимларни қуйидаги тоифага ажратиш мумкин. Аналитиклар – ишнинг мазмунини қадрлайдилар, касб маҳоратини ўстириш, малакани ошириш ва лавозимнинг доимиyllигига эътибор қаратадилар. Бамайлихотир бажариладиган, вақти чекланмаган ва батафсил таҳлил талаб этувчи ишлар уларга ёқади. Шу жумладан бирон янги тажрибага эга бўлиш имконини берувчи вазифаларга жон-диллари билан киришадилар.

Прагматиклар – бундай кимсаларга лавозимда ўсиш-у, маош биринчи ўринда туради. Агар ташкилотда уларнинг эҳтиёжига мос шароит бўлса улар ишлайдилар, акс ҳолда тезда ишдан бўшаб кетадилар.

Танқидий фикрловчилар, критиклар – эксперт мавқеига эга бўлиш ва бошқа ходимларнинг меҳнат маҳсулларини баҳолашни хуш кўрадилар. Ўз фикр ва қарашларини очик ойдин айтиш имкониятини излайдилар, ташкилотдаги обрўли кимсаларга менсимай қарайдилар. Ҳар нарсага танқидий назар билан

қараш эвазига кутилаётган муваффақиятсизлик ҳақида олдиндан фикр билдирадилар.

Реалист – лидерликка ва бошқарувга интиладиган шахс. Бундай одам раҳбарлик қобилиятига эга. Агар раҳбарлик лавозимидағи ўрин бўшаши кутилаётган бўлса улар ишлайдилар, акс ҳолда бўшаб кетадилар.

Ушбу мавзуда ёритилган фикрлар ташкилотдаги ходимлар ва раҳбарларга хос индивидуал-психологик хислатларни асосли тарзда тушуниш имконини яратади, ҳар бир ходимга мос вазифани тақсимлаш билан бирга ташкилот фаолиятини ходимлар хусусиятига мос тарзда мувофиқлаштириш борасида маълумот беради.

4.4.Ходимлар мотивациясини бошқариш

Бошқарувда мотивация тушунчаси. Ходимларни мотивациялаш бошқарув психологиясида катта ўрин эгаллаган мавзулардан биридир. Афсуски, мотивация сўзининг ўзбек тилида тўғридан тўғри таржимаси мавжуд эмас ва бу сўз кундалик мулоқотда кам ишлатилади. Шу муносабат билан мотивация сўзининг психологик мазмуни ва бошқарув амалиётида қўлланиш имконияти ҳақида гаплашамиз.

Мотивация мотив сўзидан келиб чиқади ва бирон ҳаракат сабаби маъносини англатади. Фаолият асоси сифатида аввал одамда у ёки бу эҳтиёж пайдо бўлади, шундан сўнг эҳтиёж қондирилиши учун ҳаракат амалга оширилади. Айнан шу ҳаракатга туртки бўлувчи ички куч мотив ва эҳтиёжни қондириш давомида ишга тушувчи қатор мотивлар мажмуаси мотивация деб, аталади. Бошқарув соҳасига оид мотивация - ходим ёки меҳнат жамоасини ташкилот мақсадлари сари фаолиятга ундаш маъносини англатади.


Мотивациянинг икки шакли фарқланади:

1. Ташқи мотивация – ходимларни ишга жалб этиш ва фаолиятга ундаш мақсадидаги ташкилот томонидан амалга оширилувчи тадбирлар.
2. Ички мотивация – одамнинг бирон йўналиш бўйича фаолиятини таъминловчи ўз хоҳиши, эҳтиёжи ва манфаатлари.

Албатта, самарали бошқарув амалиёти нуқтаи назаридан мотивациянинг иккинчи шакли анчагина унумли ва мақбул кўриниш касб этади. Ходимнинг бирон фаолиятни ўзи танлаши, бу фаолиятга фаолликни ўзи қабул қилиши ва мақсад сари йўналиши ҳар қандай раҳбар учун хавас қилишига арзигулик ташкилий масаладир.

Раҳбар ўз итоатидаги ходимни бирон ишга қандай жалб этиш, мақсад сари интилишини таъминлаш ва бошлаган ишини охиригача етказиш ҳақида ўйлар экан, бу йўналишда турли услубларга мурожаат этади. Кимdir ходимни мотивацияловчи омил сифатида пул, моддий маблағ деган тушунча билан яшаса, бошқа бир раҳбар ходимнинг лавозимда, мансабда ўсиши асоси сифатида иш шарт-шароитини яхшилаш ва ходимга муносабатни ижобийлаштириш деб тушуниши мумкин. Албатта, ушбу санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси туртки берувчи куч сифатида иштирок этади.

Мотивация ва шахс эҳтиёжлари. Ҳар қандай мотивациянинг бошланғич нуқтаси қондирилиши лозим бўлган эҳтиёж, заруратdir. Кейин эса ушбу эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ мақсад аниқланади. Аниқланган мақсад ва англанган эҳтиёж ушбу заруратни қондириш объектини излай бошлайди ва инсон шу мақсад сари хатти-ҳаракатни амалга оширади. Бу жараён инсон фаоллигининг энг содда тарздаги баёнидир. Долзарб эҳтиёжни аниқлаш ва уни қондирилиши билан боғлиқ тадбирлар орқали ўзгалар хулқини бошқариш мумкин. Шу фикрга асосланган ҳолда ходимларни бошқаришнинг асосий ғоясини қўйидагича баён этиш мумкин: Ташкилот мақсадини ифода этувчи манфаатларни ходим эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш ходимларни самарали бошқаришнинг асосий шартидир. Одатда, ходим ташкилотга келар экан, доимо уни меҳнатга ундовчи ички куч, қондирилиши лозим бўлган эҳтиёж мавжуд. Раҳбар бу эҳтиёжни тўғри аниқлаши ва ташкилот манфаатлари билан уйғунлаштириши орқали ходим ва ташкилот ўртасида ўзаро яқдиллик ҳисларини ташкил этиши мумкин. Бу эса ходимнинг ташкилот мақсадларини амалга оширишдаги асосий кучлардан биридир. Ушбу фикрни қўйидаги чизма орқали ифодалаш имконияти бор:



10-расм. Манфаатлар мотивация омили сифатида

Ташкилот эҳтиёжларига – корхона мақсади, амалга оширилиши лозим бўлган режалар, имкониятлар ва инсон ресурсларини бошқариш имконияти киради.

Шахсий эҳтиёжлар эса ҳар бир инсонда ўзига хос бўлиб, бошқа ходимларнидан фарқ қилиб туради. Айрим ходимлар хавфсизликка интилишади, бошқаларини маош, айримлари обрў-эътиборга қизикса, баъзи бирлари ўзини янада такомиллаштиришга интилади. Ташкилот ва ходим манфаатларининг мослиги ташқи ишчи муҳитга боғлиқ. Ташкилот ва ходим эҳтиёжларини ифода этувчи доиралар ҳеч қачон бир-бирига мутлақо мос тушолмайди, аммо раҳбар уларнинг ўзаро мос келиш даражасини иложи борича қўпайтиришга интилиши лозим. Баъзи ҳолларда корхона манфаати ходим эҳтиёжига зид келади ва икки доира бир-биридан узоқлашади. Лекин раҳбарнинг вазифаси иложи борича бундай ҳолни сурункали даражага олиб бормаслик ва ҳар қандай шароитда бу доираларни бир-бирига яқинлаштириш йўл-йўриқларини излаб топишдан иборатdir. Демак, ходимнинг етакчи

эҳтиёжини аниқлаш раҳбар олдида турган вазифа бўлиб ҳисобланади ва аниқланган эҳтиёж мазмунига қўра айнан шу ходимга мос келувчи вазифани, бажаришга мойиллиги бўлган тадбирни топиб бериш ушбу шартнинг асосини ташкил этади. Айнан шу мазмундаги бир қанча психолигик таълимотлар борки, улар ҳақида бир мунча чуқурроқ билимга эга бўлиш, ходимларга индивидуал ёндошувни янада такомиллаштиришга ва уларни фаолликка ундашнинг янада самарали услубарини кўллашга асос яратади.

А.Маслоунинг мотивация назарияси. А.Маслоунинг мотивлар иерархияси ҳақидаги таълимотига биноан, инсондаги долзарб эҳтиёж тааллуқли мотивда ўз аксини топади ва шунга мувофиқ ҳаракатни келтириб чиқаради. Бу таълимот бўйича, инсонда мавжуд ҳамма эҳтиёжлар ва шунга мос мотивлар беш асосий групга киритилиши мумкин:

1. Физиологик эҳтиёжлар;
2. Хавфсизликка бўлган эҳтиёжлар;
3. Ижтимоий эҳтиёжлар;
4. Тан олиниш эҳтиёжлари;
5. Ўз-ўзини такомиллаштириш.

А. Маслоу бўйича ушбу груп эҳтиёжлар қўйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:



11-расм. Инсонда мавжуд эҳтиёжлар

1. **Физиологик эҳтиёжларга** инсон организмининг биологик бутунлигини таъминловчи зарурият мужассамлашган: овқатланиш, дам олиш, уй-жой, жинсий эҳтиёжлар ва ҳоказолар. Ушбу санаб ўтилган эҳтиёжларни қондиришнинг асосий шартларидан бири етарли миқдордаги пулга эга бўлишdir. Шундай қилиб, моддий бойликлар, маош, ижтимоий имкониятлар – асосий физиологик эҳтиёжларни қондириш усулиdir.

2. **Хавфсизликка бўлган эҳтиёж** – ҳаётни, саломатликни сақлаш, эртанги кунга ишонч, нафақа билан таъминланишга ишониш ва х.к.

3. **Ижтимоий яқдилликка бўлган эҳтиёж.** Инсоннинг бирон жамоа орқали қабул қилиниши, унинг тан олиниши, унга нисбатан ўзгаларнинг диққат-эътибори ва меҳр-муҳаббатнинг мавжудлиги.

4. **Ҳурмат ва обрў-эътиборга эҳтиёж.** Кимлигини тан олиниши ва ташкилотга кераклигини, атрофдагиларда ўзига нисбатан ҳурматни ҳис этиш,

юксак мавқега эга бўлиш

5. Ўз-ўзини такомиллаштириш эҳтиёжи. ўз қобилиятини янада намоён қилиш, уларни ривожлантириш, ижодий фаолиятда бўлиш, ўз ҳаёти мазмунини англаб етишга интилиш.

А.Маслоу фикрича, юқори поғонадаги мотивлар 1 ва 2 поғонадага эҳтиёжлар етарли равишда қондирилгандан сўнггина ўз фаоллигини намоён этади. Раҳбар ўз итотидаги ходимга хос долзарб эҳтиёжни билган тақдирдагина унга мос муносабат турини қўллаш имкониятига эга бўлади. Демак, қондирилмаган эҳтиёж фаолиятга туртки бўлади ва долзарб эҳтиёж эса фаолиятни бошқарувчи асосий заҳирадир. «Одамларга пул керак бўлса ҳам, лекин улар бажараётган ишларидан қониқишини ва бу билан фахрланишни хоҳлайдилар».

Юқоридаги мотивлар иерархияси ҳақидаги А.Маслоу таълимоти ташкилот ходимлари хулқини тушунишга, уларни мақсадли йўналишда бошқариш учун зарур шароитларни яратишда анча қўл келади. Тан олиниш эҳтиёжини ташкилот миқёсида қондириш ходимни ташкилот ҳаётига, бошқарув қарорларига жалб этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Айнан шу эҳтиёж инсонни ўз касбининг моҳир устаси бўлишга ундейди, уни етук мутахассис сифатида бошқалар тан олиши учун етакчи омил бўлади.

Маслоу фикрича, ўз-ўзини такомиллаштириш эҳтиёжи айrim кимсаларгагина тегишли, чунки кўпчилик одамлар бирламчи ва қўйи эҳтиёжларни қондириш ғамида бўладилар.

Қўйида баён этилувчи Д.Маккеланд таълимоти эса юқоридаги А.Маслоу назарияси билан қисман ҳамоҳанг ва бу таълимот мазмuni кўпроқ раҳбарларга оид хулқни тушунишга имкон беради. Д.Маккеланд таълимотига биноан у ёки бу раҳбар ўз бошқарув фаолиятини қўйидаги эҳтиёжлардан биронтаси доирасида амалга ошириши мумкин: 1) муваффакиятга эришиш эҳтиёжи – рақобатдош доирада ғалаба қозониш; 2) ҳиссий боғлиқликни ифодаловчи эҳтиёжлар – ўзгалар билан илиқ-иссиқ, дўстона муносабатларнинг мавжудлиги; 3) ҳокимлик эҳтиёжи – ўзгаларни назорат қилиш ва уларга таъсир этишга бўлган хоҳиш. қандай эҳтиёж долзарб бўлишига қараб турли раҳбарлар фарқланади.

Ходимларни мотивациялашнинг Херцберг назарияси. Ташкилот ва жамоани бошқариш нуқтаи назаридан Херцбергнинг икки омилли назарияси жуда муҳимдир. Бу назарияга биноан ташкилот миқёсида ходим фаоллигига таъсир этувчи омилларни икки гурухга жамлаш мумкин: 1) ташкилотдаги баъзи шароитлар бўлмаган тақдирда ходимда меҳнатдан қониқмаслик кузатилади, бироқ ушбу шароитларнинг яратилиши ходимни фаолликка ундовчи мотивация кучига эга эмас. Бу омиллар гигиеник деб аталиб, улар қаторига қўйидагилар киради: ташкилот ва маъмуриятнинг сиёсати; меҳнатни техник назорат этиш; бевосита раҳбар билан ходимлар ва шунингдек, ҳамкасабалар билан бўлган муносабат; қийин вазиятларда иш жойидаги хавфсизлик шароити; маош; меҳнат шароитлари; гуруҳдаги мавқе; шахсий ҳаёт. 2) лекин шундай шароитлар ҳам борки, уларнинг мавжудлиги ходимда ўз ишига нисбатан кучли мотивацияни юзага келтиради ва ушбу шароитларнинг йўқлиги кучли

қониқмасликка олиб келмайды. Буларни мотивацион омиллар деб аталади ва улар қуидагилардан иборат: ходимнинг фикри билан ҳисоблашиш; масъулият ва мустақиллик бериш; ўз-ўзини такомиллаштириш ва қобилиятларини ривожлантириш учун имконият яратиш. Шуниси аҳамиятлики, ходимлар иккинчи тоифа шароитлардан қониқкан пайтида ва меҳнатга юксак мотивация кузатилганда гигиеник омилларга хос камчиликлар таъсирига берилмас эканлар.

Эътибор берилса, Маслоу ва Херцберг таълимотларидағи ўхшаш томонни кўриш қийин эмас: Мотивацион омилларни Маслоу таълимотидаги ўз-ўзини такомиллаштириш ва хурмат-эътиборга бўлган эҳтиёжларга қиёслаш мумкин, гигиеник омиллар эса – физиологик, хавфсизлик ва ижтимоий эҳтиёжларга мос келади.

Ходимларни мотивациялашда Мак-Грегор назарияси. Ходимларда мавжуд эҳтиёж ва лаёқатни билишга оид яна бир таълимот муаллифи Д. Мак-Грегор бўлиб, унинг фикрича ходим табиати ҳақида икки хил фикр шаклланган. Шу муносабат билан Мак-Грегор қуидаги кўринишга эга бўлган икки қутбли тавсифни таклиф этади.

6-жадвал.

Мак-Грегорнинг X ва Y назариялариниг қиёсий тавсифи

X назария	Y назария
1. Одам ишлашни ёқтиромайди ва иложи борича меҳнат қилишдан ўзини олиб қочади.	1. Инсон руҳий комилликка эришиши учун меҳнат қилишга интилади
2. Одам ишлашлари учун уни зўрлаш керак ёки уни “сотиб олиш” керак	2. Одам қилаётган иши ўзига қизиқар-ли бўлишини хоҳлайди ва тааллуқли вазият юзага келса жон-дили
3. Одам уни мақсад сари етаклашларини хоҳлайди ва масъулиятни ўз бўйнига олишдан қочади	3. Одам ўз олдига қўйган мақсадга интилади
	4. Мақбул шароитда одам масъулиятлибўлишни истайди ва
	5. Ташкилот томонидан таклиф этилган интизомга нисбатан, ходим ўзи тан олган ва риоя қиласиган интизом анчагина самаралироқ
4. Одам учун асосий мотив пул ва хавфсизлик хиссидир	6. Яхши шароитлар яратилганда одам ўз қобилиятини ривожлантириш ва амалга оширишга интилади

5. Кўпчиликнинг ижодий ишга қобилияти кам ва ходим ўз қобилиятини асосан раҳбарият томонидан берилган ишдан бўйин товлаш учун сафарбар этади

7. Ижод қилиш ва кашфиётга мойиллик кенг тарқалган, лекин жуда паст даражада қўлланилади

Замонавий раҳбар учун ушбу тавсифларнинг «Y» бўлимида келтирилган таърифлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Демак, раҳбар олдида қўйиладиган асосий вазифа – ходимга ўз-ўзини мотивациялаш шароитини юзага келтиришdir. қийин шароитда, масалан, бир хил маромдаги ва зерикарли меҳнат, юқори маош асосий стимулга айланади, чунки ходим қониқиш мақсадида ишдан бўш вақтда яхши дам олиш истагида бўлади.

Агар “X” назарияга биноан иш юритилса, раҳбар ўз қўл остидаги одамлар ҳақида ҳеч нарса билолмайди ва бундай шароитда доимий назорат, қатъий интизом, ходимларни ишга ундовчи аниқ дастур бўлиш лозим.

“Y” назарияга асосланилса, одамлар ҳақиқатан қандай табиатга эга эканликларини биламиз, ва уларнинг ҳар хиллигини ҳис этамиз, уларга хос ҳам кучли ҳам нозик томонларни инобатга олиб бошқарамиз.

Мотивациялаш стратегиялари ва услублари. У ёки бу мотивация стратегиясини қабул қилишга уч хил ёндошиш мумкин:

1. *Рағбатлантириш ва жазолаши орқали:* кўп ва сифатли меҳнат қилаётган ходимларга кўп пул берилади, янада кўпроқ ишлаётган ходимларга эса янада кўпроқ тўланади. Сифатсиз меҳнат қилувчилар жазоланади.

2. *Меҳнат орқали мотивациялаши:* ходимга қизиқарли ва унга ёқадиган иш берилса олинадиган натижа ҳам шунчалик юқори бўлади.

3. *Раҳбар билан бўлган алоқани кучайтириши:* агар ходим топшириқни сифатли бажараётган бўлса, унга ижобий баҳо бериш ва хатога йўл қўйган пайтда эса салбий баҳо беришни мунтазам шаклга келтириш. Ушбу мотивация стратегияси вазиятни доимо таҳлил қилиб бориш ҳамда ходим ва раҳбар муносабатларини мукаммаллаштириб боришни назарда тутади.

Бошқарув амалиётида ходим меҳнат фаолиятини кучайтириш учун қуидаги мотивация услублари қўлланилади:

1. Пул бериш рағбатлантириш омили сифатида.
2. Огоҳлантиришлар.
3. Ташкилот билан яқдиллик ҳиссиётини уйғотиш.
4. қизиқарли меҳнат орқали мотивацияни кучайтириш.
5. Ютуқларни тан олиш ва тақдирлаш.
6. Раҳбарликка жалб этиш.
7. ўзгалар билан ҳамкорликда ишлай олганлиги учун тақдирлаш.
8. Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш.
9. Салбий омилларни камайтириш орқали.

Пул – универсал рағбатлантириш услуби бўлиб, ҳар қандай малака ва маълумотли ходимлар учун аҳамиятли омилдир. Бироқ, бу омил доим ҳам мотивацион кучга эга бўлавермайди. Херцберг фикрича, маошни ошириш доим ҳам меҳнат самарадорлиги ошишига олиб келмайди, аммо ойликнинг паст

бўлса ёки ўз вақтида тўланмаса қониқмасликни юзага келтиради ва иш унумдорлигини камайтиради. Чет эллик олимлар ўтказган тадқиқот орқали аниқланишича, пул қўйидаги тоифа ходимлар учун аҳамиятли омилдир: ёшлар, бир нечта жойда ишлашга қодир профессионал ходимлар ва мақсадга интилувчан кимсалар – бундай ходимлар ташкилотда 25 %ни ташкил этарканлар, 19 % ходим эса ташкилотдаги ўз мавқе ва обрў-эътиборни етакчи ўринга қўяди, улар учун нуфузли ташкилотда ишлаш муҳимдир. Яна 18 % ходим учун жамода ўзини хавфсиз ҳис этиш ва дўстона муносабат етакчи ҳисобланади. Аниқланишича, кўп пул тўланиши яхши ва самарали меҳнат учун асос яратди, дегани эмас, албатта.

Пул мотивация омили сифатида қабул қилинар экан, моддий тақдирлаш ҳам маълум қонуниятлар асосида ўтгани маъқул. Аниқланишича, маошнинг ошиши иш ҳақининг 15-20 %дан 40-50 %гача бўлиши мақсадга мувофиқдир. Маошни қўпайтириш орқали ходим фаоллигининг ошиши ярим йилдан бир йилгача давом этиши аниқланган. Шундан сўнг меҳнат мотивацияси яна сусая бошлайди. Маошни ҳатто 2 баравар оширган тақдирда ҳам маълум вақтдан сўнг ходимнинг меҳнат мотивация пасаяди.

Юқорида таъкидланганидек, маош ҳажми ёш ходимлар учун, шунингдек меҳнат фаолияти қалтис ва зўриқиш шароитларида ўтувчи мутахассислар учун кучли мотивация омили бўлиб ҳисобланади. Сарафланган куч ва гайрат тезда тикланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ижодий салоҳиятга эга ва мустақил фаолият юритишга мойил ходимлар учун маошни ошириш етакчи мотивация омили бўла олмайди.

Пул мотивация кучига айланиши учун у ҳақиқий меҳнат ҳақига айланиши керак. Бунинг учун эса ҳақ тўлашда қўйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

1. Мутахассисларни ишхонада ушлаб туриш учун рақобатдош иш ҳақини тўлаш керак.

2. Ҳаққонийлик тамоилилига амал қилган ҳолда ҳақиқий меҳнат ҳақини ифодаловчи маошни тўлаш керак.

3. Меҳнат ҳақини бажарилган иш натижаси, унинг сифати билан боғлаш лозим, бу орқали ходим ўз интилишлари қанча туриши ҳақида аниқ таасавурга эга бўлсин.

4. Ходим ўз ҳаракати тааллуқли тарзда моддий рағбатлантирилиши ҳақидаги ишончга эга бўлиши керак.

Моддий рағбатлантиришнинг маошдан ташқари турлича бошқа шакллари мавжуд. Масалан, чет эл илғор фирмаларида қўйидаги рағбатлантириш шакллари қўлланади:

- Яхши ходимларнинг ҳар ярим йилда маоши ошиб боради;

- Ташкилотда 5, 10 ва ҳ.к. йиллар давомида меҳнат қилганлиги учун мукофот пули билан тақдирлаш;

- Йил давомида касаллик варақаси олмаган ходимга ресторонда 2 кишилик кечки овқат учун пули тўланган чипта бериш;

- Кадрлар бўлими томонидан ходим зиммасида турган баъзи муаммоларни ҳал этиш. Фарзандлар билан бўлган муаммолар, ходимнинг банк қарзларини қисман қоплаш, ходим касал бўлган пайтда ёрдам кўрсатиш, зарур

бўлган пайтда бепул юридик хизмат ва ҳ.к.;

- Нуфузли клиникада тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма;
- Ҳаёти ва соғлигини суғурталаш;
- Фарзандларини ўқув юртида ўқитиш учун фоизсиз пул кредитлари бериш;
- Болалар боғчасига ташкилот томонидан пул ўтказилиши;
- Коллектив гаражларни қуриб бериш;
- Фирма автомашинасидан бепул фойдаланиш;
- Шахсий автомобил ремонти ва ёқилғиси харажатларини қоплаш ва шу каби бир қанча имтиёзлар ходимга кўрсатиладиган моддий рағбатлантириш турларига киради.

Қайта алоқа мотивациялаш омили сифатида. Инглиз психологи Дж. Браун таъкидлашича, ўз меҳнати натижалари ҳақидаги маълумотнинг йўқлиги ташкилотга ва меҳнатга бефарқликни юзага келтиради. Ходимга унинг иш натижалари ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш кучли мотивация омили эканлиги исботланган. қатор тадқиқотларда аниқланишича, ходимни мунтазам равишда фаолият натижаси ҳақида хабардор қилиш унинг меҳнат самарадорлигини 12-15 % оширган. ҳар бир ходим ўз меҳнат натижаси ҳақида маълумот олиб туришни хоҳлади. Меҳнат ютуқлари шу заҳотиёқ тақдирланганда унинг самараси юқори бўлади. Эришилган натижа ҳақида кечикириб ташаккур билдириш бу тақдирлашнинг аҳамиятини тушириб юборади. «ўз вақтида берилган нарса икки баробар қийматга эга» деган мақол ҳам бежиз эмас.

Ходим ёши ва мотивациялаш ҳусусиятлари. Ташкилотдаги ходимларнинг хоҳиши ва эҳтиёжи турлича бўлиб, уларнинг жинси ва ёши, ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб у ёки бу тадбирни қўллаш кифоя, деган умумий маслаҳатни бериш жуда қийин. Лекин, шахснинг ишchanлик ҳусусияти кўп ҳолларда айrim қонуниятларга мос келиши ҳам мумкин. Масалан, баъзи бир олимлар таъкидлашича инсон йигитлик даврида (25-30 ёш) ўз-ўзини тасдиқлашга интилади, илк катталик даврида (30-45 ёш) лавозимда ўсишга, етук даврида (45-65 ёш) эса эришган ютуқларини сақлаб қолиш ниятида бўлади. Бундай оддий схемалар психология фанида мавжуд ва айrim пайтда улардан рағбатлантириш тизимини шакллантириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Ходимларни нафақат тақдирлаш, балки йўл қўйилган **хато учун жазолаши** ҳам кучли мотивация омилидир. ўз вақтида ва адолатли берилган танбех ходимни ўз меҳнат натижаларини яхшилашга ундейди. қандай муҳитда танбех бериш ҳам катта аҳамиятга эга. «Агар меҳнат интизомини бузсангиз қаерда огоҳлантириш олишни маъқул кўрардингиз?» деган саволга берилган жавоблар қуйидагича: 77,4 % - ўз бўлимимда (бригадада), 18 % цехда, 4,3 % ишчилар эса ташкилот миқёсида деган жавобни танлашган.

«ўз меҳнат ютуқларингиз ҳақидаги ташаккурномани қаерда эшитишни ҳоҳлардингиз?» деган саволга олинган жавоблар эса қуйидагича кўринишга эга: 5,4 % бўлимда (бригадада), 39,7 % цехда ва 54,9 % ходимлар эса ташкилот миқёсида деб танлашган. Ушбу маълумотлар раҳбарга ташкилотда

рағбатлантириш ва жазолаш услубларини оқилона тарзда қўллай олиш учун имконият яратади.

Ходим руҳиятини ташкилот қадриятлари билан уйгунлаштириши

- умумий мақсадни шакллантиришдаги фаолият ҳам ходимни юксак кўрсаткичлар билан меҳнат қилишидаги тадбирлардан биридир.

Бажарилаётган *ишига қизиқиши уйготиши*, меҳнатдан қониқиши олиш бўйича харакатлар, бажарилаётган меҳнатнинг ходим қобилиятларига мослаштириш, ҳамда ходимни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш ҳам унинг ташкилот миқёсидағи фаоллигини оширувчи омилдир.

Ўз-ўзини баҳолаши мотивация омили сифатида. Меҳнат мотивациясини шакллантириш услубларидан бири ходимнинг фаолият мақсадини аниқлаши ва баҳолашида шахсан иштирок этишидир. Бундай тадбирда ходим раҳбар билан биргаликда мақсадга эришиш мезонини ишлаб чиқадилар ва вазифа адо этилгандан сўнг ходим мавжуд мезондан келиб чиқсан ҳолда ўзи ўзига баҳо беради. Мана шундай баҳони йиғилиб борувчи баллар – бонусга айлантириш орқали ходимларни тақдирлаш тизимини ишлаб чиқиш мумкин. Натижада ходим ўз-ўзини тақдирлаш тизимиға жалб этилади ва мотивацияни янада кучайтириш имконияти туғилади. Рағбатлантириш омили сифатида турли мукофотлар, йўлланмалар, пул маблағлари таклиф этилиши мумкин. Ходим ўз олдига вазифани ўзи қўйганлиги учун уни бажаришга интилади, акс ҳолда бонусга ва ютуқقا эга бўлолмайди.

Эришилган ютуқларни *тақдирлаши услугини ўзгартириб бориши* ходимнинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун яхши асос ҳисобланади. Бу борада ходим эришган ютуқларни моддий рағбатлантириш билан бирга лавозимда ўсиш каби имкониятни ҳам қўллаш ўринлидир. Сурункали равишда яхши натижа кўрсатаётган ходимни лавозимда кўтариш унинг иш услубини доимо юқори савиядаги ушлаб туриш учун мотивация омилидир. Лавозимда ўсиш кўпгина етук корхоналар орқали асосий мотивацион омиллар қаторида қўлланилади. Бунга мисол тариқасида чет эл илғор компанияларида қўлланувчи тажрибалар ҳақида қисқача гапириб ўтиш мумкин. Масалан, Германиядаги баъзи компанияларда мутахассис ва раҳбарлар лавозимда ўшишлари истикболи ҳақида батафсил маълумотга эгалар. Одатда корхонадаги ҳар бир иш жойи меҳнат шароитларига оид Женева схемаси асосида баҳолаб чиқилган ҳамда иш жойларига оид маошлар матрицаси яратилган. Бу матрицада бир хил имкониятли ва маошга эга бўлган касблар горизонтал тарзда, ёки баланд маошли ва мавқели жойлар эса вертикал тарзда жойлаштирилади. Ходим ўз имконият ва қобилиятидан келиб чиқсан ҳолда хизмат поғонасида ўшишнинг турли вариантлари билан танишиши ва танлаши имкониятига эга.

Лавозимда ўсиши мотивацион омил сифатида иш жойига келаётган ёш мутахассислар учун катта туртқидир. Бу хусусда яна чет элда мавжуд бой тажрибаларга мурожаат этиш мумкин. IBM компаниясида юқори бўғин раҳбарлик лавозимига мос номзодлар анча эрта аниқланади ва кейинги 10 йил ёки ундан ошиқ вақт давомида уларни лавозимда кўтаришга тайёргарлик ишлари олиб борилади. Тайёргарлик даври шундан иборатки, ходим мансабда ўсиб борар экан, бу вақт мобайнида уни йирик хатодан иложи борича асраб

келинади. Мана шундай “тарбия” натижасида ўз-ўзига ишонган, компания маданияти билан сугорилган раҳбар етишиб чиқади. Бундай тадбир раҳбарликка номзод ходимларни индивидуал тарзда пухта ўрганишни, унинг қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш бўйича алоҳида тадбирлар ташкил этиш имконини беради.

Чет эл етакчи компанияларининг яна бирида ходимнинг лавозимда ўсиши қўйидаги тартиб бўйича амалга ошади. Олим ва инженерлар ўз лавозимларида белгиланган маош билан ишлар эканлар, улар тамоман янги ғояни илгари суришлари мумкин. Агар бу ғоя жорий этилса раҳбарият янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича гурӯҳ ташкил этади. Маҳсулот бозорга чиққанда ходим “маҳсулот бўйича инженер” номини олади. Ушбу маҳсулотни сотиш ҳажми 1 млн. долларга етса кашфиёт ўзлаштирилган маҳсулот тоифасига киритилади ва бўлим мавқеи ўзгаради. Сотув 5 млн. га етганда яна ўзгариш бўлиб ўтади, инженер эса “маҳсулот бўйича менежер” лавозимини олади. Сотиш ҳажми 20 млн.га етиши мустақиллик учун яна бир поғона ва ниҳоят 75 млн.га етганда бўлим ўз раҳбарига эга алоҳида хўжаликка айланади. Шундай қилиб, олинаётган даромад иложи борича рационализаторнинг ўз хўжалигига келиб тушаверади.


Раҳбар ўзининг айрим *вазифаларини илғор ходимларга тақсимлаши* орқали ходимнинг ташкилотда фаол ишлари таъминланади. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқишига жалб этиш, уларнинг ижроси бўйича айрим вазифаларни ходимлар зиммасига юклаш ташкилот қадриятлари ва мақсадларини қабул қилишни кучайтиради ва мотивацион омил сифатида қўлланилади.

Салбий омилларни чеклаш эса Херцберг кўрсатган гигиеник омиллар таъсирини иложи борича камайтиришда ифодаланади. Булар қаторига: ҳақ тўлашдаги адолатсизлик, қоникарсиз иш шароитлари, назорат шаклининг иш услугига мос келмаслиги, ортиқча маъмуритчилик ва шу каби салбий сабаблар киради.

Меҳнат самарадорлигини оширувчи қўйидаги услублар мавжуд:

- Иқтисодий услублар (пул билан рағбатлантириш ёки мукофотдан маҳрум қилиш ва жарима солиш қабилар).
- Мақсадни ифодаловчи услуг (ходимлар олдида аниқ ва тушунарли мақсадни қўйиш уларнинг фаоллигини оширади).
- Меҳнат кўламини кенгайтириш ва бойитиш (меҳнатни кенгайтириш деганда ходим бажараётгандан кўра кўпроқ ҳажмда ишни бериш, бойитиш деганда эса бажарилаётган ишдан кўра мураккаброғини, қизиқарлироғини, янада аҳамиятлиси, савия жиҳатидан юқорироғини таклиф этишни назарда тутади).
- Жалб этишни кучайтириш (ходимни бошқарув қарорлари қабул қилиш ва ижро этишга жалб этишни назарда тутади).

Чет эл илғор фирмаларида меҳнатга янги мазмун бағишлиш энг самарали натижа бераётган мотивацион услублар қаторидан ўрин олади. Бу услуг партисипативлик тамойилига асосланган бўлиб, ходим билан иложи борича горизонтал алоқани кучайтиришни тақозо қиласи.



12-расм. Ташкилотдаги мотивация омиллари

«Эркин иши режаси» мотивация услуги сифатида. Меҳнатни ташкил этишининг эркин режаси каби услуг қатор чет эл компанияларида жорий этилган тажриба бўлиб, унинг мазмуни қуидагича. Бу услугга биноан соат 8 дан 17 га қадар ишлайдиган ташкилотга ходим эрталаб 8-10 лар чамаси хоҳлаган вақтида келиши ва 15-17 лар чамаси кета олади; 10-12 ва 14-15 соатлар оралиғида у албатта иш жойида бўлиши шарт. Ходим 12 дан 14 га

қадар хоҳлаган вақтида 30 минутга тушлик овқатга вақт ажратишига рухсат берилади. Бундай “кундалик тартиб”да ходим ўз вақтини ўзи бошқаради ва ўз иши учун ўзи масъул бўлади. Мазкур тартиб жорий этилган ташкилотларда иш унумдорлиги 3 дан 12% гача ўсган, ишдан бўшашлар сони камайган ва жамодаги психологик муҳит яхшиланган. Фақат вақтни ҳисобга олиш бироз қийинлашади. Ходимларнинг ишга келиш ва кетиш вақтлари эса маҳсус электрон карточкасида белгиланиб боради ва меъёридан ошиқ ишланган вақт меҳнат татилига қўшиб берилади.

Ташкилот ҳаётининг ходим мотивациясига таъсири. Ташкилотлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши, маҳсулот ишлаб чиқаришда янги ихтиrolарга талаб ошиши шароитида ходимлардан иложи борича фаоллик ва ташабbus кутилади. Бундай вазиятда ходимнинг ички мотивациясини кучайтириш ташкилот олдида турган вазифаларни ҳал этишдаги асосий омиллар. Матндаги демотивация сўзи – мазмун жиҳатидан мотивацияга қарама-қарши маънони англашади ва ходимнинг фаолиятини сусайтирувчи туsicк сифатида тушунилади.

Қатор тадқиқотлар асосида ташкилотдаги мавжуд турли омилларнинг ходим мотивациясига таъсирини чизма кўринишида баён этиш мумкин. Чизмадан кўриниб турганидек ташкилотда қатор омиллар борки, улар ходим мотивациясини кучайтиради. Булар орасида энг аҳамиятлиси ходимни мутахассис сифатида тан олиш, у билан маслаҳатлашиш, ходимга ўз касби устаси мақомида унга ишонч билан қарашдир. Бажараётган ишидаги юқори натижалар ходимнинг ғайратига ғайрат қўшади ва фаоллигини оширади. Бу борада ходим қобилиятига мос вазифа бериш ва уни муваффақиятли адо этишни таъминлаш жуда муҳимдир. Ходим томонидан ташкилот мақсадини аниқ тасаввур этиш ва бу мақсадни қабул қилиш кучли мотивация омили ҳисобланади.

Ушбу рўйхатнинг пастки қисмида ходим мотивациясига салбий таъсир этувчи омиллар ўзининг таъсирчанлиги бўйича фоиз кўрсаткичидан келтирилган. Улар қаторига – ходимни танқид қилиш ва уни тан олмаслик; малакасиз бошқарув фаолияти; ходимнинг ташкилот ҳаётидан бехабарлиги; ҳаддан ташқари ҳажмдаги иш билан таъминлаш ёки аксинча, ишнинг камлиги туфайли бўш қолишлар; вазифани бажариш мобайнидаги муваффақиятсизлик; хизмат юзасидан ўз мажбуриятларини аниқ билмаслик ва мақсаднинг йўқлиги каби сабаблар кирар экан.

4.5. Ташкилотда низоларни бошқариш

Низо табиати. Одатда, низо деб, қарама-қарши йўналган қарашларга, нохуш ҳиссий кечинмалар билан боғлиқ гурухлараро ёки шахслараро муносабатлар оркали ифодаланувчи тўқнашувларга айтилади.

Психологик нуқтаи назардан қараганда, одамларга ҳалокатли таъсир этадиган холат низоларнинг ўзи эмас, балки уларнинг оқибатидир. Низолар оқибатида инсон руҳиятида қўрқинч, ваҳима, довлат каби салбий хислар юзага келади. Агар мазкур кечинмалар кучли бўлса ва узоқ муддат давом этса, одамда ҳимоя реакцияси пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши мумкин.

Низо натижасидаги салбий холатлар шахснинг ҳиссиёти, хатти-харакатлари, тафаккур ва ҳатто характерида маълум ўзгаришлар содир этади. Бу ўзгаришлар шахснинг хулқ-атворида намоён бўлиб, мазкур субъект қатнашаётган бошқа вазиятларга ҳам тарқалади ва ўзаро муносабатларнинг кенг соҳаларини эгаллай бошлайди. Масалан, қўрқув ва хавф муҳитида тарбияланган одам кейинчалик худди шундай муҳитнинг манбаига айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. У ҳатто ўз болаларини ҳам шундай муҳитда тарбиялайди ёки қўл остидаги ходимларни шу услугда бошқаради.

Аниқланишича, меҳнат жамоаларида низодан сўнгги кайфиятнинг бузилиши ва тинчлангунча ўтадиган вақт шу низога тайёрланиш даврига нисбатан уч баравар кўпроқ муддатни эгаллар экан.

Жамоаларда низо сабабларини тадқик этиш натижасида зиддитяларни юзага келтирувчи қатор омиллар аниқланди. Булар қаторига меҳнат ресусларининг чегаралангандиги, ишлаб чиқаришга оид масалаларнинг узвий боғлиқлиги, ходимларнинг ташкилот келажаги ҳақидаги тасаввурларининг ноаниқлиги, ташкилот ичидаги коммуникациялардан қониқмаслик, кадрларни тайёрлаш даражасининг пастлиги ва шу каби сабаблар киради.

Конструктив ва деструктив низолар. Фикрлар қарама-қаршилиги намоён бўлаётганда зиддият манбай яширинмаган бўлса, низо жамоа ҳаётида ижобий рол ўйнаши мумкин. Низонинг айнан шу хусусиятини олимлар «низонинг конструктивлиги» деб аташади. Ташкилотда конструктив низолар, даставвал, меҳнат фаолиятидан келиб чиқувчи принципиал муаммолар юзасидан пайдо бўлади. Манфаатлар қаршилиги юз берар экан, ким учундир иш жойи аҳамиятли бўлиб, бажараётган меҳнати катта мавқега эга. Айни пайтда бошқа бир ходим эса иш билан боғлиқ бўлмаган шахсий ниятларини асосий масала деб қарайди. Мазкур вазиятда мавжуд қарама-қаршиликни юзага келтирган муаммо ечилса ушбу низо ҳам йўқолади. Лекин, бирон иш юзасидан пайдо бўлган низо инсоннинг ҳиссиёт соҳасига кучли таъсир этиши ва ўзининг деструктив хусусиятини намоён этиши мумкин. Деструктив низо салбий кучга эга ва гурух ишининг самарадорлигини сусайтиради.

Конструктив низо доимо ушбу зиддият манбани аниқлаш ва уни иложи борича томонлар манфаати йўлида ўзгартиришга қаратилган. Деструктив низода эса томонлар иккинчи даражали масалаларни, масалан шахсий ғуруларини дикқат марказига қўядилар ва низонинг асл сабаби четда қолиб кетади. Шу боис, конструктив низолар функционал моҳиятга эга ва улар ташкилотнинг олға силжишига мадад беради.

Низолар ташкилот миқёсида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш заруратини қўяр экан, конструктив низода қарама-қаршилик ижобий натижага йўналади, асосланган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради ва жамоадаги ўзаро муносабатларни ривожлантиради.

Низо турлари. Низонинг қўйидаги асосий турлари фарқланади:

- шахсий;
- шахслараро;
- шахс билан гурух ўртасидаги;
- гурухлараро;

- ижтимоий.

Раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида санаб ўтилган инзоларнинг ҳар бири билан тўқнаш келади. Шу муносабат билан қуйида улар юзасидан маълумот бериб утамиз.

Шахсий низолар. Низонинг бу тури айрим пайтда ички низо деб ҳам номланади. Низонинг бу кўринишига шахснинг ички зиддиятлари сабаб булиб, бундай тафовутларни юзага келтирувчи омилларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Инсоннинг эҳтиёжи, интилиши ва қадрияти унинг ўз бўйнига олаётган масъулияти билан қарама-қарши бўлиб қолади; 2) Шахснинг унга қўйилаётган талабларга бош кўтариши натижасидаги ички түғёнлари. Мисол тариқасида ташкилот миқёсида учраб турадиган қуйидаги ҳолатларни эслаш мумкин: Ходим бирон ишни пухта бажаргиси келади, лекин вазифани якунлаш муддати уни шошилтиряпти. Натижада, муддатдан кечикмаслик хоҳиши ва меҳнатга сидқидилдан муносабатда бўлиш каби икки хоҳиш ўртасида низо юзага келади. Демак, инсоннинг дунёқараши ва одатлари ўртасидаги бундай номувофиқлик ички низонинг асосида ётади. Ички низога яна бир мисол сифатида ходимнинг икки раҳбардан бир вақтнинг ўзида топшириқ олиши ва қайсинисини биринчи навбатда бажариши масаласида қийналишини ҳам келтириш мумкин. Бу иккала мисолда қамраб олинган низо сабаби ташқи муҳит билан белгиланган.

Шахслараро низо. Меҳнат жамоаларида низонинг бу тури қўплаб учрайди. Аксарият раҳбарларнинг фикрича, бундай низонинг ягона сабаби – ходимлар характерларининг ўзаро номутаносиблигидир. Бироқ, мазкур низога оид вазиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахслараро зиддиятлар асосида, кўп ҳолларда, объектив сабаблар ётар экан. Булардан бири - ташкилотдаги ресурсларнинг чекланганлигидир. Масалан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, уларга эгалик килиш, иш вақтига ва интизомга риоя этиш, ишчи қучига бўлган талабдан келиб чиқувчи муаммолар шулар жумласидан. Одатда, ҳар қандай ходим бундай ресурсларга бошқа кимса эмас, балки айнан ўзи муҳтож деб ҳисоблади. Раҳбар билан ходим ўртасида низо юзага келаганда эса, ходим ўзига ажратилаётган иш ҳажминиadolatsiz деб ҳисоблаши, раҳбар эса ходим ишга совуққонлик билан қарайпти деган фикрда бўлиши мумкин.

Шахс билан гуруҳ ўртасидаги низо. Ҳар қандай гуруҳ ичida ўзаро муомала, меҳнат фаолияти ва хулқ-атвор нормалари шаклланади. Гурухнинг ҳар қандай аъзоси бу нормалардан келиб чиқувчи талабларни бажариши шарт. Қабул қилинган нормадан четланиш салбий ҳодиса деб баҳоланади ва шахс билан гуруҳ ўртасидаги низони келтириб чиқаради. Низонинг бу тури ҳатто раҳбар ва унга итоат этувчи ходимлар ўртасида ҳам содир бўлади. Масалан, раҳбар томонидан кўлланувчи бошқарув услубининг ўзгариши, кўп ҳолларда, у билан ходимлар ўртасида зиддият келтириб чиқариши мумкин.

Ташкилот миқёсида энг кўп муаммолар гурухлараро ва ижтимоий низолар асосида юзага келади. Бундай низоларни ҳал этишда раҳбар ўз маслакдошлари ва ёрдамчилар кўмагига муҳтож бўлади.

Гурухлараро низо. Мазкур низо манбаларидан бири - жамоадаги расмий ва норасмий гурухлар ўртасидаги мавжуд муаммолардан келиб чиқади. Масалан,

ташкилот раҳбарияти билан ходимлар ўртасида, бўлим ичидаги норасмий гурухлар орасида, маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида юзага келадиган низолар бунга мисолдир.


Афсуски, гурухлараро низонинг тез-тез учраб туришига мисол қилиб бошқарувнинг олий ва нисбатан қуий бўғинлари ўртасидаги келишмовчиликни келтириш мумкин. Бундай низо ташкилот нуфузи ҳамда меҳнат самарасига катта путур етказади, ходимлар орасида саросима ва иккиланиш тарқатади, келажакка ишончнинг йўқолишига олиб келади ва натижада меҳнат мотивацияси сусаяди. Гурухлараро низонинг асосий сабабларидан бири ташкилотда ижтимоий рақобатнинг мавжудлигидир. Бунда бир жамоа аъзолари бошқа гурухга хос бўлган жиҳатларни салбий деб баҳолашади, уларни ёмон хулқ-автор эгаси сифатида идрок қилишади. Мазкур низо натижаси сифатида ўзга гурухга нисбатан тажовузнинг юзага чиқиши кузатилади. Бинобарин, гурухлараро низо натижасида ходим ўз гурухини нисбатан юксак ва ижобийроқ баҳолайди.

Гурухлараро низода психология фанида «атрибуция» деб номланувчи ҳодиса кузатилади ва бунга мувофиқ ўзга томон вакилларига асосланмаган тарзда у ёки бу хислатлар мансуб деб топилади. Масалан, бирон салбий ҳодисалар учун айнан бегона гурух сабабчи, деб ҳисоблаш одатий ҳолга айланади.

Низоларни таҳлил этишда алоҳида ўринни ижтимоий низолар эгаллайди. Ижтимоий низо – синфлар, миллатлар, давлатлар, ижтимоий институт ва жамоаларнинг тўқнаш келишида ўз ифодасини топади. Ижтимоий низо – ўзида бир қанча жабҳаларни мужассам этган мураккаб ҳодисадир. Бундай зиддиятда қарама-қарши томонлар мақсад ва манфаатлари, харакатнинг анъанавий услублари ифодаланади.

Низо жараёнининг динамикаси. Низоларни ҳал этиш уларнинг ички қонуниятларини аниқлаш ва таҳлил этиш заруратини қўяди. Ўзаро зиддиятларнинг юзага келиш ва ривожланиш хусусиятини билган ҳолдагина унга аралашиш ва демак бошқариш имкониятини топиш мумкин. Бу масала низо ривожланишидаги қуидаги босқичларни фарқлаш заруратини қўяди:

1. Ўртадаги мавжуд зиддиятни англаш.
2. Низоли вазиятни англаш.



3. Низоли хатти-ҳаракатни амалга ошириш. Бу босқичда ўзаро зид ўналган ва ҳиссий кўринишга эга бўлган ҳаракатлар содир этилади.

4. Низонинг тугаши ва низо иштирокчилари томонидан бўлиб ўтган воқеани баҳолаш.

Тасвирда келтирилган биринчи босқичда одам ўзгага нисбатан ички түғёнини англайди. Баъзи кимсалар мана шу ҳолатдаёқ зиддиятни ривожланитирмасликка ҳаракат қилиб, мулоқотни давом эттиришдан ўзларини олиб қочишади. Зиддиятли муносабатни давом эттириш натижасида низоли вазият юзага келади ва мулоқот иштирокчилари ўртада низо пайдо бўлаётганини англаб етишади. Бу вазиятни ривожлантириш натижасида бевосита низо амалга ошади ва ушбу учинчи босқич ўзаро муносабатнинг очикойдин кескинлашуви билан ҳарактерланади. Таъкидланаётган босқичда томонлар бевосита низо жараёнига қадам қўядилар ва эътиборни ўз манфаатларини химоя қилиш билан бирга ўзгани айблаш ва шаънига тегиш ҳаракатини амалга оширадилар. Шу босқичда низоли муносабатларнинг юқори чўққига кўтарилиши ва бу ҳолат ихтилоф ибораси билан ифодаланиши мумкин. Бунда низо иштирокчилари нафақат вазиятни, балки ўзларини ҳам идора этолмай қоладилар, бутунлай ҳислар түғёнига бериладилар.

Ихтилоф тугагандан сўнг, низонинг сўниш босқичи кузатилади ва одамда бўлиб ўтган воқеага танқидий кўз билан қараш имконияти туғилади. Кимdir бўлиб ўтган ҳодисадан афсусланса, иккинчи бир кимса эришган «ютуғидан» ҳатто роҳат ҳам олади. Аммо, низони бошқариш йўлини танлаган раҳбар иложи борича вазиятни кескинлатмаслик ва низони конструктив томонга буриш ихтиёрида бўлади. Шундай ниятдаги раҳбар йўл қўйилган ихтилофни яна бир талофат сифатида қабул қилиши, низо тугагандан сўнг бўлиб ўтган воқеа хусусида афсусланиши турган гап. Шундай экан, раҳбарнинг низога конструктив ёндошувини таъминловчи асосий услуб - бу низонинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларидаёқ уни кескинлатмаслик йўлини топиш, иложи борича шу даврда уни конструктив томонга йўналтиришдан иборатдир. Аммо, низолар бошқаруви бўйича кўп йиллик тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, одам низо шароитига кирганда кўпинча ўзини бошқаролмай қолади ва гирдобга тушиб қолгандай низо йўналиши бўйлаб оқиб кетади. Хўш, одам низо оқимиға тушиб қолмаслиги учун нима қилиши керак, низонинг бошланғич босқичларида ўзини тийиш ва демак низоли вазиятни бошқариш имконияти қандай?

Низони ҳал этиш стратегиялари.

Низо предмети доирасида муносабат қуриши. 4.5.1 расмдан кўриниб турганидек, низоларни бошқаришнинг энг мақбул имконияти жараённинг бошланғич икки босқичидадир. Айнан ўзаро зиддият ва низоли вазият юзага келаётганини англаш даврида шахс кейинги босқичларга ўтиб кетмаслиги ва жўш уришни бошламаган ҳисларнинг олдини олиш мумкин. Низонинг бу даврида эътиборни зиддият предметига қаратиш лозим. Ҳар қандай низони юзага келтирувчи сабаб унинг предметида жойлашган. Бинобарин, низонинг ривожланиши диққатни предметдан муносабатлар соҳасига ўтказиш билан

характерланади. Ўзаро зиддиятдан келиб чикувчи низо муносабатлари ҳиссий түфёнда ў аксини топади. Психология фанида ҳиссиёт инсон муносабатларини акс эттириш жараёни, деб таърифланиши ҳам бежиз эмас.

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйида низоли вазиятни тўхтатишнинг асосий шарти ва имконияти сифатида низо предмети доирасида ҳаракат этиш зарурати таъкидланадаи. Бундай ҳаракатда ҳамма эътибор нима сабабдан низо келиб чиққанлиги ва муаммони ҳал этишга интилиш, иложи борича шахсий муносабатни ошкора этиш доирасига ўтиб кетмаслик лозим.

Дикқатни кўчириши. Низоли вазият ривожланаётганлигини англағанилган заҳотиёқ бирон нарсага дикқатни кўчириш, бегона объектларга эътиборни қаратиш лозим. Бундай пайтда вазиятни ҳазилга йўйиш, бирон баҳона топиб хонадан чиқиб кетиш ва умуман, вазиятдан дикқатни чалғитиш лозим.

Аниқланишича, инсон низо босқичлари, уларнинг ҳар бир хусусияти ҳақида гарчанд кўп билимга эга бўлмасин, ўз-ўзини идора этиш доим ҳам осон иш эмас. Шу муносабат билан низоли вазиятни бошқариш малакасини шакллантирувчи қуйидаги осонгина машқни таклиф этиш мумкин. Ҳар қандай низоли вазият бўлиб ўтгандан сўнг шу вазиятнинг бошланиши, ривожланиши, ҳар бир босқичдан ўтишини кўз олдингиздан ўтказинг. Миянгизда худди кинфоильмга ўхшаш тасаввурлар ёрдамида бўлиб ўтган жараённи қайта тасвирланг. Низонинг қайси қисмида тетик ҳаракат қилганингиз ва қаерда жараён ривожаланишини тўхтатиш имкониятим бор эди, деб ўзингиздан сўранг. Шундан сўнг ушбу воқеа тасвирланган «кинофильмни» тескари ҳолда кўз одингиздан ўтказинг, яъни низонинг охиридан токи бошланиш нуқтасига қадар вазиятни қайта тасаввур этиб чиқинг. Бир воқеани бошидан охирига ва қайта тарзда жонлантириш ўхшаш вазиятларни назорат эта олиш ииконини янада оширади, жараёнга совуққонлик билан қараш, шу каби вазият яна қайталаганда уни четдан кузата олиш малакасини яратишда биринчи қадам бўлиб ҳисобланади. Низонинг бошланғич босқичларида вазиятдан ўзини ажратса олиш қурбига эга бўлган одам ҳоҳласа низони ривожлантирмай, бамайлихотир муҳокама килиши ёки бўлмаса, ҳозирча бошқа нарсаларга дикқатини йўналтирган ҳолда ўзга томон юпангандан сўнг яна масалани муҳокама этишга қайтиш имкони бор.

Идрокдаги тасаввурлар тизими низо омили сифатида. Низонинг юзага келишидаги яна бир туркум сабабларга низоли вазиятда инсон идрокида юзага келувчи тасаввурлар тизимини киритиш мумкин. Россиялик тадқиқотчи А.Г Шмелев кичик гуруҳлардаги низоларни юзага келтирувчи омилларни ўрганар экан, низоли вазиятнинг низо даражасига ўсиб ўтишини айнан шундай тасаввурлар тизими билан асослайди. Хусусан, инсон идрокида содир бўлувчи «эгоцентрик тасаввурлар тизими»да низо иштирокчиси бутун вазиятнинг марказига ўз манфаатини, мақсад ва эҳтиёжларини қўяди. Бундай кимса низо оқибатини фақатгина шахсий манфаатининг қондирилиши нуқтаи назаридан таҳлил қиласиди. Атрофдаги одамлар, нарса ва ҳодисалар эса мақсадга эришиш воситаси сифатида қабул қилинади. Зиддият тақозоси билан юзага келган вазиятга бундай ёндошув низонинг янада кескинлашувига асос бўлади.

Низоли вазиятга ва иштирокчиларга нисбатан намоён бўлувчи иккинчи

хил муносабат «альтероцентрик тасаввурлар тизими»га асосланади ва бунда асосий эътибор ўзга томоннинг манфаати ва мақсадларини қондиришга йўналади. Атрофдаги барча воқеа ва ҳодисалар (шу жумладан иштирокчининг ўзи ҳам) ўзга томоннинг мақсадини қондириш воситаси сифатида акс эттирилади. Ҳар қандай низоли вазиятнинг юзага келиш сабаби сифатида ўзини асосий гуноҳкор деб ҳисоблайдиган кимсаларни айнан шу тоифага киритиш мумкин. Бундай одам ҳаддан ташқари куюнувчан, ўзганинг манфаати ва хоҳишиларига эътибори баланд бўлади. Бу тоифа кимсалар иштирокидаги зиддият низо даражасига кўтарилиб етмайди, лекин вазият тақозоси билан ўзганинг манфаати учун қайғуриш натижасида унинг ички низоси ривожланиб боради ва ўзга томонга нисбатан адоват ўти аланга ола бошлайди. Ташқи томондан тинч ва сокин муносабатлар остида кўнгил туғёни ва адолатсизликдан нолиш белгилари ўрин олади.

Низоли вазиятда шаклланадиган учинчи хил муносабат шакли «социоцентрик тасаввурлар тизими» деб аталади. Бундай тизим аввалги икки моноцентрик (бир марказли) тизимдан фарқли ўлароқ полицентрик, яъни кўп марказли қўринишга эга. «Социоцентрик тизим»да вазиятни ҳал этиш низонинг барча иштирокчилари манфаатига йўналган бўлиб, инсон муаммоли вазиятни ҳал этишда кўпчиликнинг эҳтиёжини назарда тутади.

Албатта, низоли вазиятни муваффақиятли ва ўринли ҳал этиш инсоннинг айнан «Социоцентрик тизим»га мойиллиги орқали таъминланади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай одам у ёки бу низоли вазиятлар тақозоси билан уччала санаб ўтилган тизимлар бўйича тажрибага эга. Лекин низоли вазият юзага келганда иложи борича «Социоцентрик тизим» доирасида харакат қилиш ҳар қандай раҳбар ва ходимнинг хоҳиш ва иродасидадир.

Низони ҳал этиш стратегияларининг асосий моҳияти вазиятга иложи борича совуққонлик билан қараш ва иложи борича ҳиссиёт түғёнига берилмасликдан иборатдир. Айнан шундай мушоҳадаликка асосланган яна бир ёндошув низоли вазият манбаи ва адресатини бир-биридан ажратишни тақозо қиласи. Кўп ҳолларда низонинг асл сабаби бир ёқда қолиб, ўз нолишимиз ва тажовузимизни бошқа кимсаларга қаратиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ачинарлиси шундаки, одам кўп ҳолларда низонинг асл сабаби бўлмиш ўз ички зиддиятлари ва тафовутларини таҳлил этишга қурби етмайди. Бундай таҳлилга мойиллик маълум кўникма ва психологик малакани талаб қилувчи ҳолат бўлиб, айнан шундай психологик мутасаддилик ички низоларимиз асл сабабини тезда англаб олишга ва атрофдагилар билан мувозанатли муносабат қуришга имкон яратади. Бундай вазиятда ички зўриқишимизни енгиллаштириш усулларидан бири жисмоний ҳаракатлар билан машғул бўлиш ҳамдир. Одатда, ҳар қандай руҳий зўриқишиш танамизнинг турли қисмларида ўз аксини топади. Шунинг учун танадаги зўриқишиш жисмоний фаоллик орқали суайтириш ички низони камайтириш имкониятларидан биридир.

«Сен-Мен» маълумот. Одатда ҳар қандай низо иштирокчиси ўз манфаатлари камситилаётган деб таъкидлайди ҳамда кўпинча ўзга томонни зиддият сабабчиси деб айблашга мойил. Кўп ҳолларда низоли вазиятнинг

ривожланиши ўзга томоннинг айблари ва камчиликларини фош этишдан бошланиб ўзаро ҳақоратгача ўсиб ўтади. Низо иштирокчиларининг эътибори ўзганинг шахси ва ҳаёт услуби доирасига қаратилади. Масалан, «Агар Сен шундай қилмаганингда айнан шу натижа бўлмас эди», «...яна Сен унутиб қўйдингми...», «Сенга неча марта тайинлаш керак бу вазифани...». Эътибор берилса, низо кескинлашувидаги асосий мулоқот шакли ўзга кимсанинг шахсига ва ҳатто шахсиятига йўналганликдир. Бундай муносабат қурилганда низонинг янада ривожланиб бориши табиий ҳолдир. Лекин шу ривожланишни тўхтатиш ва жараённи ижобий томонга буриб юбориш усули ҳам бор. У ҳам бўлса эътиборни ўзгага эмас, балки ўз ички кечинмаларига қаратишдан иборатдир. Масалан, гап эгасидаги «Сен» ўрнига «Мен» ибораси билан боғлиқ бўлган жараёнга қўчиш – «Китобимни олиб келмаганинг оқибатида мен жуда ноқулай ахволга тушиб қолдим, ахир бугун дарсга тайёрланмоқчи эдим», «Сени 1 соат пойлаб туриб ичимда турли ҳислар ўтди, бирон нарса бўлиб қолмадимикан, деб қўп хавотирландим...»,

«Бу вазифани Сенга бир неча марта эслатиш мен учун жуда ноқулай, худди илтимосларим жавобсиз қолаётандай ҳис этяпман ўзимни». Эътибор берилса, низо иштирокчиси низо жараёнини ўзга кимса шаънига эмас, балки шу вазият туфайли юзага келган ўз ички кечинмаларини баён этишга қаратяпти. Бу услугуб «Сен»га йўналган маълумот узатишнинг «Мен» шаклига ўтиши деб аталади. Ушбу услугуб қўлланган пайтда кўпинча ўзга томон ўзини ҳимоялашдан воз кечади ва ҳатто ўз айбини тузатишга ҳаракат қила бошлайди ҳам.

Низоларни бошқариш. Ташкилотда содир бўлаётган ҳар қандай низо раҳбарият нуфузига путур етказиши мумкин. Содир бўлган низодан сўнг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам кескин пасаяди, жамоада носоғлом муҳит ҳукм суради. Шунинг учун раҳбардан низоларнинг олдини олиш тадбирларини ташкиллаштириш ва агар содир бўлган пайтда эса уларни малакали тарзда ҳал этиш қобилияти талаб этилади. Раҳбар шахси, ҳатто, низоли вазиятни юмшатишдаги асосий омил бўлиб ҳам иштирок этиши мумкин. Раҳбарнинг шахсий маданияти, низоли ва муаммоли вазиятга муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Раҳбар ижодий бўлса, муаммога қўп томонлама ёндоша олса, астасекин бу ҳислат унинг қўл остидаги ходимлар хулқида ҳам намоён бўла бошлайди. Бундан ташқари, кескин вазиятга нисбатан раҳбарнинг сокин муносабати, совуққонлик билан мушоҳада қила олиш қобилияти низонинг юмшашига шарт-шароит яратади.

Ташкилот доирасида низоларни ҳал этишда қўлланувчи услубларни қуйидаги уч гурухга киритиш ва буларни раҳбариятнинг имкониятлари сифатида талқин этиш мумкин.

Ташкилий чоралар: Бу тоифага киравчи тадбирлар ташкилотда низо юзага келишини огоҳлантириш қучига эга. Пухта ўйлаб тузилган иш режаси, ишлаб чиқаришда иштирок этаётган томонларнинг манфаатларини тўлиқ ҳисобга олиш, меҳнат ресурсларининг оқилона ва ҳаққоний тақсимоти, корхона миқёсида ижтимоий адолат тамойилларининг амалиёти каби чоралар бу туркум вазифага киради. Мазкур йўналиш вакиллари томонидан низони бошқаришнинг ташкилий усуллари ҳам ишлаб чиқилган. Буларга ташкилот

миқёсида амалга оширилувчи қуйидаги тадбирлар киради:

- Талабнинг аниқ баён этилиши. Дисфункционал низонинг олдини олиш учун ҳар бир ходимга иш натижаси юзасидан талабларни тушунтириш лозим. Ушбу талабларни нафақат ходим, балки бўлимларга нисбатан ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Ишнинг бажарилиш қоидаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ ва мукаммал ифодалаш муҳим аҳамиятга эга.
- Мувофиқлаштириш механизмларидан фойдаланиш. Мехнат жамоасида яккаҳокимлик тамойилининг қатъий сақланиши, асосий низоли вазиятларни бошқаришни осонлаштиради. Бундай вазиятда ходим кимнинг бўйруғини бажариш кераклигини аниқ билади. Агар бирон ишлаб чиқариш масаласи юзасидан ходимларда келишмовчилик кузатилса, улар «учинчи ҳакамга» - ўз бошлиқларига мурожаат қилишлари мумкин. Корхона миқёсида турли томонлар ўртасидаги «манфаатлар курашини» бартараф этишга мўлжалланган маҳсус интеграл хизмат ташкил этилиши мумкин.
- Умумий мақсаднинг ўрнатилиши, умумий қадриятларнинг шаклланиши. Мазкур йўналишдаги тадбирларда ташкилотнинг сиёсати, стратегия ва перспективалари ҳақида барча ходимларни хабардор қилишни тақозо этади. Умумий мақсаднинг мавжудлиги низоли вазиятда ходим ўзини қандай тутиши кераклигини тушунишига олиб келади
- Рағбатлантириш тизимиши шакллантириш. Ташкилотдаги барча ходимларга охирги натижа бўйича ҳақ тўлаш барчанинг масъулиятини оширади ва гурухлараро низоларнинг олдини олади.

Педагогик чоралар: Бу туркум чораларнинг асосий мақсади жамоа аъзосида мақбул дунёқарааш ва эътиқодни шакллантиришга қаратилган. Ташкилот раҳбарияти бу йўналишдаги тадбирлар орқали гурухни янада ахиллаштиришга, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатини қучайтиришга эришади. Низо иштирокчилари билан тарбиявий ишлар олиб бориш, уларни ишонтириш орқали низо вазиятини ҳаққоний идроқ этишга, у ёки бу ҳаракатларни ахлоқий жиҳатдан баҳолашга ундаш мазкур чоралар ичида кенг тарқалган. Ишонтириш услуги қўлланганда ўзганинг фикрлаш доирасига таъсир кўрсатилади ва мақбул ҳиссиётлар уйғотишга эришилади. Натижада кимсада иродавий зўриқиши ўйғониши, унинг қарор қабул қилиш ва хатти-ҳаракатлар соҳасида ҳам ўзгартиришлар пайдо бўлишига эришилади. Ишонтириш орқали муваффақиятга эришишнинг асосий гарови раҳбарнинг жамоа аъзолари орасида обрў-хурматга эгалигидир. Агар жамоада раҳбарга хурмат бўлмаса, ходимлар уни тан олишмаса, у ҳолда ходимларга ишонтириш орқали таъсир этиш мумкин эмас. Жамоадаги низоларни ҳал этар экан, раҳбар ўзаро зиддиятдаги томонларга ихтилофнинг салбий оқибатларини кўрсата олиши, ходимларда тааллуқли ҳиссиёт ва муносабатни ўйғота олиши керак. Бунинг учун эса раҳбардан сўз бойлигига асосланган яхши нутқ малакаси ҳам талаб этилади.

Низоли вазиятни юмшатишининг асосий шарти - томонлар билан муносабат ўрнатишида ахлоқ ва маданият меъёрларига риоя қилиш. Раҳбарнинг мулойим, хотиржам ва сокин хулқи томонларга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.


Маъмурий чоралар: Низоларни ҳал этишда раҳбар қўл остида бир қанча имкониятлар мавжуд. Шундай имкониятлардан бири – низони ҳал этиш давомида ушбу жамоадаги муҳит, ундаги одамларга хос характер хислатлари, гуруҳдаги кўзга кўринмас алоқаларни илғаб олишдир. Ҳатто ходимнинг низо вазиятини ҳал этиш чоғидаги хулқи, вазиятга муносабати ҳам қўп нарсадан маълумот беради. Аммо, бошқарув жараёнида шундай вазиятлар бўладики, раҳбар ўз мавқеи ва ваколатидан фойдаланган ҳолда низони маъмурий йўл билан узил-кесил ҳал этиши лозим. Бундай чора қўлланганда томонлар тезда ўз ҳиссий ҳовуридан тушишади, меҳнат яна маромига тушади, ташқи сокинлик остида эса хислар тугёни ўз қонуни асосида ривожланаверади. Айрим пайтларда раҳбар шу услугни қўллаши лозим ва мажбур. Маъмурий йўл билан низони ҳал этиш зарурати вақт танқислиги шароитида, адолат томойиллари устуворлигини намойиш этишда, бирон низо такрорланаверган тақдирда қўлланиши мумкин.

4.6.Кадрлар сиёастини амалга оширишнинг психологик асослари

Кадрлар сиёсати – муайян максад йулида фаолият юритаётган ижтимоий, қасбий гуруҳлар, ходим ва ташкилот ўртасидаги муносабатларни мувофикаштириш жараёнидир. Кадрлар сиёсатидаги асосий муаммо - раҳбарият ва итоатдаги ходимлар ўртасидаги муносабат бўлиб, ушбу соҳадаги фаолиятни ташкил этиш марказий масалага айланади. Кадрлар сиёсатининг асосий мақсади – ташкилот эҳтиёжларини қондира олувчи кадрларнинг янгиланиши ва сақланиши орасида мувозанат ўрнатиб туришдан иборатdir.

Ҳар бир ташкилот ўз фаолиятини мукаммаллаштириш мақсадида персоналга бўлган муносабатини аниқлаштириб боради ва ҳатто баъзи бир чекланишларга боради. Масалан, айрим ташкилотлар маълум давр оралиғида ўз қасбини мукаммал равишда эгаллаган моҳир мутахассисларга катта эҳтиёж сезади ва фақатгина маҳсус талабларга жавоб берадиган кимсаларнигина ишга қабул қиласа, шундай вазият ҳам келадики, ташкилотга ҳали ҳеч нарсани билмайдиган ва қасбни иш жойида ўзлаштиришга қодир ёш номзодларга эҳтиёж сезилади. Ташкилотдаги бўш ўринларга мос номзодларни танлаш, мавжуд ходимлар малакасини мунтазам равишда ошириш, илғор технологиялар кириб келиши билан иш ўринларида бўладиган ўзгаришлар ташкилотнинг кадрлар сиёсатини ташкил этади.

Қуйидаги расмда ташкилот миқёсида амалга оширилувчи кадрлар сиёсатининг асосий жабхалари тасвирланган.



14-расм. Кадрлар сиёсатининг асосий жабхалари

Кадрлар танлаш ва ўрнига қўйиши. Ташкилот кадрлар сиёсатидаги муҳим томонлардан бири иш ўринларига мувофиқ келувчи кадрларни танлаштириш. Сўнгги пайтларда ишга янги ходимларни танлаш ва қабул қилиш жараёни илмий ёндошув асосида амалга оширилмоқда. Айниқса, у ёки бу касб талабларидан келиб чиқсан ҳолда ишга қабул қилиш масаласи кадрлар бўлими олдида катта вазифалар кўймоқда. Бундай йўлдан бораётган ташкилотлар ходимни ишга тўғри танлаш қанчалик аҳамиятлиligини тушуниб етдилар ва чет элларда ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган бир қанча кадрлар агентликлари ҳам муваффақиятли фаолият юритишмоқда. Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрича 1987 йилда юқори бўғин раҳбарлигига номзодлар топиш ўрта ҳисобда 32 минг АҚШ доллари тушган, ўрта меъёрдаги хизматчи ва муҳандис учун эса 8 минг АҚШ доллари, бухгалтер учун – 10 минг, котиба учун эса 2 минг АҚШ доллари сарфланган.

Бир қанча илғор кадр агентликлари номзодлар ичидан талабларга мувофиқ келадиганини топиш жараёнини тизимли ёндошув асосида ташкил этадилар. Бундай жараёнда ҳатто техник мосламалар, замонавий ва ишончли тест методикалари ишлатилади ва ҳатто жуда мохирона тарзда сұхбат олиб борувчи психологлар таклиф этилади. Номзодларни текшириш жараёнига илмий мавқега эга бўлган етакчи мутахассисларнинг жалб этилиши олинаётган натижалар ҳаққонийлигини таъминловчи асосий омилдир.

Ушбу қўлланма доирасида кадрлар танлаш сиёсатидаги энг долзарб масалалардан бири, яъни хизмат ўринларига бўлган талабларни мужассамлаштириш асосида ишлаб чиқилувчи профессиограмма устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Профессиограмма. Фанда профессиограмма деганда бирон касбнинг ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш ва техник, санитария-гигиена, психологик ва бошқа хусусиятларини баён этиш тушунилади. Профессиограмма фақатгина касб ёки мутахассисликка қўйилувчи талабларнигина эмас, балки иш жойларига бўлган талабларни ишлаб чиқишга ҳам имкон беради. Профессиограммани яратиш жуда машақкатли иш бўлиб, бу тадбирга сарфланадиган вақт ва ҳаражатлар олинадиган натижা, мақсад қанчалик муҳимлиги билан белгиланади.

Бундай профессиограммалардан қўйидаги соҳаларда фойдаланиш мумкин:

1. Мавжуд иш ўринларига кадрларни танлашда.

2. Меҳнат шароитларининг санитария-гигиена жиҳатларини мукаммаллаштиришда ҳамда меҳнат ва дам олишни тўғри режалаштиришда.

3. Меҳнат хавфсизлигини яхшилаш.

4. Кадрлар турғунлигини таъминлашда.

5. Жамоадаги ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал этишда.

6. Меҳнат сифатини оширишда.

Умуман, профессиограмма – у ёки бу касбга қўйиладиган талаблардан келиб чиқувчи шахсга хос билим, малака ва кўнилмаларнинг уйғунлашган йигиндисидир. Раҳбарларга қўйилувчи талаблар асосида яратилувчи профессиограммалар ҳақида гапирад экан М. Курбонов таъкидлайдики, «Муайян лавозим профессиограммаси – ушбу лавозим эгаси қандай бўлиши керак? деган саволга жавоблар йигиндисидир».

Одатда, касб профессиограммалари ишлаб чиқишида турли ёндошувлар бўлиб, улар муайян мақсадлардан келиб чиқкан ҳолда тузилади. Масалан, ёшлар орасида касбга лаёқатли номзодларни аниқлашда асосий мезон - касбий тарбияга мойиллик бўлса, малакали мутахассис учун эса бошқа профессиограмма, яъни унинг мустақил ишлай олиш лаёқати аниқланади.

Хозирги пайтда амалий менежмент соҳасида профессиограммалар яратишга модулли ёндошув ва касб хислатларини экспертили баҳолаш ёндошувлари мавжуд. Модулли ёндошув – бирон йўналиш ёки соҳа касбларига нисбатан умумий, универсал хислатлар мажмуасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, кишиниг бир касбдан иккинчи касбга ўтиши имкониятларига оид маълумотлар бериши мумкин. Айнан бир касб ёки иш ўрнига тааллуқли хислатлар мажмуасини аниқлашда эса экспертили баҳолаш услубидан фойдаланилади.

Касб талаблари асосида ишлаб чиқилган профессиограмма номзодни ишга қабул қилишда асос бўлиб хизмат қиласи. Одатда номзоднинг профессиограмма талабларига қанчалик мос келишини аниқлаш мақсадида турли хил психологик ва касбий тестлардан фойдаланилади, сухбат ўтказилади ва номзод шахси ҳақида маълумотлар йигилади. Ҳар бир олинаётган маълумот асосида авваламбор профессиограмма мезонлари ётади ва ушбу маълумотлар шу мезонларга максимал даражада мос келиши номзодни ишга қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Номзодни иш жойига, касбга мослигини текшириш услубларидан яна бири иш жойида текшириб қўришдир. Бу

нисбатан арzon ва бевосита ахборот берувчи тадбир бўлиб, малакали эксперт-мутахассислар иштирокида ўtkазилиши лозим. Умуман олганда, номзодни ўрганиш жараёни ҳар томонлама ва кўп поғонали бўлгани маъқул.

Хозирга келиб ташкилотларда деярли ҳамма мавжуд мутахассиликлар бўйича хизмат талаблари, лавозимдан келиб чиқувчи вазифалар мажмуаси ва йўриқномалар ишлаб чиқилган ҳамда янги ходим шу талабларга мос келиши асосида ишга қабул қилинади.

Юқорида айтилганидек, бундай профессиограммалар баъзи бир касб ва иш ўринларига аллақачон ишлаб чиқилган ва доимий тарзда такомиллаштириб боради. Ҳатто бошқарув соҳаларида ҳам раҳбарлар профессиограммасини яратиш каби илғор ғоялар Республикамиз олимлари томонидан кўтарилиб келяпти ва уларнинг асослари яратиласяпти.

Раҳбар ходимлар профессиограммасини яратишда мавжуд намуналардан фойдаланиш ўринлиди. Мана шу соҳадаги изланишлар қаторига Республикамиз олимлари томонидан яратилган манбаларга мурожаат этиш мумкин. Кадрларни баҳолаш соҳасидаги тадқиқотчилар Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов ва И.Мажидов муаллифлигига яратилган раҳбарлик хислатларини баҳолаш сўровномасида келтирилган мезонлар ва курсаткичлар раҳбарлик профессиограммасини яратишда анча қулайлик туғдиради. Малакали раҳбарликни баҳолаш қўрсаткичлари сифатида шахс хислатларининг қўйидаги мажмуи берилади:

- шахснинг лидерлик хислати;
- ўзгаларнинг ишини такомиллаштириш ва бошариш;
- тижорат ва мижозларга оид масалаларни ҳал этиш қобилияти;
- натижаларни қўлга киритиш: вазифаларни бажариш;
- коммуникация
- муаммоларни ҳал этиш ва қарор қабул қилиш;
- янгиликларни жорий этиш ва такомиллаштириш йўлидаги ўзгаришларни бошқариш;
- ўз-ўзини бошқариш хислатлари.

Мана шундай гурухга кирувчи қатор хислатларни баҳолашда эксперталар ёрдамига мурожаат этилади.

Кадрларни касбий ва шахсий сифатларини диагностикалаш. Касбни муваффақиятли амалга оширишга тааллуқли шахс хислатлари ҳақида гапирав эканмиз, авваламбор, муайян касб бўйича ишлаб чиқилган талабларни албатта инобатга олишимиз керак. Касб талабларига мос келиш даражасини аниқлашнинг энг оддий ва содда усули синов вазиятларини юзага келтириш, номзодни иш жойида синаб қўришдир. Лекин бу услубнинг бир неча камчиликлари мавжуд: биринчидан, маълумки, иш самарадорлиги ўзининг оптимал даражасига кўтарилиши учун мутахассис иш жойига яхши қўниши лозим, яъни адаптация жараёни тўла равишда амалга ошиши керак. Акс ҳолда, ходимга янги иш жойидаги ўзлаштирилмаган шароитлар халақит бериши мумкин. Иккинчидан, инсонни ўрганувчи ҳар қандай фанлардан маълумки, киши синов вазиятида кузатув остида бўлар экан, унинг меҳнат қўрсаткичлари

сезиларли равища ўзгаради. Бу ўзгариш ижобий томонга ҳам, салбий томонга ҳам бўлиши мумкин. Масаланинг яна бир томони борки, у ҳам бўлса ахлокий мезонлар бўлиб, инсонни кузатув остига олиш, тажриба объекти сифатида кўриш меҳнатни бошқаришнинг гуманистик ёндошувига тўғри келмайди. Шу сабабли, иложи борича касбларга доир пухта профессиограммалар ишлаб чиқиш ва иш жойларига номзодларни баҳолашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда иш юритиш лозим. Номзодларни ишга танлаш, профессиограммалар яратиш соҳасида маълумот берувчи манбалардан яна бири – у ёки бу касбга оид иш жойлари тавсифномалари. Одатда бундай меъёрий хужжатлар «Иш жойи меҳнат шарт-шароити харитаси» деб номланади ва саноат соҳасининг деярли ҳамма касблари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат сертификатлаш ва стандартлаш маркази томонидан ишлаб чиқилади.

Ушбу меҳнат шарт-шароити хариталарида ҳар бир мутахассисликка оид иш жойларининг қўйидаги омиллари бўйича инсон ҳаёти учун зарар келтирмайдиган меъёрий чегаралар келтирган булиб, бу талаблар чегарасида яратилган тавсифлар, муайян касб профессиограммасини яратиш учун яхши маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади. Иш шароити хариталарида қайд этилган меъёрлар доирасида ҳаракат қила олишга мойиллик даражасини аниқлаш учун психология, физиология ва эргономика фанларида етарлича имкониятлар мавжуд.

4.7. Ташкилотда ходимлар адаптацияси

Инсон у ёки бу янги шароит билан тўқнаш келар экан, янги вазиятга мослашиш ва унумли фаолиятни таъминлаш психиканинг асосий вазифаларидан биридир. Психология фанида бундай мослашиш адаптация деб аталиб, бу ибора янги шароитга хос бўлган шартларни инсон томонидан ўзлаштирилишини назарда тутади. Фанда қабул қилинган адаптация атамасидан фойдаланган ҳолда ушбу мавзуимизни баён этамиз.

Ходимлар адаптацияси муаммоси. Мослашувнинг асосий моҳияти инсоннинг ўз атрофидаги шарт-шароит, ижтимоий муҳит талабларини қабул қилиши ва ўзлаштиришида намоён бўлади. Мазкур таъриф ташкилот миқёсида таҳлил этилганда ходимнинг ўзи бажариши лозим бўлган фаолият билан танишиши ҳамда янги муҳит талабига мос равища ўз хулқини ўзгартириб боришини назарда тутамиз. Ташкилотда ходимлар адаптацияси ишга янги келган ёки ўзгарган меҳнат шароитларига кўникиши лозим бўлган мутахассисга тегишли деб қаралади. Хусусан, ходимнинг янги меҳнат жамоасига қанчалик тез мослашиши унинг самарали меҳнат фаолиятини эрта бошлаб юборишидаги асосий омилдир. ҳозирга келиб ташкилот янги ходимнинг мослашуви учун жуда қатъий шартлар қўйяпти. Чунки ушбу соҳадаги қийинчилик қўйидаги сабаблар орқали белгиланган:

- адаптация даври анча қисқа вақтни талаб этади;
- ташкилотга янги технологияларнинг жорий этилиши уларни ўзлаштиришда маълум қийинчиликлар туғдиради;
- устоз-шогирд тизимининг шаклланмаганлиги;

- ҳатто бир меҳнат бўлими, гуруҳ ичидағи рақобатнинг мавжудлиги.

Санаб ўтилган ва шу каби муаммолар адаптация жараёни ўтишидаги асосий қийинчиликдир. Бундан ташқари қатор ташкилий-иктисодий ва ижтимоий омиллар ҳам борки, улар янги ходимнинг ишга мослашувини қийинлаштиради ва улар ўз моҳиятига кўра объектив омиллар тоифасига киради. Булар қаторига нокулай иш шароитини, меҳнатнинг оғирлиги, ходимлар ўртасида мажбурият ва хуқуқнинг ноаниқ тақсимланганлиги, ходим малакасининг касб талабларига мос келмаслиги, бажариладиган меҳнатни таъминловчи ресурслар етишмаслиги, рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш тизимидағи хатолар,adolat тамойилининг бузилиши ва бошқа сабаблар киради.

Ташкилотда ходимлар адаптациясига етарли эътибор бермаслик корхона учун нафақат ташкилий қийинчиликлар, балки моддий зарар ҳам олиб келади. Аниқланишича, иш пайтидаги баҳтсиз ҳодисалар янги келган ишчиларда тажрибалиларига нисбатан кўп содир бўлади. Ишдан бўшаётганлар орасида ишга жойлашганига олти ойдан кам вақт бўлган ходимлар кўпчиликни ташкил қиласди.

Меҳнат адаптациясининг асосий жиҳатлари. Меҳнат социологияси ва психологиясида меҳнат адаптациясининг учта ўзаро боғлиқ томони фарқланади: 1) Касбга мослашиш; 2) Мослашувнинг психофизиологик жиҳати ва 3) Ижтимоий-психологик адаптация. қўйида мана шу адаптация турлари хақида маълумот бериб ўтамиш.

1. ***Касбга мослашиш.*** Адаптациянинг касб билан боғлиқ жиҳати ходимдан бажариладиган ишга қўйиладиган талабларни ўзлаштиришни тақозо қиласди. Бу хил мослашувда объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлиб, касбий адаптациянинг объектив омиллари сифатида ходимнинг маълумоти, малакаси ва тажрибасини санаб ўтиш мумкин. Субъектив омиллар қаторига эса ходимнинг касбга бўлган муносабати, янги иш жойидан кутаётган нияти ва умиди кириши мумкин.

2. ***Меҳнат адаптациясининг*** психофизиологик жиҳатига корхонадаги меҳнат шароитининг психофизиологик ва тиббий-гигиеник томони киради. Адаптациянинг ушбу турини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида ходимнинг толиқиши даражасини олиш мумкин. Ходим ўзини ҳолатини, иш шароити ва бажараётган меҳнати оғирлигини баҳолаши ушбу адаптация турининг субъектив томонларидир.

3. ***Ижтимоий-психологик адаптация*** деганда ходимнинг меҳнат жамоасидаги мавжуд муносабат тизимидағи мослашиши, жамоага хос бўлган норма ва қоидалар ҳамда унга гуруҳ томонидан белгиланган ролни ва мавқени қабул қилиш жараёнига айтилади. Бундай мослашувнинг муваффақиятли ўтиши ходимнинг характер хислатларига, унинг мулоқотга мойиллигига, ҳаётий тажрибаси ва дунёқарашининг янги шароитга мос келишига боғлиқ. Гуруҳнинг аҳиллиги, унинг маданият даражаси бу хилдаги адаптация жараёниниг муваффақиятли ўтиши гаровидир.

Роль соҳасидаги адаптация. Ходимнинг жамоага аъзо бўлиши ташкилотнинг вазифа ва мақсадидан келиб чиқувчи ролни қабул қилиш билан

ифодаланади. Ходим ундан нима кутишаётгани ва бу кутувга тааллуқли хатти-харакатларни амалга ошириши жуда мухим. Масалан, бирон кишини раҳбарликка тайинлашар экан, янги раҳбардан жамоа демократик ёки автократ бошқарув услубини қутиши мумкин. Бу кутувларга мос келиш ёки келмаслик даражаси кўп жиҳатдан янги раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни белгилаб беради. Ҳатто ходимлар беихтиёр янги келган раҳбарни эскиси билан таққослаб унга тавсиф беришга ҳам мойил бўлишади. Шунинг учун ходим учун адаптация шароитини яратиш мавжуд ролга бўлган талабларни аниқ ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш мақсадидаги тадбирларни ўюстириш билан белгиланади. Бу фикр айниқса бошқарув лавозимига янги келаётган раҳбарлар учун жуда ўринлидир. Одатда янги лавозимни таклиф этишар экан «Бир ўйлаб кўринг» деб хайрлашишади. Таклифни қабул қилган кимсанинг «ўйлаш» жараёнини эса янги ролга ўзини чамалаш деб аташ мумкин. Агар кимса ролни қабул қила олишига кўзи етса таклифга рози бўлади, агар иккиланишга олиб келса ўзи билан ушбу рол орасида катта фарқни сезган бўлади. Шунинг учун янги лавозимга мослашишнинг сифатли ўтиши қатор тадбирларни талаб қиласди. Бу соҳадаги бирламчи вазифа – ушбу ролга қўйиладиган талабларни аниқлаб олишдир. Бу жараён қанчалик пухта ўтса ролни қабул қилиш шунчалик осон кечиши мумкин.

Кейинги босқич ролни қабул қилиш деб аталади. Бунда инсон янги хатти-харакатларни ўзида шакллантира бошлайди. Бу жараён инсон томонидан нафақат хизмат юзасидан, балки шахсий муносабатлар тизмимидағи талаб ва хусусиятларни ҳам ўзлаштириш давридир.

Навбатдаги босқич эса қабул қилинган ролни ижро этиш деб аталади ва бу ҳолат ўзининг икки томонига эга: ролни ижро этувчи шахс хулқининг атрофдагилар томонидан баҳоланиши. Одатда бундай баҳолашда ходимни ҳам атрофдагилар, ҳам унинг ўзи баҳолаши тарзида амалга ошади. Бу икки баҳолаш кўрсаткичнинг ўзаро мос келиши жуда мухимдир. Шундай мосликка узоқ давом этувчи ички меҳнат асосида эришилади. Ушбу кўрсаткичлар мослигини таъминловчи асосий тадбирлардан бири ходимга унинг хатти-харакатлари ҳақида қайта алоқа бериб туришдир.

Қайта алоқа натижасида олинган маълумотлар асосида инсон ўз хатти-харакатларига ўзгартириш киритади ва ролга мувофиқ келиш учун ўз устида ишлай бошлайди. Шу мақсадда баъзи корхоналарда ходимлар билан ишловчи маҳсус мутахассислар томонидан ташкил этилувчи тренинг машғулотлари жуда ўринлидир. Гурухий тарзда ташкил этилган бу машғулотларда иштирокчилар у ёки бу ролни хизмат талабларига яқинлаштирилган вазиятда ижро этадилар ва атрофдагилардан ўз хатти- харакатлари борасида «баҳо» оладилар. Бу тадбир натижасида инсон ўз хулқини намунага мослаш имконияти туғилади. Аниқ режа ва малакали мутахассислар ёрдамида ташкил этилган бундай тадбир ходимнинг янги ролни қабул қилиши ва реал шароитда самарали ижиши учун асос яратади.

Адаптация жараёнини шакллантириш имкониятлари. Янги ходимларни касбга булган талаблар асосида ишга қабул қилиш адаптация жараёниниг енгил ўтишини таъминловчи шартлардан биридир.

Ташкилот раҳбари янги ходим адаптациясини иложи борича қисқа фурсатда ва салбий асоратсиз ўтишига кўмаклашиши лозим. Бу соҳада илгорлаб кетган айрим ташкилотлар ҳам бўлиб, уларнинг бой тажрибасини татбиқ этиш ташкилот меҳнат самарадорлигини оширишдаги яна бир қўшимча омилдир. Масалан, Россиядаги «Светлана» ХЖда янги ходимлар адаптациясини назорат этиш бўйича алоҳида дастур мавжуд бўлиб, унга биноан бу жараён тизимли равишда олиб борилади. Хусусан, маълум вақт оралиғида ташкилотдаги янги ходимлар томонидан назорат саволномалари тўлдирилади ва адаптация даражалари аниқланади. Одатда бу иш билан кадрлар бўлими, касбга муносиблик бўлими мутахассислари шуғулланадилар. Мана шу сўровлар асосида иш шароитларига ўрта ёки паст даражада мослашаётган ходимлар аниқланади. Кейинги босқич сифатида адаптация жараёнига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланади. Бу жараёнга энди ташкилотнинг юқори бўғин ва маҳсус бўлимлар ходимлари жалб этилади. Адаптация жараёни муваффақиятли ўтишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш бўйича алоҳида чора тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Сўнгги босқич сифатида ушбу тадбирларнинг самараси текшириб кўрилади. Бу санаб ўтилган босқичлар адаптацияни тадқиқ этиш жараёнининг асосий қисмлари бўлиб, бу тадбирларга ёш ходимнинг меҳнат кўрсаткичларидан манфаатдор бўлган барча раҳбарларнинг қатнашиши кўзда тутилади.

Мослашиш даври баъзи корхоналарда касб талабларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, бошқа ташкилотларда адаптация муддати ташкилотнинг буткул ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб кетишни назарда тутади. Бу борада иқтисодий ривожланган мамлакатлар корхоналарида амалга оширилаётган кадрлар сиёсатидан келиб чиқувчи тадбирларни эслаб ўтиш ҳам ўринлидир. Масалан, кўпгина япон компанияларида юқори ахлоқ меъёрларига эга бўлиш ташкилотнинг доимо дикқат марказида туради. Хусусан, «Мацусита электрик» компаниясида ходимга техник малака, корпорация фалсафаси, мақсади ва сиёсати билан суғориш учун 8 ой вақт ажратилади. Бу мослашув даври бўлиб, айнан шу вақт оралиғида янги ходим компания қадриятлари, хулқ меъёрлари ва маданиятини ўзлаштиради. Бундай тарбия корхона режалари ва иқтисодининг очиқ-ойдинлиги билан биргаликда олиб борилади, ҳамда ходимда ташкилот ҳаётида фаол қатнашиш мотивациясини шакллантиришга қаратилади.

Адаптация жараёни босқичлари. Раҳбар ходимнинг янги меҳнат шароитига мослашишига кўмак кўрсатар экан, адаптация жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборатлигини назарда тутиши лозим.

Янги ходимнинг тайёргарлик даражасини аниқлаши. Аниқланган даража ходим манфаати йўлида кейинги амалга ошириш лозим бўлган тадбирларни режалаштириш, зарур ресурсларни қўллаш, ходимнинг тажриба соҳасидан келиб чиқсан ҳолда унинг қобилияtlари ва малакаси даражасидаги вазифаларни аниқлаб олиш имконини беради. Касбий соҳадан ташқари ходимнинг мулоқотга мойиллиги даражасини билиш ташкилотнинг коммуникация тармоғига тезроқ киришиб кетишини таъминлаш учун асос бўлади.

1. **Ориентация.** Ходимни у бажариши лозим бўлган вазифалар,

мажбуриятлар билан таништириш. Бу босқичда амалга ошириладиган тадбирларни қуидаги гурұхларга бўлишимиз мумкин:

- Компания асослари – ташкилот тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳақидаги асосий маълумот, стратегик режалар, ходимлар ва раҳбарият муносабатлари қоидалари, касаба уюшмаси фаолияти, меҳнат шароитлари ва иш тартиби, иш ҳақи белгилаш тизими, корхонадаги ижтимоий таъминот, майший хизмат ва имтиёзлар;
- Махсулот – корхона маҳсулотлари таркиби билан таништириш, ишлаб чиқариш тизими ва технологияси, асосий маҳсулот истеъмолчилари ва нархи, рақобатдош маҳсулотлар орасида тутган ўрни;
- Ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаришга оид қарорлар қабул қилиш тартиби ва хусусияти, ташкилот режалари ва лойиҳалар билан таништириш, ишлаб чиқариш жараёнининг асосий тамойилларини ўрганиш, бўлимнинг асосий вазифалари ва масъулият даражаси, ҳисобот бериш асослари, маҳсулотга йўналган бошқарув услугини ўрганиш ва ҳаражатларни ҳисоблаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик асослари;
- Сотувлар – ташкилотнинг бозордаги улуси ва реклама жараёни, рақобатдош ташкилотларнинг имкониятлари, сотув агентларининг фаолияти, сотув услублари;
- Асосий меҳнат кўнималари – алоқа воситалари ва техника жиҳозларидан фойдаланиш бўйича машқлар, муомалада бўлиш хусусиятлари, иш жойининг хусусиятлари ва талабларини ўзлаштириш, нотиқлик санъати, маркетинг ва молияга тааллуқли асосий билимлар, касб талабидан келиб чиқувчи қўшимча малакаларни шакллантириш машқлари.

Ушбу матндан кўриниб турибдики, илфор ташкилотларда ходим адаптацияси ҳар томонлама амалга ошириш таъминланади. Маълумот, кўникма ва малака жиҳатларни бундай қамраб олиш янги ходимнинг ташкилот хаётига кириб боришини таъминлайди ва барча куч-ғайратини ташкилот мақсади йўлида сафарбар этиш имконини беради.

2. *Адаптацияни амалга ошириши.* Бу янги ходимни янги лавозимга ва жамоада мавжуд шахслараро муносабатлар тизимига мослаштириш жараёнидир. Бу босқич доирасида янги ходимнинг фаол ҳаракат қилиши, ўз-ўзини турли жабҳаларда синаб кўришига имконият яратиш лозим. Ходимнинг эришаётган муваффақиятлари ҳақида маълумот йиғиб борилади ва фаолияти юзасидан унга зарур тавсиялар берилади.

3. *Фаолият кўрсатиши.* Шу босқичда адаптация жараёни тугайди ва ходим мустақил равища ўз фаолиятини давом эттираверади. Бунда ходим унинг меҳнат фаолияти йуналишида юзага келаётган қийинчиликларни ўзи енгиб ўтиш кучига эга бўлади. Одатда, ходимнинг корхона талаб ва муҳитига қўпол мослашуви 1,5 – 5 йиллар атрофида амалга ошади. Адаптация жараёнига кўмак кўрсатиш шароитида эса бу жараён бир неча ойларда муваффақиятли ўтиши мумкин. Адаптация жараёнини бу тарзда қисқартириш ташкилот учун моддий жиҳатдан ҳам маълум даражада фойда беради. Айниқса бу кўрсаткич ташкилотга кўп янги ходимлар қабул қилинган шароитда ўз самарасини беради.

Янги ходим адаптация жараёнининг муваффақиятли ўтишида айниқса раҳбарнинг ўрни катта. Ходим ташкилот қадритяларини ўзлаштирар экан, ўз раҳбарини намуна сифатида кўради. Адаптация жараёниниг бошланғич пайтларида раҳбардан шахсан олинган йўриқнома ва тавсиялар ходимнинг эсида доимий сақланади. Янги ходим билан биринчи ҳафта давомида ва бир ойдан сўнг суҳбат ўтказиш жуда муҳимдир. Бунда ходим тўқнаш келаётган муаммолар ҳал этилади, керакли маслаҳатлар берилади ва ходимни руҳий қўллаб-қувватлаш амалга оширилади. Мана шундай тадбирлар орқали ходим ташкилотга хос хусусиятларни ўрганиб, ўзлаштириб боради.

4.8. Ташкилотда ходимларни ўқитиши

Ташкилотда таълим дастурлари. Раҳбар зиммасига юклатиладиган асосий вазифалардан бири – ходимларнинг касбий малакасини ошириш, янги технологияларга ва ишни ташкил этиш услугига ўргатишдан иборатdir. Тадқиқотлар орқали аниқланишича, бозор муносабатларини ривожлантиришдаги 80% тўсиқлар ташкилот ходимлари муаммолари билан боғлиқ экан. Бу муаммолар таркибига ходимнинг жорий этилаётган янгиликларга қаршилиги, қайта ўқишни ҳоҳламаслиги, янгича ишлашни истамаслик, ташкилот мақсадлари билан шахсий эҳтиёжларнинг ўзаро мос келмаслиги кабилар кириши мумкин. Шу муносабат билан, ҳатто янги ходим ишга қабул қилинганда, унга зарур меҳнат кўникмаларини шакллантириш ҳам бевосита раҳбар зиммасига юклатилади.

Аниқланишича, янги ходимнинг ташкилотга тез мослашиши кўп жиҳатдан у бажариши лозим бўлган вазифани қанчалик малакали тарзда бажаришга ўрганиши билан боғлиқ. Касбда эришилган муваффақият ходимнинг ўзига бўлган ишончини оширади ва унинг фаолияти ташкилот учун зарурлиги ҳиссини уйғотади. Шунинг учун янги ходимга у шуғулланиши лозим бўлган меҳнат жараёнини тез ва муваффақиятли ўргатиши, ташкилот ички таълим дастурининг асосий қисмидир.

Ташкилот миқёсидаги доимий тарзда амалга оширилувчи таълим тадбирлари бошқарув соҳасига тегишли бўлиб, раҳбарнинг замонавий бошқарув услубларидан нафақат хабардор бўлиши, балки бунга оид зарур кўникмаларни эгаллаши долзарб масаладир. Раҳбарлик маҳоратини шакллантириш фақатгина ходимлар билан бўлган муносабатларни бойитиш тақозоси бўлиб қолмай, балки ташкилотдаги раҳбар кадрларнинг мансабда ўсиши билан ҳам асосланади. Ташкилот миқёсида содир бўлувчи мансабдаги ўрин алмашишлар янги лавозимга келган раҳбарга бошқарув малакаларини ўргатиши заруриятини ҳам қўяди.

Шундай қилиб, ташкилотда юзага келаётган ҳар қандай ўзгариш ходимнинг бу шароитга тез мослашишини талаб қиласди ва бундай вазиятда асосий енгиллаштирувчи омил сифатида таълим тадбирлари бўлиши мумкин.

Ташкилот миқёсидаги таълим услублари. Ҳозирга келиб, ташкилот миқёсида таълим жараёнини олиб боришнинг бир қанча услублари мавжуд ва раҳбар мана шу услублар асосида ходимларнинг касбий малакасини қай йўл

билин шакллантириш имконияти ҳақида билиши лозим.

Одатда таълим назариясида бир қанча таълим услублари фарқланади.

Бу услублар умумлашган тарзда уч гурухга киритилиши мумкин: пассив, фаол ва интерфаол таълим услублари. Пассив услуг сифатида ўқитувчининг фаоллиги-ю, ўқувчининг маълумот қабул қилиш обьекти сифатидаги таълим назарда тутилади. Бунга, анъанавий маъруза, маълумотни намойиш этиш тарзидаги машғулотларни киритиш мумкин.

Фаол услубларга асосланган таълимдаги натижа ўқувчининг ички интилиши ҳисобига таъминланади. Ўқувчи олдида муаммоли вазифаларни ҳал этиш зарурати, масалага ижодий ёндошиш шароити юзага келтирилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мунтазам икки томонлама алоқа яратилади ва қайта алоқага катта эътибор берилади. Таълим жараёнидаги семинар, сұхбат, мустақил тарзда тайёрланиш каби машғулотлар фаол таълим услублари қаторига киради.


Таълимнинг интерфаол услубларида эса ўқувчилар ва ўқитувчи муносабатлари ҳамкорлик поғонасига күтарилади. Ушбу жараёнда қатнашаётган ўқитувчи ҳам ўқувчи ҳам таълим субъектлари сифатида иштирок этадилар. Таълим жараёнида иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар жадаллашади, ўзаро маълумот аламашуви кучаяди. Машғулот давомида хизмат юзасидан учровчи муаммоларни қай тарзда ҳал этиш намунаси яратилади ва реалликка яқинлашган шароитда ўзаро мувофиқлик ҳаракатлари амалга оширилади.

Таълим жараёнини ўқувчи фаоллиги нұқтаи назаридан таҳлил этиш асосида қуйидаги «Таълим пирамидаси» тасвири ишлаб чиқилди ва бу орқали турли таълим услубларининг самараси кўргазмали тарзда намоён этилди. Ушбу расмда келтирилган ҳар бир таълим услуби қаршисидаги фоизлар шу услубни қўллаш асосида ўқувчи томонидан билимларни ўзлаштириш кўрсаткичидир.

Ушбу расмда келтирилган рақамлар ўртача кўрсаткич бўлиб, у ёки бу услубнинг самаралилиги авваламбор ўқитувчининг маҳорати билан белгиланади. Иккинчидан, санаб ўтилган услублардан биронтасига асосланиш таълим жараёнининг мақсади ва юзага келган вазиятга боғлиқдир.

Ташкилотда таълим тадбирларини жорий этишдаги хусусиятлардан яна бири - муайян вақтдаги таълим жараёнида бир қанча услубларни қўллаш имкониятидир. Бир вақтнинг ўзида турли таълим услубларини қўллаш ўқитувчи олдидаги вазифани янада самарали бажариш имконини беради.

Ходимларни ижрочилик малакасига ўргатиш зарурати ҳақида гапирав эканмиз, мураккаб касбга оид фаолиятни ўзлаштиришда «Режалаштирилган таълим» услуби анча муваффақиятли ҳисобланади. Бу ёндошувга биноан, билимнинг ошиши одамнинг аввалги тажрибасига асосланади. Таълимни тўплангандаги тажрибага асосланиб таърифлаш ўқувчи ёши, ҳолати каби омиилларни четлаб ўтиш имконини беради ва ҳар қандай билимни, ҳар қандай ходимга ўргатиш мумкин, деган таъкиддан келиб чиқади.



15 -расм. Таълим пирамидаси.

«Режалаштирилган таълим» услуби Б. Скиннер томонидан 1960 йилда таклиф этилган бўлиб, унга биноан таълим жараёни қатор майдада ташкилий қисмларга бўлиб чиқилади. Яхлит фаолиятни ташкил этувчи бу ҳаракатларни «қадам ба қадам» бажариш асосида у ёки бу мураккаб тизим муваффақиятли тарзда ўзлаштирилиши мумкин. Амалга оширилаётган қадам қанчалик кичик бўлса, ҳаракатни ўзлаштириш ҳам шунчалик самарали бўлади. Таълим самараси кўп жиҳатдан «қадам» ҳажмининг ўқувчи томонидан мустақил равишда белгиланишига боғлиқ. «Режалаштирилган таълим»даги асосий жиҳатлар қуйидагилар:

- берилаётган маълумотнинг мантиқан боғлиқлиги;
- таклиф этилаётган «қадам»нинг ҳажми;
- ўқувчи бераётган жавоб хусусиятлари – мавзу юзасидан жавобнинг иложи борича тўлиқ ва аниқлиги, ҳамда тўғри жавобнинг ижобий баҳоланиши;
- таълим давомида тайёр ва тўғри жавобларни намуна тарзида кўриб туриш ўзлаштириш самарасини оширади;
- кучли мотивация билимни ўзлаштириш самарасини оширади;
- ўқитувчининг таълим жараёнини назорат қилиши ва бошқариши;
- ўзлаштирилган ҳар бир билим ўқитувчи томонидан ўқувчи субъектига мос равишда рағбатлантирилиши лозим;
- тақрорлаш маълумотни яхлит тарзда тасаввур этишга ёрдам беради;
- билим ва ижодийлик доим ҳам ўзаро мос келавермайди ва ҳатто баъзида бир-бирига зид келиши мумкин.

Таълим услубларини таққослаш. Ҳозирга келиб, ташкилотда ўтказиладиган таълим тадбирларининг қуидаги асосий услублари фарқланади:

- Кейслар
- Муаммоли вазиятлар муҳокамаси
- Ролли ўйинлар
- Психологик тренинг
- Хизмат мавзулари юзасидан ўйинлар
- Режалаштирилган таълим
- Ўқув фильми
- Телевидение орқали маъруза
- Маъруза

Санаб ўтилган таълим услублари самараси эксперталар ёрдамида қуидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаб чиқилган:

- ўзлаштирилган билимлар;
- муаммога ёндошувнинг ўзгариши;
- муаммони ечиш маҳорати;
- мулоқот маҳоратининг ўсиши;
- масалани ҳамкорликда ҳал этиш сифати;
- билимнинг узоқ муддат сақланиши.

Аниқланишича, таълим услублари санаб ўтилган кўрсаткичларнинг айримлари бўйича ўзининг таъсирчан кучини намоён этаркан. Масалан, масала ечимиға ёндошувни ўзгартириш учун психологик тренинг қўл келса, ҳамкорликда ишлаш малакалари муҳокама услубида самаралироқ шаклланар экан.

Бошқарув маҳоратларини шакллантиришда кейслар-таҳлили, муаммоли вазиятлар муҳокамаси, режалаштирилган таълим ва ролли ўйинлар услуби анча самарали ҳисобланади. Рўйхатнинг охирида келаётган маъруза каби таълим услуби ТВ дан фойдаланиш, икки маърузачининг биргаликда ишлаши, муаммоли маъруза каби такомиллашган шакллар орқали бойитилиши мумкин. Анча юқори баҳолангандай кейс услубида ташкилотда юзага келиши мумкин бўлган реал воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш орқали ечим изланади.

Раҳбарларни ўқитиши услублари. Юқорида таъкидлаб ўтилган таълим услублари бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш соҳасида қўлланар экан, олдинда турган вазифа ва меҳнат соҳаларини ҳисбога олган ҳолда у ёки бу услубни қўллаш ўринлидир. Кейс услуби муаммоли вазиятларни яхши тушунишга, масалани ҳар томонлама ва ўринли таҳлил этишга, муаммо ҳақида маълумот тўплашга ўргатади. Кейсларни қўллашдаги асосий масала шахснинг янги билимга эга бўлиши ва унинг ақлий соҳасини фаоллаштиришдир. Психологик мазмун касб этувчи бошқа услублар эса таълим жараёнига ўқувчининг ҳиссий-иродавий ва хатти-ҳаракатлари соҳасини жалб этади. Шунинг учун, у ёки бу таълим услубини қўллаш авваламбор, ўқувчи шахсининг қай йўналишда ўзгаришини долзарб деб ҳисоблашимизга боғлиқ.

Раҳбар ходимларни ўқитишдаги эътибор қаратиладиган иккинчи жиҳат

қайси бўғин раҳбарларини ўқитиш масаласидир. Маълумки, бошқарувда уч бўғин фарқланади – юқори, ўрта ва қуий бўғин раҳбарлари. Эслатиб ўтилган ҳар бир бўғин раҳбари бажариши лозим бўлган вазифалар унинг шахсига, ходимлар билан ишни ташкил этишга маълум талабларни қўяди. Хусусан, раҳбар қанчалик юқори поғонага кўтарилар экан, ундан ташкилотчилик маҳорати кўпроқ талаб этилади. Қуий бўғин раҳбарларида эса касбий маҳорат, ходимларни касбга ўргатиш қобилияти ривожланган бўлиши керак. Шу муносабат билан юқори бўғин раҳбарларида расмий муносабатлар тизимидағи такомиллашган кўнікмалар билан бирга, норасмий муносабатлар тизимидағи таъсир этиш ва ходимларни ўз кетидан етакловчи лидерлик хислатлари ҳам намоён бўлиши лозим. Бу борада ташкилот миқёсида психологик мазмунга эга бўлган таълим услублари ва лидерлик хислатларини такомиллаштиришга қаратилган дастурлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Раҳбарлик лавозимларига заҳиралар яратиш, раҳбар ўринларига номзодларни тайёрлаш ҳам ташкилот олдидағи долзарб масаладир. Санаб ўтилган ҳамма вазифалар ташкилот миқёсида узлуксиз таълим жараёнини ташкил этиш заруратини қўяди. Касбий маҳоратни шакллантириш, жамоадаги психологик муҳитни барқарорлаштириш, раҳбарларнинг бошқарув малакаларини ривожлантириш – буларнинг ҳаммаси ташкилот миқёсидаги муҳим таълим йўналишларидир.

Раҳбарлик маҳоратини шакллантиришда айниқса психологик тренинг услуги алоҳида ўрин эгаллайди. Тренинг машғулотларида хизмат юзасидан юзага келувчи турли муаммоли вазиятларни сунъий тарзда яратиш ва ушбу вазиятларда самарали ҳаракат қилиш услубларига ўргатиш имконияти юзага келади. Масалан, ташкилот миқёсида учраши мумкин бўлган раҳбар ва ходим муносабатларидаги бирон муаммоли вазият таҳлил мавзусига айланиши мумкин. Тренинг машғулотлари доирасидаги имкониятлардан яна бири – муҳокама қилинаётган муаммлоларни ҳал этиш жараёнини видеотасвирга тушириш ва масала ечимини гуруҳ билан биргаликда излашдан иборатдир. Видеотасвир услугини қўллаш тренинг иштирокчиларининг муаммоли вазиятдаги ҳаракатларини қайта ва қайта кўриш имконини беради. Тасвирга туширилган ҳолатни вақтинча тўхтатиш (пауза) хисобига иштирокчиларнинг изоҳларини йиғиш ва мақбул ечим вариатини танлаб олиш имконияти туғилади. Видеотренинг каби интерфаол таълим услуги нафақат муаммоли вазиятларда мақбул ҳаракатларни шакллантириш, балки иштирокчиларда ўз-ўзига ишончнинг ошиши каби ижобий таъсирга ҳам эга. Интерфаол услубларни қўллаш ва бунда техник воситалардан фойдаланиш зарур малакаларни қисқа фурсат давомида ривожлантириш имконини беради.

Таянч тушунчалар.

Ташкилот миссияси, ташкилот маданияти, ташкилотдаги коммуникация, коммуникацияни чекловчи омиллар, марказлашган ва марказлашмаган коммуникацион тармоқ, аудиал, визуал, кинестетик репрезентатив тизим, “ички” ҳамда “ташқи” муҳитга йўналган ходимлар, аналитик, прагматик, критик, реалист фикрлаш услугига хос ходимлар, мотивация тушунчаси, ташқи

мотивация, ички мотивация, ходимларни мотивациялашнинг назариялари, горизонтал ва вертикал йўналишда узатиладиган маълумотлар, низо табиати ва низо турлари, конструктив ва деструктив низолар, низонинг ривожланиш динамикаси, низони ҳал этиш стратегиялари, «Сен-Мен» маълумоти, низоларни бошқариш, профессиограмма, меҳнат адаптацияси, адаптация жараёни босқичлари.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Ташкилот тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Ташкилот маданияти ва ташкилотдаги коммуникация нима?
3. Коммуникация роллари қандай ролларга ажратилади?
4. Коммуникацияни чекловчи омиллар деганда нимани тушунасиз?
5. Аудиал, визуал, кинестетик репрезентатив тизим нима?
6. “Ички” ҳамда “ташқи” муҳитга йўналган ходимлар қандай вазифани бажарадилар?
7. Фикрлаш услугига кўра ходимлар қандай ролларга ажратиладилар?
8. Ташқи мотивация ва ички мотивация нима?
9. Гурухий нормалар нима?
10. Бирламчи ва иккиласмчи гурухлар қандай гурухлар?

Мавзуга оид адабиётлар

1. Бандурка А. М., Бочарова С. П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999.
2. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, ҳалқ таълими соғлиқни сақлаш, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
3. Каримова В., Ҳайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. ўқув қўлланма. Т. 2008. 208 б.
4. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006.
5. Махмудов Р.М., Бекназаров А.А. Ички ишлар идоралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси Олий академик курслари учун дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 284 б.
6. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М., 2003.
7. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010.

V боб. БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

5.1.Шахсий мотивациялаш услублари.

Ходимлар мотивациясини бошқариш мавзуси юзасидан ўтказилган таҳлил ўзгаларни мотивациялаш масаласига бағишиланды. Аммо, бошқарув психологиясида ўз-ўзини мотивациялаш деган ибора ҳам борки, у кўпроқ ўз фаолиятини янада такомиллаштириш устида ишлаётган турли бўғин раҳбар ва ходимларга тегишли. Раҳбар фаолиятида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, қачонки у бирон мансабни эгаллаб аста-секин ишга қизиқишини йўқота бошлайди, ҳатто лавозимига ҳам совуқконлик билан қараб, уни сақлаб қолиш учун курашмайди. Бу ҳолатнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Қуйида шу сабаблардан бир нечтаси санаб ўтилади ва шу ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш юзасидан тавсиялар берилади.

Раҳбарнинг ўз ишига қизиқиши сўнишининг сабабларидан бири – бир лавозимда узоқ вақт қолиб кетишидир. Раҳбарда меҳнат мотивациясини сусайтирувчи омиллардан яна бири унинг саломатлиги, аниқроғи турли касалликларга дучор бўлишидир. Оилавий муҳитдаги инқизозли ҳолатлар ҳам раҳбарни асосий ишидан чалғитади ва меҳнатга бўлган шиҷоатини сусайтиради. Меҳнат жамоаси аъзоларининг раҳбарга қарши туришлари гуруҳни бошқаришдан кўнгил совушига олиб келади.

Санаб ўтилган омиллар (албатта, бу қаторни янада давом эттириш мумкин эди) таъсирига берилмаслик кўп жиҳатдан раҳбарнинг ўзини бошқариш қобилиятига боғлиқ ва психологияк моҳиятга эга баъзи бир тадбирларни кўллаш асосида инсон ўз-ўзини мотивациялаб, меҳнат фаолиятига бўлган шиҷоатини янада кучайтириб туриши мумкин.

Ташкилотдаги ходимлар ва раҳбар мотивациясини таъминлаб туришнинг асосий шартлари жамоадаги меҳнатни ташкил этиш масалаларига келиб тақалади. Ташкилотда тўғри йўлга қўйилган кадрлар сиёсати қатор соҳаларни ҳисобга олиши лозимки, бу йўналишдаги фаоллик нафақат ташқи мотивация, балки раҳбарнинг ўз-ўзини мотивациялаш омилидир. Булар қаторига олимлар қўйидагиларни киритадилар:

1) Ходимларнинг бир лавозимда ишлаётганлигини мунтазам текшириб бориш ва ходимни таҳминан 5-7 йилларда лавозимда ўзгартириш (бу эса албатта бир пофона юқорига кутаришгина эмас, балки шу лавозимга яқин, яъни ўхшаш бўлимлар ёки касблар бўйича горизонтал йўналишдаги ўзгартиришларни ҳам назарда тутади).

2) Иш мазмуни ва унинг доирасини янада кенгайтириб бориш.

3) Ташкилот тизимини фаоллик билан режалаштириш, мақсадларни янада аниқлаб бориш ҳамда ташкилий тадбирларнинг турли-туманлигини таъминлаш

4) Ташкилот миқёсидаги таълим, малака ошириш, ижодий ёндошув кадриятларини фаоллаштириш.

5) Ташкилотдаги ўзаро муносабатларнинг янги шакларини яратиш ва татбиқ этиш (масалан, раҳбарнинг ходим билан сұхбати, маъмурият ва ходимлар ўртасидаги норасмий мулоқотни кўпайтириш, ходимларнинг иш

жойларига тез-тез ташриф буюриш ва шу учрашув вақтида улар билан мулокотда бўлиш, ташкилий масалаларда демократик тамойилларга таяниш ва шу кабилар). Ташкилот ҳаётига шундай ранг-барангликни қўшиш ниятида бўлган раҳбарнинг ўзи доимо ўзини-ўзи мотивация қилиб боради. Шунинг учун бу тавсиялар нафақат ходимлар, балки раҳбар манфаатида ҳам ишлайди.

Ўз-ўзини мотивациялашнинг асосий услубларидан яна бири – иложи борича ўз руҳий қийинчиликлари сабабини таҳлил қилишдир. Олимларнинг аниқлашича, инсоннинг касб доирасида ривожланиши унинг ёши ўтиши билан алоҳида хусусиятларни тақозо қиласкан. Хусусан, улғайиши билан инсоннинг ташкилот миқёсидаги роли ўзгариб, ривожланиб бориши табиий ҳолдир. Бунга мувофиқ, инсоннинг фаол касбий ҳаёти қуидаги ёш кўрсаткичларида тааллуқли босқичларга бўлиниши мумкин:

1) Касбий шаклланишининг бошланиши (ташкилотга кириш, унда ўз ўрнини топиш) - 20-24 ёшларда.

2) Ўзини намоён этиш, муваффақиятга эришиш, ташкилот томонилан тан олиниши – 30 ёшлар атрофида.

3) Юксак касбий маҳораттга этишиш, ўз қобилиятларини янада кенгроқ доирага татбиқ этиш, ташкилотда эгаллаб турган ҳолатини янада мустаҳкамлаш – тахминан 35-40 ёшлар.

– Ўз ютуқларини, бажарган ишларининг аҳамиятини қайта баҳолаш, ҳаёт йўлини тўғри танлаганми ёки йўқми ҳақидаги шубҳаларни таҳлил этиш – 40-50 ёшлар оралиғида.

4) Моҳирлик босқичи. Бунда юқори малакали мутахассис диққат-эътиборини ҳамкасаба ходимларига ёрдам беришга қаратади, ўз ташкилоти равнақи ҳақида қайғурди, бошқарув маҳоратларини намойиш этади – 50 ёшдан сўнг ва нафақага жўнагунча давом этади.

Бундай тартибни баён этишдан асосий мақсад шуки, кўрсатилган босқичлар алмашиши даврида инсон ўз ҳаётида юзага келаётган ўзгаришлар туфайли маълум қийинчиликларни бошидан кечиради. Янги даврга ўтиш бир томондан табиий ривожланиш натижаси бўлса, иккинчи томондан янги ва номаълум вазиятда фаолият олиб бориши ҳамдир. Шунинг учун, бир босқичдан иккинчисига ўтиш инқирозли бўлишини билишнинг ўзи мана шундай вазиятларга тетик қарашни, бу қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини англашга ёрдам беради ва инқирозли оралиқдан анча ишон билан енгиб ўтишни таъминлайди. Ушбу таъкид шундай вазият ўз-ўзидан ўтиб кетишини кутиб, қўл қовуштириб утириш керак дегани эмас, албатта. Инқирозли ҳолларга тушиш эҳтимолини камайтириш учун ходим қуидаги ориентирлар билан фаолият олиб бориши тавсия этилади:

1. *Бугунги куннинг ташвиши билан эмас, балки аниқ мақсадга интилиб яшанди.*

2. *Ҳаётга ва меҳнатга бўлган интилишига оид масъулликни ўз бўйнингизга олинг.* Сиздан бошқа ҳеч ким тақдирингиз учун масъул бўлолмайди. Психологияда «ўзгалар ёрдамига мухтоҷликнинг» ҳаёт давомида орттирилган ҳолати аниқланган бўлиб, у инсоннинг бошқалардан ёрдам кутиб яшшида, ўз кучи ва имкониятига етарли даражада ишонмаслигига ифодаланди. Иложи

борича бу ҳолатдан кочишга ва ҳаётингизнинг барча жабҳалари бўйича фаол бўлиш учун масъулиятни ўзингизга олинг.

3. Шуни ёдда тутингки, инсонлар ва ташкилотлар айнан қийинчилик даврида ривожланади. Қийинчиликлар ва инқироз эски услуга ишламаётганлиги белгиси бўлиб, эскича ҳаёт тарзини ўзгартириш, ундан воз кечиш заруратидир. Мавжуд қийинчилик ва омадсизликларга шу йўсинда қараш имкониятимизни яна жонлантиришни, янги йўллар излаб ютуқ сари интилишимизни тақозо этади.

4. *Меҳнатга бўлган мотивациямиз – ҳаётга бўлган мотивациямизнинг бир қисмидир холос.* Бундай таъриф меҳнатга бўлган муносабатимизни ўзгартириш учун янада янги имкониятлар беради. Ҳаётимизга, дам олиш соҳамизга янгилик киритиш меҳнатга оид мотивациямизга ҳам янгилик олиб киради, уни янада ранг-баранг қиласи ва демак унинг ҳаётчанлигини таъминлайди.

Қайд этилган фикрлар ва тадбирлар ҳар бир раҳбар ва ҳатто ходимда учраши мумкин бўлган инқирозли даврларга хос мотивация сусайишини қайта жонлантириш, меҳнатга янги шижаат билан киришишни таъминлайдиган ҳолатлардир.

5.2.Мажлислар ўтказиш технологияси

Иш юзасидан ўтадиган учрашувлар, йиғилиш ва мажлислар бошқарувдаги муаммоларни асосий ҳал этиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай йиғилишларда нафақат ишга алоқадор масалалар, балки ходимлар муносабатлари психологиясига оид вазифалар ҳам ҳал этилади. Масалан, йиғилиш олиб борар экан раҳбар ўзининг автократлик ёки демократик тамойилларга мойиллигини намойиш этади, ходимлар орасида ишончлиларни ажратиш ва уларга қўшимча масъулият юклаш тадбирларини амалга оширади. Бу эса ташкилот ичидаги йиғилишлар кўпқирралилигидан ва уларни амалга оширишда моҳирлик талаб этишидан далолатдир.

Раҳбар иш вақтининг 70 %ини йиғилишларда ўтказади. Афсуски, бундай йиғилишларнинг кўпчилиги самарасиз бўлиб ва бунинг сабаби мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш пайтида ташкилий ҳамда психологик хатоларга йўл кўйилишидир.

Бошқарув назариясида уч хил йиғилишлар фарқланади:

1. Маълумот тўплашга қаратилган сұхбат. Бу тадбир ходимлардан ҳисбот йиғиши учунгина ўтказилади. Бундай тарздаги ҳисбот ёзма матндан кўра афзалроқ бўлиб, раҳбар хоҳлаган вақтида аниқлаштирувчи саволлар бериши мумкин. Бошқа афзаллик шундан иборатки, ҳисбот бераётган ходимни тинглаш орқали, бошқалар ташкилотдаги умумий ахвол ҳақида тўла тасаввурга эга бўла бошлайдилар.

2. Қарор қабул қилиш мақсадидаги йиғилиш. Бунда маълум муаммо юзасидан турли бўлим мутахассисларининг фикрларини бир нуқтага тўплаш орқали баҳс уюштирилади ва қарор қабул қилинади.

3. Ижодий гуруҳ йиғилиши. Бунда янги ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида фикр аламашиналиди.

Иш юзасидан бўладиган йиғилишлар самарали услуб бўлиб, уларда ташкилот хаётига оид муҳим бошқарув қарорлари қабул қилинади ва уларни ижро этиш имкониятлари таҳлил этади. Йиғилишлар самарадорлиги асосан корхона бошқарувига оид маълумотлар ишлаб чиқиш ҳажми билан ўлчанади. Шартли равишда шундай дейин мумкин – йиғилишга қадар мавжуд бўлган маълумотларни мажлис сўнгига тўпланган маълумотларга нисбати бажарилган ишнинг самарасини ифодалайди. Агар ушбу нисбати бирга тенг бўлса, бу йиғилиш бефойда, бекорга вақт ўтган ва иш учун хеч нарса бермаган ҳисобланади. Йиғилиш шу пайтда ўз вазифасини бажарган ҳисобланадики, қачонки унда ҳал этилмаган ишларга оид муаммолар кўрилса ва бир киши уddyalay олмайдиган масалалар устида мутахассислар гурухи бош қотирсалар.

Иш юзасидан ўтадиган йиғилишда қатнашувчилар аниқ бирон масала юзасидан тўпланиши, улар муҳокамадаги масала бўйича мутахассис бўлишлари лозим. Иш юзасидан бўладиган йиғилишда масала юзасидан малакага эга бўлмаган иштирокчиларнинг қатнашишлари маслаҳат берилмайди, чунки уларнинг фикрини эшитиш ва муҳокама этишга сарфланадиган вақт гурух фаолиятини бесамара этади. Йиғилишга тайёргарлик одатда қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, маълумотларни қисқа баённома ва диаграммалар тарзида яратиш билан тугалланади. Муаммо ечимининг мавжуд ечимлари тахмин тарзида ишлаб чиқилади. Одатда йиғилиш раҳбар ёки ёрдамчиларидан бирининг маъруzasидан бошланади. Бу маърузада муҳокама этилажак масала бўйича ҳамма маълумотлар иложи борича аниқ ва лўнда баён этилиши, агар масалада ноаниқликлар бўлса бунга иштирокчиларнинг диққатини жалб этиш ва уларни ҳал этиш йўллари ифодаланиши лозим. Йиғилиш олиб борувчи гурух фикрини муҳокама этилаётган масала доирасида ушлаб туриши, аниқлаштирувчи саволлар бериши лозим. Лидер, айниқса, жамоада ахлоқ нормалари сақланишига эътибор бериши ва малакали мутахассислар шаънига бирон ножӯя гап тегиб кетмаслигига эътибор бериши тавсия этилади. Йиғилишлар орқали бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий гарови гурӯҳдаги ижодийлик руҳи бўлиб, бу омилни кучайтиришнинг асосий услулларидан бири жамоадаги мавжуд эркинлик ва сиқувнинг йўқлигидир.

Иш юзасидан ўтадиган йиғилишлар бошқарув муносабатлари сингари демократик ёки автократик тарзда бўлиши мумкин. Йиғилишнинг демократик шакли раҳбарнинг касбий ва психологик маҳорати ходимларнидан устун бўлган ҳолатда намоён бўлади. Айнан шундай ҳхолатда раҳбар ходимлари билан юзага келадиган мунозарани мутахассис ва тан олинган раҳбар сифатида олиб бориши мумкин. Автократик шаклдаги йиғилишда ҳамма нарсани раҳбарнинг ўзи ҳал этади. Бундай тарзда ўтувчи йиғилишда ходимлардан етарли даражадаги маълумотларни олиш қийин ва гурӯхнинг фаоллиги якка раҳбарнинг ташабbusи орқали ифодаланади, натижада охирги қарор учун масъулият ҳам унинг зиммасига юкланди. Автократлик гурӯхни фаоллаштирувчи услублар тоифасига кирмайди. Йиғилиш сўнгидаги энг муҳим натижада бошқарув қарорлари ва уларни амалга ошириш юзасидан янги фикрларга эга бўлишdir. Лекин янги ғоя доимо эскисини инкор этишdir, бундай вазият эса ўз навбатида танқидий фикрларни келтириб чиқариши

мумкин. Шунинг учун раҳбарнинг вазифаси гурух олдига қўйилган мақсадга мувофиқ равища гурухий муҳитни бошқариш, вазиятни кескинлаштирмай мақсад сари йўналтиришdir. Кескин вазиятда, қарама-қарши фикрлар муҳитида қабул қилинган қарор унинг ижросини ҳам қийинлаштиради. ўринсиз фикрларни мулойим ва адоват уйғотмай рад этиш қарор ижросида томонларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш учун замин яратади.

Бошқарув қарорлари билан боғлиқ йиғилишларни яна бир тоифаси гурух ёрдамида ишлаб чиқилган ёки мавжуд қарорни амалга оширишда ягона ёндошувни ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Бошқарув қарорларини амалга оширишнинг бу босқичида дастлаб қарама-қарши фикрга эга бўлган томонларни мақсад сари ҳамкорликда ишлашини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Раҳбар қарор ижросини гуруҳга муҳокама учун тақдим этар экан, қарорни амалга ошириш бўйича вазифалар тақсимотини иложи борича гуруҳ аъзолари ташабbusi орқали амалга оширишга интилиши лозим. Ижро самарадорлигининг асосий гарови ташабbus kим томонида бўлишидадир. Раҳбар томонидан тайинланган ижронинг кафолати доимий раҳбар назорати орқали таъминланади. Агар ташабbus ходимдан чиқса ва ўзи шахсан вазифа ижросини қабул қилса, демак масъулият ҳам ходим бўйнида бўлади. Йиғилишни айнан шу йўсинда олиб бориш ва ходимларнинг масъулиятни ўзлари қабул қилишлари шароитини яратиш раҳбар олдида турган асосий вазифадир. Албатта, бу каби йиғилишларни олиб бориш ва бошқариш раҳбардан маълум психологияларидаги асосий талаблардан бири - ҳар бир тақсимланаётган вазифани конкрет ижрочи билан боғлаш ва бу мажбуриятларни коғозда қайд этишdir. Бу мақсадда флип-чат ёки пластикли доскалар қўл келади. Бу қайдларда ижрочи, у қабул қилган вазифа, ижро муддати ва қандай натижага олиниши кўрсатилиши лозим. Агар ижро бир неча киши иштирокида амалга оширилса ҳамкорликда бўладиган ходим ва бўлимларнинг номлари ҳам белгилаб ўтилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тадбир нафақат қарор ижросини, балки унинг назоратини ва зарур бўлган пайтда керакли ўзгартиришлар киритиш тадбирларини ҳам енгиллаштиради.

Қарорни ижро этиш бўйича мониторинг йиғилишларини мунтазам ўтказибю бориш, тақдирлаш ва хатоларни бартараф этиш бўйича хулосалар чиқариш жуда муҳимдир.

Натижага эришиш йулидаги йиғилишлар асосий жиҳатларидан бири иштирокчиларни қай тарзда таклиф этишdir. Мухим қарор ишлаб чиқишга қаратилган йиғилишга иштирокчиларни раҳбар котиба орқали телефонда таклиф этмаслиги лозим. Бундай йиғилишларга хат ёки маҳсус тарзда тайёрланган ёзма таклифнома орқали хабар берилгани маъқул.

5.3. Вақтни бошқариш

Иш жараёнида аксарият ҳолдаги муваффақиятлар бирон ишни тўғри бажариш эвазига эмас, балки шу ишни ўз вақтида бажариш оқибатида

эришилади. Шунинг учун вақтдан оқилона фойдаланиш – касбий ва иш соҳаларидаги муваффақиятнинг асосий омилидир.

Албатта, вақт кайтариб булмас бойлик ва уни узайтириб ҳам бўлмайди. Шунинг учун инсон ихтиёридаги ягона имконият вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишдир. Замонавий раҳбар учун энг муаммоли масалалардан бири вақтни етказа олишдир. «қани энди суткада 24 эмасу, 34 соат бўлса» деган раҳбарлар кам эмас. Вақтдан унумли фойдаланиш йўлида бир нечта ташкилий услублар бўлиб, уларга риоя қилиш вақтимизни тежашга ва маълум вақт оралиғида олдингига нисбатан кўпроқ иш бажаришга эришиш имконини беради. Бундан ташқари, катор психологик омиллар ҳам борки, уларни ҳисобга олиш ва балки улар устида ишлаш вақтдан унумли фойдаланиш учун асос яратади.

Шундай қилиб, вақтдан унумли фойдаланиш масаласини мухокама этишда икки асосий жиҳатни – ташкилий ва психологик томонларни таҳлил этиш мумкин.

Ташкилий томонлар деганда бажарилаётган ишни режалаштириш, саралаш, ҳисобга олиш каби тадбирлар назарда тутилади. Иш кунини унумли ташкил этишдаги биринчи қадам мавжуд вақтни етарли эмаслиги сабабларини аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун бир қоғоз олиб унга устун тарзида вақтингиз танқислиги сабабларини ёзиб чиқинг. Бу сабаблар ниманинг оқибати эканлигини таҳлил этинг. Бу сабабларни келтириб чиқарувчи муаммоларни ҳал этиш йўлларини изланг.

Вақтни тўғри тақсимлашдаги энг асосий масалалардан бири кундалик вазифаларни тўғри тақсимлашдир. Раҳбар ўз ихтиёридаги вазифаларни турли белгилар ва усулларга кўра тақсимлаши мумкин. Булар ичида энг самаралиси, бажарилиши лозим бўлган вазифанинг аҳамият ва тезкорлик мезонлари бўйича тақсимлашдир. Мазкур услугга биноан ташкилот раҳбари ихтиёрида бўлган вазифалар қўйидаги 4 катакка жойлаштирилади.

7-жадвал

Вақт ва бажарилаётган ишга нисбатан вазифалар таснифи

Аҳамиятли ва тезда бажарилиши лозим бўлган вазифалар	Аҳамиятли ва тезда бажарилиши шарт бўлмаган вазифалар
Кундалик ишлаб чиқаришда юзага келадиган муаммолар бўлиб, улар тезда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар тезда ҳал этилмаса ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолади.	Ташкилотнинг истиқболдаги режаларини белгилаш. Стратегик режалаштириш. Ташкилотнинг 5-10 ва ҳатто 15 йилдан кейинги ҳолати ва бунга ҳозирги кунда қандай қилиб тайёрланиш керак. Янги, харидорталаб маҳсулотлар яратиш устида бош қотириш
Аҳамиятсиз, лекин дарҳол ҳал этиладиган вазифалар	Аҳамиятсиз ва бажарилиши лозим бўлмаган вазифалар
Хат жўнатиш, телефонга жавоб бериш, факс қабул қилиб олиш ва х.к.	Гаплашиб ўтириш, чекиш, иш пайтида турли ўйинларга вақт ажратиш

Ташкилот миқёсида амалга ошириладиган вазифаларнинг ҳаммасини шу тўрт катақка жойлаштириш мумкин. Энди, ушбу катақда кўрсатилган таърифларни диққат билан ўқиб чиқинг ва раҳбар сифатида қайси катақдаги ишлар билан кўпроқ шуғуланишингизни айтинг. Бошқарув соҳасидаги етакчи мутахассислар фикрича, ушбу катаклардаги вазифалар тақсимоти раҳбар лавозимига қараб қўйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин: Биринчи катақ корхона менежери лавозимида ишловчи ходим масъулиятидан келиб чиқиб бажариладиган вазифалар. Албатта, бошқарув тажрибамизга эндинга кириб келаётган менежер сўзи бизда мавжуд бўлим бошликлари, участка бошликлари каби лавозимларда ишловчи мутахассисликларга мос келади. Шу жиҳатдан олганда, менежер ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи ходимдир.

Иккинчи катақ ташкилот раҳбари зиммасига юклатиладиган вазифалар мажмуидир. Раҳбар ўзининг асосий эътиборини стратегик режалар қуришга, истиқболда ташкилотни кутаётган мақсадларни танлаш устида бош қотириши лозим. Тўғри, ҳозирги замон ўтиш даврига хос иқтисодиётимиз ўзининг кўп жиҳатлари билан раҳбар масъулияти доирасидаги ушбу таърифларга мос келмаслиги мумкин. Лекин, раҳбар иложи борича кундалик тезкор вазифаларни ўзидан озод этиши ва иложи борича эртанги кун ҳақида қайғуриши унинг лавозимига қўйилувчи талабдир.

Юқорида келтирилган вазифалар тақсимотига биноан учинчи катақка хос бўлган вазифалар доимо раҳбар ёрдамчиси ва котиба орқали бажарилиши лозим. Раҳбар бу каби ишларга вақт сарфлаши мутлақо ўринсиз. Ва ниҳоят, тўртинчи катақ нафақат раҳбар, балки ташкилот ходимларининг қанчалик иш билан бандлиги, вақтини беҳуда сарфлаётгани кўрсаткичи бўлиши мумкин. Демак, ҳар бир раҳбар ўз вақтидан унумли фойдаланиши учун ўз ваколати ва зиммасидаги масъулиятдан келиб чиқсан ҳолда вазифаларни саралаб олиши, ўз мавқеи учун аҳамиятли ва аҳамиятсиз ишларни бир-биридан ажратиб олиши лозим.

Кейинги ташкилий имкониятлардан яна бири – бажарилиши лозим бўлган вазифани иложи борича ёрдамчилар зиммасига ўтказишидир. Раҳбар бажараётган ишнинг доимо шундай қисми мавжудки, уни бевосита раҳбарнинг ўзи бажариши шарт эмас. Мавжуд ишни таркибий қисмларга бўлиш ва уларни бажариш ваколатини ходимларга ўтказиш раҳбар вақтини тежашдаги асосий услуллардан бири. Ҳатто раҳбар баъзида ўзига «Шу ишни бажаришим шартми, бажармасам нима бўлади?» деган саволни бериб туриши ҳам иккинчи даражали ишларни асосийларидан ажратиб олиш имконини беради.

Бошқарув функцияларини тақсимлай олмаслик, раҳбарнинг ўз ваколатлари маълум қисмини қўл остидагиларга топшира олмаслик ходимларга ишонмаслик белгисидир ва бундай ҳолат жамоада салбий муҳит шаклланишига олиб келади.


Чет эл бизнес бошқарувига оид адабиётларда кўрсатилишича истиқболдаги мақсадларга йўналганлик ташкилотнинг турли бўғин раҳбарларида қўйидагича тақсимланиши лозим экан: масалан, корпорация

бошқаруви раиси 20 йил олдинга қараб ташкилот ишини режалаштируса, бошқарув аъзолари 12-15 йиллик истиқболни кўра олишлари керак ва бирон соҳа йўналишидаги раҳбар, яъни менежерлар эса 7 йиллик истиқболни прогноз қилишлари лозим.

Социологик тадқиқотлар натижаларига кўра менежернинг иш вақти тақсимоти қўйидаги тартибга тўғри келар экан:

- Ишдаги одатий ва кунда қайтарилиб турадиган муаммоларни ечишга 80% вақт кетади ва бу сарфланган вақт 20 % муваффақиятни келтиради.
- Муҳим ва стратегик муаммоларни ҳал этишга 20 % вақт кетади, лекин бу меҳнат эвазига корхонанинг 80% муваффақиятига эришилади.

Шундай таърифдан келиб чиқсан холда ташкилот турли бўғинлари раҳбарларига хос бўлган вақт ажратиш шаклини қўйидагича тасвирлаш мумкин:



16-расм. Ташкилотдаги вазифаларни бошқариш ва бажаришга сарфланадиган вақтнинг турли бўғин раҳбарлари орасида тақсимланиши

Раҳбарнинг вақтни бошқариши муаммони малакали тарзда аниқлай олиш, мақсад ва вазифани тўғри белгилаш, ходимлар ўртасида ишни тақсимлай олиш қобилиятларига асосланади.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар кўпроқ технологик мазмунга эга бўлиб, вақт этишмаслигининг психологик сабаблари хам мавжуд. Кўйида санаб ўтиладиган шахс психологик муаммоларини малакали ҳал этиш орқали раҳбар ўз вақтидан янада унумли фойдаланишда қўшимча имкониятларга эга бўлиши мумкин:

1. Доимий шошилиш. Шошилинч ҳолатдаги кимса бирон масала устида тўхтаб, батафсил мулоҳаза юритолмайди, манзур қарор қабул қила олмайди ва кўп ҳолларда учраганидек, ушбу масалага яна ва яна қайтиш зарурати туғилади.
2. Чарчаш. Доимий шошилинч шароитида узок вақт ишлаш натижасида юзага келадиган ҳолат.
3. Ҳаддан ташқари кўп вазифаларни ўз зиммасига олиш.
4. Пала-партишлик. Ишни ёмон ташкил этиш, режалаштираслик натижасидир. Баъзи ҳолларда инсон ўз ҳиссиётини бошқара олмаслик оқибатида хам намоён бўлади.
5. Доимо уйга иш олиш. Жисмоний ва руҳий чарчоқ пайдо бўлиши ва

натижада иш вақтида меҳнат қилиш қобилиягининг сусайишида намоён бўлади.

6. Ишни режалаштирумаслик. Кўп ҳолларда бу хислат алоҳида шахс эмас, балки у ишлайдиган ташкилот муаммоси ҳамдир.

7. Меҳнат қилишга бўлган мотивациянинг сустлиги. Бу омил иш унумдорлигининг пастлигига ва натижада меъёрдаги вазифаларни вақтида бажара олмасликка сабаб бўлади.

8. Ирода сустлиги. Диққатни жамлай олмасликда, бекарорликда намоён бўлади. қарор қабул қилишнинг қийинлиги унинг ижросини ҳам орқага чўзиб юборади.

9. Ишни бажаришда касбий моҳирлик – профессионализмнинг этишмаслиги. Вақтдан унумли фойдаланишга салбий таъсир этувчи шундай омиллар ҳам борки, улар кўпроқ ижтимоий -психологик мазмун касб этади:

- Жамоада ижобий ўзаро муносабатларни сақлаш ва ривожлантиришга вазифадан кўра кўпроқ эътибор берилади;
- Ҳамкорликдан кўра мусобақа/қарама-қарши туриш сиёсати устунроқ туради;
- Вазифани муваффақиятли ҳал этишга ишончнинг йўқлиги ёки камлиги;
- Вазиятни қандай ҳал этиш ҳакида бировнинг кўрсатмасини тазиқ остида қабул қилиш;
- Вазифани қандай ҳал этиш бўйича раҳбарликнинг, йўриқноманинг шаклланмаганлиги.

Демақ, вақтни тўғри тақсимлаш ва ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш инсондан маълум психологик билимларни билишни талаб қилиш билан бирга ушбу муаммолар бўйича шахснинг ўз устида мунтазам иш олиб бориши орқали ҳал этиш имкониятини беради. Юқорида таклиф этилганидек, қоғоз ва қалам олиб қайси муаммолар туфайли вақт йўқолиши сабабларини аниқланг ва шу сабабни бартараф этиш бўйича янги хулқ шаклларини ўзингизда ривожлантиринг. Бу тадбирни амалга оширишда кичик бир психологик машқ таклиф этишимиз мумкин. У ёки бу тадбирга киришар экансиз, масалан, тез қарор қабул қилмоқчисиз ва қабул қилинган қарорга бошка қайтмоқчи эмассиз. ҳаётингизда ишончли ва тез қарор қабул қилган бирон вазиятни эсланг. Шу вазиятни эслаш орқали ўша пайтдаги ҳолатни қайта пайдо қилишга ҳаракат қилинг. Ишончли қарор қабул қилганингизда қандай вазиятда эдингиз, атрофингизда қандай одамлар бор эди, турган жойингизни кўз одингизга келтиринг, қандай товушлар келаётганини эсланг ва жонлантиринг. ўша вазиятдаги атроф-муҳит ва тасаввурларни максимал даражада қайта тиклаш натижасида шу вазиятга хос бўлган ҳислар яна тиклана бошлайди. Мана шу қайта тикланган ишонч ҳисси билан мавжуд муаммога қаранг ва ечим ўз-ўзидан, тез келганини ҳис этасиз.

Ушбу мавзуни якунлар эканмиз, вақтни самарали бошқариш бўйича ҳар бир раҳбар ва ходим ёдда тутиши лозим бўлган қоидаларни эслатиб ўтмоқчимиз:

1. Вақтингизни ҳақиқатан ҳам жуда муҳим вазифаларни ҳал этишга сарфланг.
2. Кунингизни режалар билан тўлдириб юборманг, белгиланган ишларингиз орасида тасодифий ва тезкор ишлар учун оралиқлар қолдиринг.
3. Муҳим (3 тагача) ва иккинчи даражали (5 тагача) ишларни режалаштиринг.
4. Кунингизни қийин, муҳим ва ёқимсизроқ ишлардан бошланг ва якуплашда оддийроқ, ёқимлироқ ишларга ўтинг.
5. Вақтни шошилтирманг. Иш вақтидан керагидан ортигини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилманг.
6. Агар вақтингиз бўлса вазифани ҳал этишга бугуноқ кириша қолинг. Муаммони тезроқ ва батафсилроқ ҳал этишга киришинг. қолган вақтни дам олиш ёки бошқа ишларни ҳал этишга сарфлайсиз.
7. Вазифани ёки унинг бир қисмини ходимларга бўлиб бериш имкониятини изланг.
8. Эски ишни тугаллаб кейин янгисига киришишинг. Янги ишни бошлар экансиз, ҳар қандай шароитда уни тугатишга ишончингиз комил бўлсин.
9. Вақтингизни оладиган ёки ўз вақтини сизнинг ҳисобингизга тежайдиган кимсалардан узоқроқ бўлинг.
10. Вақтни бошқаришга оид қобилиятларингизни таҳлил қилишга ўрганинг.
11. Вақтнинг ҳатто энг кичик бўлакларини ҳам тежанг.
12. Ўзингизни «ҳаракатсизликда» айблайверманг. Раҳбар фаолиятида ижодий танаффуслар бўлиб туриши керак.

5.4.Бошқарувда назоратни такомиллаштириш

Бошқарув жараёнида назорат энг асосий вазифалардан бири саналади.

Бошқарув фаолиятини тазоратсиз ташкил этиб бўлмайди.

Назоратнинг икки усули фарқланади:

1. Сифатни назорат этиш
2. Ходимларни назорат этиш

Сифатни назорат этиши:

Бундай ёндошувда марказий ўринда бажарилаётган меҳнат ва чиқарилаётган маҳсулот туради

Ходимлар бажарилаётган иш маълум сифатда адо этилишига кафолат бўлиб хизмат қиласидилар.

Ходимларни назорат этиши:

Бундай ёндошувда марказий ўринда ходим туради.

Раҳбар ҳамма ходимлар иложи борича яхши шароитда меҳнат қилишларига эътибор қаратади. Ходимларнинг эҳтиёжларини иложи борича қондириш қилинаётган иш яхши сифатларда бажарилиши учун асос бўлади.

Бошқарув ўз ичига қўйидагиларни олади:

1. Мақсадларни билиш
2. Ўзингиз нимага эришмоқчи эканлигингиз ва ходимларингиздан нимани

кутаётганлигингиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш

3. Ташкилотингиз фаолияти қаерга йўналяпти?

Бу саволга аниқ жавобга эга бўлмай инсонларни бошқариш мумкин эмас.

Самарали фаолият олиб бораётган ташкилотларни кузатиш натижасида қўйидаги стандартлар аниқланди ва ҳар бир ташкилот беихтиёр буларни бажаришга интилади:

- Мижозларга яхши хизмат кўрсатиш;
- Мижозлар сонини ошириш;
- Чиқимларни камайтириш;
- Иш жойи ва атрофни тоза ва тартибли ушлаш;
- Зарур даражадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ушлаб туриш.
- Раҳбар ушбу рўйхатдан вазифаларни долзарблиги бўйича танлаб олиши ва уларни тартиб билан амалга ошириши зарур.

Инсонларни билиш

Ҳамма инсонларнинг эҳтиёжлари бир хил бўлишига қарамай, улар ҳар бир инсон учун турлича аҳамиятга эгадир. Ҳар бир инсонга тегишли эҳтиёжлар мажмуасини билиш – шу кимса қалбига йўл топиш билан баробардир.

Аттестация

Аттестация – ходимнинг меҳнат фаолияти натижалари бўйича йил якунида баҳолаш. Аттестация қўйидаги йўналишларда ўтади:

- Бажарилган меҳнатнинг сифати;
- Бажарилган меҳнатнинг иқтисодий самарадорлиги;
- Хатоларга йўл қўймаслик борасида эришилган ютуқлар;
- Вазифаларни бажариш тезлиги;
- Коғозлар билан ишлаш;
- Бошқа мутахассиларни жалб этиш ва биргаликда ишлаш;
- Гуруҳда ишлаш.

Интизом ва ахлоқ

Интизом – бу ходим ўз ихтиёрича шахсий лаҳзалик хоҳишилари ва қулагицларини гуруҳ манфаатларига бўйсундириш вазиятидан иборатdir

Ахлоқ – бу гурухий ҳолат бўлиб, нима яхши-ю, нима ёмон ҳақидаги қоидаларнинг амал қилишидир.

Коллективда яхши интизом мавжудлигини аниқлаш мезонлари:

Иш жойи:

- Озода
- Тартибли
- Хавфсиз
- Ҳар бир нарса ўз жойида туради

Ходимларнинг ташқи қўриниши:

- Қулай ва ишга мос тарзда кийинган
- Кийим иш шароити талаб қилган даражада тоза

- Ҳамма жойда хавфсиз ускуналардан фойдаланилади

Назорат ва бошқарув

- Ходимлар қоидаларга ўzlари мустақил равишда амал қиладилар
- Яхши намуна кўрсатадилар
- Ўз мустақилларни имконияти ва чегарасини ҳис этадилар
- Ташкилотни танқид қилмайдилар

Мехнатнинг ўтиши

- Яхши сифат
- Яхши миқдор кўрсаткичлари
- Чиқимлар иложи борича паст
- Тўхтаб қолиш ва йўқотишлар йўқ

Ходимларнинг ишдаги хулқи

- Вақтга риоя этиш
- Ишга мунтазам қатнаш
- Ички интизомни ривожлантириш
- Дам олиш вақтини чўзиб юбормайди
- Раҳбариятга ва ўзаро ҳурматни намойиш этади

Корхона ходимлари интизомида муаммоларни юзага келтирувчи манбаалар:

1. Раҳбар етарли бўлган обрў-эътиборга эга эмас
2. Ишга жалб этиш ва ундаш тартиблари самарали натижага, сифат ва хавфсизликка мос келмайди
3. Бошқарув аппарати яхши намуна бўла олмайди
4. Бемаъни қоидаларнинг мавжудлиги
5. Мавжуд қоидалар батафсил эълон қилинмаган ва қабул килинмаган
6. Суст бошқарув
7. Ходимлар ўз диққатларини жалб этувчи иш ҳажмига эга эмаслар
8. Янги ходимлар коллективга нотўғри олиб кирилади
9. Коллективда маданият, ахлоқ ва одоб даражаси паст ходимлар мавжуд.

Раҳбар сифатида ўз обрў-эътиборингизни қандай қилиб мустаҳкамлашингиз мумкин:

1. ***Камситилган обрў.*** Бу ҳолат ўзидан юқори мансабга эга бўлган раҳбарнинг муносабати натижасида содир бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда, юқори бўғин раҳбари ўзидан паст раҳбарни танқид қилган ҳолда унинг обрўсини ходимлар олдида қадрсизлантиради. Бундай ҳолат юзага келганда ўз раҳбарингизга Сизнинг обрўйингизни олиш билан бирга у ўз зиммасига Сизнинг ҳам маъсулиятингизни олаётганлигини мулойим тарзда етказинг. Бундай янги ва ўринсиз маъсулият унга яна қўшимча муаммолар олиб келиши мумкинлигини ҳис эта олсин.

2. Билимлар.

- Мустақил равишда ўз билим ва малакангизни ошириш билан шуғулланинг.

- Жамоа ҳаёти иеҳнат жараёни ҳақида доимо тўла маълумотга эга бўлинг.

- Янги маълумотларни доимо сўраб билиб юринг.
- Бошқарув малакаларингизни ривожлантиринг.

3. Шахсий хислатлар:

- Яхши тингловчи бўлинг, фаол тинглаш услубидлан фойдаланинг.
- Янги ёндошувни қабул қилишга тайёр бўлинг.
- Жасурлик хислатларига эга бўлинг.
- Доимо маъсулиятингизни ҳис этинг.
- Атрофдагиларда ўз шахсингиз ва малакангизга оид ишонч уйғотинг.
- Узоқни кўриб иш юритинг.
- Атрофдагиларга илтифотли бўлинг, лекин расмиятга берилманг.
- Мулоқотга молик бўлинг.
- Коллектив томонидан ҳурматга қозонишга эришинг, бунинг учун доимо жамоа манфаатлари ҳақида қайгулинг.
- Лидерга хос хислатларингизни қучайтиринг.
- Янги ғоялар ва ташабbusлар билан яшашга одатланинг.

5.5. Хоторн тадқиқотлари

1924 йилда АҚШнинг Хоторн шаҳридаги «Уэстерн электрик» компаниясига қарашли ташкилотлардан бирида Гарвард бизнес мактабининг бир гурух олимлари томонидан тадқиқотлар ўтказила бошланди. Кейинчалик бу тадқиқотларга Э.Мейо раҳбарлик қилди.

Биринчи серия тажрибалар хона ёритилганлигининг ишлаб чиқариш самарасига таъсири билан боғлиқ эди. Тажрибалар телефон аппаратлари йиғилаётган бир нечта цехларда ўтказилди. Тадқиқотчилар ишлаб чиқариш хоналаридаги ёруғлик нурини ўзгартира бошладилар. Уларнинг тахминларича хона кучлироқ ёритилиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ошиши керак эди. Лекин, тадқиқотлар натижаси ишлаб чиқариш унумдорлиги қўтарилиши ва хона ёруғлиги ўртасида тўғридан тўғри алоқа мавжуд эмаслигини кўрсатди. Тадқиқотчилар ишлаб чиқаришга таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам аниқлаш ва бартараф этиш ниятида бўлдилар.

Тадқиқот эътиборида турган учта цехдан иккита гурух тузилди ва бу гуруҳлар бир хил меҳнат натижаларига эга эдилар. Гуруҳлардан бирида хона ёруғлигини қўтардилар. Иккинчи гуруҳда эса ёруғлик аввалгидай қолаверди. Ўзаро мусобақа кайфияти уйғонмаслиги учун иккала гуруҳ турли биноларда жойлаштирилган эди. Бу сафар ишлаб чиқариш иккала гуруҳда ҳам сезиларли даражада ошди. Шунда тажриба ўтказилаётган гуруҳдаги ёруғлик сезиларли даражада камайтирилди. Лекин ишлаб чиқариш унумдорлиги иккала гуруҳда ҳам қўтарилиб бораарди. Тажриба гуруҳи хонасининг ёруғлиги ҳатто ой нурига яқинлаштирилганда ҳам нисбатан юқори даржадаги ишлаб чиқариш самардорлиги сақланиб туради.

Бундай ҳайрон қоларлик даражадаги натижалар ишлаб чиқаришга ёритишдан ҳам муҳимрок бошқа омиллар таъсир этиши ҳақида далолат

берарди. Кейинги тадқиқотлар 1927 йилдан бошлаб Э.Мейо раҳбарлигига ўтказила бошланди.

Ушбу тадқиқотни ўтказишдан мақсад ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат бўлиб, изланиш ишлари бир неча босқични ўз ичига олди. Олти аёлдан иборат янги ишчилар гуруҳи танланди. Гуруҳнинг камсонлиги ишчиларни мунтазам ва батафсил кузатиш ниятида тузилган эди. Бу меҳнат жамоасида бир неча ой мобайнида иш шароитига таъсир этувчи турли омиллар синала бошланди. Тадқиқотчилар дам олиш танаффусларини киритдилар ва маълум вакт ўтгандан кейин уларни бекор қилдилар, меҳнат кунлари ва ҳафталарни кўпайтирдилар ва камайтирдилар, маош киритишга оид қоидаларни ўзгартириб бордилар ва ҳатто ходимларни назорат қилиш шаклларини ҳам ўзгартирдилар. Киритилаётган омилларнинг қандайлигидан қатъий назар ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб борарди. Натижада тадқиқотчилар ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши сабаби турли-туман мазмундаги тадбиirlарда эмас, балки ижтимоий психологик омилларда экан, деган хulosага келдилар. Хўш, жамоа ҳаётидаги бу ўзгаришларнинг психологик негизи нимадан иборат эди, деган саволга қўйидагича жавоб олинди.

Бошқалардан ажратиб олинган ишчи-қизлар ўзларига диққат-эътибор сездилар. Улар муҳим ва қизиқарли тажрибада қатнашаётганликларини билардилар. Бу эса уларда бажараётган ишларидан фахрланиш ҳиссини уйғотди. Бундан ташқари, тажриба давомида бошқарув услуби бир мунча юмшокроқ бўлди. Гуруҳдаги қизлар танаффус даврларини ўзлари ҳал эта бошладилар, уларни маъмуриятнинг баъзи бир расмий талабларига риоя этишдан озод қилишди. Ишчи қизларнинг гуруҳ ҳаётига оид масалаларни биргалиқда муҳокама қилишлари жамоани янада ахиллаштириб ва дўстлик муҳитини шакллантириди. Шундай қилиб, тадқиқот эътибори марказида бўлган қизларнинг меҳнат мотивацияси оддий шароитдаги ишчиларнидан фарқ қиласади.

Мейо меҳнат самарадорлигининг ошишини ходимнинг бирон гуруҳга мансублигини ҳис этиши ва ўзини жамоанинг муҳим аъзоси деб ҳисоблаши билан асослади. Бу билан ижтимоий эҳтиёжларнинг қанчалик муҳимлиги яна бир бор таъкидланарди.

Ушбу воқеа мазмуни психологик бошқарув тадбири нақадар нозик ва кўпкірралигидан далолат беради. Бундай тадбир технологик жараёнлардан фарқ қилган ҳолда ўзининг кутилмаган ва бетакрор жиҳатлари билан ажралиб турари, бошқарувнинг доимо такомиллашиб ва мукаммаллашиб боришини талаб қиласади.

Таянч тушунчалар.

Касбий шаклланиш босқичлари, бошқарув назариясида уч хил ийғилишлар, вакт тақсимоти, вакт таснифи, назоратнинг икки усули, интизом, ахлоқ, аттестация, Хоторн тадқиқотлари, инқирозли ҳоллар.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Касбий шаклланишнинг ёш кўрсаткичларига кўра босқичлари нимани ифодалайди?
2. Ташкилот маданияти ва ташкилотдаги коммуникация нима?
3. Назоратнинг қандай усули фарқланади и?
4. Раҳбар ўз обрў-эътиборини қандай қилиб мустаҳкамлаши мумкин?
5. Аттестация нима?
6. Ташкилотдаги вақт тақсимоти кимга боғлиқ?
7. Хоторн тадқиқотларини мазмунни қандай?
8. Бошқарувда назоратнинг қандай усуллари мавжуд?
9. Корхона ходимлари интизомида муаммоларни юзага келтирувчи манбаалар нима?
10. Мухим вақт тақсимотида нималарга эътибор қаратилади?

Мавзуга оид адабиётлар

1. Бандурка А.
2. М., Бочарова С. П., Землянская Е. В. Основы психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999.
3. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. Олий таълим, халқ таълими соғлиқни сақлаш, ўрта маҳсус қасб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
4. Каримова В., Ҳайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. ўқув қўлланма. Т. 2008. 208 б.
5. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма/ Масъул мухаррир: А.Холбеков. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006.
6. Махмудов Р.М., Бекназаров А.А.Ички ишлар идоралари бошқарув психологияси: ИИВ Академияси Олий академик курслари учун дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 284 б.
7. Шерстнёв М. П. Психологическое управление людьми. – М.,2003.
8. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сонли Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий конун). -Т., 2000 й.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 108 б.
4. Каримов И.А. Она юргимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2015.-209 б.
5. Абдураҳмонов Қ.Ҳ. Персонални бошқарув. –Т., 2004 й. – 254 б.
6. Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. -Т., 1997 й.
7. Батаршев А.В. Психодиагностика в управлении: Практическое руководство: Учебно-практич. пособие. – М.: Дело, 2005.286 с.
8. Бендин Т.В. Психология лидерства: Учебное пособие. - СПБ.: Питер, 2009. -448 с.
9. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд./ пер с англ. –СПБ.: 2009.- 352 с.
10. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Академия. 2002. – 178 б.
11. Брайт Джим, Джонс Фиоха. Стресс. – СПб., 2003. 206 с.
12. Бункина М. И. Экономика и психология М. 1998 й. – 356 с.
13. Бьюзен Т., Доттино Т., Израэль Р. Интеллектуальный руководитель. – Минск, 2003. 220 с.
14. Годфруа Дж. Что такое психология? В 2-х т. – М., 1994. – 130 с.
15. Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т., 2010. – 182 б.
16. Грин Р. 48 законов власти. – М., 2010. – 127 с.
17. Зайнуддинов Ш.Н., Муракаев И.У. Менежмент асослари. –Т.: Молия, 2007. – 160 б.
18. Информационные технологии управления: Учеб.пособ. / Под ред. проф. Г.А.Титоренко. – 2-е изд., доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 170 с.
19. Йўлдошев М. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. – Т., 2010. 62 б.
20. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. -Т., 1998 й. – 184 б.
21. Каримова В.М. Ижтимоий психология. – Т., 2014. – 118 б.
22. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Умарова Н.Ш. Бошқарув соҳасидаги профессионал компетенция асослари: Монография. / Проф. В.М.Каримова таҳрири остида. – Т.: ТДИУ “Талаба”, 2007. -208 б.
23. Кочеткова А.И. Основы управления персоналом. – М.: ТЕИС, 2000. – 170 с.
24. Логвинов С.А., и др. Современные технологии управления персоналом: Уч.-метод. комплекс для студ. Института страхования. – М.: ФА при Правительстве РФ, каф. “ГМ и КУ”, 2004. – 124 с.

25. Маънавий фазилатлар, психологик қиёфа касбий маҳорат. – Т., 2008.
26. Майерс Д. Социальная психология. 7-изд. – СПб., 2005. – 206 с.
27. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: А.Холбеков. – Т.:ДЖҚА “Раҳбар” маркази, “YUNAKS- PRINT” МЧД, 2006. – 160 с.
28. Боймуродов. Н. Раҳбар психологияси: Олий таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 74 б.
29. Портнягина Н.Ю. Психологическая подготовка резерва Психологические аспекты подбора и проверки персонала. / Сост. Сборника. А. Литвинцева. – М., 1997. – 94 с.
30. Психология профессиональной деятельности: Лекции “в помощь преподавателю” / Под. общ. ред. А.А.Деркача. – М.: Изд-во РАГС, 2006.
31. Психология экстремальных ситуаций: Хрестоматия. – М., 2002.
32. Рамендиқ Д.М. Управленческая психология: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.
33. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб., 2006.
34. Серова Л.Г. Тесты для отбора персонала / Серия “Психологический практикум”. – Ростов н/Дону: Феникс, 2004.
35. Столяренко Л.Д. Психология управления. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2004.
36. Тошниёзов М. Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари. -Т.,1995.
37. Умаров Б.М. Мулоқот ва шахслараро муносабат психологияси. - Т., 1997. -76 б.
38. Файзуллаев А.О. Инсон, сиёсат, бошқарув. - Т., 1995.
39. Федерации. // Юридическая психология. – 2007. № 1. – С. 28–33.
40. Фрейд З. Психология бессознательного. 2-изд. – СПб., 2005.
41. Ҳадислар. – Т., 1996. 114 –б.
42. Хэрри. М. Психологии управления: Учебник. – Харьков, 1999 г.
43. Hayitov O.E. Psixodiagnostika: O'quv qo'llanma. /Prof. V.M.Karimovaning umumiy tahriri ostida. – Т.: TDIU “Talaba”, 2007.
44. Шарифхўжаев М., Ё.Абдуллаев. Менежмент. –Т.: Ўқитувчи, 2001. -89 б.
45. Шейнов В.П. Искусство управлять людьми. – М., 2010. -112 с.
46. Қосимов Ғ.М.. Менежмент. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -392 бет.
47. Қосимов,, Мўминов Н.А. Раҳбарлик қобилияти ва бошқарув малакалари. Т. 2001. -168 б.
48. Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. – Т., 2001. - 52 б.
49. Ғуломов С.С. Маркетинг асослари. –Т., 2002. -130 б.

**Шомуротова Нигорахон Набижоновна., Махмудов
Иброҳим**

БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ
Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма

“IQTISODIYOT” - 2019

*Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳих
Ходжаев И.*

Litsenziya raqami AI №M 163. 09.11.2008. Bosishga 2019-yil 18-avgustda ruxsat etildi.
Bichimi 60x84¹/₁₆. Ofset qog‘ози. Tays garniturasi. Shartli bosma tabog‘и 13,26. Nashr tabog‘и 16,65. Adadi 500 nusxa. Sharhnomalar № 88-2017. Buvurtma №756. Bahosi kelishilgan narxda.

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ислом Каримов кўчаси, 49-уй.

0000 Бошқарув психологияси: Ўқув
кўлланма. / Шомуротова Н.Н.,
Махмудов И. – Т.: IQTISODIYOT,
2019. – 179 б.

1. Шомуротова Н.Н.
2. Махмудов И.

ISBN 978-9943-5185-1-3

УЎК:0000
КБК:0000